

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**М.Ш.Шерматов, У.У.Умаров, И.И.Рахмедов**

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ**  
**(Дарслик)**

**Ташкент  
«Университет»  
2011**

Дарсликда гидрогеология фанипинг вужудга келиши, ривожланиш тарихи, бошқа фаналар билан боғлиқлиги, мамлакатимиз тараққиётида тутган ўрни, мазмуни, вазифалари; Ер ости сувларининг ҳосил бўлиш, ҳаракат қилиш, тарқалиш, Ер қобиги қатламлари бўйлаб жойлашиш қонуниятлари, таркиби, ҳосса ва хусусиятлари, режими, баланси, захираларини ўрганиш усуслари; ер ости сув кон ҳавзалари; гидрогеологик съёмка, унинг таркибига кирувчи текшириш ва кузатиш ишларининг мақсад ва вазифалари баён этилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тасаруфига кирувчи ерларни сугориш, қуритип; фойдалы қазилма кон майдонларини сув босишидан сақлани ва бошқа масаллар билан (гидротехник иншоотлар ва бошқалар) боғлиқ бўлган гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бориши усуллари тўғрисида маълумот берилган.

Дарслик олий ўқув юртларининг «Гидрогеология» мутахассислиги бўйича таҳсил олуви чалабаларига мўлжалланган. Ундан, шунингдек, магистрантлар, аспирантлар, шу соҳа ўқитувчилари ҳамда илмий-текшириш институтлари ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:** К.Н.Абдуллабеков - профессор, М.С.Миркомилова - профессор, Н.Р.Таджибаева – ЎзМУ гидрология ва инженерлик геологияси кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 51-сонли буйруғига асосан (54407000-геология) дарслик сифатида тасдиқланган.

**Маъбуд Шерматов, Умархўжа Умаров,  
Исаҳўжа Ибрагимович Раҳмедов**

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ**  
(дарслик)

**Муҳаррир С. Қурбонов**

Босилига рухсат этилди 10.10.2011 й. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Наприёт ҳисоб табоги 19,5. Шартли босма табоги 30,6. Адади 150 пусха.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 651.

“Университет” наприёти. Топкент – 100174.  
Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Маъмурий бино.

Ўзбек-Америка кўшима корхонасининг “Groteks” босмахонасида босилди.

ISBN - 978 - 9943 - 305 - 41 - 0

## СҮЗ БОШИ

Мамлакатимида кснг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Гидротехник иншоотлар – сувомборлари, тўғонлар, каналлар, саноат ва қишлоқ хўялиги обьектлари, темир ва автомобиль йўллари, санатория ва бошка турдаги дам олиш масканлари барпо этилмоқда. авлодларимиз томонидан курилиб, бизга колдирилган тарихий обидалар таъмиранланмоқда. Бу ишларни амалга оширишда мавжуд сув захираларидан. айниқса ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки ер ости сувлари, биринчидан, энг тоза сифатли ичимлик суви ҳисобланади. Иккинчидан, у қишлоқ хўялигида қўшимча сугориш манбаидир. Учинчидан, у саноатда техник мақсадларда ишлатилиди, даволаш масканларида шифобахш восита сифатида қўлланилди. Тўртинчидан, бу сув таркиби йод, бром, бор, литий ва бошка радиоактив элементларни ажратиб олишнинг асосий ҳом ашё манбаи ҳамдир. Шу билан бирга ер ости сувларидан нотўғри фойдаланиш, жумладан, иморат ва иншоотларнинг мустаҳкамлигига таъсирини тўғри баҳолайолмаслик, уларнинг бузилиб кетишигасабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, қишлоқ хўялигитасаруфидаги ер майдонларида сугориш ишларини нотўғри ташкил қилиниши оқибатида ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб кетиши ва унинг натижасида тупроқнинг иккиласи чўрланиши, сув босиши, ботқокланиши жараёнлари вужудга келиб, экинларнинг ҳосилдорлиги пасайиши мумкин.

Шунинг учун ҳам геология йўналиши бўйича тайёрланастган ёш мутахассислар: бакалавр ва магистр геологлар ер ости сувлари билан боғлик бўлган барча масалаларни ҳал этишда тегишли билимга эга бўлишлари лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу дарсликни ёзишда муаллифлар ер ости сувлари тўғрисидаги, яъни гидрогеология фани, унинг мақсад ва вазифалари, назарий ва амалий йўналишлари тўғрисидаги билимларни талабаларга тушунарли, содда тилда, уларнинг фикрлаш даражаларига мос равища баён этишга харакат қилишган ва бунга эришган. Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасаруфидаги университетларнинг геология факультетларида бакалавргеолог мутахассисларни тайёрлашда ўтиладиган гидрогеология фани бўйича ишлаб чиқилган ўкув режа ва дастури асосида тайёрланган.

Дарслик 7 кисм, 22 бобдан иборат. Унинг кириш ва 1-4 бобларида геология йўналишига кирувчи фанлар тўғрисида, гидрогеология фанининг мазмунни, вазифалари, унинг ривожланиш босқичлари, бошка фанлар билан муносабати, мамлакатимида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида, 5-7 бобларида тоғ жинслари, уларнинг таркиби хосса ва хусусиятлари, Ернинг

кобик ва қатламлари, ҳарорати тўғрисида, сув, сувнинг табиатда пайдо бўлиши, тарқалиши, айланиши. Ер сайёрасининг йиллик сув баланси, обҳаво элементлари, тоғ жинсларидан сувнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида батафсил маълумот берилган.

Китобнинг 8-17 бобларида еости сувлари, булоқлар, уларнинг турлари, ҳаракатланиш, вужудга келиши, тарқалиши ва ўзгариши конуниятлари, ўрганиш усуслари мавжуд ўкув режа ва дастури талаблари даражасида ёритилган. Айниқса, ер ости сувлари, уларни ичимлик мақсадида, қишлоқ хўжалиги, саноат ва тиббиёт соҳаларида ишлатилиши тўғрисида келтирилган маълумотлар талабаларнинг билим доирасини оширишда муҳим аҳамияти эга.

Дарсликнинг 18-21 бобларида гидрогеологик тадқиқотларни асосий турлари, тузилмаси уларни олиб бориш тамойил ва боскичлари; гидрогеологик съёмка, унинг таркибига кирувчи текшириш ва кузатиш ишлари тўғрисида фикр юритилади. Унда шунингдек, ерларни сугориш, қуритиш, нефть ва газ конлари майдонларида қидирав ишлари билан боғлиқ бўлган, саноат, гидротехник ва бошқа турдаги иншоатларни қуриш ва улардан фойдаланиш мақсадида гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бориш масалалари кўриб чиқилган. Дарслик, олиб борилган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишлари тўғрисида хисоботларни тайёрлаш услубияти ҳакидаги боб (22-боб) билан яқунланади.

Дарслик ташкилий ва амалий ҳусусиятга эга.

Дарсликда кўплаб расмлар, жадваллар, чизмалар келтирилган. Уларнинг ҳар бир боб мазмунига караб жойлаштирилганлиги, сўзсиз, материалларнинг талабалар томонидан ўрганилиши ва ўзлаштиришни снгиллаштиради.

Умуман, профессорлар М.Ш.Шерматов ва У.У.Умаров ҳамда доцент И.И.Рахмедов томонидан тайёрланган «Гидрогеология» китоби республикамида шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш мақсадида давлат тилида тайёрланган биринчи дарслик бўлиб, талабаларни ушбу фан тўғрисида ва унинг қатор тармоклари, жумладан, умумий гидрогеология, ер ости сувлари динамикаси, гидрогеокимё, палеогидрогеология, гидрогеосейсмология, казилма конлар гидрогеологияси ва бошқа фанларнинг обьекти ва вазифаларидан старлича билимга эга бўлишларида асосий манба бўлиб хизмат қиласи. Дарслик мамлакатимида геология соҳасида қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

ЎзРФА академиги,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
профессор А.Н.Султонхўжаев

## КИРИШ

Ер ости сувлари Ер массасининг катта қисмини эгаллаб, турли- туман хосса ва хусусиятларга эга бўлган, ҳар хил чуқурликларда ётувчи тоғ жинслари катламларидан ўрин олган, инсоният учун нихоятда зарур ва энг кимматли қазилма бойлик ҳисобланади.

Уларнинг ҳосил бўлиши, ер катламларида жойлашиши ва ҳаракатининг ўзига хос қонун ва қонуниятлари бор.

Ер усти сувлари каби, Ер ости сувлари ҳам суюқ, қаттиқ (муз) ва буғ ҳолатларида учрайди. Баъзида ер ости сувлари катта босим остида ер юзасига отилиб чиқади, айрим пайтларда улар маҳсус мослама-насослар ёрдамида ер устига тортиб олинади. Жумладан, Кола ярим оролида қазилган 12262 м, Озарбайжоннинг Саблинск туманидаги 8324 м ва Германиянинг Оберпфальц ҳудудидаги 9000 м чуқурликларгача қазилган бурғу қудукларининг тубида ҳам сув учрайди. Ер ости сувлари эркин ҳолда, ёки минераллар таркибида бўлишлари ҳам мумкин. Ер ости сувлари тоғ жинсларида тузларни эритиб, ўзида мужассамлангани боис, уларга «эритма», деб қаралса ҳам хато бўлмайди.

Умумлаштириб айтганда, тоғ жинсларининг дарзлик ва бўшликларида суюқ ҳолда, ўзининг оғирлик кучи таъсири остида, ҳаракат қилиш кобилиятига эга бўлган сувлар ер ости сувлари. деб аталади.

Ер остидаги бошқа ҳолатдаги сувлар – муз, буғ ва эритмаларга юқоридаги хусусиятлар хос эмас. Уларнинг ҳолати ва ҳаракати ўзгача қонуниятларга эга.

Ер ости сувлари узлуксиз ҳаракатда бўлиб, табиатда сувнинг катта ва кичик оқимлари айланман ҳаракати мавжуд. Бу ҳаракат давомида уларнинг ҳажми, микдори, физик (муз, буғ, суюқлик) ва кимёвий хусусияти ўзгариши мумкин.

Ер қобиғининг сувли қисми гидросферани ташкил қиласи. Гидросфера ер усти ва ер ости қисмларидан иборат. Ер усти гидросфераси океан, денгиз, дарё, кўл, музликлар ва атмосфера намлигидан ташкил топади. Ер ости гидросфераси жуда мураккаб, тоғ жинслари билан узвий боғланган тизимдир.

Ер қобиғи катламлардаги мавжуд сувларни гидрогеология фани ўрганади.

XIX асрнинг 80-йилларида гидрогеология – ер ости сувлари ҳақидаги таълимот, деган тушунча пайдо бўлган. Кўпгина олимлар гидрогеология ер ости гидросфераси ҳақидаги фан, деб ҳисоблаганлар.

Гидрогеология фани ўрганадиган объект ер ости гидросфераси (П.Ф.Саваренский), деган фикр ҳам мавжуд. Бу фикрни М.А.Овчинников, Е.В.Пиннекер, В.А.Всеволжскийлар ҳам кўллаб-куватлайдилар.

«Гидрогеология асослари. Умумий гидрогеология» (Е.В.Пиннекер, 1980) дарслигига: гидрогеология ер ости гидросферасининг тарихи, захиралари, таркиби ва таркибий қисмларини, уларнинг жойлашиш, тарқалиш конуниятларини, унда кечётган жараёнларни, гидросфера ва унинг элементларини бошқа ер қатламлари билан боғланганлиги, конуниятлари, уларнинг моҳияти ва инсон фаолиятининг уларга таъсирини ўрганувчи фан, деб таърифланади.

Қайси таърифни қабул қилмайлик, уларнинг барчасида гидрогеология фанининг асосий мазмуниси ростисувларини ўрганиш эканлигини билдиради. Ер ости сувларининг ҳосил бўлиши, ер қатламларида тоғ жинсларида жойланиши, кимёвий таркибининг шаклланиши, ҳаракати, атроф муҳитта таъсири, инсон эҳтиёжлари учун фойдалилиги, улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва ишлатиш каби масалалар гидрогеологиянинг энг асосий муаммолари хисобланади. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Тоғ жинслари ва ср ости сувлари бир-бири билан узвий боғланган ҳолда икки элементли бир бутун тизимни ҳосил қиласида ва геология фани тадқикот ва ўрганиш обьектининг бир қисми хисобланади. Ер ости сувларини тоғ жинсларидан ажратилган ҳолда ўрганиб бўлмайди ва бунга интилиш методологик жиҳатдан тўғри эмас.

Шунинг учун ер кобигини, ундаги тоғ жинслари қатламларини, таркибини, уларнинг ҳосил бўлиш тарихини билмай туриб, ср ости сувларини ўрганиш ҳам муаммодир. Бундан тушунарлики, гидрогеология фани геология фанининг<sup>1</sup> бир тармоғи сифатида литология, геокимё, минералогия ва геология тизимиға доир бошқа фанлар билан узлуксиз боғлиқдир (1.1-расм).

2. Ер ости ва ср усти гидросфераси бир-бири билан боғлиқ бўлганлиги натижасида, улар орасида энергия ва модда алмашуви шиддатли жараёни мавжуд. Ўз навбатида, ер усти гидросферасининг атмосфера билан боғлиқлиги гидрогеология фанининг гидрометерология, куруқлик гидрологияси каби фанлар билан боғлиқлигини такозо этади.

3. Ер ости сувлари (суюклик ва буғ ҳолда) доимий фаол ҳаракатда. Инсон ер ости сувларидан фойдаланар экан, уларнинг ҳаракатидаги

<sup>1</sup> “Геология” сўзи грекча гео-ер, логос-фан ёки ер тўғрисидаги фан демакдир.

Геология фани, биринчидан, ер қатламлари таркибини, ҳосса ва хусусиятлари, иккинчидан, ернинг ички ва устки қисмидаги вужудга келадиган ва содир бўладиган ходиса ва жараёнлар содир бўлиши қонуниятларини ҳамда ер қобигини ташкил килувчи тоғ жинс қатламларини, уларнинг ётиш ҳолатларини, ётқизилиш шароити, қалинликларини, шу қатламларда учрайдиган хайвон, ўсмиллик қолдикларини таҳлил килиб ўрганиш, хулосалар чиқариш натижасида ана шу тоғ жинс қатламлари ёшини аниқлаш, шу билан бирга ер Куррасининг у ёки бу қисмидагиз ва куруқликнинг ўрин алмашиш вақтларининг сабабларини, учинчидан, ер қобиги қатламларини ва ана шу қатламлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган ер ости бойликларидан инсон мағнфатлари учун фойдаланиш йўлларини ўрганади.

микдорий (хажмий) ва сифат кўрсаткичларини ўрганиши ва аниқлаши шарт. Лекин, бу кўрсатгичларни (хажми, тезлиги, чучук ёки шўрланганлиги, хиди, тинклиги) кўз билан кўриб, кўл билан ўлчаб бўлмайди. Шунинг учун бу жараёнда математик, геофизик ва кимёвий услублардан фойдаланилади. Шу жиҳатдан гидрогеология фани гидравлика, туташ мухитлар механикаси, термодинамика, хисоблаш математикаси фанлари билан ҳам боғлиқдир.

4. Ер ости сувлари тоза  $H_2O$  молекула заррачаларидан ташкил топган эмас. Сувнинг таркибида тоғ жинсларидаги мавжуд минерал бирикмалари, тузлар, органик моддалар ва газлар бўлиши мумкин. Улар баъзан эриган, коллоид ҳолларда учрайди. Демак, ер ости сувлари – ҳар 1 литрида 0 дан бирнечча 100 граммгача ҳар хил минерал тузлар бирикмалари учрайдиган мураккаб табиий эритмадир. Бу тузлар сувни шифобахш ёки заҳарли қилиши, инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолга олиб келиши ҳам мумкин. Сувнинг кимёвий таркиби ва сифати кимё, биокимё, микробиология каби фанлар ёрдамида аниқланади.

5. Ер ости сувларидан жуда кўп соҳаларда фойдаланилади:

а. Бер ости сувлари инсон хаёти учун энг зарур ва кимматли казилма несъмат бўлиб, бошқа қазилма бойликлардан (нефть, газ ва бошқалар) фарқли ўлароқ, унинг захиралари қайта тикланиш хусусиятига эга. Масалан, кудуқдаги сувни тежаб ишлатилса тугамайди, сув олингач, у яна окиб келаверади. Чучук ер ости сувлари ичимлик суви таъминотида, саноатни сув билан таъминлашда, минерал сувлар соғлиқни саклашда, иссиқ сувлар иссиқхона ва турар жойларни иситишда ишлатилади;

б. Суғориладиган срларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрхок срларни ювмай, ҳосилдорликни ошириш тадбирларини ишлаб чиқмай, ер ости сувларининг ҳолатини ўрганмай туриб амалга ошириб бўлмайди;

в. Баъзи казилма бойликлар (нефть ва газ) учун қидирув ишлари олиб борилаётганда ер ости сувлари ҳолати, албатта, ўрганилади;

г. Гидротехник (сув омборлари, каналлар) энергетик (ГЭС), саноат курилишларини лойиҳалашда, уларни, албатта, гидрогеологик нуқтai назардан асослаш талаб қилинади;

д. Табиат, атроф-мухит ва сув манбаларини муҳофаза қилиш тадбирлари гидрогеологик тадқиқотлар билан асослаб бермай, амалга оширилмайди;

е. Ҳозирги кунда ер усти сув манбалари кескин равишида, суғорма дехқончилик ва саноат корхоналари таъсирида ифлосланганлиги сабабли, ер ости сувларининг хўжалик, айниқса, ичимлик суви таъминоти тизими учун моҳияти ошиб кетди.

Бундан ташқари ер ости сувлари ер усти сувларига нисбатан кам ифлосланади, улар табиий равишида муҳофазаланганлик хусусиятига эга, тоғ жинсларининг дарзлик ва бўшликлардан сизилиб ўтиб, ўз-ўзидан тозаланиш ва покланиш хусусиятига эгадирлар. Айниқса улар ер усти

сувлари кам тарқалган худудларда сувга бўлган эҳтиёжини қондирувчи ягона манба ҳисобланади.

Демак, гидрогиологик тадқиқотлари коммунал хўжалиги, ичимлик суви таъминоти тизими билан узлуксиз боғлиқдир.

Баъзан ер ости сувлари атроф-мухитга салбий таъсири қилиши ҳам мумкин.

Арид зонасида суғорма дехкончилик ривожланган худудларда, суғориладиган майдонларда ер ости сувларининг кўтарилиб кетиши шўрланиш, захланиш, ботқоқланиш каби салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Натижада, ерларнинг ҳосилдорлиги пасаяди, ер ости сувларининг сатҳини пасайтириш иншоотларини (дренаж) куриш эса катта сарф-харажатларни талаб қиласи.

Ер ости сувларини шахта конларига оқиб келиши улардан фойдаланишини мураккалаштиради ва ҳаттоқи зарар келтиради.

Дарё, кўл, сув омборларининг қирғокларини намгарчиликдан емрилиши, кўчкиласарнинг вужудга келиши ҳам ер ости сувлари таъсири остида юз беради.

Кўчкиласар баъзан катта-катта бинолар, темир йўл, корхоналар бинолари ва ҳаттоқи бутун қишлоқларни вайронага айлантиради, бу эса моддий зарар келтириши ва инсонлар ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Суғориладиган майдонларда, грунт сувларининг кўтарилиб кетиши тупроқнинг иккиласи шўрхокланишига олиб келади, натижада, суғорма срларнинг ҳосилдорлиги пасаяди.

Шўрхокликни бартараф қилиш учун иншоотлар (зовур, коллектор ва тик дрэнаж бурғу кудуги)ни куриш ва фойдаланиш катта миқёсдаги маблағ ва моддий ресурсларни талаб қиласи.

Сўнгига йилларда саноатнинг кескин ривожланиши таъсирида, аниқроғи саноат оқова сувларининг кўпайиб кетиши оқибатида ҳамда таъсирида, суғорма дехкончиликнинг экстенсив ривожланиши натижасида (коллектор-дренаж сувлари таъсирида) атроф-мухит ва сув манбалари тобора ифлослана бошланди. Шунинг учун бизнинг мамлакатимизда сув конуниятчилигини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Сув бойлигини асрар, уни ифлосланишдан муҳофаза қилиш масаласига умумдавлат моҳиятига эга бўлган вазифа, деб қаралмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининн «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонун (1993 йил) нинг 111-моддаси айнан сув захираларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган.

Табиий шароитда атроф-мухитнинг антропоген ўзгаришларини (ифлосланишини) аниқлаш учун кузатув тизими (мониторинг) ташкил килинган.

Табиатдаги антропоген ўзгаришлар мониторинги, деб аталувчи бу тизим давлат миқёсида амалга оширилади. Унинг таркибидаги атроф-мухит ҳолатини кузатиш, табий ва техноген жараёнларнинг вужудга келиши, ўзгариши сабабларини аниқлаш ва келажақдаги ҳолатини олдиндан кўриш каби бўлимлар бор. Шунингдек, ер ости сувларининг ҳолатини кузатиб бориш учун маҳсус ер ости сувлари мониторинги ташкил этилган.

Сув бойлигининг миқдори, сифати ва ундан фойдаланишини хисобга олиш учун Давлат сув кадастри ҳам мавжуд. Давлат сув кадастри ва ер ости сувлари мониторингининг уйғунликда олиб борилиши натижасида тўпланган маълумотлар ер ости гидросферасида содир бўлаётган жараёнларни бошқариш учун асос бўлади.

Булар гидрогеология фанининг экология<sup>1</sup>, геэкология<sup>2</sup> фанлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Ер ости сувларини узок муддатлар давомида ўрганиш (гидрогеология тадқиқотлари) амалий масалаларни очишга, яъни амалий гидрогеологиянинг шаклланишига олиб келди. Бу жараён айниқса XX асрнинг иккинчя ярмида ривожланди. Жумладан, Марказий Осиё зонасида ичимлик суви таъминоти учун қудуклар, кяриз, сардоба каби иншоатлар қурилган, зовурлар қазилиб сизот сувларини ер сатҳига нисбатан пастга тушириш йўли билан янги срлар ўзлаштирилган.

Ўтган асрнинг охирларига келиб, саноат ва қишлоқ хўжалигининг кенг миқёсда ва жадал ривожланиши (масалан, Марказий Осиёда Мирзачўл, Фарғона водийси, Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши), гидротехник иншоатларнинг қурилиши, уларнинг атроф-мухитга таъсири муаммоларини ўрганиш, башорат қилиш, инсон фаолиятини ер ости гидросферасига (айниқса юқори қисмига) бўлган таъсирини ўрганиш, ер ости сувларини муҳофаза қилиш масалаларининг пайдо бўлиши гидрогеологиянинг назарий ривожланишига туртки бўлди.

Айниқса гидрогеологик жараёнларни бошқариш, кибернетика ва хисоблаш математикаси фанларининг амалий ва назарий ютуқларини гидрогеологик тадқиқотларида кенг қўлланилиши назарий гидрогеологиянинг шаклланишида катта роль ўйнади.

Юқорида кўрсатилган масала, муаммоларни ўрганиш ва уларни очиш йўллари ушбу дарсликнинг маҳсус бобларида ёритилди.

<sup>1</sup> Экология грекча сўз бўлиб, экос - яшаш жойи, уй, муҳит, логия - фан маъносини англатади. Бу сўзни биринч март 1869 йили немис зоологи Э.Геккель фанга киритган.

<sup>2</sup> Геэкология атамаси 1939 йили К.Трол томонидан фанга киритилган. Бу атама «Инженерлик геология» си таърифи маъносига жуда якин бўлиб, ер кобиги юқори қисмими ташкил этувчи инженерлик-геологик компонентларни (тот жинслари, уларни таркиби, хосса ва хусусиятларини, ер ости сувлари, ер ости тузилиши ва х.к.) инсонларнинг хўжалик ва инженерлик фаолиятлари таъсирида ўзгариши конуниятларини ўрганади.

Дарсликни тайёрлашда муаллифлар мавжуд илмий адабиётлар, ўзларининг кўп йиллик илмий тадқикотлари натижалари ҳамда кўп йиллик амалий ишлари тажрибасидан фойдаландилар.

Дарслик ЎзРФА F.O.Мавлонов номидаги Сейсмология институти ва А.Беруний номидаги Тошкент Техника университети (профессор М.Ш.Шерматов) ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг мархум олимлари (профессор У.У.Умаров, доцент И.И.Рахмедов)ларнинг ўзаро ҳамкорлигига яратилди.

Муаллифлар дарсликни тайёрлашда кимматли маслаҳатлари билан кўмаклашган ЎзРФА нинг академиклари А.Н.Султонхўжаев ва Қ.Н.Абдуллабеков, профессор Й.Э.Эргашев, А.Р.Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети «Гидрогеология ва инженерлик геологияси, геофизикусуллар» кафедрасининг доценти М.Мирсаидоваларга миннатдорчилик билдирадилар, шунингдек, ўкувчилар томонидан унинг тўғрисида билдириладиган холис фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласидилар.

## **БИРИНЧИ ҚИСМ**

### **ГИДРОГЕОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ МАВЗУ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ, ВАЗИФА ВА ТАРИХИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

**1-боб. Гидрогеология фанининг мавзун, йўналиш ва вазифалари**

**Гидрогеология фани.** Гидрогеология («гидро»-сув, «гео»-ер, «логос»-фан), ср ости сувлари тўғрисидаги фандир. У Ер қобиги қатлам жинслари ковакларидаги, ёрикларидаги, турли шакл ва катталикдаги карст бўшлиқларидаги ер ости сувларининг ҳосил бўлиши, ўзгариб туриши, жойлашиш ҳолатларини, ётиш, ҳаракат қилиш, сарфланиш қонуниятлари, кимёвий таркиби, физик хосса ва хусусиятлари, хўжаликда фойдаланиш йўлларини ўрганади. «Гидрогеология» атамаси илм-фан соҳасига 1802 йили Ж.Б.Ламарк томонидан киритилган. Олимларнинг аниқлашларича, Ернинг устки қобиги қатламларидан тортиб мантиягача бўлган қалинликдаги тоғ жинслари ғовак ва ёрикларда 1300 млн  $\text{km}^3$  га яқин сув бор. Бу сувни дунё океани сувлари миқдорига тенг деса бўлади (1-жадвал). Куруқликда яшовчи ҳайвонлар организимининг 60фоиз, денгизда яшовчи мавжудодлар организимининг 99 фоизгача бўлган қисми сувдан иборат. Ўсимликларда бу кўрсаткич 80 (бодринг, помидор, нок, олма, картошка ва б.) - 95 фоиз оралиғидар. Бу Ер сайдрасидаги мавжуд ҳайвонлар ва ўсимликлар оғирлигининг 80-95 фоизига тенг бўлган сув биосфера элементлари орқали доимо ҳаракатда эканлигидан далолат беради<sup>1</sup>.

М.И.Лъвовичнинг маълумотларига кўра (1974). Ер куррасида яшовчи одамларнинг эҳтиёжлари учун ҳар йили 3300  $\text{km}^3$ , ҳар бир одам учун 1100  $\text{m}^3$  миқдоридаги сув керак. Жумладан, ҳар бир гектар сугориладиган ер учун йилига 2000  $\text{m}^3$  сув сарф бўлиши, 1 тонна дон стиштириш учун 1800  $\text{m}^3$ , 1 тонна пахтани стиштириш учун 7500  $\text{m}^3$  сув кераклиги ҳам аниқланган. А.С.Ҳасановнинг маълумотига кўра, ҳозир республикамида 90 та шаҳар, 120 та туман марказлари ер ости суви билан таъминланмоқда. Бу мақсадларда 90 дан ортиқ муайян ўлчамдаги ер ости суви захираларидан фойданилади.

<sup>1</sup> Ер шари бўйлаб сейсмик тўлқинлар тарқалиши кузатилганда учта чегарада ўзгарганлиги аниқланган. Бу ҳолат Ер шари уч қобиқка ажralади деган тахминга олиб келган. Биринчиси ернинг устки (литосфера) қобиги бўлиб, қалинлиги 5-10 км (океан остида)дан 80-100 км (тогли ҳудудларда) га етади. Ер қобигининг пастки чегарасидан 2900 км гача мантия, 2900 км дан пастки қисмини ернинг ядроси деб ажralган.

**Ер сфераларидаги сувнинг ўртача миқдори ва ҳолати  
(адабиётлардан олинган маълумотлар асосида тузилган)**

Ер сфералари	Сувнинг умумий ўртача миқдори, км <sup>3</sup>	Ер сфераларидаги сувнинг ҳолати
Атмосфера	14 минг	Буг. суюқ, томчи (булут, туман кўринилишида), қаттиқ (муз кристалари, кор) ҳолатида.
Литосфера	1300 млн	Суюқ, қаттиқ ва кимёвий бирикмалар ҳолатида.
Гидросфера	1370 млн.*	Суюқ (дунё оқсани, дарё, кўл сувлари ва ҳ.к.), муз (доимий музликлар, кор) ҳолатида.
Биосфера	0,001**	Тирик мавжудодлар, ўсимликлардаги биологик ва биокимё бирикмалар ҳолатида.
Ер юзасига ҳар йили у ёки бу ҳолатда тушадиган ёгин миқдори.	520 млн	Асосан суюқ (ёмғир), қаттиқ (кор), қисман буг ва шудринг ҳолатида.

\*Фақат дунё океанининг ўзидағи сув миқдори

\*\*А.И.Павлов бўйича (1991)


Проф. Н.И.Плотников (1976), Е.В.Пинеккер (1983), В.М.Шестаков (1983), Н.А.Всеволжский (1991)ларнинг назарий қараашлари ҳамда гидрогеология фани ривожланиши жараёнида унинг қўйидаги назарий ва амалий тармоқлари вужудга келди (1.1 расм).

**Умумий гидрогеология.** Ер ости сувларининг вужудга келиши ва тарқалиш қонуниятларини ўрганади. Уларнинг гидросферадаги ўрни, ҳосил бўлиши, айланиши, турлари, физик ва кимёвий хоссаларини ўрганиш, таснифини тузиш ва муҳофаза қилиш каби масалалар билан шуғулланади.

**Ер ости сувлари динамикаси.** Ер ости сувларининг табиий ва техноген-одамларнинг инженерлик ва хўжалик фаолиятлари оқибатида силжиш, ҳаракатга келиш, ўзгариш қонуниятларини ўрганади.

**Гидрогеологик тадқиқотларни олиб борини.** Ер ости сувларининг ётиш, жойлашиш, ҳаракатланиш ҳолатлари, улар захираларининг вужудга келиши, фасллар, кўп йиллар мобайнида ўзгариб туриши сабабларини турли усул ва услублар билан ўрганади.

**Гидрогеокимё.** Ер ости сувларининг кимёвий таркибини, улардаги мавжуд газ, органик бирикмаларни, физик ҳолати ва вужудга келиши қонуниятларини ўрганади.



1.1-расм. Гидрогеология фаннининг тармоклари ва уларнин боника фанндар билан ўзаро бөгликлити

**Гидрогеотермия.** Ер ости сувлари оркали иссиқликнинг тарқалиш жараёни хусусиятлари ва конуниятларини ўрганади.

**Қазилма конлари гидрогеологияси.** Қазилма конлари худудидаги мавжуд ер ости сувларини, уларнинг фасллар, кўп йиллар мобайнида вужудга келиши сабабларини, истеъмолга яроқли етарли ёки етарли эмаслигини ўрганади ва башорат этади, зарур чора-тадбирларни ишлаб чикади.

**Радиогидрогеология.** Ер ости сувларининг радиоактив таркибини, улардаги мавжуд радиоактив элементларнинг тури (уран, радон, радий) ва микдорларини, вужудга келиши ва ўзгариш конуниятларини ўрганади, уларни қидириб топиш ва хаётда кўллаш услубларини ишлаб чикиш билан шуғулланади.

**Регионал гидрогеология.** Ер ости сувларининг айрим зоналар бўйича тарқалиши, вужудга келиши, ўзгариши, Ер қобиги катламларида жойлашиши, гидрогеологик тузилиши турлари ва турли ер ости сувларининг хосил бўлиш конуниятларини ўрганади.

**Палеогидрогеология.** Гидрогеологиянинг бу тармоги ер ости сувларини Ер тарихий тараккёти мобайнида вужудга келтан Ер қобиги тоғ жинслари қатламлари хосил бўлиш даври ва ривожланиш тарихи билан боғлик ҳолда ўрганади, у ёки бу ёщдаги ер ости сувли қатламларни аниклайди. Уларнинг пайдо бўлиш, ўзгариш конуниятларини ўрганади.

**Гидросейсмогеология<sup>1</sup>.** Ер ости сувларининг таркибини, хосса ва хусусиятларни ер кимираш ҳодисасининг тайёрланиш, вужудга келиш даври билан боғлик ҳолда ўзгариши конуниятларини ўрганади. Бу тармок асосан Ўзбекистонда 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин вужудга келди. Унинг туфайли Ўзбекистонда ва унга ёндош худудларда содир бўлган қатор ер кимирашларни башорат килинди (F.O.Мавлонов, А.Н.Султонхўжаев в.б.).

### Амалий гидрогеология бўлишлари

**Мениоратив гидрогеология.** Ушбу фаннинг асосий мақсади суторилаётган ва янги ўзлаштирилаётган майдонлардаги мавжуд ер ости сувларининг вужудга келиши, ўзгариш конуниятларини, фасллар, узоқ йиллар мобайнидаги режимини, ана шу срларда ер ости сувлари таъсирида пайдо бўлаётган ботқоқланиш, шўрланиш ва бошқа қатор техноген жараёнларни, уларни бартараф этиш йўлларини, қишлоқ хўжалиги экинларига кўрсатилган салбий таъсирини, ёнгарчиллик кам бўлган йилларда улардан фойдаланиш йўлларини ўрганади. У тоғ иншоотларини (шахта, котлованлар,

<sup>1</sup> А.Н. Султанходжаев. Основы гидросейсмогеологии. Ташкент: Изд-во "Citysite", 2006.

бурғу күдүкләри ва х.) қуриш ва фойдаланиш гидрогеологияси асослари ҳисобланади. Бу фан мамлакатимизда 3000 йилдан узок тарихга этади.

**Қазиңма конлар гидрогеологияси.** Конларнинг гидрогеологик шароитини ўрганиш, ср ости сувларининг фойдалы қазилмаларнинг қазиб олинишига кўрсатадиган таъсирини ва унга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда конлардан қазиб олиш. саралаш жараёнида керак бўладиган ср ости сувлари миқдорини аниқлаш. уларнинг ичиш учун яроқлилиги даражасини баҳолаш билан шуғулланади.

**Ер ости сув конлари гидрогеологияси.** Ер ости сувларини айрим геологик, тектоник, физик-географик шароитига эга бўлган зоналар бўйича йиғилиш, жойлашиш қонуниятларини ўрганади, ичиш учун зарур бўлган ср ости чучук сув захираларини қидириб топиш, уларнинг миқдорини аниқлаш, турли соҳаларда ишлатиш жараёнида юзага келадиган кимёвий, физик ва миқдорий ўзгаришларни ўрганади, баҳолайди ва башорат этади.

**Минерал сувлар гидрогеологияси.** Кимёвий ва физик таркиби билан шифобаҳш ҳусусиятга эга бўлган ер ости сувларининг ҳосил бўлиш, тарқалиш, ўзгариш қонуниятларини ўрганади. Бундай сувлар захираларини аниқлайди ва улардан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқади.

**Инженерлик гидрогеологияси.** Улкан қурилиш иншоотлари: сув омборлари, каналлар, тунеллар, юкори кўчланишли электр линиялар, кўпқриклар, кўп қаватли иморатлар, радио-телефизион станциялар, метро ва бошқа обьектларни қуришни гидрогеологик шароитга қараб асослаб бериш, лойиҳалаш, барпо этиш мақсадида гидрогеологик тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланади.

**Гидрогеоэкология.** Ер ости сувларининг сифати, тозалигини саклаш масалалари билан. уларни ҳар хил кимёвий, органик омиллар таъсири остида ўзгаришдан муҳофазалаш йўл-йўрүйлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади, керакли чора-тадбирлар кўрилиши бўйича тавсиялар беради.

Гидрогеология фани ўрганадиган объектларнинг амалий масалаларни хал этишда (турли объектларни режалаштириш, жойлаштириш ва қуришда) қўлланиладиган усул ва услублари билан геология тизимиға кирувчи фанлардан бири бўлган инженерлик геологияси билан жуда яқинлигини ҳисобга олиб, биз ушбу фаннинг асосий тармоқлари ва уларнинг вазифалари билан қисқача таништирамиз.

**Инженерлик геологияси<sup>1</sup> фани.** Бу фан Ер қобиги қатламлари-литосферанинг энг юкори, одамзот яшайдиган ва фаолият кўрсатадиган

<sup>1</sup> «Инженерлик геологияси» сўзи биринчи маротаба H.Ries ва T.Watson лар томонидан 1915 йили уларни шу номли асарида қўлланитганлиги тахмин қилинади (П.Н.Панков. 1978).

кисмини курилиш нұқтаи назаридан, яғни у ёки бу иморат ва иншоот куриладиган худуднинг инженерлик-геологик шароитни (геологик, ер усти сатх түзилиши, мавжуд ер ости сувлари, уларнинг таркиби, хосса ва хусусиятлари, тоғ жинслари таркиби, хосса ва хусусиятлари, геологик, техноген жараён ва ходисаларини<sup>2</sup>) вужудга келиш, ривожланиш, ўзгариш конуниятларини ўрганади, илмий ва амалий хulosалар чыкаради.

Бу фаннинг асосий вазифаси Ернинг ана шу кобиғи катламларыда узок геологик даврлар давомида юз берган ва ҳозирги вақтда юз бераётган табиий геологик ва нотабиий инженер-геологик (техноген) жараён ва ходисаларни ўрганиш. Бу жараён ва ходисаларни бундан кейинги даврларда, яғни шу худудда у ёки бу иншоот қурилиб, ишга туширилгандан кейин юз берадиган ходисаларнинг қай даражада содир бўлишини олдиндан айтиб бериш, керакли чора-тадбирларни белгилаш ҳам унинг вазифалари категорига киради.

Ҳар қандай иншоот, яғни саноат, кишилар яшайдиган бинолардан тортиб темир йўл, автомобиль йўллари, гидротехник иншоотлар, тўғонлар, сув омборлари, кўприклар, аэродромлар курилиши кўзда тутилган жой олдиндан ўрганилади. Унинг геологик, геоморфолагик түзилиши, гидрогеологик, тектоник шароити тўғрисида маълумотлар тўпланади ва ҳар томонлама тахлил килинади. Шундан кейингина у ёки бу майдонда, у ёки бу иншоотни қуриш мумкин ё мумкин эмас, деган хulosса чиқарилади. Сўнгра ана шу тахминан мўлжалланган жойда кенг кўламдаги инженер-геологик текшириш ишлари бошлаб юборилади. Аввалги тахмин қилинган хulosалар текширилади ва тахминий хulosалар текшириш натижалари билан тасдиқланган жойда иморат ва иншоот қуриш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида узил-кесил хulosса чиқарилади. Курилиш ишлари бошлаб юборилган бўлса, ана шу худудда мунтазам кузатиш ва текшириш ишлари олиб борилади. Чунки, ҳар қандай иншоот қад кўтарган жойнинг аввалги табиий ҳолати шу иншоот қад кўтариши жараёнида ва қурилиб бўлгандан кейин у ёки бу даражада ўзгариши. Кўпинча ероғи суви сатхининг кўтарилишига, чўкиш ходисасининг содир бўлишига ва ривожланишига, тоғ жинс катламларининг ўтирилишига, ёрилишига, сурилишига, қулашига ёки сув омборлари қурилаётган бўлса, ер ости бўшлиқлари, жинс ғоваклари бўйлаб сизиб, сингиб кетиши каби ҳодисалар юз бериши мумкин. Тарихда бундай ҳодисалар бўлганлиги тўғрисида жуда кўп маълумотлар мавжуд.

<sup>2</sup> Геологик жараён ва ходисаларга тектоник зигзала, нураш, сурилиш, чўкиш, қулаш, горларнинг пайдо бўлиши, сел каби, ҳодисалари ҳамда шамол ва деңгиз тўлқинлари натижасида вужудга келадиган жараён ва ходисалар киради. Бу жараён ҳодисалардан кўнчилиги кишиларнинг тўғридан-тўғри интироқи билан, уларни хўжалик ва инженерлик фаoliyиятлар билан вужудга келиши, ўзгариши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда уларни инженер геологик ёки техноген жараён ва ходисалар деб юритилади.

Масалан, Америкадаги Хеде-Бар. Испанидаги Мария-Кристина, Монте-Хаки, Франциядаги Сен Гилмел-Дизер каби йирик түғонлар шундай ходисалар юз берганлиги натижасида ишдан чиккан ёки бутунлай вайрон бўлиб кетган.

Шундай қилиб, инженерлик геологияси фанининг ўрганиши обьектлари ниҳоятда кўп. Унинг доирасидаги ишларни олиб боришда геология, тектоника, гидрография, геофизика, геоморфология, кимё, физика ва математика фанларининг усул ва услубларидан кент фойдаланилади.

**Инженерлик геологияси фани.** саҷидиган масалалари ва вазифаларига караб, кўйидаги тармоқларга бўлинади: зонавий мухандислик геологияси, инженерлик геодинамикаси, грунтшунослик, шаҳарлар инженерлик геологияси, казилма конлар инженерлик геологияси, лёсшунослик, инженерлик сейсмологияси ва бошкалар (М.Ш.Шерматов, 2005).

**Регионал инженерлик геологияси.** Инженерлик геологиясининг бу тармоғи йирик регионларнинг инженер-геологик шароитининг вужудга келиш, ривожланиш ва одамлар фаолияти натижасида ўзгариш қонуниятларини ўрганади, башорат киласди. Ана шу регионларнинг инженер-геологик шароитининг ўзгаришига таъсир этувчи табиий геологик ва техноген омилларни аниклайди, кичик масштабдаги (1:100 000 ва бундан ҳам кичикроқ) хариталар тузиш услубларини ишлаб чиқади. Регионал инженерлик геологияси ёрдамида олинган маълумотлар ҳалқ хўжалиги инишотларини қуриш жойларини олдиндан аниклаш ва режаштириша катта ахамиятга эга.

**Инженерлик геодинамикаси фани.** Ернинг ички кисмида (эндоген) ва унинг устки қисмида (экзоген) содир бўладиган геологик ва техноген (одамларнинг хўжалик ва инженерлик фаолиятлари билан боғлиқ) жараён ва ходисаларнинг вужудга келиш, содир бўлиш, ривожланиш ва барҳам топиш қонуниятларини ҳамда сабабларини ўрганади. Уларни камайтириш, бартараф этиш ва маълум вақт мобайнида ҳудуд майдони учун миқдорий башоратлаш йўл-йўриклари ҳусусида илмий изланишлар олиб боради, зарур чора ва тадбирлар ишлаб чиқади.

**Грунтшунослик фани.** Ернинг устки кобиги катламларида вужудга келувчи ҳамма жараён ва ходисалар, ана шу катламларни ташкил этувчи тоғ жинслари-грунтларга боғлиқ ҳолда содир бўлади, ривожланади ва ўзгариши. Грунтларнинг таркибини, физик ва механик хосса ва ҳусусиятларини, уларнинг ҳолати, вужудга келиш, ўзгариш қонуниятлари ва масалалари билан грунтшунослик фани шуғулланади.

**Шаҳарлар инженерлик геологияси.** Шаҳарлар ҳудуди ўзига хос табиий ва техноген омилларнинг мавжудлиги ҳамда бу омилларнинг бир-бирига бўлган таъсир даражасининг ниҳоятда юқорилиги билан

тасвиirlанади. Маълумки, ҳозирги вактда шаҳарлар аҳолиси сони тез суръатлар билан ошиб бормоқда. Саноат ва аҳоли яшайдиган бинолар, ҳар хил ер усти ва ер ости инженерлик иншоотлари (сув бериш, газ, канализация тармоқлари, кўприклар, ер ости ўтиш йўллари, метрополитен в.б.) барпо этилмоқда. Бу иншоотларнинг ҳаммаси шаҳар майдонида тарқалган у ёки бу тоғ жинсларининг устида ёки қатламлари оралиғида қад кўтарилимоқда, жойлаштирилмоқда. Натижада, ер ости сувларининг сатҳи кўтарилимоқда, табиий ҳаракат йўналишишининг бузилишига, тог жинсларининг табиий ҳолати, таркиби, физик ва механик хусусиятларининг ўзгаришига, техноген жараён ва ходисаларни (захлаш, чўкиш, шўрланиш, ювилиш, сурилиш ва ҳоказалар) содир бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун шаҳарлар инженерлик-геологиясининг асосий мақсади шаҳар ҳудудида тарқалган тоғ жинсларининг, ер ости сувларининг табиий ҳолатини ва одамларнинг хўжалик ва инженерлик фаолияти оқибатида ўзгарганлик даражасини ва вужудга келиши мумкин бўлган техноген жараёнларнинг тарқалиш ва ўзгариш қонуниятларини ўрганади, бу жараёнларни бартараф этиш бўйича ўйл-йўриклиарни ишлаб чиқади ва зарур чора-тадбирларни белгилаб беради.

**Қазилма конлар инженерлик геологияси.** Инженерлик геологияси фанининг бу тармоғи қазилма конлар жойлашган ва қазиб олиш ҳудудининг инженер-геологик шароитини, яъни анашу ҳудуднинг геологик тузилишини, тоғ жинсларини, уларнинг таркиби, хосса ва хусусиятлари. гидрогеологик шароити, ер сатҳи тузилишини, табиий геологик ва техноген жараёнларнинг тарқалиш, жойлашиш ҳолатларини ўрганади, қазилма конларни ишлатиш даврида уларнинг ўзгаришини, янгидан вужудга келиш, ривожланишини башорат қиласди, зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқб. тавсиялар беради.

Қазилма конлар ва қазиб олиш ҳудудлари баъзан ўзининг инженер-геологик шароитининг ниҳоятда мураккаблиги билан ажralиб туради. Бу ҳудудларда аксарият ҳолларда туб-қоятоғ жинслари тарқалган бўлиб, улар баъзан сердарз, тектоник узилма ва ёрикларга бой, айrim қисмларга (блокларга) бўлинган, нураш жараённiga учраган, бурмаланган бўлади. Бу эса қулаш, сурилиш, ювилиш каби жараёнларнинг вужудга келишини тезлаштиради ва кон майдонида қурилиши лозим бўлган иншоотлар (иморатлар, ўйл, трассалар, шахта, штолня в.б.) учун жой танлаш ишларини қийинлаштиради. Шунинг учун бундай ҳолатларда маҳсус кенг кўламдаги инженер-геологик тадқиқотлар олиб борилади. Олинган натижалар ҳар тамонлама таҳлил этилади ва у ёки бу иншоотлар қурилиши учун аниқ жой танланади, буюртмачиларга тақдим этилади. Бунда яна асосий эътибор қурилиш майдонининг ер сатҳи тузилишига, ёғадиган ёғинининг йил мобайнидаги миқдорига, турига, улар билан боғлик бўлган қор кўчкиси, сув тошқини, ювилиш жараёнларининг вужудга келиш эҳтимоли, ер ости

сувлари харакат йўналишининг қай даражада ўзгариши мумкинлиги хам хар тамонлама баҳоланади.

**Лёссшунослик.** Инженерлик геологияси фанининг бу тармоги лёсс<sup>1</sup> жинсларининг пайдо бўлиши, тарқалиш, ўзгариш конуниятларини, табиий ҳолатини, таркибини, физик ва механик хосса ва хусусиятларини, одамларнинг хўжалик ва инженерлик фаолиятлари оқибатида ўзгариши даражаларини ҳамда уларнинг қатламларида вужудга келган ва келадиган табиий ва техноген жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганади, таҳлил этди ва башорат қиласди.

Республикамизнинг 70 фойздан ортиқ майдони лёсс ва лёссимон жинслари билан банд бўлиб, барча иморат ва иншоотларининг 90-95 фойздан ортиги ана шу жинслар устига жойлашган. Шунинг учун лёсс жинсларини хар томонлама ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Инженерлик сейсмогеологияси.** Бу фан инженерлик геологияси ва сейсмология фанлари оралиғида вужудга келган бўлиб, у ёки бу иморат ва иншоотлар курилган ва курилиши лоҳим бўлган ҳудудни инженер-геологик ва инженер-сейсмогеологик нуктаи назаридан ўрганади. Мукаммал ва микросейсмик районлаштиришга асос бўлиб хизмат қиласди.

Инженерлик геология асослари деганда иморат ва иншоотлар курилган ва курилиши кўзда тутилган ҳудудда содир бўлган ер кимираш кучининг ўзгаришига ва ошишига таъсир этувчи омиллар, яъни шу ҳудуднинг геологик тузилиши, тоб жинслари, уларнинг хосса ва хусусиятлари, ер ости сувлари, ер сатҳи тузилиши, мавжуд геологик ва одамларнинг хўжалик фаолиятлари оқибатида вужудга келган ва келиши мумкин бўлган жараён ва ҳодисалар ҳамда ана шу омилларни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар мажмуаси тушунилади.

**Мелиоратив инженерлик геологияси.** Мазкур фан республикамида сугорилаётган ва сугоришга тайёрланаётган майдонларнинг инженер-геологик шароитини, сугориш тармокларини куриш ва улар орқали сув тарқатиш жараёнида содир бўладиган ўзгариш қонуниятлари, ер ости сувлари сатхларининг кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган захлаш, боткокланиш, шўрланиш жараён ва ҳодисаларини ўрганади ва башорат қиласди, кишлок хўжалик экинлари хосилдорлигига таъсир даражасини аниклайди. Зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Бу фан гидрогеология ва инженерлик геологияси оралиғида туриб,

<sup>1</sup> Лёсс (Loss) сўзи ҳалкаро термин бўлиб, уни биринчи маротаба 1823 йили геологияга оид немис адабиётларидаги К.Г. Леонард томонидан кўлланган. Лёсс бўшоқлиги, серговаклиги, сув таъсирида ўз оғирлиги ва кўшимча босим остида жуда тез чўкувчанлиги, ўзига хос таркиби билан тоб жинсларидан тубдан фарқ қиласди. Уни немислар («Less», французлар «Loss», болгарлар «Locit», руслар «Лёсс», ўзбеклар «Соф тупроқ (лёсс)») номи билан атапади. Агар лёсс жинси ўз бўшоқлигини говаклиги ва чўкувчанлик хусусиятларини йўқоттан бўлса, «Лёссимон» жинс деб аталади.

гидрогеология фанининг мелиоратив гидрогеология тармоғи билан чамбарчас боғлиқдир.

**Инженерлик геоморфологияси.** Бу фан инженерлик геологиясининг энг ёш тармоқларидан бири бўлиб. ер стахи тузилишининг иморат ва ишоотлар куриш учун қанчалик қулай ёки нокулайлиги масалалари билан шугууланади. Бунда асосий эътибор рельеф элементларига (сатҳ қиялиги, Қуёш нури йўналишига нисбатан тутган ўрнига, яъни кунгай ёки тескайлигига, вактинча ёки доимий оқар сувлар йўллари билан кесишганлик дарожаларига, сатҳ қайси тоғ жинси устида жойлашганлиги ва ҳоказоларга) қаратилади. Ер сатҳи тузилиши горизонтал ( $0\text{--}3^{\circ}$ ), меъёрли ( $3\text{--}7^{\circ}$ ), қия ( $7\text{--}17^{\circ}$ ), ўрта қия ( $17\text{--}27^{\circ}$ ), тик қиялик ( $27^{\circ}$  дан юқори) дарожаларига қараб баҳоланади. Натижалар асосида иморат ва ишоотларини лойиҳалаш, жойлаштириш, режалаштириш, куриш ишлари амалга оширилади.

**Инженерлик геологияси.** Инженерлик геологияси Ернинг геосфера<sup>1</sup> қаватини ташкил қилувчи табиий мухит таркибий қисмлари (литосфера, гидросфера, биосфера<sup>1</sup>) одамларнинг инженерлик ва хўжалик фаолиятлари оқибатида ўзгариш қонуниятларини ва сабабларини ўрганади. таҳлил этади ҳамда мавжуд табиий ҳолатини сақлаб қолиши мақсадида зарур чоратадбирларни ишлаб чиқади.

Гидрогеология ва инженерлик геологияси фанларининг барча тармоқлари хўжалик фаолияти ва инсоннинг моддий эҳтиёжлари учун жуда муҳимдир.

Назарий гидрогеология бўлимлари инсон яшайдиган зоналарда (гумид, арид, чўл, тропик зоналар) бир хил юқори моҳиятга эга.

Шу билан бирга амалий гидрогеология бўлимлари ҳар бир зонанинг ўзигахосдир. Масалан, мелиоратив гидрогеология ва экологик гидрогеология арид зоналарида, жумладан, Марказий Осий зонасида ўта моҳиятлидир. Қазилма бойликлар захиралари гидрогеологияси эса кончиллик, тоғ саноати ривожланган зоналардагина муҳим аҳамиятга эга.

Гидрогеотермия – ер ости гидросферасининг номеёрий миқдордаги ҳароратга эга бўлган қисмларини ўрганишда моҳиятлидир.

Кўриниб турибдики, бу фанлар барча бўлимларининг мавзуи ва моҳияти уларнинг номида мужассамланган.

### Такрорлапи ва текнириши учун саволлар

#### 1. Гидрогеология фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?

<sup>1</sup> Биосфера деганда литосфера ва гидросферанинг юқориги ( $3\text{--}5$  км) ва атмосферанинг настки ( $Ер сатҳидан 10\text{--}15$  км) қисми ва ана шу сфералардаги ҳаёт кечирувчи органик мавжудотлар мажмуси тушунилади.

2. Ер сфераларидағы сувларнинг миқдори тұғрисида фикр билдириңг.  
Ернинг биринчи қобигидаги мавжуд ер ости сувларининг миқдори қанча?
3. Гидрогеология фани тармоқлари ва уларнинг вазифалари тұғрисида қисқача маълумот беринг.
4. Гидрогеологияның энг янги тармоқлардан бири - гидрогеоэкология тармоғининг бошқа тармоқлардан фарқи нимада?
5. Инженерлик геологияси фанининг ўрганиши объекті тұғрисида түшунчага беринг.
6. Инженерлик геологияси фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. Геологик жарабын ва ҳодисаларнинг инжинер-геологик (техноген) жарабын ва ҳодисалардан фарқи нимада?
8. Инженерлик геологияси фанининг асосий тармоқлари қайсилар? Уларнинг вазифалари нималардан иборат?
9. Грунтлар деганды нимани тушунасиз?
10. Экология ва геоэкология атамаларининг маъноси тұғрисида түшунчага беринг.
11. Ернинг биосфера қавати деганды нимани тушунасиз?

## **2-боб. Гидрогеология фанининг вұжудға келиши ва ривожланиши тарихи**

Гидрогеология фанининг вұжудға келиши ва ривожланиши узок үтмишига зәғ. Бу, биринчидан, мамлакатимизда олиб борилған суғориш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, дунё цивилизацияси, яъни жамиятнинг иқтисодий-маданий тараққиети даражалари билан, айниқса Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон, Сурья, Эрон давлатлари худудларида ер ости сувларидан фойдаланиш, ўёки бутурдаги иншоотларни қуришишларини олиб бориш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, бундан 3000-5000 йиллар олдин ҳам мамлакатимиз худудидаги ўша даврларда мавжуд бўлган давлатлар билан Олд Шарқ давлатлари ўргасида алоқалар мавжуд бўлган. Суғориш шахобчаларини, каналларни, маҳсус сопол қувурлар ёрдамида ер ости сув узатиш қурилмаларини, қалъаларни, ибодатхоналарни, қасрларни бунёд этишда ўзаро тажриба алмашилган. Милоддан олдинги VI асрда мамлакатимиз худудида бир қанча йирик шаҳарлар бўлганлиги тұғрисида тарихий маълумотлар бор. Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларининг бунёд этилиши уларни сув билан таъминлаш учун олиб борилған дастлабки ишлар ҳам ана шу замонларга бориб тақалиши бежиз эмас. Бу даврларда Қизилқум, Коракум сахроларида маҳсус қурилмага зәғ бўлган


минглаб ер ости суви ҳосил қилиш, ундан фойдаланиш йўлларини ҳам билишган.

Махсус сув йигиши қурилмалари, кяризлар<sup>1</sup> (2.1-расм), сардобалар (2.2-расм) ва кудуклар (2.3.а-б-расм) бунёд этишган. VIII-XI асрлар мамлакатимиз ҳудудида Мухаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий (780-847), Ахмад Фарғоний (IX аср), Абу Райхон Беруний (973-1048), Ал-Фаробий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), каби йирик илм-фан даҳолари дунёга келиб, фаолият кўрсатган давр бўлди.


Жумладан, ер ости сувлари вужудга келиши, ҳарактланиши, таркиби, хосса ва хусусиятлари тўғрисида қимматли маълумотлар юргдошларимиз

Абу Райхон Беруний (2.4-расм), ва Абу Али ибн Сино (2.5-расм) ҳамда эронлик олим М.Кароди (1016 йил вафот этган) асарларида келтирилган.

Ибн Сино ер ости сувлари нинг қандай тоғ жинсларидан оқиб чиққанлигига қараб, уларнинг кимёвий таркиби шакланади, деб таъкидлаган. Минералли сувлар шифобаҳш сувлар деб, тушунтирган ва бу билан гидрогеокимё фанига асос солган.




2.2-расм. Сардоба қурилмаси ва унинг қўйдаланган кесими (А.С.Ҳасанов бўйича)  
1-гўмбаз; 2-шамоллатиш дарчаси; 3-атмосфера ёғини оқимининг сардобра оқиб кириш каналилари; 4-сув йигиши кудуги



2.1-расм. Кяризнинг схематик кўришини. (А.М.Овчинников бўйича) а-сув йигувчи қисм: б-сувни элтувчи қисм: 1-гили жинслари; 2-сувли шагал қатлами; 3-кудуқлар (сув оқими ҳаракатини кузатили ролини бажаради)

<sup>1</sup> Кяриз маълум қиялик бўйлаб (0-50) ернинг ости қисмида узунлиги бир неча километрга чўзилган ер ости сув оқими (тизими) канали бўлиб, проф. А.С.Ҳасанов ибораси билан айтганда, инсонлар томонидан бундан 2600 йиллар аввал ихтро этилган энг мухим гидротехник қурилмадир. Бу қурилма сувни ер ости бўйлаб узоқ масофаларга ифослантиримай, буғлатмай, соғ. табиий ҳароратда етказилишини таъминлаган. Кяризлар Нурота тоғ ёнбагирларида, Зарафшон дарёсининг ююри оқими ҳудудларида кўп қурилган бўлиб, улардан бальзилари ҳозир ҳам мавжуд.



**2.3.а,б.-расм. Инсонлар томонидан Қизилкүм ва Қарақум чўлларида қурилган сув қудуклари кўринини (А.С.Хасановдан, 2005). а-блок; 2-сувни қудукдан тортиб олиш учун арқон; 3-блокни мустахкамлаш учун ишлатилган ёғоч тирагич; 4-қудук; 5-сувни қудукдан чиқариб олиш учун кўлланишган, мол терисидан килинганд мепи; 6-қудукдаги ер ости сув; б-хозирги замонда қурилган қудукнинг кўринини чизмаси; 1-мотор; 2-ер ости сувини мотор ёрдамида кўтариб чиқарувчи тасма; 3-сув томчилари оқими; 4-қудук; 5-қудукда ер ости суви; 6-сув йигитладиган қурилма**

Ал-Беруний артсан сувларининг табиатини ўша вакълардаёқ тўғри тушунтириб берган эди. Агар ер ости сувларининг таъминланиш майдони ср юзасидан юқорида, яъни тоғда жойлашган бўлса, улар қудуқнинг тагидан кайнаб чиқади ва ср юзасига чиқиб, оқиб кетади. Агарда таъминланиш майдони пастда жойлашган бўлса, улар ср юзасигача стиб бормайди, деб ёзган олим.



**2.4-расм. Абу Райхон Беруний (973.9-1048.12)**

хосил қиласди, деб тушунтирган у. Бу билан олим биринчи бўлиб дарё

Умуман олганда, Ал-Беруний чашмаларнинг хосил бўлиши, ер ости сувларининг ср юзасига кўтарилиши (артсан сувлари) ва қуйилиши сабабларини тўғри асослаб берган. Ер ости сувларининг кимё-вий таркиби шаклланиши масалаларини таҳлил қилган ва бу борада ўз замондошларига нисбатан ниҳоятда пешкадам бўлган. Бунга бир мисол. Тоғли жойларда дарё ўзанида йирик тошлар ётқизиклари хосил бўлади. Бу срда оқимнинг тезлиги юқори бўлади. Майдароқ тошлар тоғдан узокроқда, ўрта оқимда ётқизиклар хосил қиласдилар. Кумлар эса дарё тинч оқадиган жойларда, дарёнинг денгизга яқин жойларida ётқизиклар



2.5-расм. Абу Али ибн Сино  
(980-1037)

ёткизикларидағи тоғ жинсларининг катта-кичиги сувнинг тезлигига тұғри пропорционал эканлигини аниқлаган. Бу қонуниятни О.И. Исломов<sup>1</sup> (ЎзМУ) ва Д.И.Гордеевлар (МДУ) «Беруний қонуни» деб атаганлар.

Абу Райхон Берунийдан кейин мазкур соҳада энг самарали илмий ишлар олиб борган М.Кароди бўлиб, у ер ости сувлари тўғрисидаги ўша давр билимларини ўзининг «Ер ости сувларини қидирув ишлари» номли асарида умумлаштирган. Бу асарда қуйидаги масалалар кўтарилиган:

- 1.Сувнинг айланма харакати.
- 2.Босимсиз, босимли (грунт ва артезиан сувлар) ва устки сувлар.
- 3.Мавжуд ўсимликларга қараб, ер ости сувларини қидириш.
- 4.Баъзи қидирув дала ишлари хақида.

#### 5.Ичимлик сувларининг сифати ҳакида.

Европа олимлари бу иш билан фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмидагина танишган.

Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Синолардан олдин ҳам, кейин ҳам, буларчалик ўлкамизнинг геологиясига, табиатига оид илмий асарлар ёзган олимлар жуда кам. Дастрлабки маълумотлар, аввалимбор юонон, рим географ ва тарихчилари Геродот, Страбон, Птолемей асарларида учратилса, кейинчалик Хитой сайёхлари - Чжан Цян ҳамда 629-645 йилларда Марказий Осиёнинг кўп жойларини (Тошкент, Самарқанд, Амударё водийларини) айланиб чиқган Сюан Цзан асарларида учратамиз. IX асрга оид маълумотлар эса буюк ўзбек математиги, астрономи, географии Мухаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий томонидан ёзип қолдирилган. Айникса унинг «Ер тасвири» («Суратуларз») номли географияга доир асари катта аҳамиятга эга бўлиб, ўзидан кейинги давр олимлари учун асосий кўлланма бўлган.

Амир Темур ва Темурийлар сулоласи Марказий Осиёда ва унга ёндош худудларда хукмронлик қилган йилларда илм-фан, санъат, меъморчилик кенг ривожланди, кўплаб суғориш шахобчалари, йўллар қурилди, муҳташам иншоотлар бунёд этилди. Шахрисабздаги Оқсарой (1380), Самарқанд

<sup>1</sup> Исломов О.И. Из истории геологических знаний в Средней Азии. Ташкент: ФАН, 1977.

<sup>2</sup> М.Ш.Шерматов. Ўзбекистон геологияси тўғрисида нималарни биласиз? Тошкент: Фан, 1972, 64 б.

кўрғони (1370), Бибихоним масжиди (1399-1404), Самарқанд расадхонаси (1428-1429), Бухородаги Улуғбек мадрасаси (1407), Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси шулар жумласидандир. Улуғбек расадхонаси уч каватли, диаметри 46 м, баландлиги 30 метрдан ошиқ, кўриниши доира шаклида бўлган улкан иншоот эди.

Бу иморат ва иншоотлар жойлаштирилган майдонлардаги сув юритиш шахобчаларининг олимлар томонидан синчилаб ўрганилиши шуни кўрсатадики, уларни қурган усталар, месъморлар нихоятда билимли ва тажрибали кишилар бўлган. Улар иморатларнинг замини бўлган тоғ жинсларининг калинлигига, таркибига, хосса-хусусиятларига, мавжуд ср ости сувларининг сатҳ ҳолатига катта эътибор беришган, қай ҳолатда, қандай сабабларга кўра ўзгариши мумкинлигини олдиндан кўра билган. Иморат-иншоотларнинг бокийлигини таъминлаш максадида зарур чора ва тадбирлар кўрилган. Анашу месъмору усталарни ўша даврнинг инженерлари, инженер-геологлари ва гидрогеологлари, дейиш мумкин.

Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистоннинг ср ости тузилиши, табиий шароити, қазилма бойликлари ва пахтаси билан Осиё ва Европа мамлакатларида доимий равища қизиққанлар. Шунинг учун ҳам 1500 йиллардан бошлаб чет элликлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига тез-тез келиб туришган. Уларнинг баъзилари сайёҳ никоби остида келса, бошка бирлари давлат вакили сифатида келишган. Масалан, 1558-1560 йилларда Марказий Осиёнинг кўп жойларида, жумладан, Хива ва Бухорда сайёҳ сифатида бўлган инглиз А.Женкинсонни, Хива, Бухоро ва Самарқандга Москва подшоси вакили сифатида келган (1620) Иван Хохлов ҳамда (1669-1673) Борис Патухинларни кўрсатиш мумкин. Юртимиз билан ҳатто Россия императори Пётр I ҳам қизиққан ва 1715 йили Александр Бекович-Черкасский, 1718 йили эса Бенивинлар бошлигидаги экспедицияларни ўлкамизга юборган.

1550-1845 йиллар ичida Марказий Осиёга костма-кет юборилган экспедициялар таркибиغا кирган табиий фанлар мутахассислари томонидан ҳудуднинг табиий шароити, геологик тузилиши, ср ости ва ер усти сувлари, улардан фойдаланиш ўйлари ҳар томонлама ўрганилган. Жумладан, 1820 йили Россиядан Бухорага келган Негри раҳбарлигидаги дипломатик миссия таркибиغا кирган Э.А. Эверсманнинг, 1824-1825 йилларда ташкил этилган Ф.Ф.Берг экспедицияси аъзоси Э.И.Эйхвольд, 1842 йили Хивага келиб кетган. Россиянинг дипломатик вакиллари Базинер ва Даниловскийлар Қизилкум, Мангқишлоқ ярим ороли ва Устюрт платосининг геологиясига, ср ости сувларига оид қимматли маълумотлар ёзib қолдирган.

Шундай ўйлар билан иғилган маълумотлар 1877 йилдарус кўшинлари томонидан Сирдарё куйи оқимидағи ҳудудларнинг эгалланишига, 1852-

1865 йилларда Кўқон хонлигига қарашли Қизил Ўрда, Олма-ота, Туркистон, Чимкент, Тошкент шаҳарларини забт қилинишига. 1868 йили Бухоро амирлиги ва 1873 йили Хива хонликларини бўйсундирилишига, 1876 йили Кўқон хонлигининг Россияга қўшиб олинишида ишлатилди. Босиб олинган ерлардан кимматли хомашё – пахтадан кўпроқ ҳосил олиш, ер ости ва ер усти бойликларидан ўз манфатларида фойдаланиш Россия хукмон доираларининг мақсади эди. Бунинг учун ўлканинг табиий шароитини, геологиясини, ер сатҳи тузилишини, пахта ҳосилдорлигига таъсир этувчи омилларни, яъни ер ости сувлари сатхини, ерларнинг ўрланиш, ботқоқланиш даражаси, иморат ва иншоотлар, каналлар бунёд этиш учун төғ жинсларини, уларнинг таркиби, ҳосса ва хусусиятларини чукуррек ўрганиш талаб қилинарди. Бу ишларни амалга ошириш учун олимлар, етук мутахассислар жалб қилинди. Улар олдига аник мақсад ва вазифалар қўйилди. П.П. Семенов-Тянь-Шанский, А.П.Федченко, Н.С.Северцев, А.Ф.Миддендорф, И.В.Мушкетов, В.Ф.Ошанин, В.А.Обручев, Л.С.Берг каби йирик тадқиқотчиолимлар ушбу мақсадларда ташкил қилинган экспедицияларга бошчилик килдилар.

Ўлкамизнинг табиий бойликлари ва хомашё манбаларига қизиқиши шўролар хукмонлиги даврида янада ошди. Чунончи, 1919-1920 йиллар мобайнида 86 кишидан иборат профессор-ўқитувчиларнинг катта гурӯҳи ўлкамизга юборилди (улар орасида геологлардан А.Ф. Безобразова, В.Р.Мухин, А.С.Уклонскийлар бор эди). Шу билан бир қаторда маҳаллий ёшлардан мутахассислар тайёрлашга киришилди.



2.6-расм. О.К. Ланге  
(1883-1975)

Геология йўналиши бўйича дастлабки маҳаллий мутахассислар Туркистон Давлат университетининг (хозирги Ўзбекистон Миллий университети) физика-математика факультети қошида тайёрланди. 1920 йили мазкур университетда минералогия, кристаллография, геокимё, умумий геология кафедралари, 1921 йили техника факультети қошида төғ бўлими ташкил этилди, кейинчалик (1924) эса умумий геология кафедрасидан О.К.Ланге бошчилигида гидрогеология кафедраси ажralиб чиқди (2.6-расм). Шунингдек, тарихий геология ва паленталогия, петрография ва қазилма бойликлар (1942) кафедралари ташкил қилинди.

Ўтган асрнинг 30-йилларига келиб,



2.7-расм. Х.М. Абдуллаев  
(1912-1962)

ланди.

Кирқинчи йилларга келиб республика олий ўкув юргарида тайёрланган мутахассислар сони анчага етди. Улар орасида Х.М.Абдуллаев, Ф.О.Мавлонов, В.И.Попов, Н.А.Кенесарин, Э.М.Исамухамедов, О.И.Исломов, А.С.Содиков, К.А.Бобосев, А.Л.Петров, М.Мирбобоев, Е.Н.Минакова, А.Б.Баталов, Б.А.Бедер ва бошкалар бор эди. Ўзбекистонда бундай катта олимлар жамоасининг вужудга келиши республикада геология фани турли йўналишларининг ривожланишига, у ёки бу соҳа бўйича мактабларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Ўзбекистонда илм-фанинг барча соҳалари, жумладан, гидрогеология ва инженерлик геологиясининг пайдо бўлиши ва ривожланишида айникса Х.М.Абдуллаев (2.7-расм). Ф.О.Мавлонов (2.8-расм) ва Н.А.Кенесаринларнинг (2.9-расм) роли каттадир.

30-40 йиллари Ўзбекистонда гидро-геология ва инженерлик геологиясининг хам бирмунча ривожланиш даври бўлди. Ер ости сувларини ўрганиш бўйича маҳсус ишлаб чиқариш ташкилоти (Ўзростисув)

университетнинг баъзи факультетлари негизида мустакил олий ўкув юртлари ташкил топди. Масалан, университетнинг тоғ геологияси кафедраси асосида Ўрта Осиё Геология-қидирув (СағРИ) институти вужудга келди. Кейинчалик бу институт Тоғ институтига, 1934 йилга келиб, Ўрта Осиё индустриал-саноат институтига (хозирги Тошкент Техника университети) айлантирилди.

1934 йили Ўрта Осиё Индустриал-саноат институти кошида тоғ геологияси факультети очилди ва унда тўрт соҳа: геология ва рудали конларни қидириш, руда бўлмаган қазилмалар, ёнувчи қазилмалар, гидрогеология ва инженерлик геологияси бўйича мутахассислар тайёрлана бошланди.



2.8-расм. Ф.О. Мавлонов  
(1910-1988)



2.9-расм. Н.А.Кенесарин  
(1908-1975)

түзилди. Янги гидроэлектрстанциялар, гидротехник иншоотларни куриш мақсадида гидрогеологик, инженер-геологик ишлар олиб борилди.

Аммо, иккинчи жағон уруши инженер-геологик, гидрогеологик ишлар ривожига салбий таъсир қўрсатди. Тадқиқот ишлари фақат айрим районлардагина (Тошкентолди, Фарғона, Мирзачўл ва б.) олиб борилди. Урушдан кейинги йилларда асосий эътибор республикамизда лёсс жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятларини ўрганиш (Ф.О.Мавлонов), янгиерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ср ости сувлари режимини ўрганиш (Н.А.Кенасарин, М.М.Крилов), чукур қатламларда минерал сувларни даволаш мақсадларида ишлатиш (Б.А.Бедер) масалаларига қаратилди.

1950 йилларга келиб мавжуд гидрогеологик станциялар, гидрогеологик партиялар бирлаштирилиб, «Гидро-геология» трестига айлантирилди. Бу вактда Мирзачўл (хозирги Сирдарё вилоятининг асосий ҳудуди) ерларнинг гидрогеологик, мелиоратив ҳолатини (Н.А.Кенасарин, М.М.Крилов, Н.Н.Хожибоев, А.Ф.Сляднев, Д.М.Кац, Н.М.Решеткина ва бошқалар) ҳамда инженер-геологик шароитини ўрганиш (Ф.О.Мавлонов, П.М.Карпов, В.Ф.Фоуров ва бошқалар) ишлари кенгайди.

1950-1960 йиллар Ўзбекистонда гидрогеология ва инженерлик геологияси фанларининг янада ривожланиши даври бўлди. Ўрта Осиё Давлат университети (ЎзМУ) ва Ўрта Осиё политхника институти (Тошкент Давлат Техника университети) ҳамда Москва Давлат университетини тамомлаб чиқкан гидрогеология ва инженерлик геологияси бўйича мутахассисларнинг катта гурухи (А.Н.Султонхўжаев, Н.Н.Хожибоев, А.И.Исломов, С.Ш.Мирзаев, Я.С.Содиков, С.М.Қосимов, М.И.Исмоилов, Э.В.Қодиров, А.М.Худойберганов, У.У.Умаров, М.Ш.Шерматов, К.П.Пўлатов, А.Нурматов, М.Ғ.Хўжаев, Й.Э.Эргашев ва бошқалар) республикадаги янги сугориладиган ерларда тадқиқот ишларини олиб боришга катта ҳисса қўшдилар. 1960 йили Ҳ.М.Абдуллаев ва Ф.О.Малоновлар ташаббуси билан, ЎзРФАнинг хозирги Геология ва геофизика институтидаги гидрогеология ва инженерлик геологияси бўлими негизида Гидроингео институти ташкил этилди. Институт бўлим ва лабораторияларига Н.А.Кенасарин, Н.Н.Хожибоев, А.Н.Султонхўжаев,

А.С.Ҳасанов, А.И.Исломов, С.М.Мирзасев ва бошқа олимлар бошчилик килдилар.

1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин ЎзФА қошида Сейсмология институтиташкилкилини. Унинг директори этиб Ф.О.Мавлановтайинланди. Институттинг асосий илмий йўналиши ср қимирлаши вактини оддиндан айтиб бериш, башорат килиш қонуниятларини ўрганишдан иборат эди. Институтда олиб борилган тадқикотлар ср ости сувларининг таркиби, хосса ва хусусиятларини ўрганиш ср қимирлашини оддиндан башорат килиш, унинг даракчиларини аниклашда энг асосий манба эканлигини кўрсатди. Ўтган асрнинг 70-йилларга келиб, бу усул зилзилаларни башорат килишнинг гидрогеокимёвий усули номи билан жаҳонга танилди. 1973 йили академик Ф.О.Мавлонов бошлик бир гурӯҳ Тошкент (А.Н.Султонхўжаев ва бошқалар) ва Москва олимларининг серости сувларитаркибидаги газва микроэлементлар миқдорининг зилзила юз беришдан бирмунча оддин ва содир бўлиш даврида кескин ўзгариши қонуниятларини аниклашга оид тадқикотлари натижалари Давлат кашфиётлар ва ихтиrolар кўмитаси томонидан илмий кашфиёт, деб эътироф этилди. Унинг асосида катор зилзилалар (Газли, 1976; Олой, 1978; Чуст-Поп, 1984; Қамаши, 1999-2001 ва б.)нинг вакти оддиндан башорат килинди. Ҳозир академик А.Н.Султонхўжаев бошлик бир гурӯҳ олимлар томонидан бу соҳада самарали ишлар олиб борилмоқда. 2006 йилда босиб чиқарилган унинг «Гидрогеосейсмология асослари» номли асарида мазкур илмий йўналишнинг вужудга келиши, ривожланиши, ҳозирги ахволи ҳамда гидрогеосейсмологик тадқикотларни ташкил килиш, олиб бориш ва олинган натижаларни таҳлил килиш йўллари батағсил баён этилган.

1963 йили Ўзбекистон давлат лойиҳалаш ва курилиш қўмитаси қошида Ўзбекистон Давлат инженер-техник тадқикотлар институти (УЗГИИТИ) ҳамда 1975 йилда Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси қошида Тошкент давлат инженер-техник тадқикотлар институти (ТашГИИТИ) ташкил этилди.

Бу институтларнинг ҳам асосий вазифаси муҳим иморат ва иншоотлар курилиши кўзда тутилган майдонларнинг инженер-геологик ва гидрогеологик ҳолатини ҳар тамонлама ўрганиш, олинган маълумотларни таҳлил этиш, ҳисоботлар тузиш, зарур чора-тадбирлар кўрилиши тўғрисида тавсиялар беришдан иборат.

Шундай килиб, ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, республикамиизда гидрогеология ва инженерлик геологияси фанларидан назарий ва амалий тадқикотлар билан шуғулланувчи, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрловчи бир неча олий ўкув юртлари ва лойиҳалаш ишларини олиб борувчи қатор институтлар, экспедициялар жамоалари вужудга келди.

Булардан, Ўзбекистон Миллий университетининг геология-кидирув факультети ва А.Р.Беруний номидаги Тошкент Техника университетининг



2.10-расм. М.М. Крилов  
(1904-1973)

тоғ ҳамда геология-қидирув (хозирги тоғ-геология) факультетлари, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Сейсмология илмий-текшириш институти нафакат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё, Козоғистон ва бошқа қатор давлатлар (Грузия, Россия, Украина ва б.) учун ҳам гидрогеология ва инженерлик геологияси соҳаси бўйича кўплаб юкори малакалимутахассислартайёрлаб бердилар. Бу даргоҳларда таҳсил олганлар геология фанининг у ёки бу соҳалари бўйича илмий мактаблар яратдилар ва юзлаб олимларга усто злик килдилар. Уларни бутун дунё

танийди. Жумладан, мамлакатимиз ва бутун Ўрта Осиё республикаларида гидрогеология ва инженерлик геологияси фанларининг бу тури ташкил топишида варивожланишида, юкори малакалимутахассисларни тайёрлашда академик F.O.Мавлоновнинг хиссаси каттадир. У 1935 йили Ўрта Осиё Индустрисал-саноат институтини тутатиб, «Средазгипроводхлопок» институтига ишга келган вақтидан бошлаб Ўзбекистон худудида тарқалган лёсс ва лёссимон жинсларнинг хосса ва хусусиятларини ва ана шу жинслар тарқалган майдонлардаги инженерлик-геологик ҳодиса ва жараёнларни ўрганишни бошлаб юборди. 40-йилларга келиб, бу ишларини Ўрта Осиё миқёсида олиб борди. Шу билан бирга F.O.Мавлонов Ўзбекистон ер ости сувларини, айникса, ер ости шифобаҳш сувларини ўрганиш ҳамда сейсмологияга оид катта тадқиқотларни олиб борди. F.O.Мавлонов 300 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи. 1963 йилда С.М.Мирзаев, А.И.Исломовлар билан биргаликда яратган «Тошкентолди райони ер ости сувлари ва тоғ жинсларининг физик-механик хоссалари» ҳамда 1971 йили бир гурӯҳ мутахассислар билан ҳамкорликда ёзган «Гидрогеология» монографиялари унинг ер ости сувлари



2.11-расм. Н.Н.Ҳожибоев  
(1926-1979)



2.12-расм. А.Н.Султонхўжаев

масалаларига бағишланган энг йирик асарлари хисобланади.

Ўзбекистонда гидрогеология фанининг, жумладан, регионлар гидрогеология, гидроекимё, гидрогеосейсмология, мелиоратив гидрогеология соҳаларининг ривожланишида Н.А.Кенессарин, М.М.Крилов, Н.Н.Хожибоев, А.Н.Султонхўжаев, А.С.Ҳасанов, С.М.Мирзасев, У.У.Умаровнинг хизматлари катта. Улар ўзларининг илмий тадқикотлари билан гидрогеология фани ривожига катта ҳисса кўшдилар. Бу борада Н.А.Кенессариннинг (2.9.-расм) «Ўрта Осиё сугориладиган районлари грунт сувлари режимиининг ҳосил бўлиши» монографиясини, М.М.Криловнинг (2.10-расм) «Ўзбекистоннинг сугориладиган районлари шароитида грунт сувларининг динамика баланси ва уларни ўрганиш методлари», Н.Н.Хожибоевнинг (2.11-расм) «Гидрогеологик-мелиоратив районлаштириши» (1968), «Сугориладиган худудлар грунт сувлари балансини ўрганиш», А.Н. Султонхўжаевнинг (2.12-расм) «Фарғона артезиан бассейни» (1972), «Ўрта Осиё артезиан бассейнларининг металлогенияси» (1992), А.С.Ҳасановнинг (2.13-расм) «Мирзачўл ер ости сувларининг кимёвий таркибини вужудга келиш шароитлари» (1968) асарларини кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда мустакил Ватанимизда гидрогеология ва инжинерлик геологияси фанларининг янада ривожланиши, равнақ топиши учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Чунки, мамлакатимизда юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган, фаннинг ҳозирги замон технологияси, усул ва услублари билан куролланган олий ва ўрта маҳсус билим юртлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш инсти-тутлари, маҳсус гидрогеологик, инженер-геологик экспедициялари<sup>1</sup>, бу соҳаларни бошқарувчи стук олимлар ва мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли «Ўзбекгидрогеология» бирлашмаси тарки-бida Мирзачўл (1956), Фарғона (1997), Орололди (1960), Қарши (1962) гидрогеологик экспедициялари ва станциялари мавжуд. Буларнинг асосий вазифаси ўзлари жойлашган худудлардаги мавжуд ер ости сувларининг вужудга келиш ва ўзгарниш режимиини, ерларни мелиоратив ва шўрланиши холатини ўрганиши, ичимлик ва сугориш мақсадида ер ости сув захираларини қидириб топиш, уларнинг таркиби ва хосса хусусиятларини ўрганишдан иборат



2.13-расм. А.С.Ҳасапов  
(1924-2006)

## Такрорлани ва текширини учун саволар

1.Гидрогеология фанининг вужудга келиши ва тарихий манбалари тўғрисида тушунча беринг.

2.Ичимлик сувсиз худудларда аждодларимиз томонидан чучук сув оқимини вужудга келтириш мақсадида ихтиро этилган маҳсус қурилмалар тўғрисида ўз фикрингизни билдиринг.

3.Нима учун Амир Темур сулоласи хукмронлик қилган йилларда бунёд этилган иморат ва иншоатларни қурган усталарни ўша даврнинг инженерлари, инженер-геологлари ва гидрогеологлари деб аташ мумкин?

4.1500-1860 йиллар мобайнида хорижий

давлатлар, жумладан, Россия томонидан мамлакатимизнинг табиий шароитига, геологик тузилишига, срости ва срусти сувларини ўрганишга бўлган кизиқишиларининг сабабларини шарҳлаб беринг.

5.Мамлакатимиз олий ўкув юртларида дастлабки юкори малакали геологлар гурухининг тайёрланиши қайси йилларга тўғри келади? Улардан кимларни биласиз?

6.Мамлакатимизда юкори малакали инженер-геолог, гидрогеолог мутахассислар тайёрлаб берган ва берастган қайси олий ўкув юртларини биласиз? Илмий текшириш институтлари-чи?

7.Нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё республикаларида геология, гидрогеология, инженерлик геологияси фанларининг ташкил топиши ва ривожланишида, юкори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб берилишида етакчилик килган ўзбек олимлари тўғрисида сўзлаб беринг.

## 3-боб. Гидрогеология фанининг мамлакат ривожланишидаги ўрини


Одамларнинг инженерлик ва хўжалик фаoliятлари оқибатида табиий муҳит компонентлари: сро сатхининг тузилиши, тоғ жинслари, сроости ва срусти сувлари, тупрок ва бу муҳитда яшовчи органик мавжудотлар (ўсимлик ва ҳайвонат дунёси) ниҳоятда сезиларли даражада ўзгариб бормоқда<sup>1</sup>.

У ёки бу кўринишдаги техноген жараёнлар ва ходисалар (захлаш, ботқоқланиш, шўрланиш, чўкиш, сурилиш, кулаш ва х.) вужудга келмоқда ва ривожланмоқда.

Маълумки, сайёрамиз аҳолисинг сони тез кўпаймоқда (3.1-расм). Агар Ер юзида яшовчи аҳолининг умумий сони 1800 йилда 1 млрд. кишини ташкил килган бўлса, 1900 йилда - 1,65 млрд. 2000 йилда қарийб 6 млрд.

**3.1-расм. Сайбрамиз аҳолиси сони кўпайиппи даражаси кўрсатгичи.** (Чизма АҚПИ Илмий географик жамияти ва Миллий география журнали маълумотларидан (1988) соддадаштириб олинди\*) 1-Несолит даври бошларидан эрамизгача бўлган биринчи 1000 йиллик оралигига; 2-эрамизнинг бошидан кейинги йиллар мобайнида аҳоли сонининг ўсиш даражаси.

\* Gilbert M. Grosvenor and etc. ENDANGERED EARTH. Cartographic Division of National Geographic Society, 1988.




кишига стган. Жумладан. Ўзбекистонда 1957 йили 8,7 млн. аҳоли яшаган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 23 млн<sup>2</sup>, 2002 йилда эса 25 млн. нафарга етди. Шу билан бирга аҳоли зич яшайдиган шаҳарлар сони ҳам кўпаймоқда. Агар республикамида 1959 йилда 103 шаҳар мавжуд бўлган бўлса, уларнинг сони 1996 йилга келиб 120 тага стган. М.Янгибоевнинг (1997) маълумотларига кўра. факат Қашқадарё вилоятидагина шаҳарлар сони бу вақт мобайнида 6 тадан 17 тага, улардаги аҳоли сони эса 67 мингдан 483 мингга стган.

Аҳоли сонининг ошиши билан. шаҳарларнинг майдони, иморатларнинг каватлилиги, турли-туман инженерлик иншоотлари, уларнинг ишлаш режими ҳам ўзгарди. Сугориш ва бошқа коммуникация тизимларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ср ости сувларининг сатҳи йилдан йилга кўтарилиб бормоқда. Н.Ф.Мавлонов ва И.Б.Петрухиналарнинг ёзишича (2000)<sup>1</sup>, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри ҳудудининг ярмида захлаш жараёни мавжуд. Бу срларда ср ости грунт сувларининг сатҳи ср юзасидан 3-5 метр чукурликда ётади. Шайхонтоҳур ва Учтепа туманларидаги ср ости грунт сувларининг сатҳи бундан 10 йил олдинги ҳолатига қараганда (20-25 м.) 7-15 метрга кўтарилиган. Юнусобод, Чилонзор туманлари ҳудудларида ср ости грунт сувларининг сатҳи йилига 0,12-0,45 м га кўтарилаётганлиги кузатилган (3.2-расм).

Ер ости грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши, ўз навбатида. шаҳар ҳудудида тарқалган лёсс ва лёссимон жинсларининг таркибига ва физик-механик хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатган. 1968 йилда Тошкент шаҳри

<sup>1</sup> Мавлонов Н.Г., Петрухина И.А. Геоэкологические проблемы г.Ташкента. Проблемы инженерной геологии и оценка сейсмической опасности. Материалы конференции, посвященной 90-летию академика Г.А. Мавлянова. Ташкент ГГП «Ўзбекгидрогеология». с.106-118.

худудида ўтказилган инженер-геологик таддикот ишлари маълумотлари билан 2011 йилдаги шундай ишлар натижаларини қиёслаганда, лёсс жинсларининг катор хусусиятлари (чўкувчанилиги, намлиги, мустаҳкамлиги, зичлиги ва б.) ўзгарганилиги, жумладан, намлиги ўртача 15-18 фоиздан 20-25 фоизга, зичлиги қийматининг 0,15 дан 0,25 г/см<sup>3</sup> га ошганлиги аниқланди.



**3.2-расм.** Тошкент метроси «Буюк ишак йўли» йўналишидаги майдонларида ғрунт сувлари сатхининг ўзгариши. 1-«Пахтакор» бекати (бургу қудуги 1/1); 2-«Бунёдкор» бекати (бургу қудуги 7/2), 3-«Миший бод» бекати (бургу қудуги 1/6), 4-«Ҳамза» бекати (бургу қудуги 5/1); 5-«Улугбек» бекати (бургу қудуки 2/2); 6-«Чилонзор» бекати (бургу қудуги 4/2)

Мамлакатимизда сувдан фойдаланиш нихоятда ёмон аҳволда. Фақат кишлоқ хўжалигининг ўзида суғориш сувнинг 48-50 фоизидангина самарали фойдаланаётганлиги, унинг 25 фоизи эса йўл-йўлакай суғориш, сув узатиш тизимларининг носозлиги, сувнинг тоғ жинслари қатламларига бекорга сингиб кетиши оқибатида бехуда сарфланмоқда. Орол фожиасининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда. Агар 1950-60 йилларда Орол денигизининг майдони 68,3 минг км<sup>2</sup>, ундаги сув сатхининг баландлиги 53,0 м бўлган бўлса, 1966 йилларга келиб, Т.Э.Мавлоновнинг маълумотига кўра, унинг майдони 2 марта, сувнинг ҳажми 3,5 марта камайган, сув сатхининг обс.баландлиги 36,0 метргача пасайган. Денигиз куриб қолган кисмининг майдони 34 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. О.Е.Семенов, И.В.Рубанов, Н.М.Богданова ва бошқа мутахассисларнинг маълумотларига

кўра. Орол денгизининг қуриган майдонидан ҳар йили 7,3 млн дан 43 млн. тоннагача туз шамол таъсирида учирилиб, атрофдаги худудларга ёйилмоқда (Мавлонов, 1997). Бу инсонларнинг саломатлигига, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир этмоқда.

Бугунги қунга келиб, республикамиз худудида кўплаб йирик гидротехник иншоотлар, сув омборлари бунёд этилган ва бунёд этилмоқда. Чунончи, Жанубий Ўзбекистоннинг (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) сув хўжалиги 32540 км. узунликка эга бўлган каналлар шахобчаларидан, умумий сув ҳажми 4,6 млрд. куб м. бўлган 20 та катта-кичик сув омборларидан ва 21587 км узунликдаги коллектор-зовурлардан ташкил топган мураккаб инженерлик-мелиорация тизимидан иборат (Абдуллаев ва б.к., 1997).

Баъзан канал ва бошқасув иншоотлари ҳамда аҳоли яшаш масканларини бунёд этишда улар жойлашиши лозим бўлган майдонларнинг гидрогеологик ҳолатини яхши ўрганимай ёки қсракли чора-тадбирлар кўрилмаганлиги, қурилиб ишга туширилганлигидан кейин эса гидрогеологик назорат йўлга қўйилмаганлиги сабабли, қўнгисиз ҳодисалар юз беради. Масалан, 1974 йили Тожикистон Республикасининг Шарора. Оқули Боло, Оқули Поён қишлоқ-ларининг чўкувчан лёсс жинс қатламлари устида жойлашганлиги инобатга олинмай янги канал ўтказилган. Лекин унинг Шарора қишлоғи каршисидан ўтадиган қисмида намни ўтказмаслик (гидроизоляция) чоралари кўрилмай, каналга сув қўйилган. Кейинги 15 йил мобайнида каналдан фойдаланиш жараёнида сизиб ўтган сув ҳисобига ер ости грунт сувлари оқими вужудга келиб, у Шарора қишлоғи жойлашган худуддаги лёсс жинслари ғовакларининг сув билан тўйинишига олиб келган. Бутун китта лёсс массиви оқувлан бўлиб қолган. 1989 йили 23 январда содир бўлган Ҳисор ер қимирлаши пайтида ана шу оқувлан лёсс жинслари қатламларида кенглиги 900 м, қалинлиги 70 м га яқин бўлган сурилиш юз берган. Натижада, 70 дан ортиқ хонадонда истиқомат килган инсонлар ва 760 бош қорамоллари бўлган ферма ва ундаги одамлар тупроқ остида кўмилиб кетган.

Хозир Орол денизи ҳавзасида 90 дан ортиқ сув омборлари мавжуд бўлиб, уларнинг 56 таси Ўзбекистон худудида, 6 таси Тожикистонда, 10 таси Қирғистонда, 15 таси Туркманистонда, 3 таси Жанубий Қозоғистонда жойлашган. Уларда сувнинг умумий ҳажми 1 млн.  $\text{km}^3$  дан ортиқ (Саидова ва б., 2000). Бу сув омборларининг тўлатилиши ва сувдан нотўғри фойдаланилиши оқибатида ер ости грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши, ерларнинг шўрланиши ва ботқокланиши, захлаш, сурилиш, чўкиш, ювилиш, эрозия, жарликлар вужудга келиши жараёnlари кучайди. Айни пайтда юзлаб гектар сугориладиган унумдор срлар қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Жумладан, Чордара сув омбори ишга тушгандан

кейин 15 йил ичида ер сатхыда турли ҳажмдаги катта-кичик күллар вужудга келган, 650 га унумли ер бутунлай ишдан чиқкан. Чимкүрғон сув омбори тасыр зонасида 1972 йили 163,5 км<sup>2</sup> га ер майдони захланган, 1985 йили эса бу күрсаткыч 251,6 км<sup>2</sup> га стган (Сайдова ва б., 2000).

Гидрогеология фанининг асосий вазифаларидан яна бири ер ости сувлари, тупроқ, тоғ жинслари катламларининг ифлосланишини аниқлаш ва сабабларини ўрганиш, уларни ифлосланишдан саклаш учун күлланиши лозим бўлган тадбирларни ишлаб чиқишидан иборат. В.М.Лукянчиков, А.М.Рябчиков ва А.А.Нельсон-Смитларнинг маълумотларига кўра, дунё бўйича хар йили бекорга сарфланадиган нефть маҳсулотлари микдори 45-50 млн. тоннани ташкил этади. Бунинг оқибатида ер ости сувларининг ифлосланиши масалан, Буюк Британияда барча ифлослантиришларнинг 39 фонзни (Р.Харкер бўйича), АҚШда эса бу кўрсаткыч хлорид ва нитрат ифлослантиришларидан кейин учинчи ўрнини эгаллади (Д.Д.Тодд бўйича).

Н.Ф.Мавлонов ва И.А.Петрухиналарнинг ёзишича, Тошкент шахри худудида ер ости ва ер усти сувларини, лёсс жинслари аэрация зонаси катламларини ифлослантирувчи компонентлар – нефть маҳсулотлари, оғир металлар (хром, никель, кобальт ва ҳоказолар) ва нитратлар эканлиги аниқланган. Уларнинг кўрсатишича, шахарнинг факат биргина Навоий ва Фуркат кўчалари кесишган жойида бундан 30-35 йиллар аввал жойлашган «Авто ёқилғи» шахобчаси ўрнида кенглиги 1 км<sup>2</sup>, қалинлиги 15 метр бўлган лёсс жинслари қатлами ўта ифлосланган (М.Ф.Мавлонов, Н.А.Петрухина, 2000). Бундай мисоллар жуда кўп.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, гидрогеология ва инженерлик геологияси фанлари мамлакатимиз тараққиёти учун назарий ва амалий аҳамиятга эга. Саноат ва фукаро қурилишлари, кишлоқ хўжалиги, гидротехник иншоотлар ва сув омборлари, автомобиль ва темир йўллари, кўпприклар, аэроромлар, метро трассаларининг бунёд этипишини бу фанлар муҳатассисларининг кўрсатма ва тавсияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, бино ва иншоотларнинг бокийлиги, мустаҳкамлиги улар жойлашган майдонлардаги тоғ жинсларининг таркибига, физик-механик хосса ва хусусиятларига, мавжуд табиий геологик ва техноген жараён ва ходисаларнинг вужудга келиш, ривожланиш қонуниятлари ва сабабларига, шунингдек, гидрогеологик, инженер-геологик шароитига боғлик. Шунинг учун гидрогеологик тадқиқотларнинг усул ва услубларини яхши билиш, амалиётга тўғри татбиқ этиш, биринчидан, инсон хаёти учун энг зарур ҳозирги замон стандартларига тўла жавоб берадиган тоза ичимлик суви билан ахолини таъминлаш имконини беради, иккинчидан, мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги ва саноати эҳтиёжлари учун қўшимча ер ости суви

манбаларини излаб топишни ёнгиллаштиради, учунчидан, иморат ва иншоотларни түғри жойлаштириш ва қуришда катта аҳамиятига эгадир.

### **Такрорларни ва текшириши учун саволлар**

1. Табий мұхит компонентлари нималардан иборат?
2. Таббий мұхит компонентларини биз нима учун ўрганамиз?
3. Таббий мұхит компонентларини гидрогеологик ва инженер-геологик нұктан назардан тегишлича ўрганмаслик ва бағоламаслик нималарга олиб келади?
4. Гидрогеология фанининг инсонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, иморат ва иншоотларни режалаштиришда, жойлаштириш ва қуришда ҳамда қишилек хұжалиги ва саноат учун көркебе бүлгап ер ости суви манбаларини излаб топишдаги аҳамияти түғрисида гапириб беринг.

### **4-боб. Гидрогеология фанининг бошқа фанлар билан алоқасы**

Гидрогеология фаны ўзининг ривожланиши, мақсад ва вазифаларини бажарып жараёнида, энг аввало. геология йўналишидаги фанлар ҳамда физика, математика, статистика, механика, кимё ва бошқа табий фанлар билан яқин алоқада бўлиб келди (1.1-расм).

Бу унинг хўжалик обьектларини режалаштириш, лойихалаш, қуриш ва қурилган иморат ва иншоотлардан түғри фойдаланиш, янги срларни ўзлаштириш жараёнида пайдо бўлган ва вужудга келиши мумкин бўлган геоэкологик масалаларни счишда фаол иштирок этади. Бу масалаларни ҳал қилиш давомида, гидрогеологлар, энг аввало. геология, инженерлик геологияси, геоморфология, климатология ва бошқа табий фанлар мутахассислари томонидан бажарилган тадқиқот ишлари натижаларини ўрганади, таҳдил этади ва тегишли ҳолосалар чиқаришади. Чунки, ер ости сувлари бирон бир шаҳарни ёки бошқа хўжалик обьектларини бунёд этилиши лозим бўлган жойнинг табий шароити (ёғадиган ёғиннинг тури, ойлик, кўп йиллик миқдори, ҳаво ҳарорати, шамол ҳаракати йўналиши, тезлиги, ср усти оқар сувлари ва х.), геологик тузилиши (тоғ жинсларининг генезиси, литологик таркиби, ётиш ҳолати, тузилмавий ва текстуравий ҳусусиятлари, қалинлиги, ёши ва х.), геоморфологик ҳолати (ср сатҳларининг генезиси, шакли, киятлиги, қайси тоғ жинси устида вужудга келгандиги, мустаҳкамлиги ва х.), сейсмик даражаси (худуднинг исча балли зилзила зонасига жойлашганлиги, ср қимирлашларининг тарихий миқдори, юз берган жойи, кучи, ер қимирлаш кучининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва х.) тўтрасидаги тоғ жинсларининг инженер-геологик ҳусусиятлари (гранулометрик таркиби, намлиги, ғоваклиги, зичлиги,

кўпчувчанлиги ва х.) тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмай туриб, бино ва иншоотларни куриш максадида мукаммал тадқиқот ишларини бошлаш асло мумкин эмас.

Гидрогеологик тадқиқот ишларини ўтказиш жараёнида ер ости сувларининг ҳамда тоғ жинсларининг таркибини, сувда эрувчан, кам, ёмон ерувчан тузларнинг турлари, миқдори, коррозиялаш хусусиятларини аниқлашда, иморат ва иншоотлар жойлаштирилиши керак бўлган майдоннинг курилиши учун лойиқ ёки нолойиклигини баҳолашда кимё фанининг усул ва услубларига мурожат килинади ва фойдаланилади.

Конларни кидириб топиш ва тоғ саноати иншоотларини режалаштириш, жойлаштириш, куриш жараёнида гидрогеология фани ўз услублари, маҳсус ишланган услубий кўлланмалари билан тоғ ишлари фанига яқиндан ёрдам кўрсатади. Маълумки, ер сатҳидан пастга қараб ҳарорат ўзгариб боради. Бу ўзгариш тоғ жинслари қатламларининг литологик тузилишига, хосса ва хусусиятларига, ер ости сувларининг мавжудлигига, уларнинг кимёвий таркибига, физик хусусиятларига боғлиқ. Шунинг учун чуқур шахталарни, карерларни ва бошқа тоғ иншоотларининг срӯзасига нисбатан чуқурлигини, йўналишини белгилашда, кудукларни бурғулаш учун керакли техник ускуналарни тўғри танлаш ва аниқлашда юкоридаги омилларга эътиборга олинади.

Геодинамик ва техноген жараён ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва содир бўлиши сейсмология, геофизика ва механика фанлари томонидан ўрганилади. Шунинг учун амалиётда ана шу жараён ва ҳодисаларни моделлаштириш, тажрибалар ўтказиш ишлари ушбу фанлар конуниятиларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Маълумки, ер кимирилаши жараёни, уни ер юзасида намоён бўладиган кучининг ўзгариши билан ер ости сувларининг ер юзасига нисбатан ётган чуқурлиги ҳамда ер ости суви мавжуд бўлган тоғ жинсларининг турлари орасида боғлиқлик мавжуд. Чунки, лёсс жинслари ғовакларида ер ости сувларини мавжудлиги, тўйинганлик даражаларига қараб, зилзиланинг кучи баъзан тўсатдан 1-2 баллга ошиб кетиши мумкин. Буларни хўжалик объекtlарини режалаштириш, жойлаштириш ва қуриш жараёнида ҳисобга олиш шарт. Мазкур соҳада гидрогеология амалий сейсмология, айниқса, сейсмология фанига таяниши табиийдир.

Тоғ жинсларининг таркиби, физик-механик хосса ва хусусиятлари, уларнинг устки қисмида ва қатламларида содир бўладиган геодинамик ва техноген жараёnlар тўғрисидаги ҳамда ер ости сувларининг сатҳи, кўп йиллик ўзгариши режими, кимёвий таркиби, инженер-геологик шароитларининг бошқа компонентларига оид ҳамма маълумотлар математик-статистик усулларни, замонавий компьютер тизимини кўллаш йўли билан амалга оширилади.

Демак, гидрогеология фани ўз вазифаларини барча фанлар, ҳатто биология, зоология, тарих, философия фанлари маълумотларидан фойдаланган ҳолда бажаради.

### **Такрорлари ва текнинги учун саволлар**

1. Гидрогеология фани ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда энг аввало қайси фанлар билан яқиндан ҳамкорлик қиласди?
2. Кимё ва сейсмология, инженерлик сейсмогеологияси фанларининг гидрогеология фани билан алоқалари тўғрисида сўзлаб беринг.
3. Гидрогеология фани вазифаларининг бажарилиши жараёнида математика фанининг аҳамияти нималардан иборат? Физика ва механика фанларининг-чи?

## ИККИНЧИ ҚИСМ


### 5-боб. Ер көбиги ва қатламлари хамда харорати түгрисида умумий түшүнчө

#### 5.1. Ернинг ички ва ташкил қисметтериниң ташкил этиувчи қатлам - геосфералар

##### 5.1.1. Ернинг ички қатламлари

Ер түгрисидаги фанларнинг ксейнги маълумотларига кўра, ер массасини ташкил қилувчи дастлабки моддадарнинг секин-аста қуюклашиб, жойлашиши натижасида концентрияланган ҳолатдаги ер қатламлари юзага келган. Булар: қобик, мохорович юзаси<sup>1</sup>, юкориги мантия, мантия, ташкил ядро ва ядро ҳисобланади (5.1-расм).

Литосфера. Ернинг юкориги қаттик қобиги. У ернинг ташкил қобигини ва юкориги мантияниң энг юкори кисмини ўз ичига олади (5.2-расм). Унинг қалинлиги 50-200 км атрофида, деб таҳмин қилинади. Юкори томондан атмосфера ва гидросфера билан чегараланди.




5.1-расм. Ер геосфералари ва улариниң миқдори қийматлари (Ф.Ю.Зигель бўйича) 1-қобик (литосфера); 2-Мохорович юзаси; 3-юкори мантия; 4-магния; 5-ташкил ядро; 6-ядро

Ернинг ташкил қобиги, унинг сиаль (асосан *si* ва *al* таркибли тоғ жинсларидан ташкил топган) қисми бўлиб, у ўз ичига ер литосферасининг юкориги, яъни мохорович юзасигача бўлган кисмини олади<sup>2</sup>. Ер ости сувлари, асосий геологик ва сейсмогеологик ходиса хамда жараёнлар ернинг ўртача қалинлиги 35-40 км.ни ташкил этиувчи шу қобигида содир бўлади. Бу қобик океангага якинлашиши билан юпқалашиб, 5-8 км га, тоғлихудудларгаяқинлашган сари қалинлашиб, 40-80 км га стиши мумкин (5.1-жадвал).

<sup>1</sup> Бу юза уни биринчи марта аниқлаган Югославия геофизиги А.Мохорович номи билан атасиган мантия оралиги унинг юкори кисмидаги жойлашган юза бўлиб, унга сейсмик тўлқинларини (бўйлами тўлкин-6,3 дан 7,8 км-сек) ниҳоятда ўзгарувчанлиги хосдир.

<sup>2</sup> Геологический словарь: Москва, Том 1, 19 с 256.



**5.2-расм. Ер литография ва мантияниң түзилиші**  
**(Н.А.Ясмановдан, 1987)**

### 5.1-жадвал

**Ер литосферасининг қалиптиги**  
**(Л.М.Пешковский, Т.М.Перескоковадан, 1971)**

Худудлар	Қалиптиги, км	Худудлар	Қалиптиги, км
Тибет	70	Тинч океани	
Тянь-Шан	80	Шимолий қисми	8
Кавказ	50	Марказий қисми	18
Европа (текислик)	28	Атлантика океанынинг марказий қисми	16
Шимолий Америка (текислик)	30		

Ер қобиги ўзининг минерал-жинс таркибига кўра юқоридан пастга томон ўзгариб боради. Жумладан, Ер қобигининг юқориги қисми ва оксан қисми туби чўкинди, гранит-метоморфик ва гранит-базалт жинсларидан иборат. Океан, континентал ва океан туби чўкинди жинслари гил, кальцит, доломит, оҳактошлар, қумтошлар ва бошқалардан ташкил топган. Қайнига қатлам таркибда дениз туб жинслари бўлмаган гранит-метоморфик (гранит-гнейс) қатлам. асосан ўрта таркибига эга бўлган магматик жинслар (дала-шпати-31фоиз, плагиоклазлар-29,3 фоиз, кварц-12,4 фоиз, пироксен-12 фоиз, рудали минераллар-4,1фоиз, биотит-3,8фоиз, оливен-2,6фоиз, роговоя обманка-1,7 фоиз, мусковит-1,4 фоиз, апатит-0,6 фоиз, хлорит ва серпентин-0,6 фоиз, исфелин-0,3 фоиз) бор. (5.2-расм). Ҳозирги кунда

маълум бўлган минералларнинг аксарияти шу катламда юз берган ва юз берастган жараёнлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Ер қобигининг энг пастки қатлами – базалт қатлами бўлиб, у асосан ўрта, асос ва уларнинг бошқа тусга кирган турларидан ташкил топган. Бу катламни роговая обманка (33 фоиз), пироксен (20,5 фоиз), плагиоклаз (14 фоиз), кварц (11,9 фоиз), гранит (9,5 фоиз) ва бошқа минераллар ташкил қиласди.

Куруқлиқдаги қобикканинг юкори кисми чўкинди жинслардан иборат бўлиб, ўрта қалинлиги 3 км, ўртача зичлиги 2,5 г·см<sup>3</sup>, бўйлама сейсмик тўлқинларнинг (р) таркалиши тезлиги 2-5 км дир. Гранит-метоморфик (гранит-гнейс) жинслари қатламининг ўртача қалинлиги 17 км, зичлиги 2,6-2,8 г·см<sup>3</sup>, бўйлама сейсмик тўлқинларнинг ўтиш тезлиги 5,5-6,5 км/с га тенг. Базалт қатламининг қалинлиги 15 км, жисларнинг зичлиги 2,9-3,3 г·см<sup>3</sup>, бўйлама сейсмик тўлқинларнинг ўтиш тезлиги эса 6,4-7,3 км/ни ташкил этади (Н.А.Ясманов, 1987, А.И.Павлов, 1991).

Ернинг мантия ва ядроси. Ер қобигининг пастки чегарасидан тортиб то 2900 км гача бўлган кисми мантия, 2900 км дан чукуррок кисми Ернинг ядроси, деб аталади (5.1-расм). Мантия ва Ер ядросининг қайси ҳолатда эканлиги тўғрисида ҳали аниқ бир фикр йўқ. Баъзи олимлар мантияни қаттиқ ҳолатда - ультрасос таркибида, яъни периодотит ва экологитга ўхшашиб жинслардан ташкил топган, деб тахмин килинмоқда. Унинг В-юкори (33-400 км), С-ўтиш (400-1000 км), D-пастки (1000-2900 км) зоналардан иборат эканлиги айтилмоқда (5.2-расм). Бўйлама сейсмик тўлқиннинг ўтиш тезлиги мохорович чегарасидан пастда 8,0-8,2 км-сек.ни ташкил этади.

Ер мантияси бўйлаб сейсмик тўлқинларнинг таркалиш тезлигини ўрганиш натижасида бу катлам икки катта қисмдан иборат, деган холосага келинган. Улардан биринчиси, яъни юкориги қисми 900 км атрофида бўлиб, тектоник ва вулқон харакатлари айнан шу катлам жинс массасининг харакатланиши натижасида содир бўлади.

Олимлардан К.Е.Буллен, Г.Джеффрис маълумотлари асосида, Ер ядроси ҳам учта катламга ажратилади. Булар: Е катлами- ядро таги (2900-4980 км); F-ўтиш катлами (4980-5120 км); G-ички ядро (5120-6370 км). Ташки ядродан кўндаланг тўлқиннинг ўтганлиги маълум эмаслигига қараб, бу катламнинг суюқ ҳолатда эканлиги, ядронинг F катламидан бошлаб Р (бўйлама) тўлқиннинг тезлиги ошиб бориши асосида эса ички ядро қаттиқ ҳолда, деб тахмин килинмоқда. Ядронинг таркибига келсақ, ўтказилган қатор тадқиқотлар натижалари асосида, у темир-никелли бўлиб, кремний ва олтингугурт аралашмаларидан ташкил топган бўлиши мумкин (Павлов, 1991)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Павлов А.Н. и др. Общая и полевая геология: -Л., «Недра», 1991

## 5.2-жадвал

**Ернинг ички қисмлари тўғрисида баъзи бир миқдорий  
маълумотлар (А.Аллисан, Д.Палмер бўйича, 1984)**

Қат- ламлар	Калин- лиги, км	Ажра- лиш чукур- лиги, км	Мас- саси, фоиз	Сейсмик тўлқинпилг тарқалини тезлити, км·с		Хисоб- ланган зичлиги, г/см <sup>3</sup>
				Бўйлама тўлқин	Кўн- даланг тўлқин	
Қобиқ	5-40	ўзга- рувчан	1,5	5,8-7,6	3,2-3,4	2,8
Мантия	2860	2900	82,3	мохорович чизиги 7,9-8,2 13,6	4,3-4,6 7,3	3,3-3,4 5,5-5,8
Ташқи ядро	2200	5120	15,4	гуттенберг чизиги 8,1-10,4	-	9,4—10 12
Ички ядро	1250	6371	0,8	Ташқи ва ички ядро чегараси 11,1 11,3	-	13-13,5 (ўртача)

### 5.1.2. Сайёрамизнинг ички ҳарорати

Ер ости сувларининг вужудга келиши ва ўзгариши хамда ср остида ва юзида вужудга келадиган ҳодиса, жараёнларнинг ривожланишида Ернинг устки ва остки қисмларидаги иссиқлик энергияси катта роль ўйнайди. Иссиқлик энергияси асосан иккита манба—куёш энергияси ва Ернинг ички қисмларидаги уран, радий, торий, калий каби элементлардан ажралиб чикадиган иссиқлик туфайли пайдо бўлади. Куёш энергияси таъсири Ер юзининг тузилишига, Ернинг устки қобигини ташкил этувчи минерал жинс катламларининг иссиқликни ютиш ва қайтариш хусусиятларига, ўсимлик дунёсининг тарқалишига, сайёрамиздаги сув манбалари – гидросферага, ҳаво массасининг оқимига боғлиқ бўлиб. Ер юзининг турли қисмларida у турличадир. Масалан, денгиз сатҳидан аста-секин паст тесисликка, сўнгра баланд тоғларга кўтарилиб борсак, ҳаво ҳароратининг ўзгариб боришини кўрамиз. Агар Тошкентда (денгизсатҳидан 479 м баландликда) ўртачайиллик ҳарорат  $13.5^{\circ}\text{C}$  бўлса, Чимёнда (1438 м баландликда)  $\text{f} = 8.12^{\circ}\text{C}$ . Ангрен яssi тоғларida (2280 м баландликда) -  $4.3^{\circ}\text{C}$  га тенгdir. Иссиқликнинг иккинчи тури хам Ер қобиги катламларини ташкил қилувчи тоғ жинслари таркиби, хосса ва хусусиятлари, ётиш ҳолатларига, гидрогеологик шароитига, радиоактив элементларнинг тоғ жинси таркибидаги миқдорига қараб турлича бўлиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида олимлар Ер сатҳидан пастга томон ҳароратнинг маълум даражада ўзгариб боришини учта зонага ажратиладилар. Булар: 1.Мавсумий ўзгариш зонаси. 2.Доимий ҳароратли

зона. 3. Ер юзаси хароратига боғлиқ бўлмаган зона.

Мавсумий ўзгариш зонаси Ер сатҳидан 2-15 м гача, доимий хароратли зона 15-35 м гача ва Ер юзасининг хароратига боғлиқ бўлмаган зонанинг чукурлиги сайёрамизнинг турли чеккаларида турличалиги билан тавсифланади. Масалан, Париж обсерваторияси майдонидаги 23 метр чукурликда (100 йил мобайнида) харорат доимо  $+11,83^{\circ}\text{C}$ , Москвадаги 20 м чукурликда 1882 йилдан бўён  $4,2^{\circ}\text{C}$  экан. (Исломов, Шораҳмедов, 1971), Тошкент атрофидаги 25-30 м чукурликда ҳам харорат ўзгармасдир (Мавлонов, 1985).

Умуман, доимий хароратли зонадан бошлаб Ер қаърига кириб борган сари хароратнинг ўртacha ҳар 33 м да  $1^{\circ}\text{C}$  ошиб бориши куҳатилган. Хароратнинг бундай ошиб боришини геотермик боскич, деб юритадилар.

АҚШ худудида бу боскич 33 м билан 45 метр ўргасида (яъни ҳар 33 м ва 45 м чукурликда харорат  $1^{\circ}\text{C}$  га ошиб бориши), Фарбий Европада 25 м билан 36 м, Тошкентолди худудида 25-30 м (Мавлонов, 1985) орасида ўзгаради. Профессор О.К.Лангенинг маълумотларига кўра. Шимолий Каспий бўйида пармаланган қудук чукурлашган сари харорат куйидагича ошиб борган: 500 м чукурликда  $42,2^{\circ}$ , 1000 м да  $52,2^{\circ}$ , 1500 м да  $69,9^{\circ}$ , 2000 м да  $80,5^{\circ}$ , 2500 м да  $94,4^{\circ}$  ва 3000 м да  $108,3^{\circ}$ .

### 5.1.3. Ернинг ташки қобиқ – катламлари

Ер қобигини яна бир қанча ташки қобиқлар: гидросфера, атмосфера, биосфера ўраб турган бўлиб, улар ер ости сувлари хосил бўлишида, Ернинг устида ва ички кисмларида турли ҳодиса ҳамда жараёнларнинг содир бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

**Гидросфера.** Гидросфера сайёрамиздаги сув ҳавзаларини (кўллар, дарёлар, Ер ости сувлари, денгиз ва океанлар) бирлаштириб туради. Унинг умумий массаси  $1,4 \cdot 10^6$  трлн.тоннага эга бўлиб, Ер массасининг 1-4000 кисмига тенгdir. уни 94 фоизини дунё океанинг суви ташкил этади. Дунё океанинг ўртacha чукурлиги 3880 км бўлиб, сайёрамиз ер майдонининг 70,8 фоизини ташкил этади (Н.А.Ясманов, 1987). Гидросфера ўзининг ҳозирги вақтдаги тутган ўрнига қараб, турли физик ва кимёвий хоссаларга эгадир. Факат денгиз сувларидағина 30 дан ортиқ кимёвий элементлар мавжуд бўлиб, улар туз ва бошқа бирикмалар холатида учрайди. Мутахассисларнинг хисоблашларича, агар денгиз ва океанлар суви таркибидаги тузлар чўктирилса, бутун океан туби 60 метр калиндикдаги туз катлами билан копланар экан.


**Атмосфера.** Ернинг юқори қобигида бўладиган ёки бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар атмосфера билан, ундаги бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир. Атмосфера Ерни ўраб олган хаво

сфераси бўлиб, бу сферанинг қалинлиги 1000-1500 км ни ташкил этади. Тахминан шу баландликдан кейин атмосфера космик фазога ўта бошлади. Атмосферанинг Ерга яқин қисми 78,09 фоиз азот, 20,94 фоизи кислород, 0,934 фоизга яқини аргон, 0,033 фоизга яқини карбонат ангидрид гази ва бошқалар (неон, гелий, метан, ксенон, криpton, водород газлари ҳамда сув буғи)дан иборат бўлиб, улар билан Ер қобигининг устки қисмидаги чўкинди тоғ жинсларнинг ҳосил бўлиш жараённада узлуксиз алмаши-ниш юз бераб туради. Бу эса, ўз навбатида. Ер қобигидаги иккинчи ҳодиса ҳамда жараён-ларнинг кслиб чиқиши ва ривожланишида катта геологик куч ҳисобланади.

Айниқса атмосферанинг 17-70 км баландлигига мавжуд бўлган озон қатламининг (унинг максимал қиймати: 20-30 км кузатилади) қуруқликдаги ва гидросферанинг юқори қисми-даги тирик мавжудотларни (инсон, ҳайвонот дунёси, микроорганизмлар) ҳасти учун роли ниҳоятда бескиёсdir. Бу юпқа қатлам тўсиқ сифатида Қўёшдан келаётган ультрафиолет нурларини ютиб қолиш хусусиятига эга бўлиб. Ерда ҳаётнинг давом этиши ва доимийлигини таъминлайди. Атмосферадаги бу қатламнинг емирилиши ёки ўз кучини қандайдир даражада йўқотилиши Ердаги ҳаётни фожиага

дучор қилиши, ҳатто йўқ бўлишига олиб келиши мумкин.

Атмосфера, ҳароратнинг пастдан, яъни Ер сатҳидан юқорига кўтарилган сари ўзгариб боришига қараб, тропосфера, стратосфера, мезосфера, термосфера қатламларига ажратилади (5.3-расм). Тропосфера - Ер юзасига яқин қатлам. У 8-12 км дан 16-17 км гача бўлса, фазо бўшлиғига тўғри келади. Баландлик томон бу қатламда ҳарорат ҳар километрда  $6,5^{\circ}\text{C}$  га пасайиб боради. Об-ҳавонинг ўзгариш жараённи ана шу ерда юз беради. Стратосфера 8-17 дан 50-55 км баладликгача бўлган фазо бўшлиғини эгаллайди. Унинг пастки қисмida ҳарорат бирмунчча ўзгармас бўлса-да,



5.3-расм. Ер атмосферасининг тузилиши  
(Ф.Ю.Зигелдан, 1988)

1-денгиз сатҳи; 2-тропосфера; 3-тропопоиза;  
4-стратосфера; 5-стратопоиза; 6-мезосфера;  
7-мезопоиза; 8-термосфера; 9-ионизациянинг  
асо-сий максимуми; 10-экзосфера; 11-  
ионосфера

25 км дан кейин  $0\text{--}10^{\circ}\text{C}$  га пасайиб боради. Бу ҳарорат турли фаслларда түрли чадир. Мезосфера да 50-55 км дан 80 км баланликкача бўлган фазо бўшлиғи бўлиб, юқорига кўтарилиш билан ҳарорат пасайиб боради. Ҳаво оқими бу қатламда тартибсиз ҳаракат ҳусусиятига эга. Термосфера ҳароратнинг юқорига қараб ошиб бориши билан ажralиб туради. Агар 90 км баландликда ҳарорат  $90^{\circ}\text{C}$  бўлса, 150-200 км да -  $500^{\circ}\text{C}$  га тен, 400-800 км да эса,  $1000\text{--}2000^{\circ}\text{C}$  гача ўзгарилиши мозақкабор. Бу ерда Қўёшдан келаётган ультрафиолет нурларни ютиш, атмосферанинг қизиши ва ионизацияланиш жараёнлари содир бўлади. Мезосфера да ва термосферанинг пастки қисмида электр зарядланган ионлар вужудга келади. Атмосферанинг 60 дан 400 км гача бўлган бу қисми фанда ионосфера, деб юритилади (5.3.-расм).

Атмосферанинг бу қатламида юз берадиган магнит-ионосфера жараёнларни ҳар тамонлама ўрганиш ер қимирлаш ҳодисасининг вужудга келиш ва содир бўлиш сабабларини билиш ва олдиндан башорат қилишда катта аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

**Биосфера.** Бу қатлам геосфера билан атмосферанинг ички қисмидан ўрин олган. Атмосферадаги унинг юқориги чегараси озон қатлами хисобланиб, пастки чегараси дунё океанининг энг чуқур ( $11034\text{ м}$  – Мариана чуқурлиги бутоғи) қисмигача етиб боради. Олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги вақтда сайёрамизда тирик мавжудотларнинг икки миллиондан ортиқ ва ўсимликларнинг 500 мингдан ортиқ турлари борлиги аниқланган. Ҳайвонат ва ўсимликлар дунёсининг турлари Ернинг узоқ геологик тарихий тараққиёти давомида иқлим ўзариши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Шу билан бирга тоғ жинсларининг пайдо бўлишида катта геологик роль ўйнаган ҳайвонат дунёсидан фораминиферлар ва сапропелитларни ҳамда кўмир, торф ҳосил қидувчи ўсимликларни кўрсатиш мумкин. Тоғ жинсларининг таркиби, ҳосса ва ҳусусиятларининг ўзаришида кўзга кўринмайдиган организмлар – микроорганизмларнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Микробиологлар 1 г тоғ жинси таркибидаги микроорганизмларнинг сони 18-25 мингдан ортиклигини аниқланганлар. Бу эса, тоғ жинсларининг нурашида уларнинг зилзилабардошлигида етакчи ўрин эгаллайди.

<sup>1</sup> Озон Ер томон келаётган Қўёш ультрафиолет нурларнинг кислород молекуласига таъсир этиши жараённида юз бе-радиган фотокимёвий реакция натижасида вужудга келади (Ясманов, 1987).

<sup>2</sup> Бу борада Г.О.Мавлонов номидаги ЎзРФА Сейсмология институтида академик К.Н.Абдуллаевеков ва бошқа бир гуруҳ олимлар (С.С.Хусамиддинов ва б.к.) катта илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда

## **Такрорлаш ва текшириш учун саволлар**

1.Ернинг ички ва ташки қобиқлари тўғрисида нималарни биласиз? Бу қобиқлар қайси ҳолат ва хусусиятларига қараб бир-бирларидан ажратилади?

2.Ер юзасидан пастга қараб ҳарорат ўзгариши жараёни тўғрисида гапириб беринг. Геотермик босқич деганда нимани тушунасиз?

3.Ер юзасидан бошлаб юқорига қараб, яъни атмосфера қобиғида қандай қатламлар мавжуд? Бу қатламларни санаб ўтинг.

4.Ерда ҳаёт мавжудлигини ва барқарорлигини таъминловчи озон қатлами (экранни) тўғрисида тушунча беринг.

5.Ер ости сувларининг вужудга келиши ва ўзгаришида Ер қатламларининг таъсири тўғрисида муроҳаза юритинг.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### ТОҒ ЖИНСЛАРИ


#### 6-боб. Тоғ жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятлари

Тоғ жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятлари уларнинг қандай йўл билан (магматик, чўкини, метаморфик) хосил бўлганлигига, улар тарқалган худудларнинг, энг аввало, тектоник, геморфологик, иқлим ва гидрогеологик шароитига қараб турлича бўлиши мумкин. Шу билан бирга, одамларнинг инженерлик, хўжалик фаолиятлари (срларни ўзлаштириш, сув омборлари, каналлар, иморатлар, йўллар қуриш ва ҳоказолар) оқибатида ер сатхининг табиий тузилиши, еrostis сувларитабии ҳолатининг (сатҳи, оқиш ўналиши, ойлик ва йиллик режими ва х.к.) ўзгариши, ўз навбатида, тоғ жинсларининг табиий тузилмаси ва намлигига таъсир этади. Тоғ жинслари эса, ер ости сувларининг кимёвий таркиби хосса ва хусусиятларига таъсир кўрсатади. Жумладан, тоғ жинсларини ташкил қилиб турган минерал заррачаларнинг ўлчамига (катта-кичиклигига), шаклига, уларнинг бир-бирларига нисбатан жойлашиш ҳолатига қараб сизот сувларининг ҳаракат тезлиги ва қатор хусусиятлари ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун тоғ жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятларини лаборатория ва дала шароитида аниқлаш усууллари тўғрисида муайян билимга эга бўлмоқ даркор.

#### 6.1. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби

Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби деганда, уларни ташкил этувчи минерал заррачалар катта-кичиклиги тушунилади. Ана шу заррачалар катта-кичиклигига қараб, улар муайян гурухдаги фракцияларга ажратилади (6.1-расм). Ҳар бир гурухдаги фракциялар тоғ жинслари ҳажмининг у ёки бу

қисмини ташкил этади. Бу ҳолат тоғ жинсларининг сув ўтказувчанилигига, сув бериш қобилиятига таъсир қиласи. Шунинг учун инженер-геологик амалиётда тоғ жинсларини ташкил қилиб турган фракцияларни, уларни миқдорини аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун қатор усууллар мавжуд. Булар: 1.Харсангтошлар, жуда йирик, йирик шағалларни дала шароитида (очилмаларда) тўғридан-тўғри,



6.1-расм. Чўкини қум ва гил тоғ жинсларининг гранулометрик таркибини аниқлаш учун ишлатиладиган элаклар мажмуаси 1-элаклар мажмуйининг устки қопқоғи; 2- элаклар мажмуйининг тар-0,1 мм дан майдароқ заррачалар йигиладиган қисми

күз билан кузатиш, махсус ўлчаш асбоблари (металл ленейка, йирик күўлардан иборат бўлган ўлчамдаги симтўр кўринишидаги ўлчагич, муаяян масштабларда фотоаппарат ёрдамида расмини олиш ва ҳ.к.) ёрдамида аниқлаш усули; 2. Қум ва қумли шағалларни ташкил қилувчи фракцияларни махсус элаклар ёрдамида элаш усули; 3. Соф гил ва гил (лёсс ва лёссимон) жинсларини ташкил этувчи фракцияларни (кум, чанг, гил) микдорини аниқлаш учун қўлланиладиган А.Н. Сабанин ва пипетка усуслари.

#### 6.1-жадвал

**Чўкинди төғ жинсларини ташкил этувчи фракцияларнинг  
(заррачаларнинг) умумий таснифси (В.Д.Ломтадзедан)**

Фракциялар	Фракцияларнинг ўлчами, мм	Фракциялар	Фракцияларнинг ўлчами, мм
1. Силиқланган ва қиррали харсангтошлар:		4. Қум заррачалари:	
Катта	800	Дагал	2-1
Ўртача катталиқда	800-400	Йирик	1-0,5
Майда	400-200	Ўртача катталиқда	0,5-0,25
2. Силиқланган ва қиррали шағаллар:		Майда	0,25-0,1
Жуда йирик	200-100	Жуда майда	0,1-0,05
Йирик	100-60	5. Чанг заррачалари:	
Ўртача катталиқда	60-40	Йирик	0,05-0,01
Майда	40-20	Майда	0,01-0,002
3. Силиқланган ва қиррали майда шағаллар:		6. Гил заррачалари:	
Йирик	20-10	Дагал	0,002-0,001
Ўртача катталиқда	10-4	Майнин	0,001
Майда	4-2		

Харсангтошларни, жуда йирик шағалларни ташкил этувчи фракциялар микдорини аниқлаш учун ўрганилаётган майдон кичик майдончаларга (қисмларга) ажратилиб чиқилади. Майдончаларнинг ўлчами энг катта фракциянинг (харсангтош ёки йирик шағалнинг) ўлчамидан 10 маротаба катта бўлиши шарт. Жумладан, агар майдондаги энг катта фракциянинг диаметри 1000 мм бўлса, у томонларининг ўлчами  $10.000 \times 10.000$  мм

бўлган майдончаларга ажратилади. Сўнгра ҳар бир майдонча ичидағи мавжуд фракциялар миқдори юқорида келтирилган ўлчагичлар ёрдамида ўтчаниб, ҳисоблаб чиқилади. Бунда ҳар бир фракциянинг қайси генетик турӯҳдаги тоғ жинсларига (магматик, чўкинди, метаморфик) мансуб эканлигига ҳам эътибор берилади. Масалан, майдондаги тоғ жинсларининг 50 фоизи магматик (интрузив, эффузив), 30 фоизи чўкинди ва 20 фоизи метаморфик тоғ жинсларига тўғри келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, у ёки бу ҳавзада тарқалган тоғ жинсларининг эгаллаган майдони тўғрисида мулоҳаза юритишга асос бўлади.

**Элаш усули.** Бу усул учун металдан ясалган икки хил элаклар йиғмаси кўлланилади. Биринчи хилдаги элакларнинг тешиклари 200, 100, 60, 40, 20, 10 мм ўлчамларда бўлиб, шағалларни ташкил этувчи фракциялар миқдорини аниқлашда; иккинчи элак йиғмаси кўзларининг ўлчами 10, 5, 2, 1, 0,5, 0,25, 0,1 мм (6.1-расм) бўлиб, у қум жинсларини ҳамда майдоша шағалларни ташкил қилувчи фракциялар миқдорини аниқлашда ишлатилади.

Фракциялар шағаллар доирасидаги таркибини аниқлаш учун ўрганиш майдонларидан, оғирлиги 3-5 кг, баъзан, майдонларни ташкил этувчи фракциялар ўлчаминини катталиги, ечилаётган масаланинг мақсади ва вазифаларига қараб, 10-15 кг келадиган намуналар олинади. Улар лабораторияга келтирилиб, ювиб тозаланади ва ҳаво ҳароратида куритилиб, дастлабки оғирлигига нисбатан қолган оғирлиги аниқланади. Сўнгра, синовга тайёрланган ана шу наъмуна кетма-кет ўрнатилган биринчи хилдаги элаклар жамламасига кирувчи энг юқориги элакка солинади ва эланади. Натижада, олинган намуна тешиклари ўлчами 200, 100, 60, 40, 20, 10 мм бўлган элаклар бўйинча ажралади. Ҳар бир элакда қолган фракциялар миқдори (A. фоиз) қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$A = \frac{g_0}{g_1} \cdot 100$$

Бу ерда:  $g_0$  – ҳар бир элакда қолган фракциялар оғирлиги, г;  $g_1$  – тадқиқот учун олинниб, ҳаво ҳароратида куритилган наъмунанинг умумий оғирлиги, г.

**Қум, қумли тоғ жинсларини ташкил қилувчи фракциялар миқдори**<sup>1</sup>, тадқиқот учун олинган намуна табиий ҳолатда, ювилмасдан ёки ювиш орқали аниқланади. Бу уларнинг таркибида чанг ва гил заррачаларининг кўп-озлигига боғлиқ. Агар жинс таркибида чанг ва гил заррачалари кўп бўлса, ювиш усули кўлланилади.

**Ювиласдан фракцияларга ажратиш усули.** Таҳдил учун керакли ўртacha намуна катакчаларга бўлиш услуби орқали ажратиб олинади. Бунинг учун жинс қалин қоғоз ёки фанер устига юпқа қават тарзида ёйилади. Кейин

пичоқ билан узунасига ва кўндалангига ариқчалар чизилиб, квадартларга ажратилади ва ҳар қайси квадратдан таҳлил учун оз-оздан намуна олинади. Олинган намуна тарозида тортилади ва элаклар жамламасидаги 10 мм ли элакда эланади. Намуна элаш жараёнида элакнинг бошқа қисмлари бўйича фракцияларга ажратилади. Бунда тагликка ўтган заррачаларнинг диаметри 0,1 мм дан кичик, 10 мм ли элакда қолган заррачалар эса 10мм дан катта заррачалар, деб олинади. Ҳар бир элакда қолган заррачалар вазни аниқ стаканчаларга солиниб, тарозида тортилади ва дастлабки таҳлил учун олинган ҳаво ҳароратида қуритилиб, жинс оғирлигига қараб, юкоридаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

## 6.2-жадвал

**Жинсларнинг гранулометрик таркибини элаш усули ёрдамида олинган натижаларини ёзиб бориш журнали<sup>1</sup>**

Элаклар кўзларининг ўлчами	Элак жамламаларида қолган заррачалар ўлчами, мм	Ҳар бир элак жамламасида қолган заррачалар миқдори	
		г	фоиз
10	10 дан катта		
5	5-10		
2	2-5		
1	1-2		
0,5	0,5-1		
0,25	0,25-0,5		
0,1	0,1-0,25		
Элак таги	0,1 дан кичик		

**Ювиш орқали фракцияларга ажратиш.** Таҳлил учун олинган намуна маҳсус чинни косачаларга солиниб, сув ва  $0,5 \text{ см}^3$  5 фоизли аммиак эритмасида намланади. Намлангандан кейин 10-15 дакика ўтгач қоришима резина қинли таёқча ёрдамида эзилиб, аралаштирилади. Сўнгра 30-40 мм қалинликда сув солиниб, ҳосил бўлган суспензия лойқа холатига келтирилиб, 10-15 с тиндирилади. Сув, чўкмаган заррачалар билан бирга, тешик ўлчамлари 0,1 мм бўлган элакка ағдарилади. Лойқалантириш ва ағдариш чўкма устидаги сувнинг тўлиқ тиниқлашишигача амалга оширилади. Элакда қолган заррачалар резинали сикма нокча ёрдамида чинни косачага ювиб туширилади. Қумли жинснинг ювилган намунаси ҳаво ҳарорати қуруқлиги даражасида қуритилиб косача билан бирга тортилади.


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси стандарти 817-97 ва бошқа мавжуд услубий кўлланмалардан фойдаланилади.

Жинснинг 0,1 мм дан кичикроқ ўлчамли заррачалари оғирлиги, таҳлил учун олинган намуна нинг массаси билан, ювилгандан кейин қутилган қумли жинс намунасининг оғирлиги орасидаги фарқ бўйича аниқланади. Ювилиб ҳаво ҳарорати даражасида қутилган заррачалар массаси элаклар жамламасидан ўтказилади. Ҳар бир элақда қолган фракциялар махсус стаканларга солиб тортилади ва таҳлил натижалари журналига ёзилиб борилади (6.2-жадвал). Ҳисоб дастлаб олинган ҳаво ҳароратида қутилган ўртача намуна оғирлигига нисбатан фоизларда олиб борилади.

Таҳлил учун олинган намуна нинг ўртача миқдорини аниқлашда ўрганилаётган жинс таркибидағи ўлчами 2 мм дан катта заррачаларнинг кўп-озлигига эътибор берилади. Жинс таркиби ўлчами 2 мм дан катта бўлган заррачалардан ташкил топган бўлса 100 г, 10 фоизи 2 мм ўлчамдан катта бўлган заррачалардан ташкил топган бўлса 500 г, 10 фоиздан 30 фоизгача 2 мм ўлчамдан катта бўлган заррачалардан ташкил топган бўлса 1000 г, 30 фоиз дан ортиғи 2 мм ли ўлчамдан катта бўлган заррачалардан ташкил топган қумли жинслардан камида 2000 г намуна олинади.

**Соф гил ва гилли (лёсс ва лёссимон)** жинсларни ташкил этувчи фракцияларни (кум, чанг, гил) аниқлаш усуслари анча мураккаб. Бунинг учун амалиётда асосан А.Н.Сабанин, ареометрик ва пипетка усуслари кўлланилади.

**А.Н.Сабанин усули.** Бу усул асосан майин, жуда майдага (0,1-0,05 мм) қум заррачаларини ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачаларини аниқлашда кўлланилади (6.2-расм). Агар йирик чанг заррачаларидан ташкил топган жинсларда 0,01 мм дан кичик заррачалар миқдори 10 фоиздан ортиқ бўлса, пипетка усулини кўллаш маъқул. Чунки, А.Н.Сабанин усули кўлланилиши жараёнида 0,01 мм ли заррачаларнинг йирик заррачалар билан бирга чўкиши оқибатида ўрганилаётган жинс таркибида 0,01 мм ли заррачалар миқдориниг ошиб кетишига олиб келиши мумкин.



6.2-расм. Жинсларнинг гранулометрик таркибини Сабанин усули ёрдамида аниқлаш жараёнида кўлланиладиган анижомлар

Майин ва йирик чанг заррачаларини аниқлаш усули услубий кўлланмларда (Е.Е.Чаповский. 1958, П.И.Фадеев. 1968), дарсликларда

(А.Ф.Фролов., И.В.Коротлик, 1999 ва б.к.), гостларда (ҮзРСТ 817-97) келтирилган.

**Пипетка усули.** Бу усул гилжинсларини ташкил қилиб турувчи 0,1; 0,1-0,05; 0,05-0,01; 0,01-0,005; 0,005-0,001 мм дан йирик ва 0,001 мм дан майды заррачалар микдорини аниқлашда құлланилади. Усул турли диаметрдаги жинс заррачаларини маълум хароратга эга бўлган тинч сувда (жинс ва сув аралашмасида) ўз оғирликларига қараб маълум вакт мобайнида чўкишга асосланган (6.3-жадвал). У ёки бу диаметрдаги заррачаларнинг қўкиш тезлиги Дж.Стокс формуласини қўллаш ёрдамида аниқланади.

$$D = \frac{2}{g} gr^2 \frac{\gamma - \gamma_w}{\eta}$$

Бунда:  $\Theta$  - суюқлиқдаги (сувдаги) заррачаларнинг чўкиш тезлиги, см/г;  $r$ -заррачалар радиуси, см;  $\gamma$ -заррачалар зичлиги, г/см<sup>3</sup>;  $\gamma_w$ -суюқликнинг зичлиги, г·см<sup>3</sup>;  $\eta$ -суюқликнинг (сувнинг) қовушкоқлиги, м<sup>2</sup>/с.

Шунингдек, А.Н.Сабанин. Дж.Стокс. Аттерберглар томонидан жинс заррачаларнинг диаметри билан уларни сувда чўкиш тезликлари орасида боғлиқлик борлигининг эмпирик шкаласи ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, у кулагида билан ажриб туради.

### 6.3-жадвал

#### Заррачаларни сувда чўкини тезлиги билан, утарининг диаметрлари орасида боғлиқлик шкаласи

Заррачаларни чўкиши тезлиги, см/с	1 см чўкиш учун кептан вакт	Заррачаларнинг диаметри, мм		
		Стокс бўйича	Сабанин бўйича	Аттерберг бўйича
0,2	5 с	0,05	0,05	0,06
0,022	45 с	0,0168	-	0,02
0,02	50 с	0,0156	0,01	-
0,0028	6 мин	0,0053	-	0,006
0,000046	36 мин	0,0023	0,005	-
0,00036	48 мин	0,002	-	0,002
0,00011	2 с 24 мин	0,0012	0,001	-

Муайян диаметрдаги заррачаларнинг маълум вакт мобайнида чўкишига асосланган, кайси чукурликдан қандай диаметрли заррачаларни пипетка ёрдамида сўриб олиш усули эса Н.А.Качинский (1958) томонидан ишлаб чиқилган (6.4-жадвал). Юкорида келтирилган формула ва жадваллар гил жинсларини ташкил этувчи заррачаларни пипетка усулида аниқлашнинг асосини ташкил этади.

#### 6.4-жадвал

**Чанг ва гил заррачаларини мұайян чүқурлукдаги маълум вакт давомида пипеткага олин чизмаси (Н.А.Качинский бүйінча, 1958)**

№	Заррачалар ўлчами, мм	Цилиндрдеги суспензиядан намуна олип чүқурлуги, см	Намуна олиш муддати, сек
1	0,05 дан кичик	25	10
2	0,01 дан кичик	10	15
3	0,005 дан кичик	10	20
4	0,001 дан кичик	7	30

Пипетка усулида гил жинсларининг гранулометрик таркибини анықлаш күйдеги амалта оширилади (ҮЗР СТ 817-97 бүйінча ихчамлаштирилиб олинди).


Катақчаларга бўлиш усули ҳаво ҳарорати қуруқлигидаги 200 г ўртача намуна таҳлил учун олинади ва тешикларининг катталиги 10; 5; 2; 1 мм бўлган элаклар жамламасидан ўтказилади. Элакларда тутилиб қолган ва тагликка ўтган фракциялар аналитик торозида тортилади. Тешикларининг ўлчами 1 мм бўлган элакдан ўтган заррачалар яна катақчаларга бўлиш йўли билан ажратилиб, улардан ўртача намуна олинади. Олинган намуна аввалдан оғирлиги тортилиб аниқлаб кўйилган чинни косачага солинади ва тортилади.

Таҳлил учун олинган ўртача намуна нинг массаси гиллар учун 10 г, суглениклар (кумоқ лёссимон жинслар) учун 15 г, супеслар (чўқинди тоғ жинслари) учун 20 г ни ташкил қилиши керак.

Олинган ўртача намуна 250 см<sup>3</sup> ҳажмли колбага ювгичдаги сув оқими орқали ювиб туширилади ва устига (колбага) 200 см<sup>3</sup> дан кўп бўлмаган миқдорда сув кўйилади (6.3-расм).

Грунт ва сув аралашмаси колбага 25 см<sup>3</sup> 4 фойзли ёки 6,7 фойзли пирофосфорнордан натрий (Na<sub>4</sub>P<sub>2</sub>O<sub>7</sub>) солинади. Сўнтра колба тесскари совитгич ёки 4 - 5 см гача диаметрли воронкалик пукак копқоқ билан беркитилади ва суспензия 1 соат давомида секин қайнатилади. Қайнатилган суспензия 15-20°C ҳароратгача совитилиб тешикларининг ўлчами 0,1 мм бўлган элак орқали диаметри 14 мм воронка кийдирилган 1 литрли шиша цилиндрга кўйилади. Колбанинг ички юзасида қолган жинс заррачалари ювгичдан тушуви сув оқими орқали яхшилаб ювиб туширилади.

Элакда тутилиб қолган заррачалар ва агрегатлар чинни косачага сув билан ювиб туширилади ҳамда улар резина қинли даста ёки юпқа ғилоф кийдирилган бармоқ билан яхшилаб эзгиланади. Косачада ҳосил бўлган муаллақ суюқлик тешикларининг ўлчами 0,1 мм бўлган элак орқали цилиндрга солинади. Косачадаги чўкмани цилиндрга кўйиш косача тубида



**6.3-расм.** Пипетка усулни билан гил жинстарининг гранулометрик тарқибини аникландашда кўлдантиладиган ажомларини энг асонийлари. 1-пипетив, 2-пипетив ўрнатиладиган асос, 3-пипетив асосини горизонталь холатга келтиришида ишгатиладиган винг, 4-суспензия солинадиган стакан, 5-аралаштиргич, 6-пипетка туттичи, 7-100 мм ли пипетка, 8-чегараловчи халқа, 9-суспензияга ботили даражасини кўрсатувчи кўрсаткич, 10-резина шант, 11-резина покча, 12-кагта пипеткаси ювии учун ишгатиладиган стакан, 13-пипеткадан суспензияни куйили учун ишгатиладиган стакан, 14-вания, 15-мусташкамланган винги. Бундан ташқари сабабин усулида кўлданнилашди анжомлар, элаклар жамтамаси хам ишгатилади.

давомида тегилмайди.

Суспензия намуналари олиш вақти (0,05; 0,01; 0,005; 0,001 мм дан кичик заррачалар билан) тиндириш бошланган вақтдан кейин жинс заррачаларнинг зичлиги ва ҳарорати хисобга олинган ҳолда аникланади. Намуна суспензиясидан пипеткага олиш чуқурлиги ва давомийлиги 6.4-жадвалда берилган.

қолган заррачалар устидаги сувнинг тўлиқ тиникланишигача давом эттирилади.

Элакда тутилиб қолган заррачаларни чинни косача тубида қолган заррачаларга кўшиб, уларни аввалдан тортилган чинни тигель ёки шиша стаканчага кўйлади ва кум хаммомда буғлантирилиб, куритиш шкафида ўзгармас массағача куритилади.

Ўзгармас массағача куритилган жинс заррачалари тешиги ўлчамлари 0,5; 0,25; 0,1 бўлган элакда эланади.

Таркибида органик моддалар бўлган гил жинсларини таҳдил килишда заррачалар, тешиклари ўлчами 10; 5; 2; 1; 0,5; 0,25; 0,1 мм ли, элаклар жамламасида эланади.

Тешиклари 0,1 мм бўлган элакдан ўтган заррачалар суспензияси цилиндрга ўтказилади.

Элакларда тутилиб қолган жинс фракциялари тортилади.

Ўлчов цилиндрдаги суспензия ҳажми эса 1 л га етказилади.

Намуна олиш оддидан тайёрланган суспензия 1 дакиқа давомида, цилиндр тубидаги чўкма билан секин-аста чайқатилиб, ара-лаштирилади. Чайқатилиб аралаштирилган суспензияга намуна олингунча бўлган вақт

Намуна олишда пипетка ёник ҳолатда штатив бўйлаб кўтарилади ва марказ бўйича суспензияли цилиндрга туширилади. Белгиланган вақт ўтгач, пипетка ва аспираторни тутамлаштирувчи жумракни ўлчов чизигига стгунча, буриш билан суспензиянинг пипетка ичига сурилишига эришилади. Сўнгра жумрак беркитилади, пипетка суғурилиб цилиндрдан бошқа тарафга олиниб, таянч ҳалқасигача пастга туширилади ва суспензия аввалдан оғирлиги ўлчангандишига стаканчага ёки чинни тигелга ўтказилади.

Пипетка штативни юқори қисмига ўрнатилган ва пипетка билан резина шланг ва бир ёклама жумрак билан бирлашувчи колбадан ўша стаканча ёки тигел дистирланган сув билан ювилади. Стаканчалардаги намуналар кум ҳаммомда ( $105\pm2^{\circ}\text{C}$  ҳарорат остида) ўзгармас массага эришунча буғлатилади ва аналитик тарозида тортилади.

Жинс заррачаларининг стаканчадаги массаси г-ларда ҳаво ҳарорати қуруқлигидаги намуналарни таҳлил этиш ёки гигроскопик намлиқка бўлган тузатишларни хисобга олган ҳолда, куйидаги формула бўйича хисоблаб топилади:

$$g_0 = \frac{g_1}{1 + 0.01w}$$

Бу ерда:  $g_0$  - жинснинг мутлақ ўртача намунаси массаси, г;  $g_1$  - жинсларнинг ҳаво ҳарорати қуруқлигидаги (ёки гигроскопик намлиқдаги) ўртача намунаси массаси, г;  $w$  - гигроскопик намлиқ, фоиз.

Жинснинг ташкил этувчи 0,5; 0,25 ва 0,1 мм ли  $L$  ўлчамдан катта бўлган фракциялари таркиби ушбу формула бўйича фоизларда хисобланади:

$$L = \frac{g_n}{g_0} (100 - k)$$

Бу ерда:  $g_n$ -доимий оғирликгача қуритилган, берилган жинс фракцияси массаси, г;  $g_0$ -гигроскопик (ёки табиий) намлиқга бўлган тузатиш билан олинган жинснинг ўртача намунаси массаси, г;  $k=1,0$  мм дан катта ўлчамли жинс фракцияси йиғиндиси таркиби, фоиз.

Ўрганилаётган жинснинг 0,005 мм дан кичик, 0,01 мм дан ҳам кичик, 0,005 мм дан майдароқ ҳамда 0,001 дан кичикроқ фракциялар таркиби ( $L$ ) куйидаги формула бўйича хисоблаб топилади:

$$L = \frac{A \cdot 1000}{g_0 Vn} (100 - k)$$

Бу ерда:  $A$  - пипетка ҳажмида ўзгармас оғирликгача қуритилган тупрок фракциясининг массаси, г;  $g_0$ -таҳлил учун олинган тупрокнинг мутлақ қуруқ ўртача намунаси массаси, г;  $Vn$  - пипетка ҳажми, см<sup>3</sup>;  $k=1$  мм дан катта ўлчамли тупрок фракциялари йиғиндисининг микдори, фоиз.

Сүнгра 0,05 мм дан 0,01 мм гача бўлган фракциялар таркиби 0,05 мм дан кичик ва 0,01 дан майдароқ фракцияларнинг фоиз таркиблари орасидаги тафовут бўйича хисоблаб топилади. Айнан шундай тарзда жинснинг 0,01 мм дан 0,005 мм гача ва 0,005 мм дан 0,001 гача фракцияли фоиз таркибларининг миқдорлари хам хисоблаб чикилади.

Жинснинг 0,001 мм дан кичик фракциясини хисоблашда киритилувчи дисперсловчи масса таркибига тузатишлар киритилади. Бунинг учун жинснинг берилган фракцияси массасидан пипетка ҳажмида қутилган мутлақ куруқ дисперсловчи масса айриб ташланади.

Жинснинг 0,1 мм дан 0,05 мм гача бўлган фракцияси кўйидаги тафовут оркали топилади: 10 фоиздан пипетка ёрдамида аниқловчи (дисперсловчи киритишга бўлган тузатишни хисобга олиб) ва элаш тахлили усули билан тўпланган маълумотлар асосида олинган барча фракциялар йиғиндиси айриб ташланади.

### 6.5-жадвал

**Гил жинсларини гранулометрик ва ва микроагрегат таркиби бўйича  
нишетка усулида олинган натижаларин ёзиб борини лаборатория  
журнални (ЎЗРСТ 817-97 га биноан, баъзи ихчамлантиришлар билан)**

Таҳлил ўтказуш санаси	Жинс намунаси злаборатория раками	Жинс намунаси олинган чукурлик, м <sup>3</sup>	Жинс заррачалири зичлиги, г·см <sup>3</sup>	Жинснинг гирохоник намалти	10 дан катта	10 <sup>-5</sup>	5-2	2-1	1-0,5	0,5-0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	0,001 дан кичик	Эслатма

Таҳлил ўтказувчи шахснинг фамилияси, исми, шарифи

Таҳлил натижаларини текширувчи шахснинг фамилияси, исми, шарифи

«\_\_\_» 200 \_\_\_ й.

Таҳлил натижаларининг журнал кўринишида (6.5-жадвал) берилиши жоиз бўлиб, унда ўрганилган жинс таркибида мавжуд бўлган қуидаги ўтчамли фракциялар фоизларда кўрсатилади: 10, 10-5, 5-2, 2-1, 1-0,5, 0,5-0,25, 0,25-0,1, 0,1-0,05, 0,05-0,01, 0,01-0,005, 0,005-0,001 мм ва 0,001 мм дан кичик.

Таҳлил натижалари қўлланилган дисперсловчи, гигроскопик (ёки табиий) намлиги (фоиз), таркиби ва зичлигини кўрсатиш орқали кузатиб борилиши зарур.

**Амалиётда соғ гил.** Лёсс ва лёссимон жинсларининг гранулометрик таркибини аниқлашибдан бир вактда микроагрегат таркиби ҳам аниқланади. Микроагрегат таркибини аниқлашда, гранулометрик таркибини аниқлашга қарама-қарши ўлароқ, кимёвий таъсир қўлланилмайди, жинс лаборатория таҳтили учун фақат сувда ивitiш ва физик-механик (эзиш, силкитиш, ва х.) таъсир этиш йўли билан тайёрланади.

#### 6.6-жадвал

#### Лёсс жинсларининг гранулометрик ва микроагрегатлик кўрсаткичи (Кмак).

Шурфлар тартиб но-мери	На- муна олин- ган чу- кур- лик, м	Гранулометрик таркиби, фоиз			Микроагрегат таркиби, фоиз			0,005 мм дан кичик фракциялар миқдори		Микро- агрегат кўрсат- гичи, Кмак
		Кум	Чанг	Гил	Кум	Чанг	Гил	Гра- нуло- метрик таркиби бўйича	Микро- агрегат таркиби бўйича	
2-шурф	2,0	3,66	80,41	15,85	5,32	90,91	2,56	15,85	2,56	13,29
	5,0	3,65	79,85	16,48	4,62	90,60	2,98	16,48	2,98	13,50
5-шурф	1,0	6,46	82,16	11,67	7,46	90,12	4,50	11,67	4,50	7,17
	5,0	3,42	83,14	13,42	6,81	89,72	3,62	13,42	3,62	9,80
	8,0	6,00	86,00	8,00	7,00	90,02	3,01	8,00	3,01	5,0
	15	4,00	83,72	10,67	7,11	92,97	0,85	10,67	0,85	4,89
	21,5	6,75	75,24	15,13	8,01	91,01	1,12	15,13	1,12	14,01
	25,0	5,01	80,10	14,93	6,00	90,10	3,90	14,93	3,90	11,03
	30,0	6,10	79,90	14,00	7,00	89,50	3,50	14,00	3,50	10,5

**Иккинчи усул** ёрдамида олинган натижалар жинсларининг табиий ҳолатини кўрсатади. Бу икки йўл билан аниқланган жинс таркибини ташкил қилиб турувчи гил заррачаларининг миқдори бир-бирларидан фарқ қиласди.

Бу фарқ ғанда жинсларнинг микроагрегат кўрсатгичи деб юритилиб, куйидагича ифодалади: Кмикр-гран-гмикр.

g гран-жинслар гранулометрик таркибини аниқлаш йўли билан олинган гил заррачаларининг миқдори;

g микро-жинслар микроагрегат таркибини аниқлаш йўли билан олинган гил жинсларининг миқдори.

Гранулометрик натижалар икки хил: чизма ва жадвал кўринишида ифодаланилади.


Гранулометрик таркибини чизмаларда ифодалашда обсисса ўқига заррачалар диаметри ( $d$ ) кўйилиб ордината ўқига заррача фракцияларининг фоизлари ўсив борувчи холатда кўйилади.

Амалиётда бу чизма (6.4-расм) орқали тоғ жинсларини ташкил этувчи заррачаларни харакатдаги ёки эффектив диаметри- $d$  ва жинс заррачаларининг хар хил ўлчамлари коэффициенти аниқланади.

Эффектив ёки асосий ишләётган диаметрли заррачаларининг ўлчами хар хил диаметрлардан ташкил топган жинсларнинг фильтрациялашув хусусиятини кўрсатади. Бундай диаметрли заррачалар жинсларнинг 10 фоизинигина ташкил киласди.


Заррачаларнинг хар хиллик коэффициенти ( $K_v$ ), деб жинс заррачаларини 60 фоизини ташкил қилган диаметрининг эффектив диаметрли нисбатига айтилади.

$$K_v = \frac{0,54}{0,12} = 4,5$$



6.4-расм. Тоғ жинс заррачаларинин эффектив диаметрини ва ўлчамлари коэффициентини кўрсатувчи чизма

Хар хиллик коэффициенти құмларда 3 дан катта, түпроқларда 5 дан юқори бўлса, заррачалар ҳар хил деб юритилади. Агарда заррачалар диаметрлари катта оралиқда ўзгарса, унда общисса ўқи узунлашиб кетади, натижда, чизма эни чўзилади. Бу камчиликдан қутилиш учун заррачлар диаметрлари ўлчамини логарифм кўринишидаги жадвални кўрсатиш мумкин (6.5-расм).



6.5-расм. Жинслар механик таркибининг логарифмик масштаблардаги жадвали: 1-согтупрок; 2-кум

Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби ҳам жадвал орқали ифодаланилади (6.7-жадвал).

#### 6.7-жадвал

#### Тоғ жинсларини ташкил қилувчи заррачалар микдори ўзгаришини кўрсатувчи жадвал

Фракция микдорининг оддий ҳолдаги кўрининши		Фракцияларнинг қўшилгандағи микдори	
Заррача диаметри, мм	Микдори, фоизларда	Фракция ичидаги заррачанинг энг катта диаметри	Ортиб борувчи фоизлар
0,01	1,2	0,01	1,2
0,01-0,1	7,3	0,1	8,5
0,1-0,5	48,5	0,5	57,0
0,5-1,0	32,4	1,0	89,4
1,0-3,0	8,2	3,0	97,4
3,0-5,0	2,4	5,0	100

Төг жинслари заррачаларини хар хиллик коэффициентидан ташқари эгри чизикнинг ҳолатига караб ҳам гранулометрик таркиби умумий хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Агар заррачаларнинг ўлчами (диаметри) бир хил бўлса, эгри чизик тик ҳолатда, заррача ўлчамлари (диаметри) хар хил бўлса, эгри чизик нисбатан ётик бўлади. Олиб борилган тадқиқотлар (6.7; 6.8; 6.9-жадвал) натижаси бўйича төг жинсларининг таснифлари яратилган.

#### 6.8-жадвал

#### Уч хил ўлчамни төг жинсларининг гранулометрик таркиби таснифи

Грунтлар номи	Заррачалар микдори, фоизларда		
	Гиллилги (0,005 мм)	Чангсимонлги (0,05-0,005 мм)	Кумли (2,0-0,05 мм)
Гил	60	-	-
Гилли грунт	60-30	-	-
Чангсимон гилли грунтылар	60-30	Алоҳида олингандаги олдинги гурухларнинг ҳар биридан кўп	-
Оғир соғ тупроқ	30-20	-	Чангсимонга қараганда кўп
Ўртacha соғ тупроқ	20-15	-	Чангсимонга қараганда анда кўп
Чангсимон оғир соғ тупроқ	30-20	Кумликларга қараганда кўп	-
Чангсимон ўртacha соғ тупроқ	20-15	Кумликларга қараганда кўп	-
Енгил соғ тупроқ	15-10	-	Чангсимонга қараганда кўп
Чангсимон снитил соғ тупроқ	15-10		-
Кум тупроқ	10-3	-	Чангсимонга қараганда кўп
Чангсимон грунт	10-3	Кумликларга қараганда кўп	-
Чанг	3	50	-
Чангли қум	3	50-20	-
Кум	3	20	-

## 6.9-жадвал

### Тоғ жинсларининг цементланган ва цементланмаганинги бўйича гранулометрик таркиби таснифи

Жинслар		Асосий фракциялар миқдори					
		Заррача диаметри, мм					
Цементланмаган	Цементланган	0,5	0,25	0,1	0,01	0,001	
Жуда катта кум	Конгломерат( заррачаси катталиги 2,5 мм). Ётарли даражада катта заррачали қумтош (заррача ўлчами 2,5-1,0 мм)	-	-	-	-	-	
Катта заррачали кум	Катта заррачали қумтоши	50,0	-	-	-	-	10,0
Ўрта заррачали кум	Ўрта заррачали қумтоши	-	50,0	-	-	-	10,0
Майдা заррачали кум	Кичик заррачали қумтоши	-	-	50,0	-	-	10,0
Юпқа заррачали кум	Юпқа заррачали қумтоши	-	-	-	50,0	-	10,0
Гилли қумлар	Гилли қумтошилар	-	-	-	-	-	50,0
Қумли гиллар	Сланеццлар	-	-	-	-	-	50,0
Гиллар	Сланеццлар	-	-	-	-	-	75,0

### 6.2. Тоғ жинсларининг кимёвий таркиби

Ер ости сувларининг кимёвий таркиби, баъзи физик хусусиятлари ва уларнинг ўзгариши, асосан тоғжинсларининг кимёвий таркибигабоғлиқ. Тоғ жинсларини кимёвий таркибига қараб ер ости сувларининг шифобаҳшлиги ёки ичишга яроқли эмаслигини ҳам аниқлаш мумкин. Шунинг учун ер ости сувлари мавжуд бўлган тоғ жинслари қатламларининг кимёвий таркибини билиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, аксарият тоғ жинсларининг кимёвий таркибини у ёки бу даражада  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{TiO}_2$ ,  $\text{AlO}_3$ ,  $\text{FeO}$ ,  $\text{MnO}$ ,  $\text{MgO}$ ,  $\text{CaO}$ ,  $\text{Na}_2\text{O}$ ,  $\text{K}_2\text{O}$ ,  $\text{H}_2\text{O}^{+110}$ ,  $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$  каби моддалар ташкил этади. Жумладан, магматик, метаморфик, гилли чўкинди жинсларида  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{H}_2\text{O}^{+110}$  ва чўкинди карбонат жинсларида  $\text{CaO}$ ,  $\text{MgO}$ ,  $\text{CO}_2$  энг асосий кимёвий моддалар ҳисобланади (6.10; 6.11-жадваллар). Шу билан биргга, коя тоғ жинслари нураш жараёнида ўзларининг аввалги табиий кимёвий таркибини бутунлай ўзгартиришлари (у ёки бу модданинг ошиши ва камайиши), янги маҳсулотларни ҳосил қилишлари мумкин (6.12-жадвал).

Инженер-геологик нұктай назардан тоғ жинсларини, айникса гил жинсларининг умумий кимёвий таркибини, яъни юқорида күрсатылған компоненттерди хамда уларнинг таркибида мавжуд бўлган сувда яхши эрувчан тузларни жумладан, хлоридларни - $\text{NaCl}$ ,  $\text{NaCl}_2$ ,  $\text{MgCl}_2$ ; сульфатларни - $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{K}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{MgSO}_4$ ; карбонатлар - $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{MgCO}_3$ ,  $\text{NaCO}_3$ ,  $\text{K}_2\text{CO}_3$  ларни аниклаш, уларнинг миқдорини билдиш катта амалий аҳамиятга эга. Чунки, гил жинсларини ташкил этувчи заррачаларнинг кимёвий таркибига караб гил минералларининг турлари ажратилиади (6.13-жадвал).

Улардаги тузлар миқдорига қараб шўрланыш даражаси, коррозияланishi хусусиятлари аникланади ва баҳоланади. Тоғ жинсларидағи мавжуд тузларнинг (қаттиқ колдик) хамда хлорнинг миқдорига қараб, улар шўрланмаган (қаттиқ колдик 0,3 фоиз, хлор 0,01фоиз), кам шўрланган (0,3-1,0 ва 0,01-0,04 фоиз), ўртача шўрланган (1,0-2,0 ва 0,01-0,1 фоиз), кучли шўрланган (2,0-3,0 ва 0,1-0,3 фоиз) ва шўрхок (3,0 ва 0,3 фоиз) жинсларга, сульфат ва хлор ионларининг миқдорига қараб, эса кам (сульфат ва хлор ионларининг миқдори 0,00 дан 0,05 фоиз), ўрта (0,05 дан 0,20 фоиз), юкори (0,2 дан 0,5 фоиз), баланд (0,5-1,20 фоиз), жуда баланд (1,2 фоиз) коррозия хусусиятига эга бўлган жинсларга ажратилиади. Бу иморат ва иншоотлар учун жой танлаш, уларни режалаштириш ва қуришда катта роль ўйнайди. Ҳар бир кимёвий компонент ва сувда эрувчан тузларни лаборатория шароитида аниклаш учун маҳсус услублар ва услубий қўлланмалар мавжуд (Исховская, 1968 ва ҳоказолар).

Гил ва гилли жинсларнинг умумий кимёвий таркибини аниклаш учун лабораторияга олиб келинган намунадан 125-150 г, сувда эрувчан тузларни аниклаш учун 100 г олиниб, ҳаво ҳарорати даражасида қуритилади. Қуритилган намуна чинни косачада резина қинли таёкча билан эзилади, таркибидаги мавжуд ўсимлик колдикларидан то'заларади ва тешиклари 1 мм ўлчамили элақдан ўтказилади.

Ўлчами 1 мм дан кичик заррачалар йигиб олиниб, маҳсус кимёвий ишлов берилиб (натрий, аммоний ионлари таъсирида) супензия тайёрланади. Тайёрланган супензиядан гранулометрик ёки микроагрегат услуги ёрдамида ўлчами 1-0,05 (кум), 0,05-0,002 (чанг), 0,002 мм дан кичикрок (гил) заррачалар ажратиб олинади ва талаб доирасида кум, chang, гил заррачаларининг кимёвий таркиби аникланади.

Гилли жинслар таркибидаги тузларнинг умумий миқдорини (курук колдикни), улардаги мавжуд катионлар ( $\text{Ca}^{KK}$ ,  $\text{Mg}^{KK}$ ,  $\text{K}^K$ ,  $\text{NH}_4^K$ ,  $\text{Na}^K$ ,  $\text{Al}^{KKK}$ ,  $\text{Fe}^{KK}$  ва  $\text{H}^K$ ) ва анионлар ( $\text{CO}_3^{1-}$ ,  $\text{HCO}_3^{1-}$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Cl}^1$ ,  $\text{NO}_2^1$ ,  $\text{NO}_3^1$  б.к.) таркибини аниклаш учун лабораторияга олиб келинади. Ҳаво ҳарорати даражасида қуритилган намунадан 50-100 г олинади ва сувли сўрим тайёрланади. Сувли сўрим - бу муайян миқдордаги гилли жинснинг, маълум миқдордаги дистилланган сувда эритиши, фильтрлаб олинган эритма. Амалиётда эритма

учун бир қисм жинсга беш қисм дистиrlenгan сув солинади. Гилли жинслар таркибидаги минерал тузлар миқдорини билиш учун муайян миқдордаги чинни косачага олинган эритма сув ҳаммолда қуригунча буғлатилади ва 0,2-0,4 г  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  күшилади. Олинган қолдик иккинчи маротаба сув ҳаммолда қуритилади. Сўнгратермостатда(куритгичшкафида) 2-3 соат мобайнизда 150-180<sup>0</sup> ҳароратда қуритилади. Термостатдан олиниб, эксикаторда совитилади. Совутилган куруқ қолдик термостатда яна 1 соат мобайнизда қуритилади. Кейин у термостатдан олиниб, катта эксикаторда совитилади. Совиган куруқ қолдиқли косача тарозида тортилади ва косачани ҳамда қўшилган  $\text{NaSO}_4$  ни айриб ташлаш йўли билан ўрганилаётган гилли жинс таркибида мавжуд бўлган минерал тузларнинг миқдори аниқланади. Мавжуд анион ва катионларнинг миқдори ҳам, тайёрланган эритмадан маҳсус колбаларга 50-100 мл дан олиниб, маълум кимёвий эритмалар қўшиш ва титрлаш усули билан аниқланади. Олинган барча натижалар жадвал шаклида кўрсатилади (6.14-жадвал). Жадвалда келтирилган натижалар таҳтили, ўрганилаётган жинснинг шўрланиш даражаси бўйича шўрланмаган, кам шўрланган жинслар тоифасига, коррозиялаш хусусияти бўйича эса кам, ўрта ва юқори коррозияланувчи жинслар тоифасига мансублиги акс эттирилади.

### 6.3. Тоғ жинсларининг физик ва сувлийлик ҳусусиятлари

Тоғ жинсларининг физик ва сувли ҳусусиятларига, асосан, уларнинг зичлиги, ғоваклиги, намлиги, жуда намлиги, сув бериши, сув ўтказувчанлиги, капиллярлиги, сувни ўзига шимиш қобилияти, сув таъсирида ивиш ва кўчиши киради.

#### 6.3.1. Тоғ жинсларининг зичлиги

Тоғ жинсларининг зичлиги деганда, табиий ҳолатдаги 1 см<sup>3</sup> ҳажмдаги жинс массаси тушунилади. Амалиётда жинсларининг зичлигини баҳолаш мақсадида уч кўрсатгич: жинсларнинг табиий зичлиги ( $y$ ), скелет зичлиги ( $y_{sc}$ ), жинсларнинг минерал қисми зичлиги ( $y_m$ ) аниқланади ва фойдаланилади.

Жинсларнинг табиий ҳолатдаги зичлигини аниқлаш учун ўлчами 4x4, 5x5 см катталиқидаги<sup>1</sup> куб кўринишидаги гилли жинслардан маълум ҳолатдаги металл цилиндрда намуна қирқиб олинади. Олинган намуна тарозида тортилиб, эгаллаган ҳажмига (цилиндрнинг ҳажмига) бўлиш йўли билан, табиий зичлик қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

<sup>1</sup> Агар тоғ жинсларидан қирқиши усули билан намуна олинг иложи бўлмаса, хоҳлаган шаклида намуна олиниб, парафинлап ва гидростатик тортиш усули билан уларнинг табиий зичлиги аниқланади (Е.Т.Чаповский. 1958)

## 6.10-ЖАДВАЛ

**Баъзи бир магматик, метаморфик ва чўкинди тог жинсларининг ўртacha кимёвий таркиби  
(Шахсий ва адабиётлардан олинган мазъумотлар асосида гузилди)**

№	ЭНГ асосий кимёвий компонентлар	Магматик			Метаморфик			Чўкинди				
		Гранит	Диорит	Порфир	Туф	Гипс	Сланец	Охактопш	Күмтош	Палеоген кумли (кермана)	Гиг (Караҳатой)	Лёсс
3	SiO <sub>2</sub>	72,84	51,87	67,49	63,12	68,55	44,15	7,03	78,33	88,00	56,32	52,80
4	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	13,88	16,47	15,46	15,84	16,48	39,84	1,67	4,77	9,45	19,80	12,09
5	TiO <sub>2</sub>	0,27	1,18	0,28	0,57	0,67	-	0,00	-	0,08	0,80	0,56
6	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	0,94	3,16	2,05	1,85	0,82	14,87	0,36	1,07	0,11	-	2,90
7	FeO	1,61	5,87	1,71	3,18	3,46	-	0,68	0,30	-	5,60	1,33
8	MnO	0,07	0,19	0,08	0,78	-	-	0,04	-	-	-	0,09
9	MgO	0,77	4,73	0,13	1,07	1,13	0,27	5,60	1,30	0,19	3,18	3,01
10	CaO	1,74	8,04	2,81	2,63	1,82	0,48	45,18	5,50	0,45	-	11,17
11	K <sub>2</sub> O	4,36	3,55	4,53	4,42	1,47	1,36	-	1,31	6,26	5,10	1,62
12	Na <sub>2</sub> O	3,84	3,05	2,78	2,63	3,43	0,51	-	0,45	0,90	-	1,18
13	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	0,11	0,73	0,08	-	-	-	0,08	0,03	0,064	0,02	-
14	CO <sub>2</sub>	0,26	0,59	0,63	-	-	-	36,86	5,03	-	0,31	8,20
15	SO <sub>3</sub>	0,05	0,07	0,27	-	-	-	0,07	-	-	0,27	1,20
16	H <sub>2</sub> O <sup>100</sup>	0,18	0,25	0,65	0,15	3,05	-	8,71	1,63	-	-	0,9
17	H <sub>2</sub> O <sup>K</sup>	0,22	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

## 6.11-жадвал

**Хар хилгенин турга кирүүчى лөсөс за лёссыммон жинсларынын умумий киммөвий таркыбы (Шаркий ўзбекистон миссолиди)**

Генетик түрүүлдөр	Торткб бейтиси	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	FeO	TiO <sub>2</sub>	MnO	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub> O	CaO	CO <sub>2</sub>	H <sub>2</sub> O	п.п.п. CO <sub>2</sub> в. H <sub>2</sub> O сал.		
1.Хөснүүт замон аллювиял лёссыммон жинслар	1	63,96	15,39	2,62	2,38	0,51	0,10	3,26	2,82	2,70	16,49	0,29	12,65	1,94	2,94
	2	48,39	7,84	0,62	1,41	0,26	0,05	1,18	1,50	1,00	2,66	-	6,16	0,30	0,65
	3	53,65	11,13	1,82	2,00	0,40	0,075	2,62	2,00	1,55	11,70	-	10,25	0,75	2,05
2.Южоры түрлөлчүү даар аллювиял лёссыммон жинслари	1	52,88	12,44	3,40	2,97	0,47	0,08	8,58	2,50	1,71	18,51	3,24	13,20	3,14	5,21
	2	44,78	8,46	1,66	1,77	0,47	0,05	1,25	1,50	0,50	10,10	0,09	7,70	0,54	1,97
	3	48,78	10,71	2,60	2,39	0,50	0,066	2,88	1,90	1,13	13,74	0,14	10,03	1,68	3,40
3.Үргө түртнамын даар аллювиял лёссыммон жинслари	1	52,80	12,50	2,96	2,75	0,60	0,08	4,96	3,44	2,07	18,93	0,36	14,08	2,16	5,46
	2	44,79	8,80	0,99	1,77	0,32	0,05	2,23	1,17	0,60	10,66	0,07	7,92	0,60	2,22
	3	49,33	10,04	1,84	2,26	0,48	0,06	3,46	2,08	1,30	13,88	0,13	10,82	1,08	3,31
4.Хөснүүт замон эзокианал-десювиал лессомон жинслар	1	49,14	14,87	2,79	3,04	0,46	0,11	3,64	2,00	2,00	12,48	-	10,0	10,60	5,46
	2	46,20	14,39	1,15	1,54	0,40	0,04	2,25	1,87	1,44	12,06	-	7,92	1,20	2,93
	3	47,67	14,63	1,72	2,29	0,43	0,075	2,93	1,93	1,72	12,27	-	8,965	0,90	4,195
5.Үргө за юкоры түрүг ламчи даар десювиал лессомон жинслар	1	62,05	13,74	3,12	1,57	0,73	0,12	2,66	2,17	1,50	20,76	-	16,50	1,30	4,30
	2	40,52	8,91	1,57	0,55	0,22	0,05	1,48	1,33	0,78	2,52	-	4,62	0,78	0,50
	3	48,85	12,85	1,11	0,58	0,09	0,69	1,80	0,96	13,62	-	10,64	1,13	2,80	
6.Хөснүүт замон эзокианал лессомон жинслари	1	64,72	18,39	1,54	4,83	0,71	0,11	3,26	3,29	2,33	30,15	-	22,77	2,58	5,21
	2	27,97	8,45	0,33	2,58	0,38	0,03	0,76	1,41	0,19	1,12	-	0,33	0,58	1,73
	3	52,89	13,76	1,05	3,46	0,58	0,07	2,25	2,30	1,27	9,77	0,27	7,20	1,69	3,12
7.Южоры за хөзүрли замон флювиолицап лессомон жинслар	1	63,07	17,27	3,41	1,97	0,43	0,09	2,68	2,24	1,92	16,13	-	13,75	2,24	4,95
	2	42,10	11,15	2,93	0,37	0,31	0,08	2,21	1,73	1,03	2,24	-	0,55	0,84	3,33
	3	52,98	14,21	3,17	1,17	0,37	0,08	2,44	1,98	1,47	9,18	-	7,15	1,54	4,14

Эсплатта: 1-Энг күп, 2-Энг кам, 3-Үргөчча камматлар

$$\gamma = \frac{q_2 - q_1}{v} \text{ г/см}^3$$

Бу ерда:  $\gamma$  - тоғ жинсларининг табиий зичлиги, г/см<sup>3</sup>;  $q_1$  - намуна кирқиб олинган цилиндр оғирлиги, г;  $q_2$  - цилиндр ва намунанинг биргаликдаги оғирлиги, г;  $v$  - цилиндр ҳажми, см<sup>3</sup>.

Тоғ жинслари скелет ҳажмини (куруқ жинс ҳажмининг) зичлиги, деганда 1 см<sup>3</sup> ҳажмдаги жинс қуруқ қисмининг зичлиги тушунилади. Микдорий жиҳатдан қуруқ жинс массаси (g) унинг ҳажми ( $V_1+V_2$ ) нисбатига тент бўлиб, уни аниқлашда куйидаги формула ишлатилади:

$$\gamma_{\text{ж}} = \frac{g}{v_1 + v_2} \text{ г/см}^3$$

#### 6.12-жадвал

**Магматик, метаморфик ва чўкинди карбонат жинслари табиий кимёвий таркибишинг нурапи жараёнида ўзгарини (Разанов, Горрассов маълумотлари бўйича М.А.Панковдан; 1963)**

Этаг асосий кимёвий компонентлар (оксидлар)	Гранит	Оғирлигига нисбатан, фоиз	Гнейс	Оғирлигига нисбатан, фоиз	Доломит	Оғирлигига нисбатан, фоиз
		Гранитидинг нурапидан ҳосил бўлган маҳсулот-нинг кимёвий таркиби		Гнейс нурапидан ҳосил бўлган маҳсулот-нинг кимёвий таркиби		Доломит нурапидан ҳосил бўлган маҳсулот-нинг кимёвий таркиби
SiO <sub>2</sub>	69,49	59,85	68,55	51,78	0,75	35,96
Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	13,55	18,87	16,48	18,81	0,24	11,50
TiO <sub>2</sub>	-	-	0,67	11,15	-	-
Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	6,20	7,69	0,82	5,36	-	-
FeO	-	-	3,46	2,40	-	-
CaO	3,48	2,62	1,82	0,92	30,80	20,72
MgO	1,33	2,72	1,13	1,67	19,52	4,15

K <sub>2</sub> O	2,42	2,92	1,47	1,72	0,08	1,46
Na <sub>2</sub> O	2,41	2,01	3,43	0,88	0,21	1,20
MnO	0,16	0,23	-	-	-	-
P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	0,16	0,13	-	-	-	-
SO <sub>3</sub>	0,12	0,15	-	-	0,10	0,05
CO <sub>2</sub>	-	042	-	-	46,50	18,63
H <sub>2</sub> O	-	-	3,05	15,70	-	-

### 6.13-жадвал

Гил минералларнинг кимёвий таркиби (Н.И.Горбунов  
мальумотларидан баъзи ўзгаришлар билан)

Энг асосий минераллар	Кимёвий компонентлар							
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub> O	$\frac{SiO_2}{K_2O_3}$
Монтмориллонит	65,0	21,9	4,00	0,26	5,80	0,24	0,09	4,5
Каолинит	54,3	43,0	1,30	0,20	0,13	0,02	0,01	2,1
Гиросмода	52,3	25,8	4,04	0,50	2,60	6,5	0,33	3,13
Галлуазит	50,8	45,0	1,82	6,20	0,13	0,01	0,03	1,9
Вермикулит	44,5	16,4	9,6	0,89	23,6	0	0	33
Гепит	0	0	89,9	-	-	-	-	-
Гиббент	0	65,4	-	-	-	-	-	-

## 6.14 жадвал

Лёсс жинеслари тарқибидаги сұнда ұрғыдан тұзтар, анион ва катиондарнинг мисцорииның ишкүйнелешілдегі түзтілдегі аниондарының мисцорияның ишкүйнелешілдегі түзтілдерінің мөлдөмдігін анықлаштырылады.

Накуна олынган жой	Накуна олынган шуктүр- лік, м	Набұна олынган шект	Тәхлил үткелін ған вакыт	Күрк қол- дик фонз	Анионтар67			Ани- ондар МК-	Ани- ондар МК-	Катио- ндар	Кати- ондар МК-	
					CO <sub>3</sub> <sup>2-</sup>	HCO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	Cl <sup>-</sup>	SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	K <sup>+</sup>	N <sup>+</sup>	
1.0-1.5	06.06.2003	07.07.2003	0.055	-	0.7	0.05	0.15	0.04	0.72	0.17	-	0.04
2.0-2.5	06.06.2003	07.07.2003	0.491	0.30	04.5	0.38	6.25	-	7.15	2.86	1.53	0.001
2.5-3.0	06.06.2003	07.07.2003	0.471	0.05	0.37	0.62	5.66	0.06	6.91	0.06	2.76	0.055
3.0-4.0	07.06.2003	07.07.2003	0.260	0.26	0.66	0.16	3.90	-	3.98	0.71	0.68	2.44
4.0-5.0	07.06.2003	07.07.2003	0.706	-	0.50	0.15	9.66	0.55	10.36	6.68	2.25	-
5.0-6.0	07.06.2003	07.07.2003	0.057	-	0.62	0.04	0.29	0.08	0.90	0.61	0.33	1.42
6.0-7.0	08.06.2003	07.07.2003	0.053	-	0.63	0.04	0.22	0.01	0.90	0.41	0.40	0.001

Эслеме: Сурагына-100 г, мұлдақ күрк жиңсига иессебатан МС-экв, махражда мұлдақ күрк жиңсига иессебатан физ.

Шунингдек, амалиётда куруқ жинс зичлиги, жинс табиий намлиги (W) хамда минерал кисмининг ( $\gamma_m$ ) кўллаш ёрдамида ҳам аниқланади.

$$\gamma_{\alpha} = \frac{\gamma_m}{1 + 0,001 \cdot W} \text{ г/см}^3$$

Тоғ жинсларининг минерал заррачалар эгаллаган зичлиги ( $\gamma_m$ ) деганда, 1 см<sup>3</sup> ҳажмдаги қуруқ минерал массанинг оғирлиги тушунилади. Микдорий жихатдан минерал масса оғирлиги ( $g_1$ ), уни минерал заррачалар эгаллаган ҳажмига ( $V_1$ ) бўлган нисбатига тенг бўлиб, аниқлашда куйидаги формула қўлланади:

$$\gamma_{\alpha} = \frac{g}{V_1 + V_2} \text{ г/см}^3$$

Жинс минерал массасининг зичлиги, жинсни ташкил қилиган минералларнинг турига ва миқдорига боғлик бўлиб, оғир минераллар миқдори ортиши билан ортиб, енгил минераллар миқдорининг ошиши билан камайиб боради. Жинслар минерал кисмининг зичлиги уларнинг ғовакларини аниқлашда ишлатилади.

Интрузив тоғ жинсларининг (гранит, сиенит, гранодиорит ва б.) табиий зичлиги асосан 2,50 дан 2,85 г/см<sup>3</sup> гача, эфузив жинсларнинг (кварцил порфир, диабазлар, базалтлар, андезитлар ва хоказолар). метаморфизм жараёнида кам учраган тоғ жинсларида (серицитли кварц, хлоритли кварц ва бошқалар) 2,55 дан 2,72 г/см<sup>3</sup> гача метаморфизм жараёнида учраган жинсларда (амфиболит, пиронсенит, мармар, кварцит ва б.) 2,63 дан 300 г/см<sup>3</sup> гача, карбонат жинсларида (оҳактошлар, доломит ва б.) 2,50 дан 2,70 г/см<sup>3</sup> гача чўкинди гил, гилли, кумли жинсларда (соғ гил, аргиллит, алевролит, кумтош ва б.) 1,90-2,40 дан 2,40-2,70 г/см<sup>3</sup> гача, лёсс ва лёссиimon жинсларда 2,40-2,70 г/см<sup>3</sup> оралигида ўзгаради. Тоғ жинслари зичлигининг ўзгариши уларнинг пайдо бўлиш шароитига, ётиш холатига, нураши даражасига боғлик (6.15; 6.16-жадваллар).

#### 6.15-жадвал.

#### Шарқий Ўзбекистоннинг ҳар хил ёшга мансуб тоғ жинслари зичлиги ва ғоваклиги

Тоғ жинслари	Ёни	Зичлиги, г·см <sup>3</sup>		Ғоваклиги, фоиз	
		дан	гача	дан	гача
Гранитлар	Девон	2,67	2,68	1,50	1,70
Гранитлар	Карбон	2,42	2,85	0,36	7,27
Гранит	Траис	2,50	2,63	1,92	2,25

Гранодиорит порфириг	Девон	2,45	2,73	1,2	9,6
Гранодиорит порфириг	Перм	2,27	2,76	0,36	16,11
Сиенит-диоритлар	Перм	2,30	2,75	0,74	15,14
Диорит-порфирилар	Девон	2,55	2,67	4,1	7,3
Кварцли-порфирилар	Карбон	2,41	2,66	1,1	9,45
Липаритли-порфир	Карбон	2,40	2,68	2,27	10,40
Порфирилар	Карбон	2,52	2,69	2,7	6,5
Туфлар	Карбон	2,15	2,74	0,7	18,6
Туфлар	Карбон	2,42	2,65	9,09	9,36
Лавалар	Карбон	2,44	2,71	0,36	10,72
Туфконтгомератлар	Карбон	2,16	2,53	0,22	18,26
Туфнесчаниклар	Карбон	2,32	2,50	7,7	12,3
Туфнесчаниктар	Пермтраис	2,30	2,69	0,5	12,5
Охактониттар	Девон	2,34	2,87	0,37	6,33
Охактониттар	Карбон	2,27	2,81	0,35	4,6
Гыл жинслар	Полеоген	2,10	2,40	10-15	30-35
Шагаттониттар	Түртламчи	1,60	2,11	14,5	40
Кумлар	Түртламчи	1,31	1,68	30,1	43,5
Лёсса ва лёссимон жинслар	Түртламчи	1,20	1,80	45	58

## 6.16-жадвал


**Нураш жараёштага учраган триас даври қоятог жинсларининг  
баъзи бир инженер-геологик хусусиятлари**

Тоғ жинслари	Ўрганилган намуналар миқдори	Минералли заррачалар зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Говаклиги, фоиз	Ўзига сувини ютиши, фоиз	Сики-липига бўлган қаршилиги, МPa
Кварцли порфирилар	22	2,67	1,97-2,54	3,01-2,67	0,15-1,89	34,0-61,6
Туфлар	19	-	1,83-2,31	-	-	20,6-65,7
Кварцли порфирилар	37	2,59-2,70	2,14-2,46	9,2-14,9	0,19-2,65	11,6-143,0
Каолин гилига айланган кварцли порфирилар	10	2,63-2,70	1,90-2,12	27-33	-	-

### 6.3.2. Төг жинсларининг ғоваклиги

Ғоваклик деб маълум ҳажмдаги тоғ жинсларининг заррачалари оралиғида мавжуд бўлган ҳар хил ўлчамдаги, ҳар хил йўналиш ва шаклдаги бўшликларга айтилади. Уларнинг бу хусусияти ер ости сувларининг жойлашиши ва харакатланишига олиб келади.

Ғоваклар ва ёриқлар катта-кичигига караб, учта турга бўлинади: 1.Ўрта капилляр ғоваклар (ғоваклар ўлчами 0,5 мм дан катта, ёриқларники эса 0,254 мм дан катта); 2.Капилляр ғоваклар (ғоваклар ўлчами 0,5-0,0002 мм, ёриқлар эса 0,254-0,0001 мм); 3.Суб капилляр ғоваклар (ғоваклар ўлчами 0,0002 мм дан кичик, ёриқларники 0,0001 мм дан кичик) (6.6-расм).



6.6-расм. Ҳар хил төг жинсларида учровчи ғоваклар турлари:

1-коятоғ жинсларида учравчи ғоваклар ва ёриқлар; 2-Қоятоғ жинсларидағи ғовак ва ёриқларнинг нураш жараёнидан кейин кўпайиши; 3-тоғ жинсларидаги мавжуд минерал заррачаларни сув ёрдамида ювилиб, эритилиб олиб кетилгандан кейин ҳосил бўлган қовак-ёриқлар; 4- бўшок кумли жинсларни ташкил этувчи заррачалар оралиғидаги ғоваклар; 5-нисбатан бўшок, ҳар хил заррачалардан ташкил топган кум жинслари ғоваклари ҳолати; 6-кам ғоваклардан ташкил топган, цементлашган қум жинслари; 7-микро ва макроғовакли лёссимон жинслар; 8-микро ғовакли гил жинслари; 9-деформация жараёни оқибатида ғоваклари камайган гил жинслари.

Тоғ жинсларининг ўта капилляр ғовакларида асосан эркин сувлар харакатланади, капилляр ғовакларда эса эркин сувлар, қисман капилляр кучлар таъсирида харакат килади, суб капилляр ғоваклар ва ёриқлар ўзларидан сувни ўтказмайдилар.

Ғовакларни ва ёриқларни яна қуйидаги турларга ажратылады: умумий, очиқ, динамик ёки эффектив.

Ғоваклар ва ёриқлар ҳамма турдаги тоғ жинсларида учрайди. фақат улар хосил бўлиш шаронити билан фарқ қиласади.

Магматик тоғ жинсларида ғоваклик магманинг қотиши жараёнида айрим кристаллар ичида ёки уларнинг ораларида бўшлиқлар хосил бўлиб, улар сув буғлари билан тўлган бўлади. Бундан ташкари лаванинг юқорига кўтарилиб, қотиши даврида сув буғлари ва турли газларнинг ажралиши натижасида ҳам ғоваклар пайдо бўлади.

Метаморфик тоғ жинсларидағи ғоваклар бирламчи чўкинди жинсларни ёки уларнинг метаморфизм жараёнига учраши туфайли қайтатдан кристалланиши натижасида пайдо бўлади.

Тоғ жинсларидағи мавжуд ғоваклар турларига қараб:

- aloҳида тузилмали ғовакли ва ёриқли қоятошлар;
- нураш жараёни оқибатида ғоваклари кўпаяётган қоятошлар;
- таркибидағи ишқорий моддаларнинг ювилиши ва минералларнинг эриши натижасида пайдо бўлган катта бўшлиқли ғовакли жинслар;
- юқори ғовакли, нисбатан заррачалари яхши жойлашган, бўш бириккан қумли тошлар;
- заррачаларнинг ҳар хиллиги туфайли вужудга келган кам ғовакли бўш бириккан қум тошлар;
- жинслар бўшлиқларида цементланиши жараёни вужудга келиши ва уларнинг ўсиши туфайли хосил бўлган кичик ғовакли қумтошлар;
- макро ва микр ғовакли лёссли жинслар;
- деформацияланиши натижасида вужудга келган кичик ғоваклардан иборат гилли жинсларга бўлинади.

Тоғ жинсларининг ғоваклиги «n» билан белгиланади ва у қуруқ жинс ғоваклари умумий ҳажмининг, шу жинс ҳажмига бўлган нисбати билан аникланади. Улар фоизларда ифодаланади.

$$\text{Яъни: } n = \frac{V_e}{V_{ж}} \cdot 100\% \quad \text{ёки} \quad \gamma_{cк} = \frac{\gamma_e - \gamma_{cк}}{\gamma_e} \cdot 100$$

Бу ерда:  $V_e$  - умумий ғоваклар ҳажми;  $V_{ж}$  - тоғ жинси ҳажми;  $\gamma_e$  - жинс минерал қисмининг зичлиги, г/см<sup>3</sup>;  $\gamma_{cк}$  - қуруқ жинс зичлиги, г/см<sup>3</sup>.

Амалиётда ғоваклилик коэффициенти -  $E_0$  ҳам ишлатилиади. Уни аникланаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$E_0 = \frac{\gamma_e - \gamma_{cк}}{\gamma_{cк}}$$

Фанда очиқ ва динамик ғоваклик коэффициентлари тушунчаси ҳам мавжуд. Очиқ ғоваклик коэффициенти, деб очиқ туташ ғоваклар ҳажмининг

$V_{\text{ор}}$  төг жинсси ҳажмига ( $V$ ) нисбатига айтилади ва у қуийдаги формула билан ифодаланаади:

$$H_0 = \frac{V_d}{V}$$

Динамик ғоваклик коэффициенти, деб төг жинслари бўшликларида ҳаракатланаётган сув ҳажмининг ( $V_q$ ) төг жинсси ҳажмига ( $V_q$ ) бўлган нисбатига айтилади ва у қуийдаги формула орқали ҳисобланади:

$$H_q = \frac{Y_q}{Y_T}$$

Ғоваклик коэффициенти ўлчами қуидагиларга боғлиқ:

1.Доналар жойлашишига (зич жойлашган бўлса, ғоваклик камайди, зич жойлашган бўлмаса ғоваклик кўпайди).

2.Ўлчами бўйича дона ва заррачаларнинг бир хиллигига (заррачалар бир хил бўлмаган жинсларда ғоваклик камайди, натижада катта заррачалар оралиги майдалари билан тўлади, бу ҳолда ғовакларнинг куруқ қоришмага тўлиши тахминан олинади, компонентлар ғовакларига тенг бўлади).

3.Жинс заррачаси ва доналарининг бир бирлари билан цементланниш даражасига (кам цементланган жинслар катта ғоваклар, ўта цементланган жинслар эса кам ғовакликга эга).

4.Минералли моддаларда айланиб юрган сувлар орқали олиб чиқиб ташланган ва нурашидан кейинги жинслар ҳолатига.

5.Төг жинсларида ғоваклар билан бирга учрайдиган ҳар хил йўналишдаги катта-кичик ёриқларнинг хусусиятларига.

Төг жинсларининг ғоваклари уларнинг ёшига, таркибига ва келиб чикишига қараб, турлича бўлиши мумкин (6.17-жадвал).

#### 6.17-жадвал

##### Төг жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятларига қараб, уларнинг ғоваклигини ўзгариши (Г.А.Максимов бўйича)

Жинс гурухлари	Жинслар номи	Ғоваклиги, фоиз			Аниқланган сони
		энг кўп	энг кам	ўртатача	
1	2	3	4	5	6
Янги чўқмалар	Гиличи плар	90,0	19.83	50.0	18
Тупрок	Торф Тупроқиниң ҳар хил турлари	89.0; 65,0	76.0; 43.75	80.0; 55.0	4 50

Нурапи шүсти юқори- сидаги жинслар	Күмлар Лёсс, лёсли суглиниктар Юқоридан қолтандын суглиникалар Гиллар Оңаклы туфлар	48,0; 59,06; 50,0; 55,0; 32,2	17.33; 35.3; 24.23; 18.30; 20.02	35.0; 45.0; 35.0; 35.0; 25.0	267 282 94 321 4
Чүкінді жинслар	Бұйюқ күмлар	50,9;	26.4;	35.0;	54
	Босилған күмлар	29,5;	11.2;	25.0;	46
	Кайнозой ва мезозой даврлари күмтопшлари. Налеозой даврлари күмтопшлари	42,0; 26,5; 34,0;	2.23; 1.09; 0.21;	20.0; 10.0- 12.0;	683 110 76
	Фовакли оңдактопшлар	33,0;	1.5;	5.0;	9
	Оңаклы доломитлар	54.93;	17.23;	5.0;	273
	Іплатформа ҳудудидеги гиллар. Бурмалаптан худуддеги гиллар	50.08; 6,0;	10.4; 0.1;	40.0; 20.0;	28 4
	Гипс	-;	-;	3.0;	1
	Ангидрит	55,0;	3.28;	4.0;	33
	Күмір	49.	20.00	30.0;	10
	Бүр			35.0	
Мета- морфик жинслар	Гилли сланецлар. Юқори қатлам сланецлари	10.0; 10.28;	0.49; 1.16;	4.0; 4.0	14 59
	Кремнийлі сланецлар	0.91;	0.85;	1.0;	2
	Мармар	6.0;	0.11;	1.0;	7
	Кварцлар	3.4;	0.008;	1.0;	5
	Гнейслар	2.4;	0.3;	1.0;	2
	Амфиболитлар	1.1	0.9	1.0;	2
Магматик жинслар	Нордон нарафиритлар	6.73;	0.38;	2.0;	9
	Гранитлар	1.9;	0.02;	1.0;	50
	Сиенитлар	2.8;	0.5;	1.0;	7
	Асосий өффузивлар	6.0;	0.6;	2.0;	19
	Интрузивлар	2.0	0.65	1.0	10

### 6.3.3. Төг жинсларининг намлиги

Қадимдан маълумки, төг жинсларининг таркибида доимо муайян микдордас сув бўлади. Бу сувлар грунт сувлари юзасидан Ер юзасигача бўлган оралиқда, яъни аэрация зонасида тупроқ ва төг жинслари бўшликларида жойлашган бўлиб, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб, йил мобайнида кескин ўзгариб туради. Сувли қатламда эса жинсларининг намлиги юқори даражада, ўзгармас ва доимий бўлади.

**Табиий намлик.** Табиий намликни аниқлашда шурфлар орқали төг жинсларидан, тузилмаларини бузмаган ҳолда, намуна олинади. Олинган

намуна таркибидаги намлик буғланишининг оддини олиш максадида парафин билан қопланади. Бу намунани 105°-107°C да қиздириш орқали ўрганилади, амалга оширилади. Жинслар таркибидаги сувлар миқдорини намлик ҳажми оркали ифодалаш ҳам мумкин. Табиий намли, яъни жинслар таркибидаги сувнинг оғирлигини 105°-107°C да қуритилган жинслар оғирлиги нисбати билан ифодаланади. Унинг формуласи:

$$W_H = \frac{q_1 - q_2}{q_3 - q_1} \cdot 100\%$$

Бу ерда:  $W_H$  - табиий намлик;  $q_1$  - тоғ жинси намунаси солинадиган стаканча (бокс)оғирлиги;  $q_2$  - стаканча билан хўл тоғ жинсининг биргалиқдаги оғирлиги;  $q_3$  - тоғ жинсининг 105°-107°C да қуритилгандан кейинги оғирлиги.

Ҳажмий намлик жинсларнинг 1 см<sup>3</sup> ҳажмида учрайдиган сув ҳажми билан ифодаланади.

$$Wx = W_o \cdot \delta$$

Бу ерда:  $W_x$  - тоғ жинсининг ҳажмий намлиги, фоиз;  $W_o$  - тоғ жинсининг табиий намлиги, фоиз;  $\delta$  - куруқ жинсларнинг зичлиги, г/см<sup>3</sup>.

Бу кўрсатгичлардан ташқари гидрогеологик тадқиқотларда тоғ жинсларидағи табиий намлини аниқлашда нисбий намлик ёки жинсларнинг намлик коэффициенти ҳамда уларнинг сувга тўйинмаганлик даражаси ҳам аниқланади.

**Жинсларнинг намлик коэффициенти** ёки сувга тўйинганлик даражаси тоғ жинсларидағи намлик ҳажмини уларнинг ғовакларига бўлган нисбати билан ифодаланади. Унинг формуласи қўйидагicha:

$$K_w = \frac{W_x \cdot \delta}{n}$$

Бу ерда:  $K_w$  - намлик коэффициенти, фоиз;  $W_x$  - ҳажмий оғирлик, фоиз;  $\delta$  - куруқ жинсларнинг зичлиги, г/см<sup>3</sup>;  $n$  - жинсларнинг ғоваклиги, фоиз.

Мутлак куруқ тоғ жинсларида  $K_w$  нинг киймати - 0 бўлади, агар жинс бўшлиқлари сув билан тўлган бўлса,  $K_w = 1$ .

Кумли тоғ жинслар, намлик коэффициентларига караб, уч турга бўлинади:

1. Куруқ кумлар, уларда  $0 < K_w < 1/3$ .
2. Нам кумлар, уларда  $1/3 < K_w < 2/3$ .
3. Бўкишдан олдинги хўл кумлар, уларда  $2/3 < K_w < 1$ .

**Тоғ жинсларнинг сувга тўйинмаганлик даражаси** деб, тўлик намлик сиғими билан табиий намлик орасидаги фарқ тушунилади. У қўйидагича ифодаланади:

$$d_m T = W_{th} - W_t$$

Бу ерда:  $d_m$  - түйинмаганлик даражаси, фоиз;  $W_{th}$  - жинсларнинг тўлиқ намлиги, фоиз;  $W_t$  - табий намлик, фоиз.

**Намлик сигими.** Тоғ жинсларининг маълум миқдордаги сувни ўзига қабул қилиши, сингдирилиши ва тутиб қолиш қобилиятига намлик сигими дейилади. Улар гигроскопик, молекуляр, капилляр ва тўлиқ намлик сигими каби турларга бўлинади.

Гигроскопик ва молекуляр намлик сигими деб, тоғ жинси заррачалари юзасига электромолекуляр кучлар таъсирида тортиб турилган гигроскопик ва парда кўринишидаги сувлар миқдорига айтилади.

**Капилляр намлик сигими** деб, капилляр ғовакларни тўлдирган сув миқдорига айтилади.

**Тўлиқ намлик сигими** деб, тоғ жинслари ғовакларининг барчасини тўлдирган сув миқдорига айтилади.

**Энг катта гигроскопик намлик сигими.** Тоғ жинси заррачаларининг 100 фоизлик намлика эга бўлган ҳаводан, ўзига намлики тортиб олган (сорбция) миқдорига айтилади.

**Энг катта молекуляр намлик сигими** тоғ жинслари таркибидаги парда кўринишидаги сув миқдорига тенгdir.

Тоғ жинслари намлик сигимлари бўйича: юқори сигимли (торф, ил, гиллар, суглиниклар); кам сигимли (бўр, мергель, тупроқли қум, лёссли жинслар); сигимсиз (магматик массивлар, метоморфик ва чўкинди жинслар - қум, чақиқ, тош, шағаллар) турларга бўлинади.

### 6.18-жадвал

#### Тоғ жинсларининг сувни бера олиши коэффициентлари миқдорлари қўйдагича (О.Б.Скиргелю бўйича)

Тартиб рақами	Жинслар номи	Сувни бера олиши коэффициентлари
1	Юпқа донали қум ва супеслар	0,1-0,15
2	Майда донали гилли кумлар	0,15-0,20
3	Ўртача донали қумлар	0,20-0,25
4	Катта донали шағалли қумлар	0,25-0,35
5	Гилли цементдаги кумтошлар	0,02-0,03
6	Кўнгир кўмир	0,03-0,05
7	Ёрикли оҳактошлар	0,008-0,1

**Тоғ жинсларининг сувни бера олиши қобилияти** деб, тўлиқ тўйинган жинсларда тортиш кучи таъсирида эркин оқиб чиқиб кетувчи сувлар

миқдорига айтилади. Төр жинсларининг сувни бера олиши, коэффициенти мавжуд. Унинг формуласи қуйидагича:

$$\mu\delta = W_{TH} - W_{MM}$$

Бу ерда:  $\mu\delta$  - сувни бера олиш коэффициенти, фоиз;  $W_{TH}$  - түлиқ намлик сиғими, фоиз;  $W_{MM}$  - энг катта молекуляр намлик сиғими, фоиз.

Бу асосан уларнинг гранулометрик таркибиغا, сувнинг ёпишқоқлигига ва жинсларнинг ўзидан сувни ўтказиш муддатига боялиқ (6.18-жадвал).

#### 6.3.4. Төр жинсларининг сув ўтказувчанлик хусусияти

Төр жинсларининг сув ўтказувчанлиги деб, төр жинсларининг ғоваклар ва бўшлиқлар орқали ўзидан сувни ўтказиши хусусиятига айтилади. Ғоваклик даражаси улардан оқиб ўтувчи сувлар миқдорини аниқлайди. Баъзи төр жинслари юқори даражали ғовакларга эга бўлгани билан, уларнинг ўзидан сувни ўтказувчанлиги пастдир. Бунга мисол: гилл жинслари ғоваклиги 60 фоизни ташкил қиласа ҳам, ғоваклиги 30 фоиз бўлган қумларнинг ўтказувчанлиги юқоридир. Жинсларнинг ўзидан сувни ўтказиши фильтрация коэффициенти билан ифодаланилади ва улар см/сек; м/сек; м/кунларда ўлчанади (6.19-жадвал). Бу бирликлар фильтрациянинг чизиқли қонуни - Дарси қонунига тўғри келади.

**6.19-жадвал**

#### Ҳар хил гранулометрик такибдаги жинс қатламларидан сувнинг сизиб ўтиш коэффициенти (В.А.Приклонский бўйича)

Жинслар (грунтлар)	Сувнинг грунт қатламларидан сизиб ўтиш коэффициенти, м/сут
Тоза шагаллар	100 дан кўп
Қум аралари шагаллар	100-20
Ҳар хил катталиқдаги (ўлчамдаги) тоза қумлар	50-2
Гилли қумлар ва супеслар (кумоқ туроклар)	2-0,1
Сутлинниклар (соғ туроклар)	0,1 дан кам
Соф гил жинслари	0,001 дан кам

Дарси қонуни бўйича, маълум вақтда жинслардан оқиб ўтаётган сув миқдори ( $Q$ ), фильтрация коэффициенти ( $K$ ), сув оқиб ўтаётган юзага ( $F$ ) ва босим градиентига ( $I$ ) тўғри пропорционал бўлган ҳолда ўрганилаётган төр жинсининг фильтрация коэффициенти

$$K = \frac{Q}{F \cdot I} \quad \text{бўлади.}$$

Бу ерда:  $Q$  - маълум вақт мобайнида, жинс қатламидан сизиб ўтган (ёки фильтрация учун сарф бўлган) сув миқдори,  $\text{м}^3/\text{сут}$ ;  $K$  - босим градиенти  $I=1$  бўлгандаги фильтрация коэффициенти;  $F$  - сув сизиб ўтган сирт,  $\text{м}^2$ ;  $I$  - гидравлик градиент.

### 6.3.5. Тоғ жинсларининг капиллярлик хусусияти

**Капиллярлиги.** Маълумки, тоғ жинсларидағи мавжуд ғоваклар, бўшлиқлар ва ёриқлар ҳар хил кўринишда ва ўлчамда бўлади. Майда ғоваклар шундай хусусиятга эгаки, уларнинг ғоваклари жуда кичик тик найчаларни хосил қиласди. Грунт сувлари юзасида капилляр кўтарилиши жараёнлари юзаларни тортиш кучи ҳисобига содир бўлди.

Тоғ жинсларининг капиллярлик даражаси уч хил усуулда аниқланади:

1. Эмпирик формула орқали.
2. Шиша найчада тажриба ўтказиш орқали.
3. Капилляметр воситасида.

**1. Эмпирик (Козени) формуласи орқали:**

$$H_k = 0,046 \cdot \frac{I - n}{n \cdot d_x}$$


Бу ерда:  $H_k$  - капилляр кўтарилиш баландлиги, см;  $n$  - умумий ғоваклик, фойз;  $d_x$  - жинсларнинг ҳаракатдаги диаметри, см

**2. Тажриба орқали:** қум билан тўлатилган 2-3 см диаметрга эга шиша найча олиниб, унинг пастки қисми секин-аста сувга 0,5-1,0 см туширилади. Муайян вақт ўтгандан сўнг найчадаги қумнинг намланганлиги кузатилиади. Бу ҳолат намланиш баландлигини, капилляр кўтарилиш ( $H_k$ ) даражасини кўрсатади.

**3. Г.Н.Каменский капилляметр орқали (6.7-расм)** капилляр баландликларни аниқлаш. Бунинг учун 1.10-12 см ли шиша найча олиниб, унга қум солинади ва секинлик билан босилади, кейин у “б” найча учига

ўрнатилади. 2.1-қисқич олинади ва секин-аста қум 2-қисқич берклигига сувга бўктирилади.


3. Қум тўлиқ сувга бўкиб, унинг тепасида 0,5-1,0 сув қатлами хосил бўлиши билан 2-қисқич секин-аста очилади. С найчадаги сув сатҳи секин-аста пасая бошлайди. Одатда сувнинг қумдан ўтиши охирида С найчадаги сув сатҳининг сакраши кузатилади. Шу дақиқадаги С найчадаги сув сатҳининг баландлиги  $H_k$ . ўрганилаётган қумлардаги сувни капилляр кўтарилиш ба-



6.7-расм. Гил ва гилли жинслар ишувчанинги (а) ва қўпчувчанинги (б) аниқлаш асборларининг умумий кўринини

ландиллигига тұғри келади. Тажриба натижаси аниқ бўлиши учун, у 3 марта ўтказилади.

Капилляр күтарилиш тезлиги ва баландлиги жинслар ғовакларини катта-кичикилди, сув ҳарорати, минераллашиш даражаси, жинснинг доналарига боғлиқ. Ғоваклари катта бўлса, капилляр күтарилиш баландлиги кам, капилляр күтарилиш тезлиги юқори сув ҳаракати катта бўлса, күтарилиш шунча кам бўлади. Минераллашув ортиши билан күтарилиш тезлиги камаяди. Сувда зриган тузларни турига қараб у ўзгаради. Бир хил концентрацияига эга, лекин ҳар хил тузлар эришининг камайиши бўйича кетма-кетлиги (С.П.Крюкова маълумотига асосан) қўйидагича:



6.20-жадвалда баъзи тоғ жинсларидаги капилляр күтарилиш баландлиги келтирилган.

#### 6.20-жадвал

##### Тоғ жинсларидаги капилляр күтарилиганик баландлиги қийматлари

Жинсларни номи	Нк см қиймати
1	2
Катта донали қумлар	2,0-3,5
Ўрта донали қумлар	12,0-35,0
Кичик донали қумлар	35,0-120,0
Супеслар	120,0-350,0
Сутлинок	350-650
Енгил гиллар	650-1200

#### 6.3.6. Тоғ жинсларининг сувни шимиш ҳусусияти

Тоғ жинслари ўзига муайян миқдордаги сувни шимиб, сингдириб олиш ҳусусиятига эга. У лаборатория шароитида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, қўйдаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_{sh} = \frac{g_s - g_q}{g_q}$$

Бу ерда:  $W_{sh}$  - қоя ва ярим қоя тоғ жинсларининг ўзига сувни шимиш даражаси;  $g_q$  - қуруқ жинс намунасининг оғирлиги, г;  $g_s$  - қуруқ жинс намунасининг сувда бўқтирилгандан кейинги оғирлиги, г.

Натижа фойзда ифодаланиши ҳам мумкин. Амалиётда қоя ва ярим қоя тоғ жинсларининг сувни шимиб олиш ҳусусияти натижасининг ( $W_{sh}$ ), уни сув билан тўйиниш ҳусусияти ( $W_t$ ) натижасига бўлган нисбати уларнинг сув тўйиниш коэффициенти ( $K_t$ ), деб аталади (6.18.-жадвал) ва қўйидаги формула билан ифодаланади:

## 6.21-жадвал

### Баъзи қоя төг жинсларининг сувни шимиш, сувга түйинниш даражалари ва сувга түйинниш коэффициентлари (В.Д.Ломтадзе бўйича)

№	Төг жинслари	Сувни шимиши	Сувга түйинши	Сувга түйинниш коэффициенти, K
1	Гранит	0,36	0,42	0,86
2	Гранит	0,48	0,56	0,86
3	Гранит-гнейс	0,35	0,51	0,69
4	Гнейс	0,35	0,43	0,81
5	Диабаз	0,04	0,21	0,19
6	Диабаз	0,60	1,10	0,55
7	Оҳактош	0,68	0,76	0,89
8	Мустаҳкам қумтош	0,53	0,69	0,77
9	Гили қумтош	5,44	7,79	0,70

Гилли ва қумли жинсларининг сувга түйинниш коэффициенти ёки намлик даражаси ( $K_n$ ) уларнинг ғоваклари қай даражада сувга тўлганлигига боғлиқдир ва ўрганилаётган төг жинсининг табиий намлиги (W), қуруқ жинс зичлигини ( $\gamma_{ck}$ ), ғовакларини (n) хисобга олган ҳолда, қўйдаги формула орқали аниқланади:

$$K_n = \frac{W \cdot \gamma_{ck}}{n}$$

Олинган натижалар бўйича  $K_n$  нинг қиймати о $\rightarrow$ Kh<0,5 бўлса, кам намли ёки ғовакларни ярим қисми сувга тўлган бўлади. Агарда ғовакларнинг ярмидан кўпи сув билан тўлган бўлиб, 0,5<Kh<0,08 бўлса, намли ёки ғовакларнинг 0,8 қисми сувга тўлган хисобланади. Kh<0,8<1 бўлганда, жинс ғоваклари бутунлай сув билан тўлган бўлади. Олинган натижалар хўжалик обьектларини қуришни асослашда катта аҳамиятга эга.


#### 6.3.7. Төг жинсларининг кўпчиш хусусияти

Төг жинсларининг кўпчиш хусусияти деганда, гил ва гилли жинсларнинг сув таъсирида ўз ҳажмини ошириши тушунилади. Жинсларнинг кўпчувчанлик хусусияти «кўпчувчанликни аниқлаш» асбоби ёрдамида амалга оширилади (6,76-расм). Бунинг учун лабораторияга олиб келинган монолитлардан халқасимон метал цилиндрга намуна кирқиб олинади. Айни бир вактда ўрганилаётган жинснинг табиий намлиги, пластиклик хусусиятлари, зичлиги, минерал, кимёвий таркиби ҳам

аниқлаб борилади. Монолитдан ҳалқа цилиндрдага қирқиб олинган намуна устки ва остки қисмiga қоғоз сизгич күйилиб күпчұвчанликни аниқлаш асбобига жойланади. Намуна устига күйилган пластмасса поршнига, асбоб мослаш орқали, индикатор ўрнатылади ва унинг стрелкаси «О» ҳолатига келтириб күйилади. Сүнгра асбоб ваннасига секин-аста сув қуйилиб, ҳалқа цилиндрдаги жинс намунасига сув шимдирилиб борилади. Шу билан бир вактда индикатордан ҳам ҳисоб олиб борилади. Асбоб ваннасига қуйилган сув сатхи пастки қисми баландлигіда ушлаб турилади. Индикатордан 1, 5, 10, 30, 60 дақықа, сутка давомида олинган күрсатгычлар тажриба дафтариға ёзид борилади. Күпчұвчанлик даражаси ёки нисбий күпчұвчанлик ( $H_k$ ) қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқылади:

$$H_k = \frac{h_k - h}{h} \cdot 100\% \quad \text{ёки} \quad \delta_k = \frac{h_k - h}{h}$$

Бу ерда:  $H_k$  - ҳалқа цилиндрдага жинснинг дастлабки баландлигига нисбатан күлчиш қиймати, фоиз;  $\delta_k$  - нисбати күпчұвчанлик;  $h$  - ҳалқа цилиндрдаги жинснинг дастлабки баландлиги;  $h_k$  - ҳалқадаги тоғ жинси намунасининг маълум вакт давомидаги ўзгарган баландлиги, мм.



**6.8-расм.** Лёсс жинслари күпчұвчанлигининг вакт бирлигидә ўзгариши I-табиий намлик ҳолатиды; II-табиий босим остида намланиб, чўкиш жараёни ўрганилиб ҳаво ҳароратида қуритилгандан кейинги (2-5 фоизли намлик) ҳолати

Тажриба охирида халқа цилиндрдаги сув шимилтирилған жинсдан намуна олиниб күпчұвчанликнинг эң күп қийматига тұғри келған намлиги аникланади. Намлики аниклаш тоғ жинсларининг намлигини аниклаш усули билан амалға оширилади.

Жинсларнинг күпчұвчанлигы уларнинг бошланғич табиий намлигига, минерал, гранулометрик, кимёвий таркибига бөлік бўлиб, 0 дан 20 фоиз оралиғида ўзгаради (6,8-расм).

Қурилиш месъёрлари ва қоидалари бўйича күпчұвчан гил тоғ жинслари нисбий күпчұвчанлигини ( $\delta$ ) ҳисобга олган ҳолда, кам күпчұвчан ( $0.04 < \delta_k < 0.08$ ), ўртача күпчұвчан ( $0.08 < \delta_k < 0.12$ ), жуда күпчұвчан ( $\delta_k < 0.12$ ) жинсларга ажратиласди.

### 6.3.8. Жинсларнинг ивүвчанлигиги

Айниқса гилли жинслардаги лёсс ва лёссымон жинсларнинг мустаҳкамлиги сув таъсирида жуда уни сув түлдирилған қисмiga ботирилса түр устидаги лёсс жинс бўлакларини ививчанлик асбобидаги махсус тўр мослама устига қўйиб, секин-аста уни сув тўлдирилған қисмiga ботирилса түр устидаги лёсс жинс бир неча дақиқа ёки сония мобайнида бутунлай ивиб, бўлакларга ажралиб, тўр тешикларидан ўтиб, сувли идиш остига чўқади. Лекин баъзи бир соғ гил жинслари сув таъсирида ўзларининг табиий ҳолатини ўзгартириши учун бир неча соат, ҳатто кирсанда сутка керак бўлади. Баъзан улар ўзларининг табиий ҳолатини деярли ўзгартирмаслиги ҳам мумкин.

Тоғ жинслари, айниқса гил жинслари ўзларининг сув таъсирида ивичанлигига қараб, қуйидаги гурухларга бўлинади: 1-сув таъсирига ўта берилувчан жинслар, бутунлай увоқланиб кетиши учун бир неча сониядан дақиқагача вақт кетади; 2-сув таъсирига ўртача берилувчан жинслар. Бу жинсларнинг увоқланиб кетиши учун бир неча соатдан суткагача вақт кетади; 3-сув таъсирига берилмайдиган жинслар. Бундай жинслар ўзларининг табиий шаклини ўйлаб сутка, ҳатто бир неча ой мобайнида ўзгартирмайди.

Тоғ жинсларининг ивичанлигини аниклаш, айниқса автомобиль ва темир йўллар қурилишларида катта аҳамиятга эга.

### Такрорлаш ва текшириш учун саволлар

1. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби деганда, сиз нимани тушунасиз?

2. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби сувларнинг қайси хусусиятларига таъсир кўрсатади?

3. Төг жинсларини ташкил этувчи заррачалар миқдорини аниқлашдаги қандай усууларни биласиз?

4. Төг жинсларининг гранулометрик таркибини аниқлаш натижаларини жадвал ва чизма кўринишида ифодалаш тўғрисида сизнинг тушунчангиз?

5. Төг жинсларининг гранулометрик таркибини аниқлаш натижасида яратилган таснифлар тўғрисида сўзлаб беринг?

6. Төг жинслари таркибида учрайдиган энг асосий кимёвий компонентларни ёзинг.

7. Сувда яхши эрувчан тузларга қандай тузлар киради?

8. Сувли сўрим қандай эритма? Эритма тайёрлаш учун олинадиган тоғ жинси билан дистилланган сув нисбати қандай бўлиши керак?

9. Төг жинсларининг физик ва сувли хусусиятлари тўғрисида гапириб беринг.

10. Төг жинсларининг «зичлиги», «ғоваклиги», «намлиқ коэффициенти»ни аниқлаш формулаларини ёзинг. Уларни таърифлаб беринг.

11. Муайян вақт мобайнида жинслардан оқиб ўтадиган сув миқдори қандай аниқланади? Сув миқдорини аниқлаш формуласини ёзинг. Нима учун бу усулни Дарси қонуни деб аташади.

12. Төг жинсларининг капиллярлик хусусияти тўғрисида тушунча беринг. Н.Г.Каменский капилляметри ёрдамида капилляр кўтарилиш баланддиги қандай аниқланади?

13. Төг жинсларининг капилляр кўтарилиш баландлик қийматларини айтиб беринг. Нима учун гилли жинсларининг капилляр кўтарилиш қиймати энг юқори?

## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

### СУВЛАР

#### 7-боб. Табиатда сув, унинг пайдо бўлиши ва айланниши

##### 7.1. Табиатда сувнинг вужудга келиши

Гидроеология фани ер ости сувлари хакидаги фан бўлса-да, аввалимбор, биз сувнинг табиатда ҳосил бўлиши ва эволюцияси хакида умумий билимга эга бўлмоғимишловим. О.Ю.Шмидт гипотезасига мувофиқ, сувнинг биринчи манбаи, яъни гидросферанинг вужудга келиши Ернинг сайёра сифатида ривожланиши билан бөғлиқдир. Унинг тушунтиришича, бундан бир неча миллиард йил муқаддам ҳозирги Галактикаизда<sup>1</sup> (бизнинг Сомон йўли деб аталмиш юлдузлар оламишим сон-саноқсиз юлдузлар ва уларнинг тўпламларини биргалиқда ташкил этувчи юлдузлар тизими бўлиб, бу юлдузлар бошқа галактикалар юлдузларидан фарқли ўларок, галактика марказидан<sup>2</sup> Куёшгача бўлган айланиш бурчак тезликлари дэярли ўзгармасдир) совук газ, чанг заррачаларидан ташкил топган жуда катта туманлик мавжуд бўлган.<sup>3</sup>

Вакт ўтиши билан бу туманликни ташкил қилган заррачаларнинг ўзаро бирлашиши натижасида айрим – айрим куюкланишлар юзага келган. Булар ичида ўз массаси жиҳатидан бошқаларга нисбатан бир неча бор кичик бўлган бизнинг Куёш хам бўлган. Кейинчалик Куёш ўзининг дастлабки куюкланиш (пайдо бўлиш) манзилидан бошқа томонга сизжиб чиқган. Бу сизжиш вактида у ўз атрофида куюклашган заррачалар тўпламидан бир канчасини ўзига тортиб, эргаштириб чиқкан. Шу жараёнда уларнинг кўпчилиги Куёшнинг тортиш кучи туфайли унинг атрофида кесмаси 12 миллиард км келадиган, шарсимон туманликни ташкил қилган. Бу туманликдаги заррачалар тўхтовсиз равища айланма ҳаракатда бўлганилиги учун сескин-аста япалоклашиб, аввали шар шаклидан диск шаклига ўтган. Натижада, тумансимон заррачаларнинг кўп кисми Куёшдан узоқлашган. Куёшнинг тортишиш кучи камайиб, заррачаларнинг ўзаро тортишиш кучи

<sup>1</sup> Коинот тўғрисида, унинг ривожланиши, келиб чиқиши тўғрисида катор гипотезалар, назариялар мавжуд бўлиб, бу гипотеза ва назарияларни ўрганидиган, такомилаптирадиган, умумлаптирадиган, якунлайдиган фан космология-дир.

<sup>2</sup> Коинотда, яъни олам бўшилигига бизнинг Галактикаизга ўхтаган яна кўплаб галактикалар мавжуд. Бу галактикалар хам ўзларига маълум микдордаги юлдузлар, оламини системаларини бирлаштириб, бизнинг галактекамиздан бир неча миллион ёруглик йили масофасида ҳаракат қиласилар (бир ёруглик йили-ёруглик пурининг бир йил мобайнида босиб ўтадиган йўли бўлиб 946300000000 ёки 10 миллион кило-метрга teng).

<sup>3</sup> Галактикаизнинг майдони шунчалик каттаки, у тахминан 5000 ёруглик йилига тенг келадиган масофага чўзилган.

<sup>3</sup> Шмидт О.Ю. Избранные труды.-М.: Наука, 1960

ошиб борган. Авваты, Қүёш атрофини эгаллаб турған туманликда яңгидан пайдо бўлган қуюқланиш марказлари эса, ўз навбатида, бизнинг қүёш тизимимиз, жумладан. Еримизнинг дастлабки куртаклари бўлган (5.1-расм).

Ана шу вактда, яъни Ернинг дастлабки пайдо бўлиш даврида унинг атрофи қалин космик чанг қатлами билан қопланганлиги сабабли, бу чанг катламлари ўша Қүёш нури Ергача жуда оз миқдорда стиб келган. Шунинг учун ҳам ўша вақтларда сайёрамизда асосан совуқ иқлим ҳукм сурган ва сув молекулалари яхланган ҳолатда бўлган.

Орадан вақтлар ўтиши билан. Ер атрофининг чанг заррачаларидан тозалана бориши натижасида Қүёш нури Ер сатхини яхши исита бошлайди. Атрофидаги заррачаларни Ерга келиб қўшилиши, унинг марказидаги оғирликнинг ортиб, секин-аста зичлашиб боришига сабабчи бўлади. Ернинг ички қисмидаги эса, радиоактив элементларнинг парчаланиш жараёнлари юз беради. Натижада, Ерда табиий шароит ўзгариб, сайёрамизнинг устки қисми секин-аста сув қатлами билан қопланади. Академик Д.И.Шербаевнинг фикрича, Ер тарихининг бу даврида унинг юзаси озми-кўпми сув қатлами билан қопланган бўлган.

Сўнгра Ер тарихий тараққистининг кейинги даврларида Ер ўқининг ўз орбитаси текслигига тик бўлмаслиги натижасида йил фасллари (ёз, куз, киш, баҳор) вужудга келади. Ернинг ички қисмларида юз берган тўхтовсиз жараёнлар натижасида тектоник ҳаракатлар<sup>1</sup> содир бўла бошлайди. Шу тариқа Ернинг баъзи қисмлари кўтарилиб тоғлар, баъзи жойлари чўкиб ботқоқликлар, оксан ва денгизлар ҳосил бўлган. Мавжуд сув қатламлари кўтарилиган срлардан ботиқ жойларга, денгиз, оксанларга оқиб дарё водийлари пайдо бўлган. Узок геологик даврлар давомида бу ҳодисалар қайта-қайта тақрорланиб, Ернинг устки қисмларида жуда катта ўзгаришлар содир бўлган. Пировардида сайёрамиз ҳозир биз яшаб, кўриб турған ҳолатга келган.

Гидросферадаги сув миқдори доимийлигини сақлаб турувчи бир қанча манбалар мавжудлиги тўғрисида ҳам қатор фикр-мулоҳазалар бор. Улардан бири Ер мантиясининг лава ҳолатида Ер юзаси томон кўтарилиши, Ернинг остики ва устки қисмларида интрузив ва эффузив жинсларини ҳосил килиш жараёнидаги газ ва сув буғларининг ажralиши бўлса, иккинчиси – космосдан ўз таркибида маъдум миқдордаги (0,5фоиз чамасида) сув бўлган астероид ва метеоридларнинг Ер сатхига тушиб туриши жараёни ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги вақтда сунъий Ер йўлдошларидан

<sup>1</sup> Ернинг ички қисмларида пайдо бўладиган кучларнинг таъсири натижасида Ер қобиги қатламларининг ҳаракатта келиши. ётиши ҳолатларининг ўзгарили ҳодисаларини фанда тектоник ҳодисалар, бу ҳодисаларни вужудга келти-рувчи ҳаракатларни эса, тектоник ҳаракатлар деб юритилади.

олинган маълумотларга қараганда, атмосферанинг 230-250 км даги юкори кисмида водород атомлари мавжуд. Бу эса атмосферанинг ана шу қисми ҳам Ерда сув хосил бўлиш манбай эканлигидан далолат беради.

Демак, тарихан табиатда сувнинг пайдо бўлиши, биринчидан, Ернинг вужудга келиш тарихи билан, иккинчидан, Ернинг ички кисмида – литосфера ва мантияда юз берадиган геокимё ва петрокимё жараёнлар билан, учинчидан, Ер сатҳи билан атмосферанинг юкори катламлари оралиғида юз берадиган метерологик жараёнлар билан чамбарчас боғлик.

## 7.2. Табиатда сувнинг айланниши

Сув табиатда доимо тинимсиз характада. Бу харакат жараёнида угох буғ, угох суюк, угох каттиқ (муз ва х.) ҳолатда бўлади. Бу уч ҳолат узлуксиз ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирлари билан алмашниб туради. Бу алмашниш сабаби, энг аввало, Қуёш иссиклигининг фасллар оша Ер сатҳи худудларига (тоғ, тоғолди, текислик) ва дунё океани юзасига турлича даражада таъсир этишдир. Ер сфералари: атмосфера, литосфера, гидросфера ва биосфера сувнинг асосий маконлари хисобланади. Сув оксанлар, денгизлар, кўллар, дарёлар сатҳидан буғланиб, яна суюк (ёмғир) ёки каттиқ (кор, жала) ёғин ҳолатида Ер юзасига тушади. Бу тушган ёғиннинг бир қисми дарёлар орқали океанларга қараб йўл олса, иккинчи қисми қайта буғланиб атмосферага кўтарилади ва яна ёғин бўлиб срга тушади. Учинчи қисми эса, Ер қобигини (литосферани) ташкил этувчи тоғ жинслари катламларига шимилиб, сизилиб ер ости сув оқимини вужудга келтиради. Ер ости сув оқими ўз ҳаракати жараёнида дарё оқимларига кўшилиши ва буғланиб яна атмосферага кўтарилиши мумкин. Демак, гидросферадаги, атмосферадаги, ҳамда Ер қобиги катламларидаги мавжуд сувлар доимо харакатда бўлиб, буғ, ёғин, ер усти ёки ер ости оқимлари ҳолатида айланиб юради (7.1-расм).


Геология фанида сувнинг табиатда айланниши хоссаларига қараб, уни иккига бўлиш қабул қилинган. Биринчиси – климатик (гидрогеологик), иккинчиси – геологик сув айланниши. Баъзи мутахассислар (В.М.Шестаков, М.И.Львович, Е.В.Пинеккер, А.Н.Павлов ва бошкалар) бунга эквивалент килиб, гидрогеологик ва литогенетик сув айланниши<sup>1</sup>, деб атагаш ҳам таклиф қилинган. Бизнинг фикримизча, тўғрироғи, сув айланнишини гидрогеологик ва литогенетик турларига бўлинниши макул.

Гидрогеологик сув айланниши Ернинг юза қисми билан тропопауза оралиғида матерорологик омиллар таъсирида вужудга келади.

Литогенетик сув айланниши Ернинг литосфера қисмида содир бўладиган геокимё ва петрокимё жараёнлар таъсирида вужудга келади.

<sup>1</sup> В.М.Шестаков, М.С.Орлова. Гидрогеология подземных вод. М., Изд. ва МГУ, 1984

Фанда сувнинг океан-денгиз, атмосфера ва қурукликтаги доимий равишда алмашиниб туришига сувнинг табиатдаги катта айланиши, деб аташади. Агар денгиз сатҳидан буғланган сув, ёғинга айланиб денгизга қайта тушса, бу сувнинг табиатдаги кичик айланиши, деб юритилади. Ва, ниҳоят, сув қуруклик (материк) сатҳида буғга айланиб, яна ёғин бўлиб, қайта қуруклик юзасига тушса, буни сувнинг материк ичидаги айланиши, дейилади (7.1-расм).




7.1-расм. Табиатда сувнинг айланма ҳаракати

Гидрологик сув айланиши жараёнида жуда катта миқдордаги сувлар иштирок этади. М.И.Лъвович (1974) маълумотларига қараганда, атмосферада  $14.000 \text{ km}^3$  сув мавжуд бўлиб, улар дарё сувларидан  $11,6$  марта кўп. Атмосферадаги бу миқдордаги сувлар йилига 36 марта тўлиқ айланади. Ер юзида дарё сувлари тахминан  $1200 \text{ km}^3$  ни ташкил этиб, йилига 32 марта тўлиқ айланади.<sup>1</sup>

Сувнинг атмосфера, гидросфера, биосфера, литосфераларда мавжудлиги ва биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ана шу сфералар бўйича унинг доимий ҳаракати, миқдори, бир холатдан иккинчи холатга алмашиниб туриши қатор омилларга, жумладан, Күёш радиацияси, ҳаво ҳаракатига, босимига, ёғин миқдорига, буғланишга, шамолнинг ҳаракат йўналишига, Ер сатҳининг геоморфологик тузилишига, литосферани ташкил этувчи тоб жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятларига, ўсимликлар дунёсига боғлиқ. Шунинг учун бирорта ҳудуднинг гидрогеологик шароитини баҳолашда юқорида қўрсатилган омилларга, айниқса ёғин миқдорига,

<sup>1</sup> А.Н.Павлов. Геологический круговорот воды на земле. Л., «Недра», 1977

унинг фасллар, йиллик, кўп йиллар мобайнида ўзгаришига, турига (кор. ёмғир, жала), хар хил баландлик бўйича бўлинишига эътибор берилмоғи керак (7.2-расм).



7.2-расм. Денгиз сатига нисбатан 1200 м баландликка қузатилган баязи бир метереологик маълумотлар (С.С.Хусомиддинов маълумотлари). а-Қуёш радиациясининг ой давомидаги Ёрга сочилиб туриш вақти; б-ўртacha ойлик атмосфера босими; в-ўртacha ойлик ёғин ва түпроқ хароратини ойли давомидаги ўзгариб туриши; г-хавони ўртacha ойлик намалиги ва ёғин микдори; д-ўртacha кўп йиллик ёғин микдорининг ўзгариши

Маълумотларга кўра, Ер атмосфераси асосан газ ҳолатидаги моддалардан иборат (фоиз): унда азот молекуласи 78; кислород молекуласи 20,95; аргон - 0,93; карбонат ангидрид гази - 0,03 ни ташкил этади. Шунингдек, унинг таркибида водород, неон, гелий, криптон, радон, чанг ва сув буёларни мавжуд. Атмосферада 14 минг  $\text{km}^3$  сув бўлиб, бу сув хар 10 сутка мобайнида бутунлай янгидан алмашиниб туради (Седенко, 1979).

### 7.3. Ернинг йиллик сув баланси

Сайёрамизда мавжуд сувларнинг асосий қисмини дунё оксанининг суви ташкил килади. Унинг сув захираси доимий қийматга эга бўлиб,

океан юзасига тушадиган атмосфера ёғини ҳисобига ҳамда унга қуруқлик (материк) томондан оқиб келувчи сувлар ҳисобига сакланиб туради. Ер сув балансининг умумий қиймати қуйидаги тенгламалар ёрдамида ифодаланади (А.Н.Павлов, 1991):

Дунё океани учун

$$E_m = P_m + R; \quad (7.1)$$

Оксанга сувлари оқадиган қуруқ зоналар учун

$$E_c = P_c - R; \quad (7.2)$$

Сув оқими юз бермайдиган зоналар учун

$$E_{bo} = P_{bo}; \quad (7.3)$$

Бу ерда:  $E$  - буғланиш;  $P$  - ёғин;  $R$  - сув оқими.

Юқоридаги ифодаларни жамлаш ёрдамида бутун Ер курраси учун сув баланси тенгламасини қуйдагича ёзиш мумкин:

$$E_m + E_c + E_{bo} = P_m + P_c + P_{bo} \quad (7.4)$$

Ернинг умумий йиллик сув баланси 7.2-жадвалда көлтирилган (М.И.Львович, 1974):

#### 7.1-жадвал

**Ер юзасининг йиллик сув баланси (М.И.Львович бўйича, 1974)**

Сув баланси элементлари	Ҳажми	Қатлами, қалинлиги, мм
Куруқликни чётки қисми ( $116800000 \text{ km}^2$ )		
Ётингарчиллик	160 000	910
Дарё суви оқими	41 000	350
Буғлапини	65 000	560
Куруқликни берк қисми ( $32\ 100\ 000 \text{ km}^2$ )		
Ётингарчиллик	7500	238
Буғланиш	7500	238
Дунё океани ( $361\ 100\ 000 \text{ km}^2$ )		
Ётингарчиллик	411 600	1140
Дарё сувларини кўпилиши	41 000	114
Буғлапини	452 600	1254
Ер курраси ( $510\ 000\ 000 \text{ km}^2$ )		
Ётингарчиллик	525 100	1030
Буғланиш	525 100	1030

#### 7.4. Табиатда сувнинг тарқалинни

Табиатда энг кўп тарқалган модда сув ҳисобланади. Сув атмосфера, гидросфера, литосфера ва биосферанинг асосий қисмини ташкил қиласди.

Академик В.И.Вернадскийнинг маълумотларига кўра, Ер қобигидаги сув миқдори унинг умумий оғирлигининг 7 фоизига тўғри келади. Гидросферадаги сув миқдори 1400 млн. км<sup>3</sup> га тенг бўлиб, унинг 97,6 фоизини океан сувлари, 2,14 фоизни муз холатидаги сувлар, 0,26 фоизини курукликдаги мавжуд сувлар ташкил этади. Ернингмагма қисмидаги сувнинг миқдори гидросферадаги сувнинг миқдоридан 1000 марта тўп. Атмосферада буғ холатидагисувнинг миқдори 10 000 км<sup>3</sup>дир. Ер қуррасидаги мавжуд ҳамма сувларнинг миқдори эса Н.А.Плотников томонидан 100 млн. км<sup>3</sup>, деб баҳоланади (Г.В.Богомолов, 1966).

М.И.Лъвовичнинг таъкидлашича,<sup>1</sup> Ер қурраси бўйича, ер ости дарё кўринишидаги сув оқимининг йиллик миқдори 12 000 км<sup>3</sup> ни, О.А.Алекин бўйича, таҳминаи 11 360 км<sup>3</sup> ни ташкил этади. И.С.Зекцер, Р.Г.Жамалов, А.Б.Месхетели келтирган маълумотларга асосан, дунё океанига ер ости сув оқими холатида куйиладиган сувнинг йиллик умумий миқдори 2200-2400 км<sup>3</sup> ни, сув билан оксанга келиб тушадиган тузларнинг йиллик миқдори 1300 млн тоннани ташкил этади.

Биосферадаги (тирик организмлар, ўсимликлардаги биологик ва биокимё бирикмалар холатидаги) сув миқдори кўп эмас (0,001 млн. км<sup>3</sup>). Аммо Ердаги мавжуд сув балансини сақлашда у катта аҳамиятта эга.

## 7.5.Об-ҳаво элементлари

Гидрогеологик тадқиқотлар доирасида олиб бориладиган гидролог-метерсологик холат таҳлили жараённида об-ҳаво шароити ҳамда ер ости сувлари тарқалган ҳудудлардаги ер ости ва ер усти сувлари оқимлари қўшиб ўрганилади. Ҳудуднинг об-ҳавосини баҳолашда ҳавонинг ҳарорат режими, атмосфера босими, шамол, ҳаво намлиги, буғланиш ва ёғин миқдорини аниқлашга доир маълумотлар зарур.

### 7.5.1.Ҳавонинг ҳарорат режими

Ер қуррасида ҳаво ҳароратининг тақсимланиши асосан Күёш иссиқлигининг тарқалишига боғлиқ бўлиб, экватордан кутб томонга караб камайиб боради.

Ер юзасида ҳаво ҳароратига таъсир этувчи омилиларга қўйдагилар киради:

1. Ер юзасидаги сув ҳавзалари, Ер юзасининг рельефи, ўсимлик дунёси, тупрокларнинг ҳар хиллиги ва бошкалар.

<sup>1</sup> Лъвович М.И. Мировые водные ресурсы и их будущее. М. «Мысль», 1974.

Зекцер И.С., Джамалов Р.Г., Месхетели А.Б. Подземный водообмен суши и моря. Гидрометалидат, 1984

2. Ҳавонинг тик ва ётиқ алмашиниши. Ётиқ алмашинишида ҳаво оқими таъсирида ҳаво массасининг доимий аралашиш жараёни содир бўлади. Тик йўналишда ҳавонинг алмашиниши натижасида иссиқлик бир хилда тақсимланади. Ер юзасининг исишида ҳароратни тик алмашинуви сусаяди, унинг совушида ҳаво ҳароратининг пасайиши камаяди.

Гидрогеологик тадқиқотларни олиб боргандা ҳаво ҳарорати режимининг суткалик, ўртача ойлик, кўп йиллик ҳамда ҳаво ҳароратининг энг юкори ва энг паст ҳолатлари аниқланади.

### 7.5.2.Атмосфера босими

Ер юзасини ўраб турган ҳаво массасининг босими матерологик элементларнинг асосийларидан бири ҳисобланиб, унинг ўзгариши атмосфера жараёслари ривожланишини аниқлайди. Мўътадил атмосфера босими деб, 00С ҳароратда 450 кенгликда 760 мм симоб устуни босимига тенг ёки 1 см<sup>2</sup> юзага тушадиган 1.0334 кг босимга айтилади.

### 7.5.3.Ҳаво намлиги

Ер юзасидаги атмосфера ҳавоси газлардан ташкил топган бўлиб, унда азот ва кислород-99,03 фоизни, қолган-0,97 фоизни бошқа газлар ташкил қиласи (7.3-жадвал).

### 7.2-жадвал

#### Атмосфера таркибидағи мөдделатар миқдори

Ҳаво таркиби	Ҳаво таркибига фоизда ифодаси
Азот	78,08
Кислород	20,95
Аргон	0,93
Карбонат ангидрит гази	0,03
Водород	0,001
Неон	1.8-10 <sup>-3</sup>
Гелий	5.10 <sup>-4</sup>
Криpton	1,1.10 <sup>-4</sup>
Ксенон	0,9.10 <sup>-5</sup>
Озон	2.10 <sup>-6</sup>
Аммиак	2,6.10 <sup>-7</sup>
Ион	3,5.10 <sup>-9</sup>

Атмосферадаги сув бүтлари, асосан, оксанлар, денигизлар, кўллар, дарёлар сатҳидан ҳамда нам тупроклар ва ўсимликлардаги намликтининг

буғланиши натижасыда вужудга келәди.

Хаводаги намлик қүйдегилар орқали ифодаланаади:

1.Хаво таркибидаги сув буғларининг таранглиги. У ҳаво босимига ўхшаб миллиметрдаги симоб устуни ёки миллибарда «е» харфи билан белгиланади.


2.Маълум ҳажмдаги ҳаво таркибидаги сув буғлари мутлақ намликни ёки сув буғлари миқдорини ифодалайди ва «а» харфи билан белгиланиб,  $\text{g/m}^3$  да ўлчанади.

3.Мутлақ намлик (« $\omega$ ») ва сув буғларининг таранглик (« $c$ ») даражаси орасидаги боғлиқлик қўйидаги формула орқали ифодаланади:

$$\alpha = 1,06 \frac{e}{1 + dt^0} \text{ g/m}^3$$

Бу ерда:  $\alpha$  - мутлақ намлик,  $\text{g/m}^3$ ;  $e$  - ҳаводаги сув буғларининг таранглиги,  $\text{mm}$  (симоб устуни бўйича);  $d$  - коэффициенти бўлиб,  $\frac{1}{270}$  га тенг;  $t^0$  - ҳаво ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ .

Кўриниб турибдики, сув буғлари таранглик даражасини мутлақ намлиги, деб юритиш унчалик тўғри эмас. Факат  $t = 16,5^{\circ}\text{C}$  бўлганда, уларнинг турли ўлчамлардаги миқдори бир-бирига тенг бўлади.



7.3-расм. (В.Д.Третаков) Ёғин ўлчайич мажмуасининг умумий кўриниши. 1-ёғин сувини йигадиган чепак; 2-ёғин сувини ўлчайдиган цилиндр. 3-вороқкасимон гилоф, 4-вороқкасимон диафрагма.

#### 7.5.4. Нисбий намлик

Ҳаво намгарчилик сифими даражаси унинг энг катта сифими даражаси нисбатига нисбий намлик, деб айтилади ва қўйидаги формула орқали (фоизларда) ифодаланади:

$$R = e/E \cdot 100 \text{ фоиз}$$

$R$  - нисбий намлик,  $e$  - маълум ҳароратда ҳаводаги буғ таранглиги,  $\text{mm}$ , сим.уст,  $E$  - ўша ҳароратдаги буғ билан тўйинган ҳаво таранглиги,  $\text{mm}$  симоб уст.

#### 7.5.5. Атмосфера ёгини

Атмосферадаги сув буғлари ҳолатини ўзгариши, унда юз берадиган жараёнлар (ҳароратни ўзгариши, ҳавони сув буғлари билан тўйиниши, нисбий намликни 100 фоизга стиши ва хоказо) оқибатида сув томчиларини вужудга

келиши ва Ер сатҳига ёмғир, қор, жала ҳолатида тушиши атмосфера ёгини, деб тушунилади.

Сайёрамиз сатҳининг у ёки бу ҳудудларига тушадиган ёгиннинг миқдори маҳсус ёгин ўлчагич қурилмалар (7.3-расм) ёрдамида амалга оширилади. Сув ҳолатидаги ёгиннинг миқдори мм да ифодаланиб, йигилган ёгин бутганиш ёки бирор томонга оқиб кетишдан қатъяян сакланган бўлиши керак. Бир дақиқа давомида ёқсан ёгин унинг жадаллик ёки тезлик даражасини билдиради.

### 7.3-жадвал

#### Ўзбекистон ҳудудларида ҳавонинг ўртача ҳарорати ва йиллик ёгин миқдорининг ўзгарини

Метео-рологик станциялар	Мест.ст. мутлоқ баландлиги, м	Январь Т°	Июль Т°	Йиллик Т°	Энг кўп Т°	Энг кам Т°	Йиллик ёгин миқдори (мм хис.)
Гулистан	276	-2	26,8	18,2	45	234	295
Тошкент	477	-0,9	26,9	13,3	44	-30	367
Чорвоқ	877	-2,1	24,5	11,6	40	-29	734
Тўйтепа	392,2	0,6	26,0	12,6	-	-	379,3
Чирчиқ	668	0,6	27,0	13,5	-	-	554,0
Чимган	1438	-5,1	20,2	8,2	-	-	786,9
Аблиқ	845	-1,5	26,3	12,7	43	-31	408
Ангрен платоси	2280	-6,5	16,2	4,3	31	-34	889,1
Турк	976	0,7	25,3	12,3	-	-	631,1
Кўқон	408	-2,2	27,5	13,5	44	-27	98
Фарғона	580	-3,5	26,8	13	43	-28	174
Андижон	450	-3,0	27,3	13,5	44	-29	226
Наманган	440	-2,5	27,7	13,5	-	-	177,2
Поп	441,9	1,0	28,0	13,9	-	-	1623
Қоракўл	196	2,0	29,1	14,8	48	-25	114
Самарқанд	695	0,3	26,0	13,4	45	-27	328
Санзор	1313	-2,9	23,3	10,3	41	-31	424
Томди	236	3,6	29,6	13,2	48	-33	108
Ғузор	525	2,3	29,9	16,2	49	-26	285

Китоб	657	1,3	28,4	14,9	47	-27	545
Минчукур	2117	4,3	19,8	7,8	35	-30	589
Термиз	310	2,1	30,7	17	50	-25	133
Денов	516,0	2,4	28,2	15,7	47	-25	36
Бойсун	1249	1,0	27,9	14,2	43	-25	445
Карши	378	-0,2	28,8	14,8	47	-27	187
Урганч	98	-4,8	27,5	11,9	46	-32	82
Нукус	78	-6,4	27,1	10,8	46	-32	82
Чурук	124	-9,8	26,2	8,4	46	-38	122

Агар ёгин хар дакиқага 0,5-1 мм дан ошик бўлса, бундай ёгин сел ёки жала ёғини, деб аталади. Ер куррасининг турли чеккаларида ёғиннинг микдори турлича. Йиллик ёғиннинг энг кўп микдори Қора денгизнинг Кавказолди худудларига (Сочи ва Батуми) тўғри келиб, 1200-2870 мм ни ташкил этади. Республикализнинг шимоли-шарқий кисмида (Ангрен платосида 889 мм, Чорвоқда 734 мм) кўп, гарбий (Урганчда 82 мм) ҳамда шарқи-жанубий (Кўконда 198 мм) кисмида кам, марказий (Санзорда 424 мм) ва жанубий кисмида (Термизда 133 мм, ўртача микдордаги ёғин ёғиб туради. Мамлакатимиғзининг текислик худудларидан тоғ худудлари томон ёғиннинг микдори ошиб боради (7.3-жадвал). Бу холат ер усти ва ер ости сувларининг умумий зонавий оқимини вужудга келтиради.

#### 7.5.6.Бугланниш

Харорат ўзгариши натижасида сувнинг суюқ ҳолатдан буғ ҳолатига ўтиши буғланиш жараёни, деб тушинилади. Атмосферадаги буғ ҳолатидаги асосий сув массаси дунё океани юзасидан сувнинг буғланиши оқибатида вужудга келади. Ер сатҳига Қўёшдан келадиган ҳамма иссиқлик энергиясининг 25 фоизга яқини гидросферадаги сувнинг буғланиши учун сарф бўлади. Бу холат сайёрамиз иклим шароитининг вужудга келишида энг асосий таъминловчи омил хисобланади.

Буғланиш жараёнида атмосферага келиб қўшилувчи сув буғларининг микдори буғланиш юзаси ҳароратига, атмосфера босимига, хаво намлигига, буғланиш юзасидаги шамол тезлигига, сув юзасининг буғланиш шакли ва ўлчамига, географик ҳолатига ва жой рельефига боғлиқ. Гидрогеологик тадқикотларда буғланиш киймати Дальтонинг эмпирик формуласи оркали аникланади ва у қўйдагигча ифодаланади:

$$Q = K \cdot \frac{E - e}{P} \cdot S$$

Бу ерда: Q - маълум вақтда, муайян юздан буғланадиган сув миқдори; E - e = d - ҳаво намлигини стишмовчилиги; P - атмосфера босими; S - бугланиш юзасининг майдони; k - пропорционаллик коэффициенти.

Очиқ сув ҳавзаларида буғланиш И.К.Тихомиров формуласи орқали хисобланади. У қуйидагича:

$$Q = d (15 + 3V)$$

Q - сув қатламидан 30 кун мобайнида буғланган сув миқдори, мм; d - ўртача ойлик ҳаво ҳарорати стишмовчилиги, мм, симоб устуни; v - шамолнинг ўртача ойлик тезлиги, м/сек.

Буғланиш жараёни факат сув сатҳидан сувнинг буғланиши натижасида содир бўлмайди. Бу жараёнда ўсимликлар дунёсининг ҳам аҳамияти катта. Жумладан, 1 г ўсимлик тўқимасининг пайдо бўлиши учун 300-1000 г сувнинг буғланиши юз беради. 1 тонна буғдой стиштириш учун 1500 т, 1 тонна шоли стиштириш учун 4000 т, 1 тонна паҳта стиштириш учун 10 000 т сув сарф бўлади. Ўсимликлар орқали сувнинг буғланиши доимо тоғ жинслари қатлами сатҳидан буғланган сув миқдоридан кўп бўлади (М.В.Седенко. 1979). Ўсимликлар танаси орқали сувнинг буғланиши жараёни фанда тарнсирация жараёни деб, уларни сувга бўлган чанқоқлигининг қондиришга сарф бўлган сув миқдорини ( $Q_t$ ), ҳосил бўлган қуруқ ўсимлик массасига нисбати ( $Q_j$ ), трансирация коэффициенти ( $T_k$ ) деб юритилади ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$T_k = Q/Q_j$$

Бу жараён ўсимликларнинг турига қараб турлича юз беради (7.4-жадвал):

#### 7.4-жадвал

##### Баъзи ўсимликларнинг трансирация коэффициенти (Б.А.Аполов бўйича)

Ўсимлик турлари	Трансирация коэффициенти
Бутдой	333-554
Сули	401-665
Поли	811
Гречка	271-646
Кунгабоқар	4900
Беда	251-441
Картошка	281-448
Қанд лавлаги	377-497

Ҳар йили Ер курраси юзасидан 520 минг км<sup>3</sup> миқдоридаги сув буғланиб туради. Бу ҳолат ер усти ва ер ости сув оқимларини, дунё океани, деңгиз ва күллардаги сув режими барқарорлигини сақлашда умумсайёравий аҳамиятига эга.

Буғланиш ва транспирация жараёнининг содир бўлиш тезлиги асосан Ер сатҳининг деңгиз юзасига нисбатан баландлигига, унинг экспозициясига, ҳаво ҳароратига ва намлигига, йил фаслларига, атмосфера ёғинининг миқдорига, Ер сатҳини ташкил этиб турган тоғ жинслари турларига, шамол тезлигига, ўсимлик дунёсининг турларига ва қалинлигига боғлиқдир.

Буғланиш қиймати миллиметрларда ифодаланилади. Уни аниқлаш маълум қалинликдаги ва сатҳдаги ҳавзаларда, экин майдонларида маҳсус қурилмаларга ўрнатилган, юзаси 3000 см<sup>2</sup> гача бўлган, буғланишини аниқлайдиган асбоблар (ГГИ-3000) ҳамда тупроқ юзасида юз берадиган буғланишни ўтчайдиган буғлатгичлар (ГГИ-51) ёрдамида олиб берилади. Буғлатгичларнинг диаметри қанчалик катта бўлса, буғланиш қиймати шунча кам ва ҳакиқий табиий буғланиш қийматига яқин бўлади.

### 7.6. Ер усти сув оқими

Бу сув оқими дарёлар оқими бўлиб, у ернинг устки юза қисмida вужудга келиш ва оқиши билан боғлиқдир. Дарёларнинг сувлилиги унинг ҳавзаси майдонининг катталигига, ҳаво босимига, ана шу майдонга тушадиган ёғиннинг миқдорига боғлиқ. Маълумки, баландликнинг деңгиз юзасига нисбатан ортиб бориши билан ҳавонинг босими ҳар 100 метрга 13.3 мб камайиб боради. Ҳаво босимининг баландликка қараб ортиб боришига ва кийин камайишига баъзан ёғиннинг қуруқ қор ҳолатида тушиши сабабчи бўлади.

Ерустисув оқимининг доимий равишда таъминлаб турувчи омиллардан бири – бу тоғли ҳудудларнинг юқори зоналарида мавжуд музликлар ҳисобланади. Музликлар Ер курраси қуруқлик майдонининг 16 млн.км<sup>2</sup> ёки 11 фоизини эгаллайди. Унинг ҳажми 18 млн.км<sup>2</sup> бўлиб, Ер куррасидаги барча дарёларнинг йиллик оқимидан 500 марта ошиқдир (Аполлов, 1963).

М.И.Лъвович келтирган маълумотларга кўра, Ер юзасидаги дарёларнинг суви сайёрамизнинг қуруқ қисмидаги ҳамма сув ҳажмининг 36560 км<sup>3</sup> қисмини ташкил этади. Унинг 3550 км<sup>3</sup> ҳажмдаги миқдори ҳар йили океанга қайтиб оқиб тушади. Қолган қисми эса, ер ости сув оқимини ҳосил қилишда ва буғланишга сарф бўлади (М.В.Седенко, 1979).

Ёғиннинг дарё оқимини вужудга келтириш, уни сув билан таъминлаш даражаси сув йигувчи майдоннинг геологик, рельеф тузилишига, тоғ жинсларининг ғоваклигига боғлиқ ҳисобланади.

Амалиётда у ёки бу дарёнинг маълум бир оқиб ўтиш жойидаги (бошланиш, ўрта, қуий оқимидағи ва х.к.) сув сарфини аниқлаш қўйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$Q=VF$$

Бу ерда:  $Q$  - дарёнинг бирор бир оқиб ўтиш жойидаги сув сарфи,  $\text{m}^3/\text{s}$ ;  $V$ -ана шу жойидаги дарё суви ҳаракатининг тезлиги,  $\text{m}/\text{s}$ ;  $F$  - сув оқиб ўтувчи дарё сатхини кўндаланг кесмасининг юзаси,  $\text{m}^2$


Маълум дарё ҳавзаларидан жилғалар ҳолатида оқиб келувчи дарё сувлари ана шу ҳавзалардаги сув оқимини вужудга келтирувчи манбларга (ёмғир, кор, музликлар, булоқлар) қараб, ёмғир сувидан вужудга келган дарёлар, ёмғир ва музликлар сувларидан йигилиб оқим ҳосил қилган дарёлар, ёғин, музлик, булоқлар сувларининг кўшилмасидан ёки фақат

булоқ сувларидан вужудга келган дарё оқимлари номи билан аталади.

### 7.7. Тоғ жинсларидағи сувнинг ҳолати ва ҳаракати

Табиятда ер ости сувлари тоғ жинсларининг турларига, уларни таркибиға, хосса ва хусуситяларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Тоғ жинслари қатламларидаги мавжуд ер ости сувлари маълум ҳажм ва йўналишидаги сув оқимининг вужудга келишига қадар бир неча ҳолатда бўлади. Ер ости сувларининг бундай ҳолати ўз вақтида А.Ф.Лебедев томонидан кўрсатилган эди (7.4-расм). Бунда, энг аввало, жинс заррачалари атрофи сув молекулаларининг дастлабки тўпланиши (7.4 а-расм), кейин тўла тўпланиши (7.4 б-расм), сўнgra парда суви кўринишига келиши (7.4 в, г-расм) ва, ниҳоят, эркин оқувчан гравитация (7.4 д-расм) ва капилляр ҳолатга ўтиш жараёни юз беради.

Сув буғларининг тоғ жинслари заррачалари сиртидаги ҳолати мустахкам боғланган ва бўш




7.4-расм. Тоғ жинсларидағи сув турлари. (А.Ф.Лебедев бўйича). 1-жинс заррачалари; 2-сув буғларини молекула ҳолатидаги кўриниши; а-тўлиқ гигроскопик ҳолатида бўлмаган заррачалар; б-тўлиқ гигроскопик ҳолатида бўлган заррачалар; в ва г- парда сувли заррачалар (жуда юнга парда суви билан ўралган заррадан сувни г заррача томон оқиши); д- гравитацион сувли заррача.

боғланган сувлар вужудга келишини белгилайди. Бундай сувлар тоғ жинси заррачалари билан мустахкам боғланган бўлиб, бу сувни фақат юқори ҳароратда қиздириш йўли билан ажратиб олиш мумкин. Гигроскопик сув пардасининг қалинлиги бир неча сув молекулаларининг қалинлигига баробар бўлиб, ўлчами миллиметрнинг мингдан бир улушкини ташкил этади. Бўш боғланган сув ҳавонинг нисбий намлиги 100 фоизга тенглашиб, гигроскопик сув пардаси ҳажмининг ошиши натижасида ҳосил бўлади. Бу сув пардасининг қалинлиги миллиметрнинг юздан бир улушкига тўғри келиб, молекуляр кучлар билан ушланиб туради, лекин ушланиш учун мустаҳкам боғланган сув пардасига нисбатан бўш бўлади. Бу сув пардаси фанда парда суви номи билан аталиб, тоғ жинсларининг сув билан тўла тўйингтан миқдордаги ҳолатини акс эттиради ва жинснинг энг кўп молекуляр намлик сифими, деб юритилади. Мустаҳкам ва бўш боғланган сувлар биргаликда молекуляр сув, деб аталади. Жинсларнинг энг кўп молекуляр намлик сифими 0,76 (кум), 11,82 (кумоқ тупрок) ва 33,25 (гил тупрок) оралиғида ўзгаради ва уларнинг физик, сувли, деформацияланиш ва мустаҳкамлик хусусиятларини қурилиш нуқтаи назаридан баҳолашда катта аҳамиятга эга. Жумладан, гилли жинсларда молекуляр сув миқдорининг кўп бўлиши, уларнинг ҳосса ва хусусиятларининг ёмонлашишига олиб келади.

**Эркин оқувчан сувлар** гравитацион, капилляр ва иммобилизация сувлари ҳолатида бўлади.

Гравитацион сувлар тоғ жинслари бўшликлари, ғоваклари ва ёриклиари бўйлаб ҳаракат қилиб, ер ости сувлари оқимини вужудга келтиради.


Капилляр сувнинг пайдо бўлиши ва ҳолати гравитацион сувнинг қалинлиги, қайси тоғ жинслари қатламмларида мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юз беради. Чунки, бу сув доимо гравитацион (ер ости) сув оқими қатламининг устки қисмидан (чегарасидан) тоғ жинслари ғоваклари бўйлаб капилляр, гидростатик кучлар таъсири остида маълум баландликгача кўтарилиган ҳолатда бўлади. Капилляр кўтарилиш баландлиги тоғ жинсларини ташкил этиб турувчи минерал заррачалар диаметрига, заррачалар оралиғидаги капилляр ғоваклар ўлчамларига қараб турлича бўлиши мумкин (7.5-расм).



7.5-расм. Тури диаметрли капилляр найчаларда сувларни капилляр кўтарилиш даражаси (В.Д.Ламтадзедан, 1984).  $P_k$ -капилляр кўтарилиш кучи,  $H_k$ -капилляр кўтарилиш баландлиги

Йирик донали құмларда бу қиймат асосан 2-3 дан 13 см гача, майда ва майин донали құмларда 30-60 дан 105,5 см гача, құмоқ тупроқларда 120-160 см, гилли жинсларда 300-400 см га етади (7.5-жадвал). Баъзи бир адабиётларда (М.В. Седенко, 1979) гил жинслардаги капилляр күтарилишнинг ҳатто 6-12 метр баландликка етиши күрсатилади.

**Капилляр сувлари** гилли, жумладан, лёсс ва лёссымон жинслар тарқалған худудлардаги мавжуд «аэрация зонасини» (7.6-расм), яъни گрунт сувлари сатҳи билан ер юзаси орасидаги жинс қатламлари намлигининг ошишига, уларнинг мустаҳкамлик ва деформацияланиш ҳусусиятлари ўзгаришига катта таъсир күрсатади. Шунингдек, گрунт сувларининг капилляр сув ҳолатида ер юзасига яқынлашиши ва буғланиш жараёни вужудга келиши оқибатида аэрация зонасидаги жинслар таркибидаги сувда яхши эрүвнан тузларнинг ер юзасига күтарилиши ва тупроқнинг шүрланишига ҳам сабабачи бўлади.



**7.6-расм. Лёсс ва лёссымон жинслар аэрация зонасида капилляр сувлар күтарилишининг вужудга келиши чизмаси:** I-сув ўтказмайдиган тоғ жинси қатлами; II- گрунт суви оқими вужудга келган қатлам; III-аэрация зонаси. 1-грунт суви сатхининг юқориги чегараси; 2-капилляр суви күтарилиган баландлик чегараси.

**Иммобилизация** ҳолатидаги сув гил жинслардаги мавжуд, бир-бирларига нисбатан мустақил бўлган говаклардаги сув бўлиб, у бирон бир механик куч таъсир этмагунча ўз ҳолатини ўзгартирмайди. Механик куч таъсирида эса, заррачаларнинг ҳаракати натижасида унинг тузилмасига птур етади, жинс каркаси бузилади.

## 7.5-жадвал

**Баъзи төг жинсларига хос капилляр күтарилиш баландлиги  
(Атгерберг ва Ф.П.Сваренский, В.Д.Ломгадзе маълумотлари асосида)**

Төг жинслари	Капилляр күтарилиш баландлиги, см
Майды шагал (5-2 мм)	2,5
Кум:	
Дагал (2-1 мм)	6,5
Йирик донали (1-0,5 мм)	13,1
Үрта йирикликтада (0,5-0,2 мм)	26,4
Майды донали (0,2-0,1 мм)	42,8
Майды донали (0,1-0,05 мм)	105,5
Алеврит (0,05-0,02 мм)	200
Кумоқ тупроқ (суглинок)*	160
Гил	90,7-400
Енгил кумоқ тупроқ (енгил суглинок)	196

\* Гил ва гилли жинсларда капилляр күтарилишнинг энг юқори тезлик қиймати (см/сут) биринчи суткаларга тўғри келади.

Иммобилизация қилинган сув гравитацион сув ҳолатига ўтиши ҳам мумкин. Лёсс жинсларида юз берадиган тиксотропия жараёни ана шу сув ҳолатининг ўзгариши оқибатида юз беради.

Табиятда баъзи минералларнинг физик-кимё хосса ва хусусиятлари билан боғлиқ бўлган сув турлари ҳам учрайди. Бу сувлар целит, кристалланиш ва конституцион ҳолатидаги сувлардир.

Цеолит ҳолатидаги сувлар опал ( $\text{SiO}_2\text{nH}_2\text{O}$ ) ва шу туркумдаги минералларга хос бўлиб, молекула ҳолатида ( $\text{H}_2\text{O}$ ) учрайди. Бу сув минераллар таркибидан 80-400°C ҳароратда ажралади.

Кристалланиш ҳолатидаги сув гипс ( $\text{CaSO}_4\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ), сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ) ва бошқа минералларга хосдир. Уларнинг таркибида сув 100°C дан паст ҳароратда ажралади.

Конституцион ҳолатдаги сув мусковит ( $\text{KAl}_2\text{AL}_2\text{Si}_2\text{O}_8$ ) ва шу туркумдаги бошқа минералларда учрайди ҳамда уларнинг таркибий қисми билан жуда мустахкам боғланган. Сув уларнинг таркибидан 400°C дан юқори ҳароратда ажралади.

Шунингдек, сув төг жинсларининг ғовакларида қаттис музланган, кристалланган ҳолатда ҳам учрайди. Бундай сувлар йилнинг фасллари мобайнида эриши ва суюқ ҳолатга ўтиши ёки доимий муз ҳолатда қолиши мумкин.

## **Такрорлаш ва текшириш учун саволлар**

1. Табиатда сувнинг вужудга келиши тўғрисида гапириб беринг.
2. Табиатда сувнинг айланиши жараёни қандай содир бўлади?

Гидрологик ва литогенетик сув айланишлари тўғрисида тушунча беринг.

3. Ернинг йиллик сув баланси тенгламасини ёзинг ва изоҳлаб беринг.

4. Табиатда сув қандай тарқалган? Ер куррасидаги мавжуд сувларнинг умумий микдори қанча? Гидросфера ва атмосферадачи? Ер қобиги таркибидаги сувлар унинг оғирлиги неча фойизни ташкил этади?

5. Об-ҳаво элементлари тўғрисида тушунча беринг. Об-ҳаво элементларини ўзгариши қандай омилларга боғлиқ? Об-ҳаво элементларининг срости ва ер усти сувларнинг вужудга келишидаги аҳамияти тўғрисида гапириб беринг.

6. Тоғ жинсларидаги сувнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида тушунча беринг. Эркин оқувчан сувлар қандай ҳолатда бўлади? Минераллilar таркибида учровчи сувлар тўғрисида нималар мълум?

## **БЕШИНЧИ ҚИСМ**

### **8-боб. Ер ости сувлари**

Ер ости сувлари сайёрамиздаги мавжуд ичимлик сувининг асосий қисмини ташкил этади. В.И.Вернадскийнинг тахминича, Ер қобигидаги (Ер сатҳидан 16 км чуқурлиқдаги) ер ости сувларининг миқдори 460 млн.  $\text{км}^3$  ни ташкил этади. Голландиялик олим Ванхонснинг таъкидлашича, Ер қобигидаги ер ости сувларини Ер курраси юзасига чиқарилса, 90 м қалинликдаги сув қатлами ҳосил бўлади. Француз мутахассиси Рэне Коянинг кўрсатишича. Ер бағрида қазиган бурғу қудукларининг чуқурлигича бўлган тоғ жинсларининг ғовакларида 8 млн. $\text{км}^2$  ҳажмидаги сув мавжуд.


Ер ости сувлари табиятда мавжудлиги билан инсонларнинг чучук ичимлик сувига бўлган талабини қондирадиган, ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган муҳим сув манбаи бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз ҳудудларидаги минераллашиб даражаси 5 г/л гача бўлган мавжуд ҳамма ер ости сувларининг башорат захираси, Н.А.Аҳмедов ва А.А.Мавлоновларнинг маълумотига кўра (2003 йил) 66 млн. $\text{м}^3/\text{сут}$  бўлиб, унинг 34,5 фоизи Фарғона водийсига, 25,7 фоизи Тошкент вилояти ҳудудига, 18 фоизи Самарқанд вилояти . 9 фоизи Сурхондарё вилояти, 5,5 фоизи Қашқадарё вилояти ҳудудига тўғри келади. Барча ер ости сувларининг 22,9 фоизи чучук, кам минераллашган (минераллашиб даражаси 1г/л дан кам) сувлар ҳисобланади. 2002 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотга асосан, республикамиздаги ҳамма мақсадлар учун ер остидан олинаётган сувнинг умумий миқдори суткасига 17367,2 минг  $\text{м}^3$  ни ташкил қилиб, ундан 6913,8 минг  $\text{м}^3$  хўжалик ва ичиш мақсадлари учун, 1849,5 - саноат ва техника, 4486,5  $\text{м}^3$  суғориш мақсадлари учун ишлатилади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, шунни айтиш лозимки, ер ости сувларининг пайдо бўлиши ва сарфланиш қонуниятларини билиш, уларни турлари, таркиби, физик, кимёвий хусусиятлари, ўзгариш сабаблари тўғрисида илмий маълумотларга эга бўлиш ниҳоятда зарурдир. Бу республикамиз ҳудудидаги ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ер ости сув захираларини экологик жиҳатдан эҳтиёт қилиш, саклаш, тежамкорлик билан ишлатиш имкониятини беради.

#### **8.1. Ер ости сувларининг пайдо бўлиши назариялари**


Ер ости сувларининг келиб чиқиши тўғрисида қатор назария ва фикр-мулаҳазалар ҳамда таснифлар мавжуд (8.1.-расм).



8.1-расм. Ер ости сувларининг генетик таснифи

Мавжуд назариялардан энг асосийлари конденсация, инфильтрация, седиментация ва ювенил назариялари ҳисоблананади.

**Конденсация назарияси.** Аристотел (э.а.III аср), немис гидрогеологи Фольгер (XIX асрнинг иккинчи ярими - 1878 йиллар), рус тупроқшунос олими А.Ф.Лебедев (1907-1919 йиллар) ва бошқалар мазкур назариянинг түнгич намоёндалари ҳисобланади. Уларни фикрларини умумлаштириб, сув буғларининг юқори босимли худудларидан паст босимли худудларга қараб ҳаракат қилишини, ёз фаслида тоғ жинслари ва тупроқ таркибидаги сув буғларининг босимини, уларнинг атмосферадаги сув буғлари босимига нисбатан паст бўлишини ва чуқурликни ортиши билан босимнинг янада ўзгариб боришини ҳисобга олинадиган бўлса ва бу ҳаракат давомида ҳароратнинг ўзгариши, сув буғларининг тоғ жинслари бўшликларига кириб бориши, ундаги ҳавони сув буғлари билан ўта тўйиниши ҳисобига аввал сув томчиларининг, сўнгра сув оқимининг вужудга келиш жараёни содир бўлишини кўрамиз. Бу жараёни, яъни атмосфера босимини ўзгариши, иссиқ ҳаво оқимини совуқ ҳаво оқими билан учрашишини, ҳавонинг сув буғлари билан тўйиниши натижасида аввал сув томчиларини, сўнгра маълум ҳажмдаги муайян йўналишдаги ер ости сувлари оқимининг вужудга келиши конденсация назарияси асосини ташкил этади (8.2.-расм).




**8.2-расм.** Инсонлар томонидан ҳаво тарқибидаги конденсация суви бугларининг сув томчилариға айлантириш йўйлари (А.С.Ҳасановдан, 2005). а-иссиқ ҳаво оқимининг атмосфера босими қайта-қайта ўзгарили (кундузи ошили ва кечаси насанайти) жараёпида курутқ тагига йигилини чизмаси: 1-оҳактопи жинси; 2-иссиқ ҳаво оқими; 3-конденсация суви томчилари; 4-совиган ҳаво; 5-кудуқ тубида йигилган сув. б-иссиқ ҳаво оқимининг атмосфера босими ўзгарили (топи уюмлари орасидан ўтили) жараёпида сув томчиларини найдо бўлили ва конденсация сув оқимини вужудга келтири чизмаси: 1-харсангтопилар; 2-иссиқ атмосфера оқими; 3-совиган ҳаво; 4-конденсация суви.

Сувнинг бу зайлда бўлишини ота-боболаримиз бундан бир неча юз йиллар олдин яхши билишган. Сувсиз чўл ҳудудларида қудуклар казиш, тош уюмларидан пирамидалар қуриш йўли билан сув тўплаганлар, подалардаги кўй, эчки, түяларни мана шу сув ҳисобига боққанлар. Бунда қуруқ тоғ жинси қатламида қазилган қудукни чест деворларида, атмосфера ҳаво босимининг сутка давомида кескин ўзгариши ҳамда атмосферадаги ва жинсдаги мавжуд сув буғлари босимининг ва ҳароратнинг турлича бўлиши ҳисобига аввал сув томчилари. кейин бу томчиларнинг бир-бирлари билан қўшилиши натижасида сув ҳосил бўлишини улар амалда синовдан ўтказишган.

**Инфильтрация** назариясига биноан ср ости сувлари ср сатҳига тушаётган ёғиннинг (ёғигир, кор, жала) тоғ жинслари ғоваклари, ёриклари оркали ва қатламлари бўйлаб сизиб ўтиб сув ўтказмайдиган қатламгача сиб бориши, ана шу қатламнинг устки қисмида йигилини натижасида ҳосил бўлади. (8.3- расм).

Инфильтрация суви у ёки бу ҳудудга тушадиган ёғиннинг миқдорига, тоғ жинсларининг ғоваклик даражасига, ер сатҳи тузилишига, унинг денгиз сатҳига нисбатан мутлак баландлигига боғлиқ ҳолда вужудга келади. Шунингдек, бу ер ости сувининг пайдо бўлишида срни устки қисмида мавжуд бўлган дарё, кўл, канал, сув омборларидағи сувлар ҳам қатнашади. Бу манбалардан сувни сизиб ўтиши жараёнида ер ости қатламларида



8.3-расм. Атмосфера ёғинининг ер катламтарига сингиши натижасида вужудга келган ер ости сувлари оқими чизмаси: (Н.Н.Масловдан, қисман ўз атирилган). 1-ер ости сувининг пайдо бўлиш худуди; 2-ер ости суви ва уни оқимининг харакати йўналишини таъминловчи ғовак төг жинси қатлами; 3-сув ўтқазмайдиган қатлам; 4-ер ости сувининг ер юзасига булоқ ҳолатида чиқиши; 5-ер ости сувининг ер юзасига чиқиб, дарё сувига кўшилиши ва уни тўйинтириш ҳолати.

хуласалари гейзер ва термал сувлари устида олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларига асосланган. Кейинчалик бу йўналишда немис мутахассиси Б.Лерх ва канадалик олим Т.Хандлар ҳам иш олиб борганлар. Уларнинг тадқиқотлари ҳозирги вақтда фаннинг гидрогеокимё йўналишига асос бўлди. (Пинскер, 1980; Ҳасанов, 2005).

Ер ости сувлари пайдо бўлишининг төг жинсларини дастлабки ётқизилиш даври билан боғлиқлиги тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Төг жинсларининг ётқизилиш даври билан боғлик бўлган бундай сувлар седиментация сувлари, деб аталади.

Умуман, хулоса қилиб шуни таъкидламоқ керакки, ер ости сувларининг вужудга келиши Ернинг ички қисмида содир бўладиган эндоген ва Ернинг устки қисмида содир бўладиган экзоген ҳамда Ератмосфераси катламларида юз берадиган жараёнлар билан, уларнинг ўзаро таъсир доирасига боғлик ҳолда юз беради.

бутунлай янги, ер ости оқими вужудга келиши ёки мавжуд ер ости сувларининг хажми кўпайиши ва унинг сатхи кўтарилиши юз бериши мумкин.

Ер ости сувларининг вужудга келишида ернинг катламларида юз берадиган жараёнлар, жумладан: магманинг юкорига кўтарилиши вактида ажralадиган сув буғларининг конденциятаниши ва суюлиши, водород ва кислород молекулаларининг синтез қилиниши, минералтар таркибида сувларнинг юкори босим ва ҳароратда ажralиши сабаб бўлиши ҳам мутахассислар томонидан кўрсатилган. Бундай йўллар билан ҳосил бўлган сувлар фанда ювенил сувлари деб номланади.

Ер ости сувлари пайдо бўлишининг ювенил гипотезаси биринчи марта австралийлик геолог Э.Зюсс томонидан (1902 йили) таклиф қилинган. Унинг

## 8.2. Ер ости сувларининг таснифи

Ер ости сувларининг маълум гурухларга ажратилишида, яъни таснифлашда уларнинг вужудга келиш шароити, қайси гуруҳдаги төг жинслари қатламларида жойлашганлиги ёки ётиш шароити ва ҳолати, пайдо бўлиш даври, ҳарорати, физик хоссалари, таркибидаги мавжуд эриган тузлар миқдори ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади.

Ер ости сувлари пайдо бўлиш шароитига қараб инфильтрация, конденсация, седиментация ва ювенил сувларига ажратилади. Бу сувлар тўғрисида юқорида маълумот берилди.

Ер ости сувлари, уларнинг төг жинслари қатламларида ётиш шароитига қараб, қуидаги турларга бўлинади: 1. Говак сувлар – Ер қобигининг энг юқори, юза қисмини ташкил қилувчи төг жинслари ғовакларидаги сувлар. Бу сувлар асосан тўртламчи даврнинг аллювиал, аллювиал-пролювиал генетик гуруҳидаги жинслар ғовакларини эгаллаб ётади. 2. Ғовак-қатламли ва ёриқ-қатламли сувлар. Улар асосан неоген, палеоген, бўр, юра даврларининг ғовак (күм, шагал, алсвролит ва б.) ва ёриқлари бўлган ярим қоя (оҳактош, қумтош ва х.) төг жинсларига хос ёриқ сувлар. Бу сувлар ҳаракат қилувчи қатламлар кўп ҳолатларда уларнинг юқори ва пастки қисми бўйлаб сув ўтказмайдиган төг жинслари (гил ва ёриқлари бўлмаган боника жинслар) билан тўсилган бўлади. 3. Ёриқ сувлар – коя төг жинслари (гранит, оҳактош, порфир, гранодиорит, туф ва бошқалар) ёриқлари бўйлаб ҳаракат қилувчи сувлар. 4. Карст сувлари – асосан оҳактошларда, гипсларда, тузли жинсларда, уларни ювилиш оқибатида вужудга келадиган бўшликлар - карст бўшликлари орқали ҳаракат қилувчи сувлар. 5. Ёриқ томир сувлар тектоник ёриқлар кўп таркалган Ер қобиги қисмларига хосдир.

Ер ости сувлари гидравлик хусусиятларига кўра, босимсиз ва босимли турларга бўлинади. Босимсиз сувлар эркин сатҳга эга бўлса, босимли сувлар сувли қатламнинг юқори қисмидан сув ўтказмайдиган сувтўсар жинс қатлами билан ажратилган бўлиб, доимий ҳолатда гидростатик босим остидадирлар.

Ер ости сувлари ўз таркибида эриган ҳолатдаги тузларнинг миқдорига қараб: чучук (эриган тузлар 1г/л гача), шўрроқ (эриган 1г/л дан 10 г/л гача) шўр (10-50 г/л), намакоб (эриган тузларни миқдори 50 г/л дан кўп) сувларга бўлинади.

Ўзининг табиий ҳароратига қараб ер ости сувлари жуда совук (ҳарорат  $+5^{\circ}\text{C}$  дан кам), совук ( $+10^{\circ}\text{C}$ ), илик ( $+18^{\circ}\text{C}$ ), илиқрок ( $+25^{\circ}\text{C}$ ), иссиқ ( $+37-42^{\circ}\text{C}$ ), ўта иссиқ ёки термал ( $+42^{\circ}\text{C}$  дан юқори) сув турларига бўлинади.

Ер ости суви қайси давр төг жинслари қатламларида мавжудлигига қараб, у ўша давр номи билан аталади. Масалан, бўр, триас, тошкўмир, девон даври жинсларида сувлар ва ҳоказолар.

Анион ва катионларнинг миқдорига қараб, ҳамма сувлар классларга гурухларга, хилларга ажратилиди. Жумладан, анионларга қараб: гидрокарбонатли ( $\text{HCO}_3 + \text{CO}_2$ ), сульфатли ( $\text{SO}_4$ ), хлорли ( $\text{Cl}$ ) сувларга; катионларга қараб: кальцийли ( $\text{Ca}$ ), магнийли ( $\text{Mg}$ ) ва натрийли ( $\text{Na}$ ) сувларга ажратилиди.

Хар бир гурух, ўз навбатида, катион ва анионларнинг бир-бирига бўлган нисбатига қараб, 4 хилга бўлиниади:



Табиатда ер ости сувлари таркибида тузлардан ташқари газлар ҳам учрайди. Бу газларнинг сувдаги миқдорига қараб, улар карбонат ангирилти, олтингугуртли, радонли ва бошқа сувларга ажратилиди. Бу сувлар кўп холатларда даволаш хусусиятига эга бўлганлиги учун, уларни шифобахши сувлар, деб ҳам атасади. Бундай сувлар республикамизнинг Тошкент вилояти («Тошкент минерал суви», «Зангиота», Паркент туманидаги «Кўтирибулук» суви ва хоказолар), Фарғона водийсининг дэярли ҳамма вилоятларида («Чорток», «Чимён» ва бошқалар) кенг тарқалган.

Ер ости сувлари таркибидан у ёки бу миқдордаги саноат аҳамиятига эга бўлган кимёвий моддаларни (йод, бром ва бошқалар) ажратиб олиш ҳам мумкин. Шундай сувлар йодли, йод-бромули, бромли сувлар, деб аталади. Бундай сувлар мамлакатимизнинг Фарғона водийси худудларида мавжуд.

Ер ости сувларининг юкорида келтирилган таснифлари, асосан, жузъий аҳамиятга эга бўлиб, амалиётда ер ости сувларининг умумий таснифлари ҳам мавжуд. Буларнинг асосийлари: Ф.П.Соваренский (1939 й), А.М.Овчинников (1949 й), Н.И.Толстихин (1954 й), О.К.Ланге (1958 й), М.Б.Альтовский (1958 й), И.К.Зайцев (1961 й), Е.В.Пиннекер (1979 й) таснифлари хисобланади. Умумий таснифни тузища уларнинг ётиш шароитидан тортиб, бошқа хосса ва хусусиятларигача хисобга олинади. Ф.П.Соваренский ер ости сувларини тупрок (почванноз), юкори сувли кат (верховодка), грунт, карст, артезиан, ёрик сувларига; А.М.Овчинников – аэрация зонаси суви, грунт ва артезиан сувларига; Н.И.Толстихин – юкори сувли кат, грунт, катламлараро босимсиз, катламлараро босимли, исик термал, Ер қобиги ости ва магма сувларига; М.Е.Альтовский – грунт, артезиан, пойдевор катламларидаги сувларга, тектоник ёриклардаги ҳамда карст сувларга; О.К.Ланге – тупрок, грунт, катламлараро; И.К.Зайцев – катлам, ёрик-томир; Е.В.Пиннекер – қуруқлик, дэнгиз ва океан ости сувларга ажратишган.

Мавжуд умумий таснифларни таҳдил қилиш ва уларнинг фандаги

ҳозирги ўринини ҳисобга олган ҳолда, ер ости сувларини 6 гурхага ажратиш лозим, деб топдик. Булар: 1. Аэрация зонаси сувлари. 2. Грунт. 3. Артезиан. 4. Карст. 5. Ёрик. 6. Қобиқ ости сувлар. Китобда ер ости сувлари, уларнинг тарқалиш, хосса ва хусусиятлари ана шу кетма-кетлик асосида берилади.

### **Такрорлани ва текширини учун саволлар**

1. Ер қобиғидаги ва республикамиз ҳудудларида мавжуд бўлган ер ости сувларининг миқдори тўғрисида гапириб беринг.
2. Ер ости сувларининг пайдо бўлишидаги асосий назариялар тўғрисида маълумот беринг.
3. Ер ости сувларининг таснифлари қандай омилларга асосан тузилади?

## **9-боб. Аэрация зонаси ва грунт сувлари**


### **9.1. Аэрация зонаси сувлари**

Аэрация зонаси деганда, Ер юзасидан биринчи сувли қатламгача, яъни грунт сувларининг эркин юзасигача бўлган оралиқ тушунилади.

Аэрация зонаси сувларига тупроқ ва ер юзасига яқин юзаки қат усти сувлари киради.

9.1.1. *Тупроқ сувлари.* Тупроқ сувлари Ернинг энг юза қисмида атмосфера ёғинларининг (ёмғир, кор, жала) ҳамда ҳаводаги сув бугларининг конденсацияланиши ва срга шимилиши, сингиши натижасида пайдо бўлади (9.1-расм). Бу сув иссиқ иқлимли зоналарда кўпинча, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан бугланиб кетиши мумкин. Нам иқлимли ҳудудларда (Европанинг шимолий районларида, Фарбий Сибирь, Узок Шарқ ўлкалари ва ҳоказоларда) бу сув узоқ сакланиш хусусиятига эга. Шунинг учун қуруқ иқлимли ҳудудларда тупроқ сувининг бугланиши оқибатида ер сатҳида оқ туз доғлари вужудга келади. Намли ўлкаларда тупроқ органик моддаларга ниҳоятда тўйинган бўлади.

9.1.2. *Юзаки ёки қат усти сувлари.* Бу туркумга кирувчи ер ости сувларининг пайдо бўлиши аэрация зонасида тарқалган жинс қатламларининг ичидаги жойлашган, қалинлиги 1-3 м, майдони бир неча ўн метр бўлган, ўзидан сувни яхши ўтказмайдиган гил қатламларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Юзаки сувларнинг вужудга келишида тупроқ сувлари катта рол ўйнайди. Чунки, тупроқ сувлари ўз ҳаракати жараёнида аэрация зонасидаги сув ўтказмайдиган қатламларга дуч келиб, ана шу қатламларнинг устки қисмида йигила бошлайди (9.1-расм). Улар баъзан катта миқдордаги чучук ер ости сувини ҳосил қиласиди. Қат усти сувининг йиллик захираси шу ҳудудга тушадиган ёғиннинг миқдорига, ҳаво намлигига ва ҳароратига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.



9.1-расм. Тупроқ қат усти ва грунт сувларини ётиш чизмаси (М.Х.Дрижиндан, баъзи ўзи артиришлар билан): 1-тупроқ суви; 2-грунт сувлари оқимини вужудга келтирган қум қатлами; 3-сув ўтказмайдиган қатлам; 4-қатлам усти сувининг сатҳи; 5-грунт суви ва учинг оқими йўналиши; 6-сув ўтказмайдиган гит қатлами; 7-ер ости грунт сувини ер юзасига булок ҳолатида чикиши; 8-грунт сув сатҳининг депрессион юзаси

Юзаки ер ости сувлари бор майдонларни инсонлар азалдан билишган. Бундай майдонларда қудуклар казишиб, унинг сувидан хўжалик фаолиятларида фойдаланишган. Чунки, кимёвий таркиби бўйича юзаки сувлар аксарият ҳолларда чучук, кам минераллашган сувлар гурухига мансуб. Лекин охирги йилларда бу сувлар таркалган ҳудудларда экологик вазиятнинг ўзгариши натижасида сув таркиби, хосса ва хусусиятларининг бутунлай ўзгариши кузатилмоқда.


Юзаки сувлар баъзан кўтарилиб, тупроқ сувлари билан кўшилишиб ёки қатлам бўйлаб пастга караб харакат килиши ҳам мумкин. Биринчи ҳолатда ернинг усти қисми захланиши, ботқокланиши жараёнлари вужудга келса, иккинчи ҳолатда гурунт сувларининг сатҳи кўтарилишига, шўрланиш жараёнларининг янада ривожланишига олиб келиши мумкин.

Юзаки сувлар кон қурилиши ишларини олиб борища ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Жумладан, шахта ёки бошқа кон иншоотларини бунёд этиш жараённада шу сув қатламларига дуч келиш, кутилмаган қийинчилликларни енгиг чикишига тўғри келади. Бу кон қурилиши лозим бўлган майдонларнинг гидрогеологик шароитига катта эътибор бериш, яхшилиб ўрганишни тақазо этади.


## 9.2. Грунт сувлари

### 9.2.1. Грунт сувларининг жойлашниш шаронти ва асосий хусусиятлари


Грунт сувлари деганда ер сатҳига нисбатан биринчи жойлашган сув ўтказмайдиган қатлам устки қисмидаги ер ости суви тушунилади (9.2-расм).



9.2-расм. Ер ости сувлариниң жойланынын шароити бүйіча тасиғи: I-түнәркдеги сувлар, II-юзаки сувлар, III-грунт сувлари, IV-қатламлар оралығидеги босимсиз сувлар, V-босимли (артезиап) сувлар; 1-капистар кайма, 2-юзаки сувларни сатқы, 3-грунт сувлар сатқы, 4-қатламлараро босимсиз сувлар сатқы, 5-босимли сувларни пъезометрик сатқы, 6-буруга күдүтдеги босим үлчами, 7-сув үтказувчан тог жиңиси, 8-сувни ёмон үтказувчива үтказмайдын жиңислар, 9-сувни үтказувчи жиңислар, 10-сувни үтказмайдын жиңислар, 11-булоқ



9.3-расм. Грунт сувлар оқиминиң чизмаси: 1-грунт сувлари юзаси; 2-сувли күмлар, 3-сув үтказмайдын жиңислар




9.4-расм. Грунт сувлар ҳавзасининг чизмаси: 1-кум; 2-грунт сувлар юзаси; 3-сувли күмлар; 4-сув үтказмайдын жиңислар

Грунт сувлари қуйидаги хусусиятлари билан бошқа ер ости сувларидан фарқ қилаади:

1. Грунт сувлари, сув үтказмайдын жиңисларининг тарқалиш ҳудуди уларнинг қалинлеги, сув үтказувчанлығы билан чамбарчас боғлиқ.

2. Грунт сувларини вұжудда көлтирувчи асосий омыллар: атмосфера ёғини, дарё, күл ҳавзаларидеги сувлар, (канал, сув омборлари, сугориш шахобчалари) каби гидротехника иншоатларидеги сувларнинг ер остига сизилиб үтиши ҳамда атмосфера қарадагы мавжуд сув буғларининг конденсацияланиши.


3. Грунт сувларининг сатқы құралынан тиесінше сатқы ва сарғи ийл ғасалдарининг үзгариши, дарё сувларининг сарғи, сугориш шахобчаларидеги сувни оқиши вактлари билан боғлиқ ҳолатда тоғынан күтарилиб, тоғынан пасайиб туради.



9.5-расм. Грунт сувлар оқиминиң ҳавзаларининг биргаликдеги күриниши: 1-грунт сувлари сатқы; 2-грунт сувлари оқими; 3-грунт сувлари оқимининг ҳавзалари ўртаасидеги чегара; 4-грунт сувлари ҳавзаси; 5-сув түсгіч

4. Грунт сувларининг кимёвий таркиби. физик хусусиятлари улар йиғиладиган ёки оқиб ўтадиган тоғ жинслари таркибига боғлиқ бўлиб, сув йиғилиш майдонининг геоэкологик шароитига караб ўзгариши мумкин. Кўп холларда грунт сувларининг таркиби, хосса ва хусусиятлари Ер юзидағи сув ҳавзалари сувларига якін бўлади.

Фанда грунт сувлари мавжуд бўлган қатламни сувли қатлам деб, грунт сувларининг сатхидан сув ўтказмайдиган қатламгача бўлган масофа сувли қатламнинг қалинлиги деб, сръюзасидан грунт сувларининг сатхигача бўлган масофа уларнинг сатҳ чукурлиги, деб юритилади. Грунт сувларининг устки юзаси унинг сатҳи дейилади. Агар грунт сувларининг сатҳи сръюзасига нисбатан горизонтал холатда бўлиб, грунт сувларининг ҳавзаси ер юзасига нисбатан маълум қиялиқда ётса сръости сувлари оқиши вужудга келади (9.3-9.5-расмлар).



9.6-расм. Ер ости грунт сувларининг ер усти сувлари билан боғлиқлиги (М.В. Седенқодан): а-тупроқ сувлари билан ер усти сувлари орасида боғлиқлик йўй; б-грунт суви дарё сувидан озиқланади; в-дарё суви грунт сувидан озиқланади; г-ўнг қирғоқдаги грунт сувлари дарё сувини озиқлантиримоқда, чап қирғоқдаги грунт сувлари дарё сувини озиқлантиримоқда

Грунт сувлари ўзининг вужудга келиши, харакат килиши жараёнида дарё, кўл, сув омборлари, канал сувларининг озиқлантирилиши ёки биз юкорида кўрсатиб ўтканимиздек, улардан сув олиниши, озиқланиши мумкин (9.6-расм). Улардан озиқланиш жараёни асосан баҳор фаслига, озиқлантириш эса ёз фаслига тўғри келади. Шундай килиб, грунт сувлари билан ер усти (дарё) сувлари орасида доимий равишда гидравлик боғлиқлик мавжуд.

Гидрогеологияда сръости сувларини, жумладан, грунт сувларининг «режими» деган ибора ишлатилади. Грунт сувларининг режими деганда, табиий (геологик, геоморфологик, об-ҳаво шароити) ва техноген (одамларнинг хўжалик фаолиятлари) омилилартаъсири остида сувлари харакатини, сув сарфини, сатхини, таркибини ва хосса хусусиятларини маълум вакт мобайнида ўзгариб туриши тушунилади. Грунт сувларининг

режимишиň ўрганиш катта илмий ва амалий ахамиятга эга. Чунки, грунт сувларининг кўп йиллик, йиллик ва фаслий режимини ўрганмасдан, билмасдан туриб, уларнинг ўзгариш сабабларини, қонуниятларини билиш, хўжалик объектларини ер ости сувлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш асло мумкин эмас.

### 9.2.2. Грунт сувларининг асосий турлари

Грунт сувлари, уларнинг хосил бўлиши, жойлашиш шароити, тарқалиши, режими ва озиқланиши бўйигча куйидаги турларга бўлинади. Булар: 1. Дарё оралиғи ва сув айиргич ҳудудларида. 2. Дарё водийларида. 3. Конус-чиқармаларида 4. Денгиз кирғозларида. 5. Кўп йиллик музлаган ҳудудлардаги грунт сувлари.

Грунт сувларининг турлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш, гидрогеологик тадқиқотларни олиб боришда, у ёки бу ҳудуднин гидрогеологик шароитини баҳолашда жуда ахамиятлиdir.


Дарё оралиғидаги грунт сувларининг хосил бўлиши, унинг энг кўп таркалган турига киради. Улар асосан атмосфера ёғинлари ва дарё сувларининг ер остига сизилиб ўтиши натижасида озиқланади. Унинг пастки чагарасида катта қалинлиқдаги сувни ўтказмайдиган катлам мавжуд (9.7-расм).




9.7-расм. Дарёлар оралини массивларни чизма кирқими: 1-грунт сувлари сатҳи, 2-булоқ, 3-грунт сувлари оқимларига ҳаракат йўналишпи

Дарё водийсинин қадимији ва ҳозирги замон аллювиал ёткизикларида грунт сувларини асосий оқими (9.8-расм) вужудга келади. Бу оқимлар ўзига хос хусусиятларга эга: 1. Оқимнинг озиқланиши атмосфера ёғинлари, ер ости сувларининг дарё оралиғи оқимлари ва дарёдан сувларнинг сизилиб ўтиши орқали юз беради. 2. Оқим ҳаракати дарё йўналишига тўғри келади. 3. Аллювиал ёткизикларни сув ўтказувчанлиги турлича бўлиши уларни алоҳида-алоҳида оқимларга бўлади. Бундай оқимлар асосан чучук сув оқимларидан иборат бўлади.

Конус чиқармасидаги ғрунт сувлари ер усти сувлари ва атмосфера ёғинлары хисобига ҳосил бўлади (9.9-расм). Уларнинг минералланиш төзлик ҳудуддан оқим йўналиши бўйича ортиб боради. жойлашиш чукурлиги, қалинлиги, ҳаракат тезлиги, ресурслари эса камайиб боради.



9.8-расм. Дарё водийиси ғрунт сувларининг тузилиши чизмаси: 1-деловиал созтупроқлар. 2-кумоқ жинслар. 3-тўртламчи давр аллювиал қум ва майдा шагалтоти. 4-гиллар. 5-қадимти майдा шагаллар. 6-палеозой даври оҳактошлар ва мергеллари. 7-ғрунт сувлари сатхи. I-III-супалар (терраса).



9.9-расм. Конус чиқармасидаги ер ости сувлари оқими чизмаси: 1-ёриқлар мавжуд она жинслар. 2-сувли кум-майдада шагалли жинслар. 3-соз тупроқ, тупроқ. 4-бўлоқлар. 5-сувларниң ҳаракат йўналиши. 6-сув отилиб чиқувчи бургу қудути.

*Дарё қиркоқлари ғрутт сувлари.* Ер усти сувлари, атмосфера ёғини ва су в буёлари конденсацияси орқали ғовакли жинсларда линза кўрининишида ҳосил бўлиб, шўр ер ости сувлар юзасида тўпландади. Уларнинг қалинлиги турлича бўлиб, сувлар билан қоришган даври жуда сескин юз беради. Бу турдаги чучук сувлардан фойдаланиш оқибатида пастки шўр сувларнинг

улар билан қоришиши тезлашади. Чучук сув линзалари каналлар якниңда, сүфорилидиган майдонларда, тақирлар тагида ҳам хосил бўлади.

Чўл ҳудудларидағи ғрунти сувлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу срларда об-хаво куруқ ва ғрунт сувларининг буғланиш даражаси юкори бўлганлиги учун сувлар минералланиши оша боради. Рельеф, ер сатҳининг тузилиши ва ҳолати ғрунт сувлар режимига таъсир килувчи асосий омил хисобланади.

Чўл ҳудудлари орқали оқиб ўтuvchi дарёлар транзит дарёлар бўлганлиги учун, улар оқув давомида ташки томондан озука олмайди. Уларга мисол килиб Амударё ва Сирдарёни кўрсатиш мумкин. Улар тоғли ҳудудлардан оқиб чиқиб, сувларининг бир кисми ғрунт сувларининг озиқланишига ва буғланишга сарфланади.

Об-хаво шароити ўзига хос рельефининг текислик хусусияти, чўлни ҳудудлардаги ғрунт сувларини юкори даражада минераллашишига олиб келади. Лекин кўп ҳолларда минералланишган сув юзасида чучук сув линзалари бўлади. Улар асосан атмосфера ёғинлари ва сув бугларининг конденсацияси орқали вужудга келади. Чучук сувлар зичлиги, камлиги ва диффузия жараёни тезлигининг пастлиги туфайли уларнинг шўр сувлар билан қоришиши жуда секин юз беради.

В.Н.Кунин чучук сув линзаларини қуийдаги турларга ажратади. Булар: 1. Тақир таги линзалари. 2. Куруқ жарликлар ҳавзаси линзалари. 3. Кумлик таги линзалариидир.

*Тақир тагидаги линзалар.* Тақир – ҳеч кандай ўсимлик ўсимдиган, атмосфера ва вактинча оқар сувлар тўпланадиган жой. Ёғин сувлари гилли жинслар ёриқлари орқали сизиб ўтиб, шўр сувлар сатҳи устида чучук сув линзаларини хосил қиласади. У срларда 10 куб. метрдан тортиб бир исча юз минглаб куб. метргача сувлар тўпланади. Кудуқлар қазиб, бу сувлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун сувларни маҳсус кудуқларга йўналтириб, уларнинг буғланиш даражаси камайтирилади.

*Куруқ жарликлар ҳавзаси линзалари.* Бу турдаги сув линзалари жарликлар орқали ўтuvchi вактинча сув оқимининг инфильтрацияси натижасида хосил бўлиб, асосан тоғолди текисликтари ва чўлли ҳудудлар оралигига таркалган бўлади.

Линзалардаги чучук сув захиралари турлича бўлиб, уларни тўлдириш учун ер усти суви оқимини тўсувчи маҳсус дамбалар курилади.

*Кумликлар тагидаги линзалар.* Улар асосан қум барханлари массивлари, дўнгликлари тагида, ости шўр сувларининг умумий минераллашиши 40 г/л ошмаган жойларда тўпланади. Улар асосан майдада заррачали қум қатламларидан ўрин олиб, захиралари миқдори турлича, хатто миллиард кубларга ҳам стиши мумкин. Озиқланиши атмосфера ёғини ва сув буғларни конденсацияси натижасида содир бўлади.

Чүчүк сұв в линзаларига мисол қилиб Қоракүмнинг марказий қисмидаги Жосан линзасини күрсатып мүмкін. Н.Г.Шевченко маълумотига кўра, мисалда шаклида бўлиб, узунлиги 65 км, юза майдони  $2000\text{км}^2$ ни, диноразлануви 1 г/л ташкил этади. Жойлашиш ўртача чуқурлиги – 40 м. Қалинлиги чет қисмидан ўрта қисмига қараб ортиб боради ва 70 метрларни ташкил қиласди.

Чүчүк сұв в линзаларидан маҳаллий ахолини ичимлик сувини ва чорвани сув билан таъминлашади фойдаланилади.

#### **9.2.3. Грунт сувларининг жойлашими чуқурлиги ва юзасининг шакли**

Грунт сувларининг юзаси тўлқинсимон кўринишга эга бўлиб, кўп холларда ерусти рельефи тузилишини тақорлайди. Лекин турли сабабларга (сувли қатлам қалинлиги кескин катталашиши, сувли жинслар фильтрация хусусиятиларининг ўзгариши) кўра, улар бир бирига мос келмаслиги ҳам мураккаб.


Грунт сувлари юзаси гидроизогипслар ҳаритасида гидроизогипс чизиқлари орқали ифодаланади.

#### **9.2.4. Гидроизогипс ҳаритаси ва уни тузиш**


Грунт сувларининг сатхини у ёки бу майдонлар бўйлаб доимо бир хил бўлмаслигини ҳамда йиллар, фасллар мобайнида ўзгариб туришини ҳисобга олиб, муайян даврлар учун гидроизогипс ҳариталар тузилади. Бу ҳариталар асосини грунт сувлари сатхининг бир хил мутлақ ёки нисбий баландлик нукталари бўйича бирлаштириб турувчи чизиқлар ташкил этади. Гидроизогипс ҳаритаси топографик ҳариталарга ўхшаб кетади. Топографик ҳариталардаги горизонтал чизиқлар денгиз сатхига нисбатан ким чил баландлик нукталарини бирлаштириб турса, ушбу ҳариталардаги гидроизогипс чизиқлари грунт сувининг бир хил сатҳ баландликларини илгаситириб туради (9.10-расм).

Грунт сувлари сатҳи баландликларини аниқлаш топографик ҳариталар ердамида амалга оширилади. Буният учун грунт сувини сатҳи чуқурлигининг топографиясини ўрганили максадида қазилган қудуклар топохаритатага оширилади. Уларнинг денгиз юзасига нисбатан баландлиги аниқланиб, узини журналига ёзиб борилади. Шунингдек, кузатув журналига ҳар бир қудукдаги максус асбоблар (9.11-расм) ёрдамида ўлчанган грунт сувининг сатҳ чуқурлиги ҳам ёзиб борилади. Қудук жойлашган жойнинг мутлақ баландлигидан сув сатхигача бўлган чуқурлик қиймати айриб ташланса, қудукдаги грунт сувини сатхининг мутлақ баландлиги чиқади. Масалан, 9.10-расмдаги қудукнинг мутлақ баландлиги 506,5-м, ана шу баландликдан туриб ўлчанган грунт сувининг сатҳ чуқурлиги 5,5 м. Бунда грунт сувини

сатхининг мутлақ баландлиги  $506,5 - 5,5 = 501$  м бўлади. Ана шу йўсинда ҳамма қудуклардаги грунт суви сатхлари ҳисоблагб чиқилади.



**9.10-расм. Гидроизогипс харитаси (Й.Э.Эргашевдан):** 1-бургү қудуги; 2-шурф. 3-гидроизогипс чизиги ва унини мутлақ баландлиги, м. Рақамлар чацдан суратда қудук ва шурф рақами. Махражда: ср ости сувигача бўлган пастлик, м; ўнгдан суратда қудук ёки шурф жойлашган жойнини мутлақ баландлиги, м; махражда ср ости суви сатхини мутлақ баландлиги; 4-ер ости суви оқимининг йўналиши



**9.11-расм. Ер ости сувлариини сатхини ўлчайтишган асбоблар:** а - цўқакли ўлчагич; б - овоз берувчи ўлчагич; в - электрик ўлчагич

нұкталари топилади. Шу йўсинда ҳам аниқланиб, олинган барча натижалар асосида мукаммал гидроизогипс харитаси яратилади.

Амалиётда грунт сувларининг оқим киялигини ҳамда сув харакати йўналишини билиш катта аҳамиятга эга. Чунки киялик қанча катта бўлса,

Сув оқими теңлиги ҳам шунча бўлади. Сув оқими қиялиги икки гидроизогипс чизиги баландликларини ҳисобга олган холда, қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$J_k = \frac{H_1 - H_2}{1}$$

Бу ерда:  $J_k$ -грунт суви оқимининг қиялиги;  $H_1$ -биринчи гидроизогипс чизиги ўтган мутлақ баландлик;  $H_2$ -иккинчи гидроизогипс чизиги ўтган мутлақ баландлик; е-биринчи ва иккинчи гидроизогипс чизиклари орасидаги топографик харита масштабини ҳисобга олиб аниқланган масофа.


Гидроизогипс чизиклари оралиғидаги масофа бир-бирига қанча яқин бўлса, грунт сувлари оқимининг қиялиги ҳам шунча катта бўлади ва аксинча.

Грунт сувлари оқимининг қиялиги, сув оқимининг гидравлик градиенти ёки босим градиенти, деб ҳам юритилади.

Грунт сувлари оқимининг харакат йўналишини аниқлаш учун мутлақ баландликка эга бўлган катта гидроизогипс чизигидан, кичик мутлақ баландликка эга бўлган гидроизогипс чизигига қараб перпендикуляр чизик ўtkазилади. Ўtkазилган перпендикуляр чизик грунт сувининг харакат йўналишини кўрсатади. Табиатда грунт суви харакат қилувчи сувли қатламнинг остидаги сув ўtkazmайдиган қатламнинг ер ости рельеф тузилиши ва унинг қиялигига қараб гидроизогипс чизиклари бир-бирларига нисбатан йўналиши (оқим қиялиги) ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин. Шунинг учун перпендикуляр чизик гидроизогипсни бир неча жойидан ўtkazilgани маъкул.

Грунт сувлари оқимининг харакат йўналишини аниқлашнинг учбуручак усули ҳам мавжуд. Бунинг учун ўз жойлашиши бўйича учбуручак шаклини

ҳосил қилувчи учта бурғи қудуғи бўйича грунт сувлари сатхларининг мутлақ баландлиги тўғри-сидағи маълумот бўлиши даркор. Масалан, А нуқтада жойлашган қудуқдаги сув сатхининг мутлақ баландлиги 26 м, Б нуқтада жойлашганини – 30 м. В нуқтадагисини – 24 м (9.12-расм). Энг аввало, АБ ва БВ нуқталарида жойлашган бургу қудуқлари оралиғини (учбуручак томонларини) тенг бўлакларга бўлиб чиқилади. Сўнгра учбуручак томонларидаги ҳар бир нуқтага тўғри келувчи сув сатхи баландликлари аниқланиб, бир хил баландликдаги



9.12-расм. Грунт сувлари оқимининг харакат йўналишини учбуручак усули ёрдамида аниқлаш

нукталар бирлаштирилди. Ана шу нукталарни (29,28,27,26,25) бирлаштириш натижасыда хосил қилингандык гидроизогипс чизиги бўлади. Сўнгра гидроизогипс чизигининг баланд нуктасидан паст нуктасига қараб перспендикуляр чизик ўтказилади. Хосил қилингандык ГГ чизиги грунт сувининг шу майдондаги оқими ҳаракат йўналишини кўрсатади.

#### **9.2.5. Грунт сувларининг зоналлийлиги**

Грунт сувларининг ётиш чуқурлиги минераллашиш даражаси, кимёвий таркиби ҳам об-ҳаво, тупроқ ва ўсимликлар дунёси каби кутблардан экваторга қараб маълум қонуният асосида ўзгариб боради. Бундай ўзгаришни фанда грунт сувларининг зоналлийлиги ёки зоналланиши, деб юритилади.

Грунт сувларини зоналланиши улар тарқалган майдонлардаги ҳароратининг тик йўналиш бўйича ўзгаришига ҳамда рельефига ва геологик тузилишига боғлиқ равишда бўлади.

Грунт сувларининг зоналланиши масалалари билан бир қанча олимлар шу гулланганлар. Биз улардан баъзилари олиб борган тадқикотлар натижалари билан танишиб чиқамиз. Жўмладан, профессор О.К.Ланге собиқ Иттифоқ худуди грунт сувларининг зоналланишини ўрганиб, уларни учта провинцияга ажратди:

А) Йиллик ҳарорати  $0^{\circ}\text{C}$  дан паст мутлақ музликлар провинцияси грунт сувлари.

Б) Ҳаво намлиги ҳам, йиллик ҳарорати ҳам  $0^{\circ}\text{C}$  дан юқори ва суткалик мавсуми ҳамда йиллик ўзгариши кам бўлган провинциялар грунт сувлари.

В) Ҳавонинг куруклик даражаси юқори ва ҳарорат ўзгариши амплитудаси катта бўлган провинциялар грунт сувлари.

О.К.Ланге томонидан ажратилган бу провинциялар асосан об-ҳаво элементларининг ўзгаришига асосланган.

И.В.Гармонов собиқ Иттифоқнинг Европа қисмидаги грунт сувлари кимёвий таркибини шимолдан жанубга қараб ўзгаришига асосланниб, уларни куйидаги зоналарга ажратади. Булар:

1. Гидрокабонат-кремнийли грунт сувлари зонаси.
  2. Гидрокарбонат-кальцийли грунт сувлари зонаси.
  3. Сульфат ва хлоридли грунт сувлари зонаси.
  4. Континентал. шўрланиш даражаси юқори бўлмаган грунт сувлари зонаси.
  5. Тоғли худудлардаги гидрокарбонат-кальцийли грунт сувлар зонаси.
- Г.Н.Каменский грунт сувларини генетик турларига қараб, куйидагича ажратади:
1. Континентал шўрланиш сувлари иштирокисиз грунт сувларининг ишкорий ювилиш зонаси.

2. Айрим жойларда континентал шўрланиш сувлари иштирокидаги грунт сувларининг ишқорий ювилиш зонаси.

3. Грунт сувларининг континентал шўрланиши зонаси.

4. Төғли худудлардаги грунт сувларининг ишқорий ювилиши зонаси.

Ишқорий ювилиш зонаси асосан намгарчилик юқори ёки намгарчилик танқис жойларда, сувларни ўтказиши мураккаб. Яхши шимадиган төғ жинсларида тарқалган.

Континентал шўрланиш зонаси асосан атмосфера ёғинларининг кам микдорда бўлиши, буғланишинг юқорилиги ва табиий дренажнинг йўқлиги билан изоҳланади.

Грунт сувлари кимёвий таркибини ўзгариши асосан тупроқ ва төғ жинс қатламларидаги сувларининг буғланиши натижасида уларнинг таркибida тузлар тўплана бориши билан боғлиқ. Қор ва ёмғир сувлари сростига сизилиб ўтиши жараёнида тузларни ювиб, ўзи билан бирга грунт сувларининг қуий горизонтлари томон олиб ўтади.

Грунт сувлари зоналланишини ўрганиш, уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари режимини аниқлаш билан бир қаторда, амалда улардан турли мақсадларда фойдаланиш имкониятини ҳам беради.

### **Такрорлаш ва текшириш учун саволлар**

1.Аэрация зонаси таърифини беринг. Аэрация зонасига қандай сувлар киради? Тупроқ сувлари қандай пайдо бўлади? Юзаки сувларчи? Уларни ётиш ҳолатларини чизиб кўрсатинг.

2.Грунт сувлари, деб қандай сувларга айтилади? Уларнинг бошқа ер ости сувларидан фарқ қилувчи энг асосий ҳусусиятларини гапириб беринг.

3.«Сувли қатлам», «сувли қатламнинг қалинлиги», «грунт сувларининг сатҳ чуқурлиги», «грунт сувларининг ҳавзаси», «грунт сувларининг оқими» ибораларининг маъносини тушунириб беринг.

4.Гидроизогипс чизиги нима? Бу чизик қандай аниқланади? Му каммал гидроизогипс ҳариталарини яратиш тўғрисидаги сизнинг тушунчангиз.

5.Грунт сувларининг «оқим қиялиги» ва «сув оқими ҳаракат йўналиши» қандай аниқланади? Грунт сувларининг зоналлийлиги тўғрисида сизнинг тушунчангиз. Грунт сувларининг зоналлийлигини аниқловчи омиллар тўғрисида гапириб беринг. Грунт сувлари зоналлийлигини кимлар ўргантан?

## **10-боб. Қатламлараро босимсиз ва босимли артезиан ер ости сувлари**

### **10.1. Қатламлараро босимсиз сувлар**

Қатламлараро босимли ва босимсиз артезиан сувлар, деганда ер юзасига нисбатан анча чүкүр, юқори ва паст томонга қараб ўзидан сув ўтказмайдиган, икки ва ундан ортиқ қатламлар орасига жойлашган ғовакли, ёриқли тоғ жинслари даги ер ости сувлари түшүнилади.

*Қатламлараро босимсиз ер ости сувлари. Қатламлараро босимсиз ер ости сувларига хос энг асосий хүсусиятлар қўйдагилардан иборат:*

1. Қатламлараро босимсиз сувлар кўп ҳолларда грунт сувларидан пастда ётади.

2. Сув оқими ҳаракат қилаётган ҳудудни ер юзаси баланд пастликлардан иборат бўлиб, дарё ва унинг irmоқлари билан бўлиниб, қирқиб ташланган бўлади.

3. Ер ости сув оқими дарё ўзанига нисбатан анча баландда жойлашган.

4. Қатламлараро ер ости сувлари дарё водийлари, тоғ ёнбағирлари, жарликларда булоқлар ҳолатида чиқиб, ер усти сувлари оқимини озиқлантиради ва кўпайтиради.

5. Қатламлараро сувлар ўрта ва баланд тоғли, анча узоқ зоналарда вужудга келади.


6. Қатламлараро ер ости сувлари ҳаракат қилувчи тоғ жинслари қатламларининг бир томони ўрта ва баланд тоғли зоналарда бўлса, иккинчи томони дарё водийларида, тоғ ёнбағирларида очилмалар ҳолатида бўлади (10.1-расм).

7. Бу ер ости сув оқими ҳаракат қилувчи тоғ жинслари қатлами сув билан тўлмаган бўлади.

Қатламлараро босимсиз сувларни озиқланиш майдони тоғли ўлкаларда бўлғанлиги учун ва тоғ жинслари қатламлари оралиғида ҳаракат қилганлиги сабабли, улар кам минераллашган, тоза ва тиниқ бўлиб, асосий ичимлик суви манбаларидан ҳисобланади.


### **10.2. Артезиан сувлар ва уларнинг асосий хўсусиятлари**

Бу хилдаги ер ости сувлари асосан тектоник жиҳатдан ботик ҳудудларга мансуб бўлиб, ўзидан сув ўтказмайдиган икки қатлам оралиғидаги тоғ жинслари ғовакларини ва ёриқларини бутуналай сув билан тўлдирган ҳолатда ва доимо муайян даражадаги гидростатик босим остида ётади (10.1-расм). Бундай қатламлараро сув сатҳига бурғу қудуқлари қазиб туширилган тақдирда, сув юқорига қараб маълум баландликка қадар кўтарилади.



2.

10.1-расм. Артезиан сувларини наидо бўлиши чизмаси (А.М. Овчинников бўйича): 1-сувли қатлам. 2-сув ўтказмайдиган қатламлар. 3-артезиан сувли пъезометрик сатҳи. А-артезиан сувининг тарқалиш чегараси. а-артезиан сувини озиқданиш жойи. б-артезиан сув босими вужудга келиши жойи. в-артезиан сувини сарфланиш жойи. В-грунт сувлари тарқалиш ҳудуди. Н1-сув босимини ер юзасидан пастки сатҳи. Н-Н1-сувнинг пъезометрик юзаси. м-сувли қатлам қалинлиги



10.2-расм. Қатламлараро босимли сувларни бурғу қудуги орқали ер юзасига фаввора бўлиб отилиб чиқиши ҳолатлари (М.Е. Альговский бўйича) I-а.б фаввора баландлиги. II-сувни қувурлар орқали бериб, горизонтал (А) йўналтирилиши: а,б ва в.г сув дебитини ўлчаш вақтидаги масофа

Европада эса ўзи отилиб чиқувчи сув Франциянинг Артуа вилоятида (қадимги Артезияда) 1126 йили очилган. Шунинг учун ер ости сувларининг бу тури артезиан суви номи билан, сув чиқариб олиш учун қазилган бурғу қудуклари артезиан қудуклари номи билан маълумdir.


### 10.2.1. Артезиан сув ҳавзалари

Босимли сув аввал грунт суви ҳолатида бўлиб, вужудга келиш зонасидан узоқлашган сари сув босими тобора ошиб, артезиан суви ҳолатига ўтади. Ботик (синклинал) геологик структурлардаги босимли сув тарқалган

Сувли қатламнинг юқориги чеккасидан бошлаб кўтарилиган сув баландлиги гидростатик босим деб, очилган бурғу қудуги бўйлаб юқорига кўтарилиган ( $H_1$  ва  $H_2$  баландликка) сув сатҳи ( $N_1$  ва  $N_2$ ) пъезометрик юза деб аталади. Қатламлараро босимли сувлар баъзан ер юзасидан анча баландликкача фаввора бўлиб отилиб чиқиши ҳам мумкин (10.2-расм). Ер юзасига табиий босим остида фаввора бўлиб отилиб чиқувчи сувлар қадимги Мисрда ва Гречияда бундан 4000 йил аввал маълум бўлган.

худуд артезиан суви ҳавзаси, деб аталади. Ҳавзанинг артезиан суви оқими вужудга келган қисми унинг озиқланиш ёки таъминлаш жойи дейилиб, ер юзасига табиий оқиб чиқиш жойи эса артезиан сувини табиий сарфланиш жойи дейилади (10.1-расм).

Табиятда артезиан сувларининг асосий таъминланиш жойи анча узоқда, тоғли худудларда бўлса-да, баъзан ўз харакати жараённида дарё сувларидан ҳам озиқланиши ёки уларни озиқлантириши ҳам мумкин (10.3-расм). Бу артезиан суви ҳавзасининг тектоник шароити ва срости сатҳи тузилиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолатдир.



10.3-расм. Босимли сувларнинг ер усти сув ҳавзалари билан ўзаро алоқаси (У.Богомолов): а-босимли сувлар оқимининг дарё сувлари оқими бўйича таъминланиши; б-дарё сувлари оқимининг босимли сувлар оқими билан таъминланиши; А-пъезометрик юза


Республикамиз худудида қатор артезиан суви ҳавзалари мавжуд бўлиб, (А.Н.Султонхажаев, Б.А.Бедор, В.А.Гейнц, К.П.Петушков ва бошқалар) буларга<sup>1</sup>: Фарғона, Тошкенттолди, Зарафшон, Сурхондарё ва бошқа ер ости суви ҳавзалари киради. Куйида улардан баъзилари тўғрисида қисқача маълумот берилади.

Фарғона артезиан суви ҳавзаси<sup>2</sup>, унинг сув йигиш жойлари билан ҳисоблаганда, уч қўшни республикалар - Ўзбекистон, Қирғизистон ва

<sup>1</sup> Гидрогеология ССС. Том XXXIX, Узбекская ССР, Редактор Мавлянов Г.А.-Москва:, «Недра», 1971.

<sup>2</sup> Султанходжаев А.Н. Ферганский артезианский бассейн. Ташкент. «Фан». 1972.

Тожикистон худудларида жойлашган. Умумий майдони - 80 000 км<sup>2</sup>. Сувли қатламларнинг қалинлиги ҳавзанинг марказий қисмида 10 000 м дан ортиқ бўлиб, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳудудларига тўғри келади. Улар асосан адир ва текислик зонаси тўртламчи (Q) неоген, (N) палеоген, (P) бўр, (K) даври, кум, шағал, кўмтош, оҳактош жинс қатламларидан ўрин олган (10.4-расм). Артезиан сув ҳавзасининг бундай қалин, турли туман таркибдаги тоғ жинс қатларидан ташкил топиши, уни ўраб турган Чотқол-Курама, Фарғона, Олой-Туркестон тоғларининг геолог-тектоник ривожланиш даврлари билан чамбарчас боғлиқ.




**10.4-расм. Фарғона артезиан суви ҳавзасининг тузилмавий геологик кесмаси (А.Н.Султонхўжаев бўйича).** Сувли тоғ жинс қатламлари: 1-тўртламчи давр (Q); 2-қўйи (Сўх) тўртламчи(Q<sub>1</sub>) ва бактрий свитаси жинслари (N<sub>2</sub>); 3-массагет свитаси жинслари (N<sub>1</sub>); 4-палеоген даври жинслари (P); 5-бўр даври жинслари(K); 6-палеозой даври жинслари (Pz)

Хар бир давр бир неча сувли қатламлардан иборат бўлиб, улардан 2-3 та юқори қатламлар суви минераллашиб даражаси паст (0.5-1 дан 2-5 г/л) сувлар гурухига киради. Аксарият ҳолларда пастки қатламлардаги сувлар юқори даражада минераллашган бўлиб, шўр, ўта шўр, ҳатто 15-10 дан 30-250 г/л, баъзан бундан ҳам кўп - номакоп ҳолатида учрайди. Бу сувларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, уларда юқори миқдордаги йод (10-20 мг/л), бром (300 мг/л), NH<sub>4</sub> (210 мг/л), H<sub>2</sub>S (500-800 мг/л) ва бошқа микрозлементлар учрайди. Сувнинг ҳарорати ер юзига яқин қатламларда нисбатан паст (8-10°C), чуқур қатламларда 40-50 дан 120°C (Избоскан тузилмаси 2-қудук, 3500 м чуқурликда) ётиши мумкин (А.Н.Султонхўжаев). Табиий босим остида сувнинг отилиб чиқиши кўп ҳолларда ҳар сонияда

0,01-5 литрдан (Наманган тузилмасидаги 101 - бурғу қудуги)-18 литргача (Чимёндаги бурғу қудуги) ни ташкил этади.


**Тошкентолди артезиан сув ҳавзасининг майдони** 20-25 минг км<sup>2</sup> та тенг. У Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудига жойлашга<sup>1</sup> бўлиб, уч томондан: шимоли-гарбдан Картантот, шимоли-шарқ ва шарқдан Чотқол, жанубий-шарқдан ва жанубдан Қурама тоғ тизимлари билан ўралган. Фарб томондан эса Қизилкумга бориб туташади.



**10.5-расм. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водийси қўйи оқими чизмасини геолог-гидрогеологик кесмаси (К.П.Петушкив, О.Е.Зубков, Х.Т.Тўлагановлар бўйича): 1-шагаллар; 2-майда шагаллар; 3-гилли шагаллар; 4-сулгиноклар; 5-конгломератлар; 6-майда шагали қумлар; 7-гил жинслари; 8-гилли алевролитлар; 9-ер ости сувларини гъезометрик юзаси; 10-ер ости сувларининг сатҳи; 11-ҳар ёшдаги жинсларнинг чегарасини ажратувчи пункттир чизиги; 12-ер ости сувларини ўрганиш учун қазилган бурғу қудуклари**

Юқоридаги тоғ тизимлари, ўз навбатида, Тошкентолди артезиан ҳавзасини сув билан таъминлаб турувчи энг асосий табиий манба хисобланади. Артезиан суви ҳавзасидаги жинс катламларининг энг кўп қалинлиги 200-350 м. Улар асосан тўртламчи, неоген, полеоген, бўр даврлари қум, қумтош, шағал, шағалтош (конгломерат), гравелит, алевролит ва мергел жинсларидан иборат. Уларниң умумий қалинлиги Келес ва Мирзачўл (хозирги Сирдарё вилояти ҳудуди) томонга қараб камайиб боради. Энг қалин катлам эса, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водийсида жойлашган

<sup>1</sup> Икки нуқта (А ва Б) даги сув сатҳи баландликлари орасидаги айирма қиймати, шу нуқталар орасидаги масофа (L) га бўлинмаси.



10.6-расм. Тошкент олди артезиан ҳавзаси бўр (сенон-турон) сув қатламларининг схематик гидроизопьез харитаси (К.П.Петушкиов, О.Е.Зубков, Х.Т.Тулагановлар бўйича). 1-сенон-юқориги турон сув қатламларининг тарқалиш чегараси; 2-сенон-юқориги турон сувли қатламнинг босимлилиги; 3-сенон-юқориги турон сув қатламларининг пъезоизогипс чизиқлари. Чизиқлар ҳар 50 м дан ўтказилган

пастки чегараси Мирзачўл ҳудудига тўғри келиб, 250 м баландликни ташкил этади (10.6-расм).

Неоген даври жинс қатламларидаги сувларнинг минералланиш дарражаси 0.5 дан 5 г/л оралигига ўзгаради. Сувнинг ҳарорати 20-22°C дан (Чирчик дарёси водийси) 35-41°C гача (Оҳангарон водийси).

Полеоген қатламларидаги сувларни минераллашиш дарражаси ҳавзанинг Чирчик-Оҳангарон қисмида аксарият ҳолларда 0,7-2,5 г/л ни, Мирзачўл қисмида эса 27 г/л га бориши аниқланган. Сувларнинг ҳарорати - 17-18°C. Пъезометрик босимнинг ер юзасидан баландлиги 12 ат. ташкил этиб, бурғу кудукларидан чиқувчи сувларнинг миқдори бир сонияда 0,1 дан 19 л оралигидадир.

Бўр даври жинс қатламларидаги сувлар асосан чучук сувлар гурухига мансуб бўлиб, уларнинг минералланиш дарражаси асосан 1 г/л, баъзи ҳолларда 3 г/л га этиши мумкин. Турон-сенон жинсларидаги сувлар ҳарорати - 25-38°C. Сеномон мажмуасидаги сувлар ҳарорати анча баланд - 42-67°C бўлиб, термал сувлар гурухига киради (К.П.Петушкиов ва бошқалар, 1971). «Тошкент минерал суви» номи билан машҳур шифобаҳш сув ҳам шу гурухга мансуб.


Мавжуд маълумотларга кўра, Тошкентолди ҳавзаси тўртламчи давр қатламларидаги ер ости сув оқимининг ҳаракат қилиш (юза) қиялиги (i)

(10.5-расм). Бу қатламларнинг сувлилик даражаси ва ётиш чукурлиги ҳар хил. Тўртламчи давр ётқизиқларидаги босимли сувларнинг ётиш чукурлиги кўп ҳолларда 100-150 дан 200-280 м гача, (Оҳангарон дарёси ўрга ва қўйи қисмларида); неоген даври жинс қатламларидан 79 дан 500 м гача (Оҳангарон дарёси водийсида). Чирчик дарёси водийсида 536 м га тенгдир. Бўр (к) даври жинс қатламларидан босим остида отилиб чиқувчи сувнинг юқори чегараси 640-780 (Чирчик, Газалкент шаҳарлари атрофида) метрдан 800-1100 м (Чирчик-Келес сув айриғичида) баландлик атрофида ўзгаради. Унинг

Чирчиқ дарёси водийсида 0,005-0,007 га (Л.Д.Кондауров, М.М.Саакян), Охангарон дарёси водийсида 0,007-0,008 (Р.В.Бородин) оралиғида ўзгаради. Чирчиқ-Охангарон воҳаси неоген даври қатламларидағи босимли сувларнинг ҳаракат қиялиги эса 0,0001-0,0002 ни ташкил этади (К.П.Петушков, О.Е.Зубкова).

**Заرافшон артезиан сувлари ҳавзаси** шимол ва шимолий-шарқдан Нурота, жанубдан Зирабулоқ-Зиёуддин ва Қоратепа тоғлари билан ўралган, гарбдан эса Амударё буқилмаси билан чигараланган. Ер ости сув манбаи бўлиб тўртламчи давр аллювиал аллювиал-пролювиал шағаллар, йирик донли қумлар, конгломератлар, неоген даврининг қумтош, алевролит, гравслитлари; полсоген даврининг қум, қумтошлари ва мергиллари хисобланади. Тўртламчи давр аллювиал жинсларининг қалинлиги 1000-1200 метрга, аллювиал-пролювиал жинсларининг қалинлиги 300 м га, неоген даври жинсларининг қалинлиги 600 м га яқин. Уларнинг сувлилик даражаси ҳар хил. Ер ости сувлари минераллашиш даражаси ҳамма жинс қатламларида деярли юқори эмас - 0,5-1 дан 2-3,5 г/л оралиғида ўзгаради. Полеоген (эоцен-полеоцен) жинс қатламлари бўйича қазилган бурғу кудукларидан олинган маълумотларга кўра, бу қатламлардан чиқаётган сув миқдори ҳар сонияда 0,3 дан 50 метрни ташкил этади. Сувнинг ҳарорати 27-75°C бўлиб, термал сувлар гуруҳига киради (К.П.Петушков ва бошқалар).

**Сурхондарё артезиан сувлари ҳавзаси** мамлакатимизнинг жанубида, Ҳисор тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағирларида жойлашган. Унинг умумий майдони - 14000 км<sup>2</sup>. Сувли қатламлар: Сурхондарё ва Амударё водийлари бўйича тарқалган, қалинлиги 300-950 м бўлган тўртламчи давр аллювиал, аллювиал-пролювиал жинслари, неоген ( $N_2$ ) даврининг қалинлиги 2000-3500 м дан иборат бўлган, алевролит, қумтош, гровелит, конгломерат жинслари, палеоген (P) даврининг, қалинлиги 700 метрдан ошиқ, қумтош, оҳактош, доломит жинслари, бўр (к) даврининг, қалинлиги 1500-3500 м бўлган, қумтош, оҳактошлар мажму'аларида ўрин олган. Тўртламчи давр тоғ жинслари қатламларида босимли сувлар 70-120 м, неоген даври жинсларида 40-300 м, полеоген даври жинс тузилмаларида (Оқ тоғ, Ҳаудоғ, Жайронхона ва б.) 11 дан 1880 м гача, бўр даври жинс тузилмаларида (Учқизил, Лалмикор, Кокайт, Жайронхона ва бошқалар) 750-2300 м чукурликда бурғу кудуклари ёрдамида очилган. Сувларнинг минерал даражаси тўртламчи давр ётқизиқларида 1-2 (Бешкўргон қишлоғи. Тўпалан ва Сангардак дарёлари водийларида) дан 70 г/л (Шеробод дарё водийси) га бориши, неоген ва полеоген даври ётқизиқларидағи сувларда 1-45 г/л оралиғида ўзгариши кузатилган. Юра даври жинсларидаги сувларнинг минераллашиши анча юқори бўлиб, 314 г/л боради. Палеоген тузилмаларида чиқувчи сувларнинг ҳарорати 45-47 – 50°C га тенг (Жайронхона).




10.7-расм. Фарғона артезиан сув ҳавзасини гидрогеологик районлаштириш чизмаси (А.Н.Султонхўжаев ва В.А.Гейнц бўйича). 1-юқори тоғли минтақалардаги ёриқ сувлар ҳавзаси; 2-адир минтақасидаги артезиан сувлар ҳавзаси; 3-текислик минтақасидаги артезиан сувлар ҳавзаси

Дунё миқёсида ер ости артезиан суви ҳавзаларининг энг йириклиари Париж (10.7-расм Франция, Шимолий Африка, Австралия, Москва, Днепр-Дон (Украина)) сув ҳавзалари ҳисобланади. Улардан Москва ости сув ҳавзасининг майдони бир неча юз минг  $\text{km}^2$  ни ташкил этади. Сув ҳар хил босимга эга. Девон (Д) даври жинсларидаги сувлар юқори минераллашиш даражаси 250 г/л ни ташкил этади. Бу ҳавзадаги қуий карбон ( $C_1$ ) даврининг оҳактош, доломитларидаги босимли сувлар минераллашиш даражаси билан чучук сувлар гурухига мансуб.

У.М.Ахмедовнинг маълумотига кўра, Қозогистон Республикасининг ҳудудида 70 дан ортиқ артезиан сув ҳавзалари мавжуд. Уларнинг умумий майдони 1800 минг  $\text{km}^2$  га teng.

### 10.2.2. Артезиан сувлари кимёвий таркибининг зоналлийлиги

Маълумки, артезиан сувларининг таркиби, уларнинг қайси давр тоғ жинс қатламларидан ўрин олганлигига, ҳудуднинг тузилмавий-геологик шароитига, у орада юз берадиган физик-кимёвий ва биокимё жараёнларига, ер ости сувларининг вужудга келиши, ҳаракат қилиши ва сарфланиши масканларининг гидродинамик, гидрокимё, гидротермик шароитига, маълум геологик вақт давомида сувнинг алмашиниб, янгиланиб туришига боғлиқ. Шу билан бирга, у ёки бу ҳудуднинг маълум майдонидаги (кесимдаги) босимли сувларининг физик ва кимёвий хусусиятларининг ер юзасидан бошлаб, пастки қатламлар томон ўзгариб бориши қонуниятлари ҳам аниқланган. Бу ҳолат артезиан ҳавзаларидаги мавжуд сувларнинг кимёвий таркибини бутун бир майдон бўйлаб ҳамда унинг айрим қисмлари бўйлаб зоналашувини кўрсатади ва айрим гидрокимё зоналарга ажратиш имкониятини беради. Жумладан, Н.И.Толстихин, И.К.Зайцев ва бошقا олимлар томонидан маҳсус чизма ишлаб чиқилган бўлиб, унда собиқ Иттифок



10.8-расм. Палеоген ётқизиқларидағы ер ости сувларининг минераллашиш харитаси (А.Н.Султонхұјаев ва Н.Гиязова бүйінчә). I-минераллашиш даражаси, г/л: 1-25 гача; 2-25-50; 3-30-50; 4-100-200; 5-200-300; 6->300, II-палеоген даври жинсларининг ер сатхидан намоён бўлган жойлари; III-палеогенга нисбатан қарі жинслар; IV-бир хил минераллашиш даражасини кўрсатувчи изолиниялар

миздаги мавжуд ҳамма артезиан сувлар ҳавзалари учун тўлиқ кўллаб бўлмайди. Лекин ҳар бир артезиан ҳавзанинг табиий шароитини, геологик тузилишини, тектоник ҳолатини, рельефи тузилишини, сувлар таркиби, хосса ва ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ундан амалиётда фойдаланиб келинди. Ҳар бир артезиан ҳавзанинг гидрогеологик зонаси (10.7-расм), маълум геологик давр (тўртламчи, неоген, полеоген, бўр ва б.) ётқизиқларидағи сувларниң таркиби, минераллашиш даражасини кўрсатувчи хариталар (10.8-расм), ҳавзанинг озиқланиши жойларидан бошлаб, сарфланиш жойи оралиғидаги майдонда, унинг чет қисмидан марказий қисмига қараб, ёки ер сатхидан пастга – пойdevорга (полеозой жинс қатламлари) томон ўзгариб бориши тавсифининг минақавийлиги тўғрисида қимматли маълумотлар олинган. Бу эса, ўз навбатида, артезиан суви ҳавзалардаги мавжуд ер ости сувларидан саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа соҳаларда фойдаланиш имконини бермоқда.

### 10.2.3. Артезиан суви ҳавзаларининг геотермик ҳусусиятлари

Термал сувларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши қонуниятлари қатор омилларга боғлиқ. Бу масалалар билан олимлар узоқ даврдан бўён шуғулланиб келишади (Дж.Прествич, 1886; Э.Том, 1906, П.И.Кропоткин;

худуди тўртта гидрокимёвий зонага ажратилган:

1. Минераллашиш дараҗаси 1 г/л бўлган чучук, аксарият гидрокарбанат кальцийли сувлар зонаси (А).

2. Минераллашиш дараҗаси 1 дан 35 г/л бўлган, шур, аксарият сульфатли ва хлор-натрийли сувлар зонаси (Б).

3. Минераллашиш дараҗаси 35 г/л дан юкори бўлган, хлор-натрийли, кальций-натрийли, кальций-магнийли сувлар зонаси (В).

4. Минераллашиш дараҗаси хилма-хил (турли-туман) бўлган сувлар зонаси (Д).

Бу чизмани мамлакати-

миздаги мавжуд ҳамма артезиан сувлар ҳавзалари учун тўлиқ кўллаб

бўлмайди. Лекин ҳар бир артезиан ҳавзанинг табиий шароитини, геологик тузилишини, тектоник ҳолатини, рельефи тузилишини, сувлар таркиби, хосса ва ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ундан амалиётда фойдаланиб келинди. Ҳар бир артезиан ҳавзанинг гидрогеологик зонаси (10.7-расм), маълум геологик давр (тўртламчи, неоген, полеоген, бўр ва б.) ётқизиқларидағи сувларниң таркиби, минераллашиш даражасини кўрсатувчи хариталар (10.8-расм), ҳавзанинг озиқланиши жойларидан бошлаб, сарфланиш жойи оралиғидаги майдонда, унинг чет қисмидан марказий қисмига қараб, ёки ер сатхидан пастга – пойdevорга (полеозой жинс қатламлари) томон ўзгариб бориши тавсифининг минақавийлиги тўғрисида қимматли маълумотлар олинган. Бу эса, ўз навбатида, артезиан суви ҳавзалардаги мавжуд ер ости сувларидан саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа соҳаларда фойдаланиш имконини бермоқда.

1941, В.А.Покровский, 1961; А.Н.Султонхўжаев, 1972 ва бошқалар). Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, улар асосий таъсир этувчи эндоген ва экзоген омиллардан иборат.

Эндоген омил – бу Ернинг ички қисмларидағи магма массасининг харакати ҳамда радиген (радиоактив элементларнинг парчаланиши) жараёнлари билан боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Экзоген омил эса Ернинг устки қисмида Қуёш радиацияси таъсири натижасида юз берадиган иссиқлик балансининг вужудга келиш жараёни билан боғлиқ.

П.И.Кропоткин назариясини ривожлантирган В.А.Покровский, сабиқ СССРнинг Европа қисмини, унинг геологик-тузилмавий хусусиятларини хисобга олган ҳолда, учта геотермик провинцияга бўлади:

1.Геотермик градиентлар ўртача ҳар 100 м га  $1^{\circ}$  ни ташкил этувчи паст ҳароратли провинциялари (Украина ва Беларусиянинг кристалли массивлари ҳудуди).

2.Геотермик градиенти ўртача ҳар 65 м га  $1^{\circ}$  ташкил этувчи мўътадил ҳароратли провинция (Рус платформасининг марказий қисмлари).

3. Геотермик градиенти ўртача ҳар 30 м га  $1^{\circ}$  ташкил этувчи юқори ҳароратли провинция (Рус платформасининг жанубий ва жануби-ғарбий қисмидаги мезозой-кайнозой букилмаси ҳудуди).

А.Н.Султонхўжаев Ўрта Осиё ҳудудидаги мавжуд маълумотларни таҳдил қилиш асосида, уни геотермик шароити бир-биридан фарқ этувчи учта, яъни бурмаланганд тоғлар, тоғ оралиғи ва тоғ оралиғи ботиклари ва паст текисликлар зоналарига ажратади:

1.Бурмаланганд тоғлар ҳудуди асосан полеозой даври жинсларидан ташкил топган бўлиб, чуқур зонавий тектоник ёриқлар билан бўлинган ва денгиз сатҳига нисбатан баландда (5000-7000 м) жойлашган. Геотермик градиент ҳар 100 метрга  $1,2\text{--}2^{\circ}$  оралиғида ўзгаради.


2.Тоғ оралиғи ва тоғолди ботиклари ҳудуди. Улар асосан 8-9 км қалинликдаги мезозой-кайнозой даври жинсларидан ташкил топган. Геотермик градиент ҳар 100 метрга  $2,5\text{--}3,3^{\circ}$  оралиғида ўзгаради.

3.Пастликлар ҳудуди-чўкинди жинслар қатламининг қалинлиги асосан 1 км ни ташкил этади. Геотермик градиенти ҳар 100 метрга  $2,5\text{--}3,5^{\circ}$  оралиғида ўзгаради.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки. чўкинди жинслар қалинлиги ошиши билан геотермик градиент ҳам ўзгариб боради. Масалан. Устюрт платосида чўкинди жинсларнинг қалинлиги  $2,5\text{--}3$  км га ўзгариши билан геотермик градиент ҳар 100 метрча  $3,0\text{--}4,5^{\circ}$  га ўзгариши аниқланган. Баъзан тоғ жинс қатламларининг тектоник ёриқлар билан бўлиниб ташланганлиги геотермик градиент зонавийлигини ўзгаришига таъсир этади.

#### 10.2.4. Артезиан сувларининг режими

Ер ости сувларининг режими деганда, уни ҳолатининг вакт бирлигиде геологик, климатик омиллар таъсирида ва одамларнинг хўжалик фаолиятлари натижасида ўзгариб туриши жараёни тушунилади.




10.9-расм. Босимли сувларни ер усти сув ҳавзалари билан ўзаро алоқаси (У.Богомолов). а-босимли сувлар оқимишинг дарё сувлари оқими бўйича таъминланishi; б-дарё сувлари оқимини босимли сувлар оқими билан таъминланishi; АА-пъезометрик юза

худудларда босимли сувларнинг пъезометрик сатҳи, чукурлик ошиши билан камайиб боради, дарё водийлари худудида эса пъезометрик сатҳ чукурлик ошиши билан ошиб боради. Бунга асосий сабаб сув айирғич худудларида қатламлардаги ср ости сувларининг сизиш ҳаракати юқоридан пастга караб йўналганилигидир. Демак, дарё водийларига якин худудларда босимли сувларнинг режими ср ости сувларнинг режими билан гидравлик боғланган ҳолда юз беради. Дарё водийлари узок худудларда босимли сувлар режимининг ўзгариши асосан метеорология омиллари таъсирида юз беради. Лекин артезиан суви режимига табии омилларга қараганда, одамларни хўжалик фаолиятлари кўпроқ таъсир кўрсатади. Чунки, ср остидан ҳар йили катта миқдордаги сув чиқариб олиниб, ичиш, даволаш, кимсвий моддаларни (йод, бром ва бошқа ҳар хил тузларни) ажратиб олиш, экинларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун ишлатилади. Натижада, артезиан сувининг табиии сатҳи пасайиши, захирасининг камайиши ҳолатлари содир бўлади. Жумладан, Москва артезиан ҳавзасида, артезиан сувининг табиии сатҳи 40-90 м га, Ленинградда 50 м га, Киевда – 63 м га, Лондонда – 100 м га, Парижда – 120 м дан ортиқ чукурликка пасайган (М.В.Седенко, 1979). Бундай ҳолат мамлакатимизнинг Тошкент, Фарғона ва бошқа артезиан ҳавзаларида ҳам кузатилади.

Артезиан сувлар табиий жиҳатдан қатламларо босимсиз грунт сувларга нисбатан кўп йиллик, йиллик сув режими доимийлиги билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бирга, артезиан сувлар ўзларининг вужудга келиши, ҳаракат қилиши жараёнида бошқа (грунт, ёрик, карст ва бошқалар) сув қатламлари билан гидравлик боғланган бўлади (10.9-расм). Бу ҳолат босимли сувларнинг йиллик, кўп йиллик режимига сўзсиз ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, сув айирғич

### 10.2.5. Артезиан сувларининг пъезоизогипс харитаси



**10.10-расм.** Пъезоизогипс харитасининг чизма юқрииниши (М. В. Седенко бўйича): 1-ер юзасининг вир хил мутлақ баландлик нукталаридан ўтувчи горизонтал чизиклар; 2-артезиан сувларини бир хил мутлақ баландликдаги пъезометрик сатҳ нукталарини бирлаштирувчи пъезоизогипслар; 3-артезиан сувлари жойлашган төғ жинслари қатламларининг юқориги чегарасидан ўтувчи бир хил баландликдаги нукталарини бирлаштирувчи горизонталлар; 4-артезиан сувининг харакат йўналиши


пъезометрик сатҳи, грунт сув-ларининг сатҳидан фарқ қилинади. Пъезометрик сатҳ сув ўт-казмайдиган қатламнинг шакли босимли сувлар харакат қилувчи маълум қалинилдикидаги, ўзига хос хусусиятларга эга (сув ўтказиш ва ҳоказолар) бўлган төғ жинс қатламларидан ташкил топган дарё водийсининг шаклий қиёфасини хисобга олган ҳолда аникланади. Жумладан, босимли сувли төғ жинс қатламларининг қалинилги ( $m$ ) ошиши билан пъезометрик юза киялиги ботик-ётик (10.11а-расм), камайиши билан қабарик-тик (10.11б-расм) ҳолатда бўлади. Шунингдек, сувли жинсларининг сув ўтказувчаник хусусиятини (фильтрация коэффициенти- $K$ ) ошиши билан

Артезиан сув ҳавзаларидағи ёки уларнинг баъзи кисмларидаги сувларни ётиш чукурлиги, харакат йўналишини, гидростатик босимини, гидравлик қиялигини, фаввора бўлиб отилиб чиқиши мумкинлигини тавсифлаш учун пъезоизогипс сатҳ хариталари тузилади. Бундай харитада пъезоизогипс сатҳ ва пъезоизогипс чизик ҳолатида кўрсатилади. Пъезоизогипс чизик мутлақ ёки нисбий баландликдаги бир хил нукталарни бирлаштирадиган чизик хисобланади (10.10-расм).

Пъезоизогипс харитаси эса ўзидан сув ўтказмайдиган тоғ жинслари қатламларининг юқориги мутлақ баландликдаги нукталарини бирлаштирувчи чизиклар ўтказиш ёрдамида тузилади. Ерости сувлари мутлақ баландликдан паст томонга қараб харакат қиласи. Артезиан сувларининг оқиши йўналиши босим кучи йўналишига кўра, пъезоизогипсларга перпендикуляр ҳолатда йўналган бўлади.

Бу ерда шуни ҳам айтib ўтиш лозимки, артезиан сувларининг сатҳидан фарқ қилинади. Пъезометрик ҳолатига боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда пъезометрик сатҳининг шакли босимли сувлар харакат қилувчи маълум қалинилдикидаги, ўзига хос хусусиятларга эга (сув ўтказиш ва ҳоказолар) бўлган төғ жинс қатламларидан ташкил топган дарё водийсининг шаклий қиёфасини хисобга олган ҳолда аникланади. Жумладан, босимли сувли төғ жинс қатламларининг қалинилги ( $m$ ) ошиши билан пъезометрик юза киялиги ботик-ётик (10.11а-расм), камайиши билан қабарик-тик (10.11б-расм) ҳолатда бўлади. Шунингдек, сувли жинсларининг сув ўтказувчаник хусусиятини (фильтрация коэффициенти- $K$ ) ошиши билан

( $K_1$  ва  $K_2$ ) пъезометрик юза қиялгининг ботик-ёткүү сув ўтказувчанлиги камайиши билан ( $K_2$  ва  $K_1$ ) қабарик-тик бўлиши ҳам мумкин.



10.11-расм. Босимли сувлар пъезометрик юзаси шаклиниң (A-A) төг жинс қатламлари қалинлигига ( $m$ ) ва сув ўтказувчаник хусусиятларига ( $K_1$ ) болгик ҳолда ўзгариппини күрсатувчи чизма (Г.В.Богомоловдан): а-босимли сувлар пъезометрик юзаси шаклиниң тог жинслиларининг сув ўтказувчаник хусусияти опиппи ( $K_1$ ) ва камайиппи ( $K_2$ ) билан ўзгариппи; б-сувли қатламлар пъезометрик юзаси шаклиниң тог жинслиларининг сув қатламлари қалинлигиги ( $m_1$ ) опиппи ва камайиппи ( $m_2$ ) билан ўзгариппи

### Такрорлаш ва текнириши учун саволлар

1. Қатламлараро босимсиз ва босимли артезиан сувлар қандай пайдо бўлади? Қатламлараро босимсиз сувларнинг энг асосий хусусиятлари нималардан иборат? Босимли сувларничи?

2. Дарё ва артезиан сувлари орасидаги боғлиқликлар нималардан иборат? Улар бир-бирларини сув билан қандай таъминлайди? Расмга қараб тушунириб беринг.

3. Артезиан сув ҳавзаси тўғрисида тушунча беринг. Республикамиз худудидаги қайси артезиан сув ҳавзаларини биласиз?

4. Артезиан сувларнинг кимёвий регионаллиги қандай омилларга боғлиқ?

5. Артезиан сув хавзаларининг геотермик ҳусусиятлари тўғрисида гапириб беринг. Республикамиз худуди ўзининг геотермик ҳусусиятларига қараб ажратилган худудлар қайсилар? Уларниң фарқланиш белгилари тўғрисида сизнинг тушунчангиз.

6. Артезиан сувларининг йиллик, кўп йиллик режими қандай омилларга боғлиқ равишда ўзгари.

7. Пъезоизогипс сатҳи ҳариталари қандай тузилади? Артезиан сувлар оқими, ўйналиши тўғрисида тушунча беринг.

## 11-боб. Ёрик ва қарст сувлари

### 11.1. Ёрик ер ости сувлари


Ер ости ёрик сувлари магматик (гранит, гранодиорит, порфирлар, диоритлар ва бошқалар), метаморфик (гил сланецлари, аргиллитлар, мармарлар ва бошқалар), чўкинди (оҳактошлар, кумтошлар, доломитлар ва бошқалар) қоя тоғ жинслари билан боғлиқ холда пайдо бўлади. Маълумки, юкоридаги гурухга кирувчи қоя тоғ жинслари табиий тарқалиши, ер сатхига нисбатан ётиш чуқурлиги, ана шу жинслар тарқалган худуднинг ўтган ва ҳозирги замондаги тектоник шароитига қараб, ўзларининг табиий ҳолатини турлича даражада саклайдилар. Бошқача килиб айтганда, у ёки бу даражада нураш жараёнига учраган ҳар хил ўлчамдаги ёриклар хосил бўлади. Ана шу ёрикларга атмосфера ёгинининг, ер усти сув оқимларининг сизиб кириши оқибатида вужудга келган ва харакат килувчи сувлар гидрогеология фанида ер ости ёрик сувлари, деб аталади.

#### 11.1.1. Ёрик ер ости сувларининг геолог-генетик турлари

Ер ости ёрик сувлари геологик омилларининг, яъни тоғ жинслари ва улардаги мавжуд ёрикларнинг хилларига қараб, литогенетик ёрик сувларга, қатламлараро ёрик сувларга ва, нихоят, тектоник ёрик сувларига бўлинади.

Литогенетик ёрик сувлар ҳамма коятоғ жинсларининг нураш жараёни таъсир этган жойларда учрайди. Улар ҳар хил қалинликда, 100-200 м чуқурликда ва тоғ жинсларини нураш жараёнига учраганлик даражасига, ётиш ҳолатига ҳамда ер ости суви оқими таъсирида киркилганлигига қараб, муайян ўйналишда бўлади. Шу билан бирга, турли литологик, минерал-петрографик таркибиага эга тоғ жинс қатламларида вужудга келган сувлар бир-бирлари билан ўзаро гидравлик боғланган бўлиб, бир қатламдаги сув таркибининг, йиллик, кўп йиллик режасининг ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Қатламлараро ёрик сувлар ўзидан деярли сув ўтказмайдиган (гил жинслари, аргиллит ва бошқалар) жинслар оралиғида учровчи оҳактошлар,



### 11.1-расм. Қатламлараро ёриқ сувларининг вужудга келиши ва ҳаракат қилини чизмаси:

1-сув ўтказмайдиган қатламлар; 2-шуралы жараёнига учраган қоя оҳактошларининг нурашжойларида ёриқерости сувларининг вужудга келиши; 3-қатламлараро ёриқ сув салғы; 4-қатламлараро ёриқ сувларининг ҳаракат йўналиши; 5-қоя оҳактош қатламишининг нураши жараёнига нисбатан учрамаган ёки кам учраган қисми

ҳамма тоғли худудларида учрайди.

Ёриқ сувлар ер юзасига нисбатан турлича чуқурликларда, ҳар хил генетик турдаги ёрикларда вужудга келиши ҳамда гидравлик хусусиятлари ҳисобга олинниб, генетик нуктаи назардан, ёриқ грунт сувлари, томирли, томирли-ёриқ босимли ер ости сувлари грушларига ажратилади. Ёриқ грунт сувлари тог жинсларининг нураши ёрикларида пайдо бўлган, ер юзасига яқин жойлашган ер ости сувлардир. Ёриқ ва ёриқ-томирли босимли сувлар зонавий тектоник ва локал чуқур ёрикларда пайдо бўлади. Улар ер юзасига нисбатан турлича чуқурликлардаги сувлар бўлиб, ёриқ грунт сувларига нисбатан ер қобигининг анча чуқур қисмларида ҳаракат қиласи.

Ёриқ сувлар кимёвий тарки-би жиҳатидан кам минераллашган (литрига 0,5 граммдан кам) бўлиб, ер усти сув оқимининг вужудга келишида жуда катта аҳамиятга эга.


### 11.2. Карст ер ости сувлари

Карст сувлари, асосан турли ёшдаги оҳактошлар, доломит, гипс, оштузи бъязан гил жинслари қатламларида тектоник кўтарилишлар, дарё ўзанининг мутлақ ва нисбий баландликлари ўзга-риши, атмосфера ёғинининг тасири остида вужудга келадиган карст бўш-ликлари (форлар, ғоваклар, ер ости каналлари ва ҳоказолар) да пайдо бўлади (11.2-расм). Ана шу бўшликлар

кумтошларининг ёриқларида вужудга келади (11.1-расм).

Тектоник ёриқ сувлар қоя тог жинслари қатламларини қирқиб ўтади ёинки улардаги мавжуд тектоник ёрикларда вужудга келади ва ҳаракат қиласи. Бу сувларининг учраш чуқурлиги тектоник ёриклар чуқурлигига боғлиқ бўлиб, литогенетик ва қатламлараро ёриқ сувлардан анча чуқурлиқда, баъзан бир исчада юз, бир исчада минглаб мстр пастда учрайди.

Қатламлараро ва тектоник ёриқ сувлар ўзларининг пайдо бўлиш, тарқалиш ва ётиш холатларига қараб, босимли ва юкори ҳароратли ( $50-100^{\circ}\text{C}$ ) бўлиши ҳам мумкин. Бу сувлар мамлакатимизнинг ва Ер куррасининг




11.2-расм. Ер ости карст сувларининг вужудига келиш ва ҳаракат чизмаси (М.Е.Альтовский бўйича)


хам мавжуд. Республикаизда карст бўшликлари ва карст сувлари Хисор тизмасининг Кўхитанг тоғ тармоғида (Корлук, Туркманистан чегарасида), Бойсун тизма тоғларида (Тешиктош), Қоратепа тогининг гарбий қисмида (Совуқбулук), Самарқанд вилояти Ургут туманининг гарбий қисмида (Кирриктоу), Сурхондарё вилояти Шўроб кишловининг жанубида (Сувсиэзтоу), Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида (Ходжикент, Кўлота) ва бошқа жойларда мавжуд. Карст сувларининг ер юзасига нисбатан чукурлиги асосан 150-500 м бўлиб, баъзан 800-1000 м га этиши ҳам мумкин. Карст бўшликлари бўйлаб окувчи сувларининг окиш чукурлиги, дарё ўзани ёки денгиз сатхининг мутлақ ёки нисбий баландлиги томон ўзгариб боради. Шунинг учун дарёларнинг иккни каноти майдонида ёки денгизга ёндош худудларда турлича баландликдаги, турлича сарфга эга бўлган карст блоклари кузатилиди (11.3-11.4-расмлар). Бу ҳолат ана шу худудда ўтмишда юз берган ва хозирги замон тектоник ҳаракатларнинг тезлиги

бўйлаб ҳаракат қиладиган ер ости сувлари карст сувлари, деб аталади.

Карст сувларининг мавжудлиги ва ўзининг узунлиги билан дунёдаги энг машхур горлардан АҚШдаги Мамонт (узунлиги 160 км), Селитрали (Индиана штати узунлиги 107 м) ва Швецариядаги Хельлоҳ горларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, карст бўшликлари Австралия, Россия, Франция, Италия, Украина, Югославия, Шимолий Африка, Гречияда ва бошқа мамлакатларда



11.3-расм. Оҳактош қатламларида карст бўшликларини (горларни) вужудига келиш чизмаси. I-V-тўртламчи давр мобайнида хосил бўлган «ювишган» ва «Цоколь» террасалар, 1-5-«ювишган» ва «Цоколь» террасалар найдо бўлинш даври билан, ани шу даврлар мобайнида тектоник-кўтарилиш ҳаракатлари билан бўлглик холда пайдо бўлган карстлар (горлар); 6-карст блоклари



**11.4-расм. Карст булоқлари:** 1-ср юзасига чикувчи ёриқдар; 2-карстли ер юзаси; 3-сифон туридаги букилгән каналлар; 4-карст сувли горизонтлардаги доимий сув сатхы; 5-карст каналлари; 6-доимий булоқ; 8-сув ости булоқлари

мүмкін. Карст булоқларидан чикувчи ер ости юқори сарфи улардан электр энергиясини ҳосил қилиш мақсадлари учун фойдаланиш имконияттін беради. Франциянинг жанубдаги Воклюз ва Алжирдаги қатор булоқлар ана шулар жумласига киради. Шу билан бирга табиатда дарё сувларининг бир қисми, барьза бутун бир дарё оқими карст бұшлиқлари, варонкалари орқали ер остига сингиб, ер ости сув оқимини ҳосил қилиши ҳам мүмкін. Масалан, Башқирдистон ҳудудида оқувчи Яманелга дарёси оқактошлардаги мавжуд карст каналлари орқали 40 км масофада ер остида оқади. Шунингдек, Үралдаги (Россия) Кизел, Косьва дарёлари ўз сув оқимларининг сонияда 0,5 дан 3,4  $m^3$  гача бұлған қисмини оқактошли ҳудудларда ер остига сингдириб юборади. Бундай ҳолатларни мамлакатимиздеги мавжуд Пском. Чотқол дарёлари водийларида ҳам учратыш мүмкін.

### Такрорлаш ва текшириш учун саволлар

1. Ёриқ ва карст сувларининг пайдо бўлиши шароитлари тўғрисида гапириб беринг. Карст сувлари қандай тоғ жинсларида вужудга келади?
2. Қандай сувлар ёриқ сувлар деб юритилади?
3. Ёриқ ва карст сувларини вужудга келишидаги энг асосий табиий жараёнлар?
4. Ёриқ ва карст сувларининг ер усти сув оқими сарфига таъсири ва ўзгаришидаги аҳамияти тўғрисида гапириб беринг.
5. Энг кўп карст сувлари учровчи дунё мамлакатларидан мисол келтиринг.

билин боғлиқ ҳолда содир бўлади.

У ёки бу ҳудуддаги ер ости сувлари сарфининг мунтазамлиги, кўп ҳолларда, карст сувларининг сарфига боғлиқ. Булоқлар кўринишидаги карст сувларининг сарфи барьза ҳар сонияда 35-40  $m^3$  га тенг. Шундай булоқлар қаторига Италиядаги Стелла ва Фриули булоқларини киритиш

## **12-боб. Абадий музлик жинслардаги ер ости сувлари**

Ер куррасининг баъзи ҳудудлари, жумладан Американинг шимолий қисми, Россиянинг шимоли-шарқий зоналарида тоғ жинслари узоқ йиллар мобайнида доимий музлаган ҳолда ётади (12.1-жадвал). Ана шу жинс қатламларида у ёки бу даражада, турлича чукурликларда ер ости сувлари учрайди.

### **12.1-жадвал**

**Доимий музлаган тоғ жинслари қатламлари қалинлигининг  
Ер куррасининг баъзи ҳудудлари бўйлаб ўзгариши (адабиёт  
маълумотлари асосида)**

Музлаган жинслар тарқалган ҳудудлар	Музлаган жинс қатламларининг қалинлиги. м
Гарбий Шинцберген	240
Аляска (Юкон дарёсининг ўрта оқими)	120
Гудзон бугози (Черчиль порти)	38
Гудзон бугози (Нельсон порти)	10
Россиянинг шимоли-шарқий ҳудудлари (Таймир ярим ороли, Оймакон, Ёкутистон)	Ер сатхидан 3-15 м. ва 15-30 метрдан чукурлиқда доимий музлаган ҳолатда ётади

Музлаган тоғ жинслари қатламларида мавжуд ер ости сувлари учраш чукурлиги ва ётиш ҳолатларига қараб уч турга бўлинади: 1.Музлаган қатлам усти. 2.Музлаган қатламлараро. 3.Музлаган қатлам ости.

### **12.1.Музлаган қатлам усти сувлари**


Бу туркумга кирувчи ер ости сувлари доимий музлаган тоғ жинс қатламларининг устки ер сатхига яқин қисмida вужудга келади ва йил фасллари бўйлаб тоҳ эриб, тоҳ янга муз ҳолатига айланниб туради. Шунинг учун бу сувли қатлам фанда фаол қатлам, деб ҳам юритилади.

Масалан, Таймир оролининг шимолий қисмida ўртача йиллик харорат 10-15 м чукурлиқда 13-15°C бўлса, Оймаконда 10-12°C, Ёкутияда эса 10-12 м чукурлиқда 4°C, Читада-2°C гача ўзгаради (М.О.Седенко, 1979). Фаол қатламнинг қалинлиги Россиянинг шимоли-шарқида 30 м га ётади. Бу чукурлиқдан пастда доимий музликлар қатлами бошланади.

Музлаган тоғ жинслари қатлам усти сувининг таъмланишида ер усти сув оқими билан бир қаторда пастки қатламлардан оқиб чиқувчи қатламлараро ва ёриқ сувларининг ҳам аҳамияти катта (12.1-расм). Қатлам усти сувлар куз фасли охирларидан бошлаб устки томонидан пастга қараб секин аста музлай бошлайди. Натижада, маҳаллий, фаслий босимли сувга

айланиши ҳам мүмкін. Бундай сувларнинг вужудга келиши қатламларнинг ер усти сатқ тузилишига, жинслар таркибига ва хосса-хусусиятларига, уларнинг музлаганлық даражаларига боғлиқ ҳолда содир бўлади.

12.1-расм. Музланган жинсларни йил мобайнида эриши ва қайта музлаши




оқибатида вужудга келувчи булоқлар (Н.И.Толстихин бўйича): а-ёздаги, б-кишдаги ҳолати; 1-фаол фаолиятли қатлам; 2-отқинди төг жинслари; 3-музланган отқинди төг жинслари; 4-фаслилар мобайнида музлар чегараси

## 12.2.Музланган қатламлараро сувлар

Н.И.Толстихин бўйича, музланган қатламлараро сувларга музланган төг жинс қатламлари оралиғида ҳаракат қилувчи сувлар ҳамда төг жинслари ғовакларидаги жинс заррачаларини қовиштириб турувчи музлар, ях уюмлари киради. Суюқ ҳолатда ҳаракат қилувчи сувлар кўп ҳолатларда юқори даражада минераллашган бўлиб, аниқ, ягона таъминланиш ҳудудига эга эмас. Бу сувларнинг пайдо бўлишида музланган жинс усти сувлари, яхдан тушган ёки пастга ҳаракат қилувчи эриган ях сувлари, паст қатламлар ёриклари орқали кўтарилиб чиқиб турувчи сувлар ижобий таъсир кўрсатади. Ётиш ва ҳаракат қилиш ҳолатига қараб, улар ғовак қатлами, ёриқ, томирли сувлар гуруҳига киради. Ғовак-қатламли сувлар, асосан аллювиал ётқизиклар фаолияти билан, ёриқ ва томир сувлар эса тектоник ёриклар, узилмалар мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Қатламлараро ер ости сувлари Россиянинг Марказий Ёкутистон районларида, Новосибир, Ляхов оролларида, Лена дарёси оқимининг пастки қисмларида кенг тарқалган бўлиб, сувли қатламларнинг қалинлиги бир неча метрдан юз метрларчага бориши ҳам мүмкін.



12.2-расм. Гидролаккалит. 1-музланган қатлам усти суви; 2-музга айланган ер ости суви; 3-музланган жинс қатламида сувли ёриклар

Қатламлараро ер ости сувларининг музлаши, яхга айланиши баъзан ер сатҳи ва ер ости қатламларининг кўтарилишига, букилишига, баланд-пастликларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади (12.2-расм). Қатламлараро сувларнинг ёриқлар орқали юқорига кўтарилиши ва йигилиб, яхлаши оқибатида вужудга келган шаклларнинг баъзилари Н.И. Толстихин томонидан гидролаккалитлар номи билан аталган. Гидролаккалитлар юқоридаги ер сатҳида юз берадиган баланд-пастликлар пайдо бўлишида асосий роль ўйновчи омиллардан ҳисобланади. Ер сатҳидаги бундай ўзгаришлар ўз навбатида, шу майдонда, қатламлараро сувнинг мавжудлигидан далолат беради.

### 12.3.Музлаган қатлам ости сувлари

Доимий ёки кўп йиллик музланган жинслар қатламларидағи ва уларнинг ости қисмida пайдо бўлган ҳамма ер ости сувлари шу туркумга киради. Бу сувлар музлаган жинслар усти ва оралиғида пайдо бўлган сувларга қараганда ўз жойига нисбатан доимийлиги, сув сарфининг кўплиги билан ажралиб туради. Уларнинг вужудга келишидаги асосий омиллар: абадий, кўп йиллик музларнинг эриши оқибатида пайдо бўлган сув, атмосфера ёғини ва ср усти сув оқимлари. Қатламлар ости сувлари минераллашган ва минерал-лашмаган ҳолатда учрайди. Асосан босимли бўлиб, тоғ жинслари говаклари, карст бўшликлари, тектоник ёриқларда жойлашган.

Музлаган қатлам ости сувлар Н.И. Толстихин бўйича, аллювиал, ғовак-қатламли, ёриқ қатламли, ғовак-карстли гуруҳларга бўлинади.

*Аллювиал қатлам ости сувлари.* Бу сувлар Аллювиаль гуруҳидаги тоғ жинсларининг тарқалиши, ётиш ҳолатлари, қалинлиги, литологик ва петрографик таркибига боғлиқ ҳолда вужудга келади. Атмосфера ёғинлари, эриган муз ва ях сувларини ҳамда қоятоғ жинслари ёриқларидаги сувларнинг аллювиал жинс қатламига оқиб кириши натижасида таъминланади. Бу жинс қатламларидаги сувларнинг ҳарорати нолга яқин бўлиб, ёриқ сувлар оқиб кирадиган жойларда эса анча юқоридир. Таркибида органик моддалар учрайди.

*Ғовак қатламли сувлар* катта ёшдаги чўкинди жинсларининг говаклари ва қатламларида пайдо бўлиб, босимлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу қатлам ости сувлари тарқалган ҳудудларда артезиан сув ҳавзалари мавжуд.

*Ёриқ қатламли сувлар* асосан ўзидан сув ўтказмайдиган гил жинслари қатламлари оралиғида ётувчи серёрикли қоятош жинслари, жумладан, кумтошлар, конгломератлар, оҳактошлар ёриқлари бўйлаб ҳаракат қиласи. Баъзан бир неча сувли қатламлардан, қатлардан ташкил топган бўлиб, ўн, ҳатто юз метрли босимга эга.

**Ёрик, ёрик карст бўшилиқларидағи музлаган қатлам** ости сувлари тектоник бурмаланиш, узилиш, ёрилиш жараёnlари юз берган ҳудудларда, карст бўшлиқлари мавжуд бўлган тоғ жинслари тарқалган майдонларда пайдо бўлади. Бундай сувли майдонлар Россиянинг Алдан, Лена дарёлари ҳавзаларида, Забайкалияning кўп қисмларида тарқалган.

Абадий ва кўп йиллик музликлар билан қопланган ҳудудларда ер ости сувларининг ер юзасига булоқлар кўринишидаги оқиб чиқиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Булоқлар ўзларининг оқиб чиқиш манбаларига қараб, юқоридан пастга оқувчи ва пастдан юқорига отилиб чиқувчи гурухларга бўлинади.

Юқоридан пастга қараб оқувчи булоқлар асосан музлаган қатлам усти сувлари ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, маҳаллий эрозия базасидан юқорида жойлашади ва улардан оқиб чиқувчи сувнинг сарфи йил мобайнида ниҳоятда ўзгарувчан хусусиятга эга. Шунинг учун бу гуруҳдаги булоқлар фаслий ва доимий оқувчи булоқларга ажратилади.

Пастдан юқорига отилиб чиқувчи булоқлар музлаган қатлам ости сувларининг ер юзасига маълум босим остида отилиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади.

Бундай булоқларга оқиб келаётган ер ости сувлари йил мобайнида тоҳ яхлаш ва яна сув оқимиға айланиши мумкин (12.1-расм). Шунинг учун улар вақт-вақти билан қуриб қолувчи, фасллараро ўзгарувчан, ўз оқиб чиқиш жойини ўзгартириб турувчи, йил мобайнида оқиб турувчи доимий сарфли ва доимий сарфга эга бўлмаган булоқлар турларига бўлинади (М.В. Седенко, 1979).

### **Такрорлап ва текшириш учун саволлар**

1. Музлаган тоғ жинслари қатламларида учровчи ер ости сувлари тўғрисида гапириб беринг. Улар қандай гурухларга бўлинади?

2. Музлаган қатлам усти, музлаган қатламлараро, музлаган қатлам ости сувларининг бир-бирларидан фарқланиш омиллари тўғрисида гапиринг. Улар қайсилар?

3. Доимий ва кўп йиллик музликлар ҳудудлардаги булоқлар қандай пайдо бўлади? Уларнинг турлари тўғрисида гапириб беринг.

4. Гидролакколитлар қандай вужудга келади? Уларнинг ер усти сатҳ тузилишини ўзгартиришдаги таъсири тўғрисида тушунча беринг.

### **13-боб. Булоқлар**

Булоқлар ер ости сувлари оқимини ер юзасига ёки дарё, денгиз кўл сувларининг остики қисмидан табиий ҳолатда оқиб чиқиши натижасида пайдо бўлади.

### **13.1.Булоқларнинг гидродинамик ҳусусиятларига қараб бўлиниши**

Булоқлар гидродинамик ер ости сув оқими билан таъминланиш даражаси ҳусусиятларига қараб: пастга оқувчи, пастдан юқорига оқувчи гурӯҳларга бўлиниади.

#### **13.1.1.Пастга оқувчи булоқлар**

Пастда оқувчи булоқлар юзаки, грунт, қатлам усти, қатламлараро, тектоник тўсикли босимсиз карст. ер ости сувларини дарё водийлари, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ботиқ сатҳлар бўйлаб ер юзасига эркин оқиб чиқиши натижасида пайдо бўлади (13.1-расм а.б.в.г.д.е.ж.з). Бу гурӯҳдаги булоқларнинг вужудга келишида асосий омиллардан бўлиб, булоқларни пайдо қилувчи сувли қатламларнинг табиий ётиш қоялиги хисобланади.

Шунингдек, булоқларнинг ойлик, йиллик сув дебитининг<sup>1</sup> миқдори атмосфера ёғинининг ойлик, йиллик миқдори билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Булоқларнинг сув сарфи сувли тоғ жинс қатламларининг ётиш ҳолатига, таъминланиш майдонининг ўлчамига қараб асосан ҳар сонияга 0,1 дан 1,5 литрни ташкил этади. Лекин баъзи пастга оқувчи булоқларни дебити сонияда 100-700 л га бориши ҳам мумкин. Жумладан, Жиззах вилоятидаги «Авлёсота» (100 л-с.к.), Фарғона вилоятидаги «Чашма» (700 л-с.) булоқлари шулар жумласига киради (Н.Г.Мавлонов)<sup>2</sup>. Одамларнинг хўжалик ва инженерлик фаолиятлари бу хилдаги булоқ сувларининг сарфига, физик ва кимё хосса ҳамда ҳусусиятларига жуда тез таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун эркин оқувчан булоқлар мавжуд майдонларни ниҳоятда эҳтиёт қилмоғ зарур. Чунки, улар баъзи ахоли яшайдиган ҳудудларда табиий ичимлик сувининг бирдан-бир манбаи бўлиб ҳисобланади.


#### **13.1.2.Пастдан юқорига отилиб чиқувчи булоқлар**

Пастдан юқорига отилиб чиқувчи булоқлар, асосан босимли (артезиан) сув қатламларнини ер юзасига чиқиб қолиши, ана шу артезиан сув қатламларини тектоник ёриқлар билан тўсиб қўйилиши, мавжуд босимли сувларнинг ер юзасига маълум гидродинамик босим остида устки жинс қатламларини бузиб отилиб чиқиши ёки ер ости грунт сувларининг ер юзасига оқиб чиқиши натижасида пайдо бўлади (13.2-расм а.б.в.г).


Отилиб чиқувчи булоқларнинг сув дебити пастга қараб оқувчи булоқлар дебитига нисбатан ниҳоятда катта бўлиб, асосан палеозой, мезазой ва палеоген, геоген, қисман қуий тўртламчи давр жинслари ёриқлари, карст бўшлиқлари, ғоваклари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

<sup>1</sup> Булоқдан маълум вақт бирлигига оқиб чиқаётган сув миқдори (хажми), л-сек ( $m^3\cdot s$ ),  $m^3\cdot соат$ ,  $m^3\cdot сутка$ ).

<sup>2</sup> Мавлонов Н.Г. Атлас родников Узбекистана. Ташкент. 2006, 92 с



13.1-расм. Пастта әрқин оқувчи булоқтар (М.Е.Альтовский ва бошқа мавжуд маңылумоттар бүйінчa): а-литологик экранлашған булоқтар; б-тектоник экранлашған булоқтар; в,г,д,е,ж,з,и-дарё эрозия водийларидан оқиб чиқувчи (д-делновиал жинс-әтқизиқлари билан қолданған жойлардан); ж-она (магматик ва б.) тоғ жинслари үнча-лик чукурда ётмаган жойлардан ва з-маңылум баландликлардан оқиб тушувчи; и-карстбулоқтар; 1-сувли күм қатламлари; 2-сув ўтказмас жинс қатлами; 3-сув оқими йүлини тұсуви қатлам; 4-оқактош қатлами; 5-она тоғ жинси; 6-пастта оқувчи булоқ



13.2-расм. Пастдан юқорига отишиб чиқувчи булоқтар (М.В.Альтовский ва бошқа мавжуд маңылумоттар бүйінчa) а-дарё водийларидан оқиб чиқувчи эрозиявий булоқтар; б,в-тектоник экранлашған булоқтар; г-босимли сув таъсири натижасыда сув ўтказмайдыган қатламнинг бузилиши ёки грунт сувлари оқими таъсири остида босимли сувларнинг ҳаракатта келиши оқибатида пайдо бўлган булоқтар; 1-сув ўтказмайдыган жинс қатлами; 2-сувли оқактош; 3-босимли сув ҳаракати натижасыда сув ўтказмайдыган қатламни ёриб чиқиш жараёни; 4-сувли күм қатлами; 5-ер ости сувларининг пастдан юқорига ҳаракат килиши натижасыда вужудга келган булоқтар

Булоқтар кўп холларда юқори даражада минераллашған, юқори ҳароратга ва дебитга эга бўлади. Масалан, Чотқол-Қурама тоғли зона

худудида тарқалған полеозой даври карбонат жинсларидан чиқуучи булоқлар, жумладан, Хожикент, Күлдөн гурұхидаги булоқ сувларининг дебитисонияда 100-250 л/ни, (Тошкентолды артезиан ҳавзаси, К.П.Петушков, О.Б.Зубкова) «Қудаш», «Қамбарота» (Фарғона, Андижон вилоятлари) булоқлари дебити сонияда 150-1000 л/ни (Н.Мавлонов, 2006) Ангрен дарёси юқори оқимининг ўңг худудидаги триас даврининг қызил гранит жинслари ёрикларидан (денгиз сатхидан 3000-3500 м баландлиқда) отилиб чиқуучи Арашон гурұхидаги булоқ сувининг ўртача йиллик ҳарорати 37,9°C ни ташкил этади.

Г.В.Богомоловнинг матъумотига кўра дунёдаги энг йирик булоқлар АҚШ, Жанубий Африка республикаси, Ливия, Бирлашган Араб Амириклари, Испания, Греция, Италия, Чехословакия, Венгрия, Туркия, Хиндистон, Австралия давлатлари худудларида жойлашган. АҚШ нинг Айова, Жоржия, Флорида штатларидағи баъзи булоқларнинг дебити соатига 8000 м<sup>3</sup>/ни, Жанубий Африка Республикаси худудидаги булоқлар дебити соатига 2000 м<sup>3</sup>/ни ташкил қиласди. Баъзи булоқлар ер юзасига отилиб чиққанда жудда катта миқдордаги минерал тузларни ҳам олиб чиқиши мумкин. Бундай булоқлар жумласига Чехословакиядаги «Вржидло» булоғини киритиш мумкин. Бу булоқнинг дебити сонияда 30 м<sup>3</sup>/ни, сув ҳарорати 72°C. ер юзасига нисбатан отилиб чиқиши баландлиги 12 метрни ташкил қилиб, ҳар йили сув чиқаётган жойда 17 тонна миқдордаги туз ётқизигини ҳосил қиласди. Венгрияning Будапешт шаҳри худудида 123 та иссиқ булоқлар мавжуд бўлиб, улардан суткада 40 000 м<sup>3</sup> шифобахш сув олинади.

Булоқ сувлари дебитининг фасллар, йиллар мобайнида ўзгариб туришини ҳисобга олиб, улар жуда мунтазам ўзгарувчан, жуда ўзгарувчан ва ўта ўзгарувчан гурӯхларга ажратилади.

Шунингдек, табиатда булоқларнинг техноген, яъни одамларнинг инженерлик ва хўжалик фаолиятлари билан боғлиқ бўлган турлари ҳам мавжуд. Бундай булоқлар сув омборлари тўғонининг пастки қисмидан сувнинг сизиб чиқиши. қишлоқ хўжалик экинларини сугориш жараённида сувнинг ер остига сингиши ва нисбатан паст нукталаридан сизиб чиқиши, грунт сувлари ҳаракат йўналишини иморат ва иншоотлар пойдеворлари билан тўсиб қўйилиши, сув қувурлари, канализация тармоқларининг бузилиши натижасида вужудга келган оқова сувларининг ер юзасига сизиб чиқиши оқибатида пайдо бўлади. Бу гурӯхга кирувчи булоқлар, ўзларининг пайдо бўлиш шароитига қараб вақтинча оқимга эга бўлган бўлоқлар туркумига киради. Таъминлаш манбайнинг тугаши билан, булоқлар бутунлай қуриб қолишлари ҳам мумкин.

### **13.2. Табиатда булоқларнинг тарқалиши ва зоналаниши хусусиятлари**

Үёки бу худудда булоқларнинг мавжудлиги ва тарқалиши шу худуднинг ер сатҳи тузилишига, иқлим шароитига, денгиз сатҳига нисбатан тутган ўрнига, тоғ жинсларининг таркибига, хосса ва хусусиятларига, тектоник ҳолатига боғлиқ. Булоқлар ўзларининг вужудга келиш табиий шароити, тарқалиш, жойлашиш, сувга сероб ёки кам сувлилиги (дебити)га қараб, баланд тоғ зонасидан, ўрта, паст тоғ, тоғолди ва текислик зоналарига, яъни денгиз сатҳига нисбатан мутлақ баландликнинг пасайиб бориши билан ўзгариб бориш-зоналаниш хусусиятига эга. Ю.С.Ковалевнинг (ГИДРОИНГЕО) маълумотларига кўра, республикамиздаги барча булоқлар сув оқимининг 75-80 фоизини баланд тоғ (2500 м дан баланд) зоналарида жойлашган булоқлар, ўрта баладликдаги (1500-2500 м) тоғ зоналарида – 15 фоизидан ошиқ, паст тоғли (800-1500 м) зоналарда 1-3 фоизини ташкил этади. Баланд тоғли зоналардаги булоқлар сув дебити кўп ҳолларда 1,5-10 л-с. (Қашқадарё, Тошкент вилоятлари) Сурхондарёда баъзан 50-70 л-с оралигига ўзгаради. Булоқлар асосан памозой даври гранит, гранодиорит, оҳактош, сланец, қумтош жинсларидан ўрин олган бўлиб, кам минераллашган (0,1-0,5 г-л), гидрокорбанат-кальцийли сувлар гурухига мансубdir.

Ўрта баландликдаги тоғлар зонасидаги булоқлар полезой, мезозой, қисман кайназой даври жинсларидан пайдо бўлган. Булоқлардан чиқаётган сувнинг дебити 1,5-10 л-с, минераллашиб даражаси 0,15-0,7 г-л оралигига ўзгаради. Таркибига кўра гидрокарбанат-кальцийли (натрийли, магнийли) сувлар гурухига киради.

Баланд, ўрта, паст баландликлардаги тоғли зоналардаги булоқларнинг фаолияти асосан ёриқ, карст сувлари фаолияти билан боғлиқ.

Пастбаландликдагитоғлар зонасидаги булоқларасосан памозой, қисман мезозой, палоген, неоген даври жинсларидан ўрин олган. Дебити 1,5-15 л-с (кўп ҳолларда 1,5-3 л-с) ни, умумий минераллашиб даражаси 0,2-0,8 г-л (кўп ҳолларда 0,2-0,6 г-л) ни ташкил этади. Сувлар асосан гидрокарбанат-кальцийли, баъзан сульфат-кальцийли таркибга эга. Сувларнинг ҳарорати - асосан 10-12°С.

Тоғолди (адир) зонасидаги булоқлар фаолияти грунт, босимли сувлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, асосан пастдан юқорига отилиб чиқувчи булоқлар гурухига киради. Бу гурухга киравчи булоқларнинг дебити асосан 1,5-10 л-с га, баъзан 20-30 л-с га, ҳатто 100-150 л-с га бориши мумкин. Бундай булоқларга мисол қилиб Андижон вилоятининг Ойим қишлоғидаги «Ойим булоқ»ни, шу қишлоқдан 5 км масофада жойлашган «Қамбар ота», Балиқчи туманидан «Кўл», Тошкент вилояти Олмалиқ шахри яқинидаги «Қирқ киз» булоқларини кўрсатиш мумкин. Сувларнинг минераллашиб даражаси кўп ҳолатларда 0,2 дан 1 г-л оралигига ўзгаради. Таркиби жиҳатдан

гидрокорбонат-кальцийли сувлар гурухига киради. Сувнинг ҳарорати – 12-17°C оралиғида.

Текислик зонасида булоқлар бошқа зоналарга нисбатан кам бўлиб, асосан Навоий вилоятининг Марказий қизилкум ҳудудларида мавжуд. Дебити 1,5-2 л-с, минераллашиш даражаси 0,6-0,8 г-л, кимёвий таркиби бўйича гидрокорбонат-натрийли сувлар гурухига мансуб. Ушбу булоқларнинг вужудга келишига тектоник ёриклар асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бу булоқлар «Ирлир», «Кўлқудук» номлари билан маълум.


Шунингдек, текислик зонасига киравчи булоқлар туркумига шартли равишда Фаргона вилоятининг денгиз сатҳидан 416-431 м баландликдаги қатор булоқлар («Қайнар булоқ», «Ойдин булоқ», «Оқсу», «Тош булоқ», «Толаш булоқ», «Қудаш» ва бошқа) ни ҳамда Андижон вилоятининг денгиз сатҳидан 464-484 м баландликдаги ҳудудларида жойлашган булоқлари («Оқ ойдин», «Сарик сув», «Тузлоқ буви», «Кўл», «Қорабош булоқ» ва б.)ни киритиш ҳам мумкин. Бу булоқлар ўзларининг вужудга келиш, жойлашиш шароити, сув сарфининг нисбатан кўплиги билан ажralиб туради. Уларнинг дебити асосан 0,3 («Тузлоқ буви») дан 20 л-с («Кўл»), минераллашиш даражаси 0,16 дан 4,2 г-л оралиғида ўзгариади. Кимёвий таркиби бўйича гидрокорбонат-кальцийли, сульфат-кальцийли булоқлар туркумига киради. Ҳарорати - 14 дан 22°C гача.

### 13.3.Булоқлар режими

Булоқларнинг режими деганда, улардан маълум вақт (ойлар, фасллар, йиллар, кўп йиллар) мобайнида оқиб чиқувчи сув микдори, таркиби, ҳароратининг ўзгариши тушунилади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг табииати, вужудга келиш ва таъмин-ланиш майдони тўғрисида, қайси соҳаларда ишлатиш мумкинлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар чиқариш, чора-тадбирлар белгилашда асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Булоқларнинг режими ўзгариши қатор табиий ва нотабиий омилларга боғлиқ. Табиий омилларга булоқларни вужудга келиш ва сарфланиш ҳудудининг геологик, об-ҳаво, геоморфологик шароити, ўсимликлар дунёси ва бошқалар киради. Нотабиий омилларга одамларнинг инженерлик ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган сув омборлари ва тўғонларини куриш, ерости иншоатларини (сув чиқариш бурғу қудуклари, метрополитен, газ қувурларини куриш ва бошқалар) киради.

Булоқлар режимини ўрганиш ва кузатиш ишлари, мониторинг қилиш, маҳсус ташкил этилган «Гидрорежим» станциялари томонидан олиб борилади. Бундай кузатиш ишлари вазифалар мөхиятига қараб доимий, фаслий ва аҳён-аҳёнда олиб бориладиган бўлади. Мониторинг ишлари натижалари асосида маҳсус чизмалар тайёрланиб, унда нафақат сувнинг дебити,



13.3-расм. Булоқлар режимини тасифловчи чизма (В.М.Максимов ва Д.И.Пересунколардан). А-атмосфера ёгини, мм; Д-булоқ-нинг дебити, л/сек; М-сувнинг мине-раллашиш даражаси, г/л; Т-сувнинг ҳарорати, °С.

Булоқ сувлари ўз дебитларини ва ҳароратини ўзгариб туришига қараб, тоифа таснифланади (13.1, 13.2-жадваллар).

### 13.1-жадвал

#### Булоқларнинг дебити бўйича таснифи (А.М.Овчинников бўйича)

Тоифа	Булоқларни ўзгарувчанилик даражаси	$Q_{min}$ : $Q_{max}$
I	Жуда доимий	1:1
II	Доимий	1:1 дан 1:2
III	Ўзгарувчан	1:2 дан 1:10
IV	Жуда ўзгарувчан	1:10 дан 1:30
V	Ҳаддан зиёд ўзгарувчан	1:30 дан 1:100

минераллашиш даражаси, ҳарорати, шу билан бирга, булоқ жойлашган ҳудудга тушган ёғин миқдорининг йил мобайнида ўзгариш хусусиятлари ҳам кўрсатилиди (13.3-расм). Баъзан чизмада ер ости сувининг сатҳи, кимёвий таркиби, ҳаво ҳарорати, намлилиги, босими, буғланиш тўгрисида ҳам маълумот берилади.

Булоқлар сув бериш хусусиятларига қараб, 1-доимий ҳаракатдаги, 2-фасллар мобайнида ҳаракат қилувчи. 3-ахён-ахёнда (маълум ритм) ҳаракат қилувчи булоқлар гурухларига бўлинади Альтовский, 1961. Биринчи гурухга кирувчи булоқлар сув режими йиллар, кўп йиллар мобайнида ўзгармайди. Иккинчи гурухга кирувчи булоқлар ўз сув режимини йилнинг маълум вақтларида ўзгартириб туради. Учинчи гурухга кирувчи булоқлар ўз сув режимини маълум вақтлар, сутканинг маълум бир соатлари давомида ўзгартириб туради.

## 13.2-жадвал

### Булоқ сувларининг ҳарорати бўйича таснифланиши (В.М.Максимов, Д.И.Пересунколардан)

Класс	Булоқлар	Ҳарорат, °C
I	Хаддан зиёд совуқ	0 дан паст
II	Жуда совуқ	0-4
III	Совуқ	4-20
IV	Илиқ	20-37
V	Иссик	37-42
VI	Жуда иссик	42-100
VII	Хаддан зиёд иссик	100 дан юқори

Булоқларнинг табиий режими ўзгариши асосида Н.Н.Бендеман қўйидаги қонуниятларни аниқлаган:

1. Сувли қатламларнинг таъминланиш майдони билан тарқалиш майдони бир-бирига мос бўлса, булоқларнинг дебити шунчча ўзгарувчан бўлади.

2. Таъминланиш ҳудуди билан сарфланиш ҳудуди қанчалик яқин бўлса, булоқлар дебити шунчалик ўзгарувчан бўлади.

3. Сувли қатламларнинг фильтрация коэффициенти қанчалик катта бўлса, булоқ сувлари режими ўзгариши шунчалик юқори бўлади.

4. Агар аэрация зонаси сувни яхши ўтказмайдиган тоғ жинсларидан ташкил топган бўлса, булоқ сувларининг режими шунчалик кам ўзгарувчан бўлади.

Республикамиз ҳудудида шундай булоқлар борки, уларнинг дебити йил фасллари бўйлаб ниҳоятда ўзгариб туради, жумладан, Ургут шахри (Самарқанд вилояти) жануби-шарқий қисмидаги девон даври оҳактошлари тектоник ёриклидан чиқувчи «Торинисоқ» булогидан оқувчи сувнинг миқдори ёз ва баҳор фаслларида сониядда 150 л дан 345 л, минераллашиш даражаси 0,1 дан 0,2 г-л га, қаттиқлиги 3,7-3,9 оралиғида ўзгариб туради. Бундай булоқлардан Китоб (Қашқадарё вилояти) шахрининг шимоли-шарқий қисмida жойлашган «Қорабулоқ», Обизаранг дарёси ҳавзасида жойлашган «Ҳожи майхона», «Чаканак»(Сурхондарё вилояти) ва қатор бошқа булоқларни ҳам кўрсатиш мумкин (Мавлонов, 2006).

#### Такрорлаш ва текшириш учун саволлар

1. Булоқлар қандай пайдо бўлади? Улар пайдо бўлишига қараб қандай гурӯҳларга бўлинади?

2. Пастга оқувчи ва пастдан юқорига отилиб чиқувчи булоқлар тўғрисида тушунчча беринг.

3.Дунёдаги энг йирик булоқлар қайси давлатлар худудларига жойлашган? Уларнинг дебитлари, ҳарорати тўғрисида гапириб беринг.

4.Булоқлар қандай белгиларига қараб таснифланади? Техноген булоқлар қандай пайдо бўлади? Улар оқимининг вақтингчалигига таъсир этувчи энг асосий омиллар тўғрисида гапириб беринг.

5.Республикамиз ҳудудида жойлашган ва зоналланиш хусусиятларига эга булоқлар тўғрисида тўлиқроқ маълумот беринг. Баланд, ўрта, паст баландлиқдаги тоғ, тоғолди, текислик зоналаридағи булоқларнинг дебити, минераллашиш даражаси, ҳарорати ва бошқа хусусиятлари қандай ўзгаради?

6.Булоқларнинг режими тўғрисида сизнинг тушунчангиз.

7.Булоқларнинг режими ўзгаришига таъсир этадиган табиий ва нотабиий омиллар қайслар? Булоқлар сув бериш хусусиятларига қараб, қандай гурухларга бўлинади? Ҳароратига қараб-чи?

#### **14-боб. Минерал шифобахш, термал ва санот аҳамиятига эга бўлган ер ости сувлари**

Ер ости сувлари деярли ҳамма соҳаларда (қишлоқ хўжалигида, саноатда, тиббиётда ва бошқалар) ишлатиладиган арzon табиий хомаше бўлиб ҳисобланади. Лекин ўз таркиби, хосса ва хусусиятларига кўра ичиш мақсадлари учун тўғридан-тўғри кенг миқёсда кўлланилиши ва маълум соҳалар учун (қишлоқ хўжалигида – дехқончилик ва чорвачилик, тиббиётда – одамларни даволаш, саноат ва бошқа соҳалар учун зарур бўлган моддаларни ажратиб олишда фойдаланиш ва ҳоказолар) аниқ йўналтирилган ҳолда ишлатилиши аниқланган. Чунки, ичиш мақсадлари учун фойдаланадиган сувлардаги минерал тузларнинг умумий миқдори ҳар литрига 100 мг дан ошмаслиги, суғориш учун – 5 грамдан, саноатда (буғ қозонларида ишлатиладиган сувларнинг) – ҳар бир литрида 300 мг дан кўп бўлмаслиги керак. Шунингдек, тиббиётда маълум кассалларнни (ичак-ошқозон, буйрак, бод ва бошқалар) даволашда кўлланиладиган минерал сувларнинг турига қараб ишлаб чиқилган меъёрларга амал қилинади.

##### **14.1. Минерал шифобахш сувлар**

Ўз таркибида маълум даражада минерал тузлар бўлган, ўзига хос хосса ва хусусиятларга эга, киши танасига ва ички органларига у ёки бу даражада физиологик таъсир кўрсатувчи ер ости сувлари минерал шифобахш сувлар, деб аталади. Минерал сувлар таркибида темир, бром, йод, литий, олтингугурт, радиоактив ва бошқа элементлар бўлиб, ана шу элементларнинг кўп-озлигига қараб уларнинг шифобахшлиги

белгиланади. Ер ости сувлари, жумладан, минерал сувлар таркиби, хосса ва хусусиятларининг вужудга келишида ва ўзгаришида энг асосий омиллар бўлиб, қўйидагилар хисобланади (В.А.Бережной, А.А.Шебест, 1991):

1.Ер ости сувлари ҳаракат қилувчи тоғ жинслари (хлоридлар ва сульфатлар турнидаги)нинг минерал таркиби. Бунда энг асосий таъсирни органик таркибли жинслар (кўмир, ёнувчи сланец, нефть, битумлар ва бошқалар) кўрсатади.

2.Атмосфера ёғинининг тоғ жинслари қатламларига сизиб кириши жараёнида ўзи билан бирга жуда кўп кимёвий элементларни, жумладан, кислород, азот, карбонат ангиридан газини олиб келиши ер ости сувлари кимёвий таркибини вужудга келишида катта аҳамиятга эга.

3.Денгиз ва океан тубида бир вақтлар (маълум геологик давр давомида) ётқизилган тоғ жинслари таркибидаги мавжуд сувларнинг кейинги геологик даврлар мобайнида юқори босим остида сиқилиши оқибатида ер ости сувлари баландлиги вужудга келади. Бу сувлар седиментациявий сув номи билан аталиб, ўз таркиби бўйича ана шу тоғ жинслари ётқизилиши давридаги сув ҳавзасидаги сув таркиби билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Лекин бундай палеосув ҳавзалари билан боғлиқ бўлган ер ости сувларининг таркиби, уларни ётиш чукурлигининг ошиши жараёнида у ёки бу даражада ўзгарган, баъзан ниҳоятда минераллашган бўлади.

4.Хозирги замон вулкан ҳаракатлари ва тектоник фаоллик ероистисувлари минерал таркиби ўзгаришида, янги кимёвий элементлар билан бойишида катта аҳамиятга эга. Вулканларнинг отилиб чиқиши жараёнида ер ости магма ўчоғидан чиқадиган катта миқдордаги водород, олтингугурт, сульфат кислотаси, сув буғлари, карбонат ангиридан гази ва бошқа элементлар ер ости сувларига қўшилади. Мавжуд ер ости сувларининг минерал таркиби бутунлай ўзгарган, ҳарорати ниҳоятда кўтарилган бўлиб, бутунлай янги таркибдаги, янги хосса ва хусусиятга эга бўлган ер ости суви вужудга келади. Бундай сувларни фанда парогидротерм сувлар, деб юритилади.

5.Ер ости сувларининг минерал таркиби ўзгаришида одамларнинг хўжалик ва инженерлик, яъни техноген фаолиятлари ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади. Баъзан бундай сувлардан фойдаланиш жараёнида ернинг пастки қатламларидан ер юзасига сув билан бирга чиқариладиган эриган моддалар миқдоридан, ер ости қатламларига у ёки бу йўллар билан ўтказиладиган моддалар миқдорининг ниҳоятда кўп бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Жумладан, Ф.И.Тютюнова 1980 йилда Ер қобигининг 300 м ли зонасидан ер ости сувлари билан чиқариб олинган моддаларга қараганда, улар одамларнинг хўжалик фаолиятлари натижасида кўпроқ – 1,4 млрд тонна ҳар хил эриган моддалар билан бойитилгани, 2000 йилга келиб эса бу қиммат 2,5 млрд тоннага этишини таъкидлаган эди (1987).

Шунингдек, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши оқибатида ер юза катламларида захлаши, ботқоқланиши жараёнлари вужудга келмоқда. Бир вақтлар таркибида ниҳоятда кам миқдорда минерал тузлар бўлган тупроқ қатламларининг шўрланган, ўта шўрланган тупроққа айланиши кузатилмоқда. Ер қаъридаги минерал сувлардан режасиз фойдаланиш натижасида уларнинг захираси тезлик билан камайиб бормоқда.

Хозирги вақтда минерал шифобаҳш сувлар таснифлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг у ёки бу тоифага ажратишга, ёки киритишга асос бўладиган хосса ва хусусиятлари қўйдагилардан иборат:

1. Умумий минераллашиш даражаси.
2. Ион таркиби.
3. Сувнинг газлилилк таркиби ва газга тўйинганлиги.
4. Фаол микроэлементлар миқдори.
5. Радиактивлик хусусияти.
6. Ишқорий-кислотали хусусиятлар, pH қийматининг ўзгариши.

7. Ҳароратнинг ҳар хиллиги (Иванов, Невраев, 1965), жумладан минерал сувлар ўз таркибидаги кимёвий элементларнинг турига, миқдорига, шифобаҳшлилиги, сифатига қараб: карбонат ангиридили, олтингугуртли, иодли, бромли, темирли, радиоактивли ва бошқа сувларга ажратилади.

Республикамиз ҳудудида водород сульфидли, иодли, радонли, минераллашган ишқорий, термоминерал ер ости сувлари мавжуд.

**Водородсульфидли сувлар** Фарғона. Сурхандарё артезиан ҳавзаларида мавжуд бўлиб, палеоген даври чўкинди тоғ жинслари мажмуалари ҳамда битумли ётқизиклар ва нефть уюмлари билан боғлиқ ҳолда тарқалган. Шифобаҳшлилиги, минераллашиш даражаси ва кимёвий компонентларнинг турлари билан улар Сочи, Мацеста, Талги (Кавказ) олтингугурт сувларидан қолишмайди. Б.А.Бедер, А.С.Ҳасанов ва бошқа олимлар маълумотларига кўра (1971). Ўзбекистондаги олтингугуртли ( $H_2S$ ) конлар улардаги олтингугурт миқдорига қараб, куйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ўта катта миқдордаги  $H_2S$  концентрациясига эга бўлган ( $\sum H_2S = 1000 - 2000 \text{ мг/л}$ ) конлар – Шўрсув, Шимолий Сўх, Андижон.

2. Етарли миқдордаги  $H_2S$  концентрациясига эга бўлган ( $\sum H_2S > 120 \text{ мг/л}$ ) конлар – Чимион, Полвонтош, Ҳожиобод, Жанубий Оламушиқ ва бошқалар.

3. Ўрта ва кам миқдордаги  $H_2S$  концентрациясига эга бўлган ( $\sum H_2S < 120 \text{ мг/л}$ ) конлар – Чангара, Шўрсув ва бошқалар.

**Йодли минерал сувлар** ҳам асосан Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ҳудудларида (Чорток, Наманган) неоген даврининг массагет яруси ётқизиклари баландликларида аниқланган. Сув юқори даражада минераллашган (600 мг/л), ҳарорати юқори ( $49,5^{\circ}\text{C}$ ), кам радиоактивли,

газли бўлиб, дебити сонияда 1-5 литрни ташкил этади. Таркиби бўйича улар хлориди-натрий-кальций сувлар гурухига киради.

**Радоили минерал сувлар** Чотқол-Қурама тоғлари ҳудудида (Арслонбулоқ), Фарғона водийсининг жанубий, жануби-шарқий қисмида (Шоҳимардан), Сурхондарё. Амударё артезиан ҳавзаларида кенг тарқалган бўлиб, кам минераллашган (0,3-0,7), радоннинг энг кўп миқдори литрига 50-81 (Арслонбулоқ Шоҳимардан) эманни ташкил этади. Оҳангарон дарёсининг юқори оқими ҳудудларида, жумладан, Жигаристон каолин кони майдонида эса литрига 2,6 дан 17,2 эман атрофигача ўзгаради. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тоғ жинслари ичидаги радонга бойлиги билан интрузив жинслар (гранит, гранодиорит в. б.) ёриқларидан оқиб чиқувчи ерости сувлари ажralиб туради.

**Кам минералли ишқорий термоминерал сувлар** асосан Тошкент, Фарғона, Зарафшон артезиан ер ости сув ҳавзаларида тарқалган. Бундай сувлар Тошкентолди ҳудудида юқори бўр даврининг сенамон баландлигига жойлашган бўлиб, Ер остидан юқори босим остида (18-20 ат) отилиб чиқади, юқори ҳароратли (-42-67°C), сонияда 0,7-1,2 литр дебитга эга, нисбий минераллашиб даражаси паст (0,5 дан 0,9 г/л). Гидрокарбонат натрийли сувлар гурухига мансуб бўлиб, таркибидаги микроэлементлар (Si, Al, Fe, Ti, Mo, Mg ва б.к.) мавжуд. Уранинг миқдори  $4,8 \cdot 10^{-6}$  гача, радийники  $9,9 \cdot 10^{-12}$  дан  $1,4 \cdot 10^{-12}$  г/л, радонники -3,07 дан 7,8 эман оралигида. Таркибидаги эриган азот миқдори 72,8-89,6 фоиз, кислород 12-18,6 фоиз, карбонат ангидриид гази 0,5-8,9 фоизга боради. Сув юмшоқ, ишқорий бўлиб, умумий қаттиқлиги 1,5-2,5 мг/л, рН-7,2-8,2 дир. Ҳозирги вақтда бу сув «Тошкент минерал суви» номи билан машҳур бўлиб «Ботаника», «Федорович», «Келес», «Чинобод» ва бошқа санаторияларда шифобаҳш сув сифтида кўлланилади.

Кам минераллашган ишқорий термоминерал сувлар Фарғона артезиан ҳавзасидаги неоген ётқизиқларининг бактерий ярусида, юқори мел қатламларида, Зарафшон артезиан ҳавзасининг эса юқори бўр конгломерат, гравелит қатламларида очилган.

В.А.Александров минерал сувларни 6 та тоифага бўлади. Улар қуйидагилар:

1.Гидрокарбонатли сувлар,  $\text{HCO}_3$ , ионлар 25 мг/экв дан ортиқ бўлади. Бошқа ионлар миқдори бундан кам. Бу сувлар ўз таркибидаги катионларнинг миқдорига кўра: натрий гидрокарбонатли, кальций гидрокарбонатли ва магний гидрокорбанатли сувларга бўлинади.

2.Хлорли сувлар. Хлор ионларининг миқдори 25 мг/экв.

3.Сульфатли сувлар. Сульфат ионлари 25 мг/экв дан ортиқ.

4. Арадаш сувлар. Юқоридаги уч тоифа ионлари камбинациясидан ташкил топған сувлар: а) хлорли-гидрокарбонатлы (сульфат иони изи); б) сульфатлы-гидрокорбанатлы (хлор иони кам); в) хлорли-сульфатлы сувлар.

5. Таркибида Fe, As, Ag, Br ва бошқа микроэлементлар бўлган сувлар.

6. Газли сувлар: а) карбонат ангидиридли; б) водород сульфатли; в) радиоактивли сувлар.

1956 йили В.А.Александров ўз таснини мукаммалаштирган ҳолда, сувларни нитратли, кальцийли, магнийли сувлар тоифаларига ажратиб, уларни: 1.Фаол ионли сувлар (мишъякли, бромли ва бошқалар). 2.Газли.

3.Термал сувлар гурухларига бирлаштириди.

Минерал сувлар кимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятларига қараб, куйцдаги 8 гурухга бўлинади:

1.Ишкорий сувлар. Таркибида натрий ёки кальций ва корбонат-кислота кўп.

2.Натрий хлоридли сувлар.

3.Темир Fe ( $\text{HCO}_3$ )<sub>2</sub> таркибли сувлар.

4.Тахир сувлар. Таркибида кўп миқдорда магний сульфиди мавжуд.

5.Сульфидли (олтингутургли) сувлар. Таркибида водород сульфид ва метал сульфидлари кўп.

6.Оҳакли сувлар. Таркибида карбонат ангидирид кўп.

7.Мишъякли сувлар.

8.Таркибида кимёвий элементлар жуда оз миқдорда бўлган, даволаш хусусияти кам сувлар.

Бу сувларнинг ичида карбонат ангидиридли (Кавказдаги «Нарзан», Марказий Осиёдаги «Арашан» гурухидағи сувлар), олтингутургли («Шўрсув», «Чимион» минерал сувлари), радиоактив («Арслонбулоқ», «Шохимардон» ва бошқа), йодли («Чорток», «Наманган») сувлар ўта шифобахшилиги билан ажратиб туради.

Минерал сувлардаги pH қийматининг ўзгариши сувнинг инсон организми учун таъсир даражаси ўзгаришида энг асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади. Жумладан, нордон сувлар оким моддасининг ивишини тезлаштиради. Ишкорий сувлар инсон териси эластиклигини оширади (Н.Н.Толстыхин, В.М.Максимов). Минерал сувлар pH қийматининг ўзгаришига қараб, куйцдаги гурухларга ажратилади:

1.Ўта нордон сувлар, pH-3,5

2.Нордон сувлар, pH-3,5-5,5

3.Кам нордон сувлар, pH-5,5-6,8

4.Нейтрагал сувлар, pH-6,8-7,2

5.Кам ишкорий сувлар, pH-7,2-8,5

6.Ишкорий сувлар, pH-8,5

Минерал сувлар ҳароратининг ўзгаришига қараб: совук ( $20^{\circ}\text{C}$ ), илик ( $20\text{-}37^{\circ}\text{C}$ ), иссиқ ёки термал ( $37\text{-}42^{\circ}\text{C}$ ), жуда иссиқ ( $42^{\circ}\text{C}$ ) сувларга бўлиниади (В.А.Александров).

#### 14.2. Термал сувлар

Табиий ҳолатда ҳарорати  $37\text{-}42^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори бўлган сувлар термал сувлар, деб аталади. Амалиётда ҳарорати  $32\text{-}100^{\circ}\text{C}$  оралиғида бўлган сувлар гипотермал, ҳарорати  $100^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган сувлар қайнок сувлар, деб юритилади. Термал сувлар юқори ҳароратга эга бўлганлиги учун ўз таркибида жуда кўп миқдордаги кимёвий элементларни эриган ҳолда ушлаб туриш хусусиятига эга. Термал сувлар ер сатхига нисбатан анча чукурликда вужудга келиши ва ётганлиги ҳамда асосан артезиан ҳавзалар майдонларида тарқалганлиги туфайли юқори босим остида бўлади. Шунинг учун буңдай майдонларда ўтказилган бурғулаш ишлари жараённида баъзан ер юзасига ер ости сувларини бир неча ўн, хатто 100 метр баландликка отилиб чиқиши мумкин.

Термал сувлар мамлакатимиз ҳудудидаги деярли ҳамма артезиан сув ҳавзаларида мавжуд. Тошкентолди, Фарғона, Сирдарё, Марказий Қизилқум, Зарафшон, Сурхондарё, Амударё ва Устюарт артезиан сув ҳавзалари шулар жумласига киради (14.1-жадвал). Термал сувлар дунёнинг жуда кўп мамлакатларида (Россияда, Қозоғистон, Грузия, АҚШ, Франция ва бошқалар) электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уйлар, иссиқхоналарни иситиши мақсадларида ҳамда катта миқдорда кимёвий моддаларни (йод, бром, олтингурут ва ҳар хил тузларни) ажратиб олишда қўлчанилади.

#### 14.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги артезиан сув ҳавзалари**  
мавжуд термал сувлар тўғрисида баъзи бир маълумотлар  
(А.С.Султохўжаев, Б.А.Бедор, А.С.Ҳасанов ва бошқалар бўйича)

Артезиан ер ости сув ҳавзалари	Майдони, минг $\text{km}^2$	Қайси давр тог жинслари қатлам- ларида жой- лашган	Ётиш чукурлиги. M	Сув деб. л/с	Тузлар миқ- дори, г/л	Сув ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$
Тошкент- олди	20	f-	350-770	0,3-23,5	2	34-50
		K			0,6-1	34-70
		PZ		20-40		125 <sup>x</sup>

Фарғона	20-25	N-P	450-1000	1-5	60 <sup>xx</sup>	41-72
		K			1-3	40-45
		PZ	4500-7000			150 <sup>x</sup>
Сирдарё	42	K				30-50
Марказий Қызылқум	50	K	100-300- 800	40	1-10	32-40
Зарафшон		F; K	142-600	17	2	22-103 <sup>x</sup>
Сурхондарё		f		5,8-13,8	0,7-0,8	24-65
		K	130-150 950-1000	2-10	3-10	37-45
		PZ				20-50
Амударё		f				20-60
		K		2,5-8,5		46-100 <sup>x</sup>
		PZ	50			20-50
Устюрг		K				20-75

х) Ошег юкори ҳарорат геотермик градиенттің экстраполяция күлип усули билан анықталған.

xx) Йод міндері.

#### 14.3. Саноат ахамияттағы бүлгелер сұвлар

Үз таркибида уәкітуші міндердегі кимёвий компоненттер (йод, бром, олтингугурт, литий ва ҳақозолар) мавжуд да ана шу микрокомпоненттерден маълум міндерда ажратыб олиш мүмкін бүлгелер сұвларга саноат ахамияттың бүлгелер минерал сұвлар, деб аталағы. Шунинг учун ҳам бундай сұвлар ҳар бир мамлакаттннг гидроминерал хомашёлар манбаи бўлиб хисобланади. Ҳозирги вактда минерал сұвлардан литий, вольфрам, цезий, мис, никель, йод, бром, олтингугурт элементтерини ва бошка (хлорли, сульфатли, карбонатли) шифобаҳаш түзларни ажратыб олиш услублари ишлаб чиқилган бўлиб, олинган хомашёлар саноатда ва тиббиётда кенг қўлланилади. Саноат ахамияттың бүлгелер минерал сұвлар жуда кўп мамлакатларда (АҚШ, Австралия, Греция, Россия, Чеховловская) мавжуд. Жумладан, Г.Б.Богомолов маълумотига кўра. Чехосло-вакиянинг Корлово-Вари зонасында ер юзасига нисбатан 12 м баландликка табиий босим остида отилиб чиқаётган, ҳарорати 72,20С ли, сонияда 30 м<sup>3</sup> сарғга эга бүлгел «Вриждло» булоқ суви орқали ер юзасига ҳар йили 17 тонна туз олиб чиқилади. Щу билан бирга, уннинг таркибида 40 дан ортик нодир элементлер (цезий, рубидий, таллий, селен, сурма, литий, стронций) ва радиоактив компонентлер борлиги ҳам аникланган. Саноат ахамияттың

эга бўлиб туз конлари баъзан улар мавжуд бўлган шаҳарлар номи билан аталадилар. Масалан. Россиядаги Соль-Вичигорск, Соликамск туз конлари шулар жумласига киради.

Республикамида саноат аҳамиятига эга бўлган минерал сувлар Фарғона водийси (Шўрсув, Шимолий Сўх, Андижон, Чимионда водород-сульфид сувлари, Чорткоқда йодли сувлар) ҳамда Ғарбий Ўзбекистоннинг катор зоналарида учрайди.

### **Такрорланган ва текшириш учун саволлар**


1. Минерал сувлар деб, қандай сувларга айтилади?
2. Минерал сувларни таркиби, хосса ва хусусиятларининг вужудга келишида ва ўзгаришида таъсир кўрсатадиган асосий омиллар тўғрисидда гапириб беринг.
3. Минерал сувлар таркиби, хосса ва хусусиятларига қараб қандай тоифаларга бўлинади? Шифобахшлигига қараб-чи?
4. Республикаиз ҳудудида тарқалган минерал сувлар тўғрисида гапириб беринг.
5. Термал сувлар, деб қандай сувларга айтилади?
6. Қандай сувлар саноат аҳамиятига эга бўлган сувлар ҳисобланади?
7. Минерал сувлардан қандай кимёвий микроэлементлар ва тузлар ажратиб олинади?

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

### 15-боб. Ер ости сувларининг динамикаси

Ер ости сувларининг динамикаси деганда, маълум таркибга ҳамда литологик, гранулометрик, кимёвий, физик ва бошқа сувлилик хосса ва хусусиятларга (зичлик, ғоваклик, намлик ва хоказолар) эга бўлган жинс қатламларида ўёки бу хароратдаги сувларнинг ҳаракат қилиш қонуниятлари тушинилади. Маълумки, сув молекулалари бир-бири билан кўшилиб, муайян таркибдаги, калинликдаги, сарфдаги ва йўналишдаги эркин ер ости гравитация сув оқимига айлангунга қадар бир қанча холатларда (буғ, гигроскопик, молекуляр, капилляр ва бошқалар) бўлади.

#### 15.1. Ер ости сувларининг ҳаракат қилиши турлари ва қонуниятлари




15.1-расм. Ер ости грунт сувларининг ҳаракат йўналиши. 1-сув ўтказмас қатлам; 2-ер ости грунт сувининг сатхи; 3-сувсиз жинс қатлами; 4-сувли қатлам; 5-дарёдаги сув сатхи, 6-ер ости грунт сувининг ҳаракат йўналиши; 7-бургу қудуклари ва уларнинг рақамлари; 8-ер ости грунт сувининг булок холатида дарё водийсидаги чиқиши йўли; 9-1 ва 2 қудуклардаги ер ости суви баландлиги; 10-1 ва 2 қудуклар оралиги масофаси; 11-1 ва 2 қудуклардаги ер ости грунт сувлари сатх баландликларининг фарки; 12-1 ва 2 қудуклардаги сув баландликларини кўрсатувчи нукталар

Тоғ жинслари қатламларида вужудга келган ер ости сувларининг маълум йўналишдаги ҳаракати ёки фильтрацияланиши сув оқимининг икки нуктаси баландликлари орасидаги фарқга ва нукталар орасидаги масофага боғлиқ. Фильтрация босимсиз ва босимли бўлиши мумкин. Босимсиз фильтрация грунт сувларига, босимли фильтрация артезиан сувларига хос.

Айтайлик грунт суви А нуктадан Б нукта йўналишига караб ҳаракат килмоқда (15.1-расм). Сувнинг А нуктадаги баландлиги- $H_1$ , Б нуктадаги баландлиги- $H_2$ , нукталар орасидаги масофа  $L$  бўлсин. Унда нукталар орасидаги фарқ бўлади. Табиатда бу фарқ қанча катта бўлса, грунт сув оқимининг тезлиги ҳам шунча катта бўлади. Фанда нисбати гидравлик қиялик ёки гидравлик градиент, деб юритилади.



15.2-расм. Анри Дарси  
(1803-1858)



15.3-расм. Дарси  
куртламасининг умумий  
кўрининиши

сизиб ўтган сув миқдори оқимининг кўндаланг кесими юзаси, фильтрация коэффициенти ва босим градиентига ёки оқим қиялиги I га тўғри пропорциональ эканлигини аниқлади. Шу билан у ғовакли тоғ жинсларида ер ости суви оқимининг чизиқли фильтрация қонуни очди. Шунинг учун бу қонун фанда Дарси қонуни деб аталиб, куйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$Q = K_{\phi} \cdot F \frac{h_1 - h_2}{L} = K_{\phi} \cdot L \cdot J$$

Бу сарда:  $Q$ -вакт бирлигига сизиб ўтган (фильтрацияланган) сувнинг миқдори,  $\text{m}^3/\text{сут}$ ;  $K_{\phi}$ -ўрганилаётган жинс учун доимий қиймат; жинс қатламиининг фильтрация қиймати,  $\text{м}/\text{сут}$ ;  $F$ -жинс қатламидаги (цилиндр-

Ер ости сувлари оқимининг тоғ жинслари қатламлари бўйлаб ҳаракати қонуниятларига кўра, улар ламинар чизиқли ва турбулент чизиқсиз оқимли сув турларига бўлинади.

Ламинар оқимига эга бўлган ер ости сувлари асосан ғовакли, майда донадор (кум, кумлок, нисбатан бир хил йирикликлардаги шағал, гилли) тоғ жинслари қатламларида вужудга келади. Оқим эркин, текис-паралель, узлуксиз бўлиб, тезлиги унча катта эмас. Сув сатҳига тушадиган босим атмосфера босимига тенгдир.

Ламинар орқали ер ости сувларининг ҳаракат қилиш қонунияти биринчи маротаба 1856 йили француз гидравлик олими А.Дарси (15.2-расм) томонидан маҳсус тажриба йўли билан аниқланган (15.3-расм). Бунинг учун қеракли (I) цилиндр олиниб, кум билан тўлғизилади ва кум ғоваклари сувқуибтўйинтирилади. Сувнинг қум қатламидан сизиб ўтиш жараёнида маълум қаршиликни енгиб ўтиши, яъни қандайдир даражада босим сарф қилинишини хисобга олиб, цилиндрнинг юкори ва пастки қисмига букилган пъеозаметрик найча ўрнатилади (3,4). Найчалардаги сув ҳар хил сатҳларда, юкоридагиси юкори, пастдагиси паст этиб белгиланади. Сўнгра цилиндрда бир хил сатҳда ушлаб турилган сув жўмрак орқали (I) маҳсус идишга (II) оқизилиб, сувнинг қум жинси ғоваклари орқали сизиб ўтиши таъминланади ва маълум вакт давомида оқиб ўтган сув сарфи ўлчаб борилади.

Олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида А.Дарси цилиндрдан маълум вакт бирлигига

оқимининг кўндаланг кесими юзаси, фильтрация

коэффициенти ва босим градиентига ёки оқим қиялиги I га тўғри пропорциональ эканлигини аниқлади. Шу билан у ғовакли тоғ жинсларида ер ости

суви оқимининг чизиқли фильтрация қонуни очди. Шунинг учун бу қонун

фандада Дарси қонуни деб аталиб, куйидаги тенглама орқали ифодаланади:

Бу сарда:  $Q$ -вакт бирлигига сизиб ўтган (фильтрацияланган) сувнинг

миқдори,  $\text{m}^3/\text{сут}$ ;  $K_{\phi}$ -ўрганилаётган жинс учун доимий қиймат;

жинс қатламиининг фильтрация қиймати,  $\text{м}/\text{сут}$ ;  $F$ -жинс қатламидаги (цилиндр-

даги) сув оқимининг кўндаланг кесими юзаси, м<sup>2</sup>; J-босим градиенти  $\frac{h_1 - h_2}{L}$  ёки гидравлик нишоблик (қиялик); L-фильтрация (сизиб ўтиш) йўлиниңг узунлиги, м-см.

Тенгламанинг икки томонини сув оқимининг кўндаланг кесимига бўлиш  $\frac{Q}{F}$  орқали фильтрация тезлиги (V) топилади, яъни

$$V = \frac{Q}{F} = K_J J$$

Агар босим градиенти  $J=1$  деб олинса, фильтрация тезлиги (V) ва фильтрация коэффициенти ( $K_\phi$ ) бир-бирига тенг ( $V=K_\phi$ ) бўлади. Демак, қиялик қиймати бирга (1) тенг бўлганда, фильтрация коэффициентининг қиймати фильтрация тезлигига тенгдир. Лекин, бу қиймат сувнинг тоғ жинслари ғоваклари (n) орқали сизиб ўтган ҳақиқий фильтрация коэффициенти бўлмай, балки сув оқимининг кўндаланг кесими юзаси сувли қатламниңг кўндаланг кесим юзасига тенг қилиб олинган. Шунинг учун сув оқимининг кўндаланг кесими юзаси тоғ жинслари ғоваклари юзасига тенг, деб олинса, грунт сувларининг ҳақиқий тезлиги (U) оқим сарфи қийматининг (Q) жинс ғоваклари юзаси (Fn) нисбатига тенг бўлади.

$$U = \frac{Q}{Fn}$$

Юқоридаги тенгликларни қиёслаш орқали  $V = Un$  ва  $U = \frac{V}{n}$  деб, олиш мумкин. Бу тоғ жинсларининг фильтрация тезлиги (V) ҳақиқий тезликнинг (U) тоғ жинслари ғоваклиги (n) кўпайтмасига тенглигини кўрсатади.

Тоғ жинслари ғовакларининг қиймати доимо 1 дан кичик бўлганлиги сабабли фильтрация тезлиги ҳамиша ғовакли тоғ жинслари қатламлари бўйича ҳаракат қилувчи ер ости сувлари ҳақиқий тезлигидан тахминан 3-4 марта кам бўлади (М.В. Седенко, 1979).

Турбулент ёки чизиқсиз оқимга эга бўлган ер ости сувлари ғовакли йирик донали дағал шағалтошлар, ниҳоятда серёриқ қоя тошлар ғоваклари, ёриқлари бўйлаб ҳаракат қилувчи сувлар бўлиб, ҳаракат йўли узоқ масофага чўзилганлиги, оқим тезлиги юқорилиги, нотекис гирдоб ҳосил қилиб оқиши билан ажralиб туради ва оқим ҳаракати билан канал, қувурлардан оқаётган сувларга ўхшаб кетади. Бу оқим ҳаракат тезлиги фанда фильтрациянинг чизиқсиз қонуни дейилиб. Шези-Краснопольскийнинг куйидаги формуласи билан ифодаланади:

$$V = K_\phi \sqrt{J}$$

Бу ерда: V - тоғ жинсларининг фильтрация тезлиги;  $K_\phi$  - тоғ жинсларининг фильтрация коэффициенти; J-гидравлик нишоблик (оқим қиялиги).


Демак, ер ости сувларининг турбулент ҳаракат тезлиги оқим қиялигининг квадрат илдизига пропорциональ.

Ер ости сувларининг ҳаракат тезлиги (фильтрация коэффициенти) одатда мм-сек, м-сут, км/йил билан ифодаланади. Шунингдек, юкорида келтирилган омилларни ҳисобга олган ҳолда, қатор эмпирик формулалар ҳам таклиф этилган.

Жумладан, А. Газен гранулометрик тадқиқот натижалари асосида қум жинслари учун қуйидаги формулани ишлаб чиқсан:

$$K = Cd^2_e (0.7 + 0.037 t) \text{ м/сутка.}$$

Бу ерда  $C$  - эмпирик коэффициент бўлиб, у қум доналарининг бир хиллигига, ундан мавжуд аралашмаларга боғлиқ. Тоза ва доналари бир хил қумлар учун  $C=800-1200$ , тоза бўлмаган гилли ҳар хил донали қумлар учун  $400-800$  оралиғида олинади (Чаповский, 1968);  $d_e$ -қум заррачаларнинг таъсир этувчи, яъни эффектив диаметри, гранулометрик таркибини ифодоловчи эгри чизиқдан мм ҳисобида аниқланади (15.4-расм);  $t$ -сувнинг ҳарорати.



15.4-расм. Қум жинслари таъсир этувчи диаметрини ( $x$ ) ( $d_{10}$ ) аниқловчи гранулометрик таркиби эгри чизиги (Й.Э.Эргашевдан)

Ҳар хил таркибли, майда донали қумлар ҳамда тузилмасиз гилли жинсларнинг фильтрация коэффициентини аниқлашда Крюгер формуласи қўлланилади:

$$K_{18} = 1,44 \cdot 10^6 \frac{\Pi}{\Theta} \text{ м/сутка}$$

Сликтер сувларнинг говаклик даражаларини ҳисобга олиб, фильтрация коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги формулани таклиф этди:

$$K = 496 M d_e^2$$

Бу ерда:  $M$  - жинс говаклигига боғлиқ бўлган коэффициент (15.1-жадвал);  $d_e^2$  - жинсларнинг эффектив ёки таъсир этувчи диаметри, мм.

Формула эффектив диаметри 0,01 ва 5 мм бўлган жинслар учун қўлланилади.

Бу ерда:  $K_{18}$  - ҳарорати  $18^{\circ}\text{C}$  бўлган сув оқимининг фильтрация коэффициенти;  $\Theta$  -  $1 \text{ см}^3$  ҳажмдаги жинс доналарининг юзаси;  $\Pi$  - жинс ғоваклиги.

### 15.1-жадвал

#### **Ғоваклик даражасини кўрсатувчи коэффициент = М қийматлари (Слихтер бўйича)**

Ғоваклик даражаси	M	Ғоваклик даражаси	M
26	0,01187	35	0,03163
27	0,01350	36	0,03473
28	0,01517	37	0,03808
29	0,01697	38	0,04157
30	0,01905	39	0,04524
31	0,01905	40	0,04922
32	0,02356	41	0,05339
33	0,02601	42	0,05789
34	0,02878	43	-

Академик Н.Н.Павловский табиатда чизиқли-ламинар ер ости сувлари ҳаракатини баъзан турбулент сув ҳаракати билан алмашиниши жараёниларини хисобга олиб,  $10^{\circ}\text{C}$  даги сув ҳарорати учун ер ости сувларининг чегаравий оқим тезлиги формуласини таклиф этган эди:

$$V_{kr} = 0.002 \left( 0.75n + 0.23 \frac{Re}{de} \right) \text{ см/сек}$$

Бу ерда:  $V_{kr}$  - ер ости сув оқимининг чегаравий тезлиги;  $\Pi$  - тоз жинслари ғоваклиги;  $Re$  - Рейнольдс сони, ўрта йириклидаги күмлар учун 50-60 га тенг;  $de$  - тоз жинс доналарининг диаметри, мм.

Шунингдек, ламинар сув оқими ҳаракати баъзан турбулент сув оқими ҳаракати билан аралаш ҳаракатда бўлиши ҳам мумкин. Сувларнинг бундай аралаш ҳаракати қонуни Смеркер формуласи билан ифодаланади:

$$V = KJ \frac{1}{m}$$

Бу ерда:  $m$ -тоз жинсларининг хусусиятига боғлиқ бўлган катталик бўлиб 1 дан 2 оралиғида ўзгаради.  $m$  - 1 бўлганда  $V=KJ$ ;  $m$  - 2 бўлганда  $V=KJ$  бўлади (Мавлонов ва бошқалар, 1976).

## **15.2. Төр жинслари фильтрация коэффициентининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар**

Табиатда турли генетик гурухга кирувчи төр жинсларининг сув ўтказувчанлик коэффициенти, яни фильтрация коэффициентининг киймати қатор омилларга боғлиқ бўлиши аниқланган. Бу омилларга асосан қуидагилар киради:

1. Төр жинсларининг гранулометрик таркиби.
2. Ғоваклиги ва уларнинг йўналиши.
3. Сувнинг оқиши жараёнидаги ҳаракати;
4. Минерологик ва кимёвий таркиби.

Жумладан, гил, суглинонк. шагал жинсларини ташкил қилувчи заррача ва бўлакларнинг катта-кичиклигига қараб, уларнинг фильтрация коэффициентлари 0,001 мм дан 10 м-суткагача ва ундан юқори бўлиши мумкин (15.2-жадвал).

### **15.2-жадвал**

#### **Баъзи бир бўшоқ донадор ва гилли жинсларининг фильтрация коэффициентлари (В.Д.Ломтадзе бўйича, 1984)**

№	Жинслар	Фильтрация коэффициенти, м-сутка
1	Гиллар	0,001
2	Суглиноклар (лёссимон жинс)	0,1-0,001
3	Супесь ва майдо донали кумлар	2-0,1
4	Кумлар: майдо заррачали, ўрта заррачали, йирик ва дагал заррачали	10-2; 30-10; 50-30
5	Қумли чақиқ тошлар, шагаллар	100-30
6	Соф шагаллар	100

Н.Я.Денисовнинг маълумотларига қараганда, лёсс жинслари ғовакларининг вертикал найсимон йўналишда бўлиши сабабли, уларнинг вертикал томонга сув ўтказувчанлиги горизонтал томонга сув ўтказувчанлигига қараганда ўн маротаба юқори эканлиги, баъзи ҳолларда алловиал, кўл, денгиз жинслари кесмасида кум қатларининг мавжудлигидан эса, уларнинг горизонтал йўналиши бўйича сув ўтказувчанлигининг бир неча бор ошиб кетиши кузатилади. Шунингдек, лёсс жинсларининг оптималь намлика – маълум босим остида сиқилиши, уларнинг ғоваклари камайиши, сув ўтказувчанлигининг камайиб кетиши ҳам содир бўлади. Н.Я.Денисовнинг бу холосалари бизнинг Тошкентолди ҳудуди лёсс жинслари устида ўтказган лаборатория экспериментал тадқиқот ишларимиз натижалари билан исботланган (М.Ш.Шерматов, 1971). Жумладан, лёсс

жинс қатламидан олинган манолитдан қирқиб, компрессив-фильтрация асбобига жойлаштирилган намунани табий босим ( $1,75 \text{ кг}\cdot\text{см}^2$ ) остида (монолит олинган қатlam устида ётувчи жинс оғирлигиде) ва  $2\text{-}8 \text{ кг}\cdot\text{см}^2$  қўшимча босим ғоваклигини, фильтрация коэффициентининг ҳам мукаррар равишда ўзгаришига олиб келган ( $15.3\text{-жадвал}$ ). Олинган натижалар лёсс жинсларидан сув омборларида сунъий экран (тўсиқ) сифатида ишлатиш имкониятларини беради.

### 15.3-жадвал

#### Лёссимон жинсларининг зичлиги, ғоваклиги ва фильтрация коэффициентининг босими ошиши билан ўзгариши

Ўрганилган ҳудуд	Босим ўзгариши МПА	Табий зичлиги, г·см <sup>3</sup>			Зичлигини ўзгариши, г·см	Ғоваклиги ўзгариши	Фильтрация коэффициенти ўзгариши, м·сут
		нам ҳолда	куруқ ҳолда	Табий ғоваклиги			
Тўйтепа-Пискент лёсс массиви.	0,175	1,71	1,53	43,56	1,84	43,29	0,6676
	0,2				1,83	43,13	0,5202
	0,3				1,89	40,49	0,2215
	0,4				1,92	39,09	0,1197
	0,5				1,95	37,53	0,02859
	0,6				1,97	36,57	0,00803
	0,7				1,99	35,73	0,00138
	0,8				2,0	34,77	0,00138

Тоғ жинслари қатламларининг сув ўтказувчанлиги ёки фильтрация коэффициентининг ҳароратга боғлиқ эканлигини кўрсатувчи маҳсус формуулалар ишлаб чиқилган. Масалан, жинс қатламлари бўйича ҳаракат килаётган ер ости сувларининг  $10^\circ\text{C}$  даги қийматини аниқлаш учун қўйидаги формула таклиф этилган (Я.Н.Денисов):

$$K_{10} = \frac{K \frac{2}{e}}{0,7 + 0,03t^1}$$

Бу ерда:  $t^1$  - жинс фильтрация коэффициенти  $K^1$ , нинг  $t^1$  ҳароратга тўғри келган қиймати.

Жинслар фильтрация коэффициентини  $t^1$  ҳароратга тўғри келган қиймати  $K^1$ , ни аниқлаш эса, ушбу формула орқали амалга оширилади:


$$K''_t = \frac{Kt(0,7 + 0,03t^l)}{0,7 + 0,03t^l}$$

Агар лаборатория шароитида  $15^{\circ}\text{C}$  ҳарорат учуна аниқланган фильтрация коэффициенти  $K''=24,5$  м-сүтка маълум бўлиб,  $t''=8^{\circ}\text{C}$  ҳароратга тўғри келадиган фильтрация коэффициентини аниқлаш зарур бўлса, у юқорида келтирилган ( $K''_t$ ) формула асосида қўйдаги қийматга эга бўлади:

$$K_t = \frac{24,5 (0,7 + 0,03 \cdot 8)}{0,7 + 0,03 \cdot 15} \text{ m/сутка}$$

### 15.3. Ер ости сувлари оқими сарфиини аниқлаш

Ер ости сувларининг оқими сарфи деганда, маълум вақт бирлиги давомида сувли қатламнинг кўндаланг кесими юзасидан оқиб ўтган сув миқдори тушинилади (15.5-расм).



15.5-расм. Ер ости сувларининг сув ўтказмас қатлам горизонтал (A) ва қия (B) ҳолатидаги оқим ҳаракати (М.В. Седенкодан).  $H_1$  ва  $H_2$ -I ва II кесмалар оралигидаги сув босими; I-I ва II кесмалар орасидаги масофа;  $h_1$ ,  $h_2$ -I ва II кесмалар орасидаги ер ости суви устуни; 0-0-шартли қиёслаш горизонтал текислиги

Сув ўтказмайдиган қатлам горизонтал ҳолатда бўлгандা, сув оқими унга паралель бўлиб, босимсиз грунт сувларининг сарфи Дюпі формуласи ёрдамида аниқланади:

$$Q = B \cdot K \frac{h \frac{2}{1} - n_2^2}{2l}$$

Бу ерда:  $B$  - сув оқими кенглиги;  $h_1$ ,  $h_2$  - грунт сувининг I, II кесимдаги сатҳ баландиги;  $L$  - I, II кесимлар оралигидаги масофа;  $K$  - фильтрация коэффициенти.

Табиатда грунт сувлари ҳар хил қияликда ҳаракат қилиши мумкин. Бу пастки сув ўтказмайдиган қатламнинг ётиш ҳолатига боғлиқ (15.5-расм).

Сув ўтказмайдиган қатлам қия ҳолатда бўлганда, қўшпимча горизонтал юза 0-0 деб олинган ҳолда, Н.Г.Каменскийнинг қўйидаги формуласидан фойдаланилади:

$$Q = B \cdot K \frac{(H_1 - H_2) \cdot (h_1 - h_2)}{2L}$$

Оқим сарфини оқим кенглигига бўлиш йўли билан қиёсий сарфи қийматини олиш мумкин:

$$q = \frac{Q}{B}$$

Юқорида келтирилган охирги икки формула мукаммал горизонтал сув йиғиш қурилмаларига ксладиган сув сарфини ҳисоблашда ишлатилади.

Ер ости сувлари босимли бўлганда, уларнинг оқим сарфини аниқлаш ушбу формула ёрдамида амалга оширилади (Бабушкин, Биндеман, 1962):

$$q = K \cdot m \frac{H_1 - H_2}{2}$$

Формулада  $H_1$  ва  $H_2$  - I. II кесимлар орасидаги ёки қудуқлардаги горизонтал юздан ҳисобланган пъезометрик босим,  $m$  - сувли қатламнинг қалинлиги.

Баъзан ер ости сувларининг тоғ жинслари қатламлари орқали оқиши ва ер юзасига олиб чиқиши натижасида пайдо бўлган булоқларнинг сув сарфи ( $Q$ ) ни аниқлашга тўғри келади. Бунда қўйидаги оддий формула қўлланилади:

$$Q = \frac{V}{t}$$

Бу срда:  $V$  - маълум ҳажмга эга бўлган идишта тўлдирилган сув миқдори;  $t$  - идишига сувни тўлдириши учун кетган вақт.

Бунинг учун булоқ суви оқиб чиқаётган жойда ҳовузча қуриб, унинг бир томонига сувнинг эркин оқиб чиқишини таъминлайдиган мослама (тарнов, қувур) ўрнатилади. Сув ҳовузчадан бир маромда оқиб чиққандан кийин ўлчаш ишлари бошланади. Булоқлар сув сарфларини ўлчаш усули бургу қудуқларидан чиқарилётган сув миқдорини ўлчашда ҳам қўлланилади. Бунда ҳажми аввалдан аниқ бўлган маҳсус идишлар ишлатилади.

#### **15.4. Ер ости сувлари оқимининг ҳаракат йўналиши ва тезлигини аниқлаш үсуллари**

Ер ости сувлари оқими ўзининг вужудга келиши, ҳаракат қилиши, сарфланиш майдонидаги мавжуд тоғ жинсларининг генетик турларига, таркибига, қалинлигига, сув ўтказмайдиган қатламларга нисбатан сувли қатламларнинг ётиш ҳолатига, ср юзасига нисбатан яқин ёки чукурда

окишига ҳамда тектоник шароитининг мураккаблигига қараб текис, радиал (тұрланиб ва ёйилиб окувчан) ва эгри чизик күренишида бўлади (15.6-расм). Ана шу омилларнинг таъсир даражасига қараб ер ости сувни доимо ўз холатини бир күренишдан иккинччи күренишга ўзгартира боради. Масалан, карст ва ёриқ сувлари тоғ жинслари ёриқларининг, карст бўшликларининг кенгайиши ва торайиши билан йиғилиб ёки ёйилиб оқади.

Ер ости оқими сувлари йўналишларини гидроизопъез хариталари ёрдамида аниқлаш усувлари тўғрисидаги маълумотлар грунт ва артезиан сувлари тўғрисидаги бобларда берилганлигини хисобга олиб, биз бу ерда ер ости грунт сувларининг ҳақиқий ҳаракат тезлигини аниқлаш тўғрисида сўз юритамиз.


Ер ости грунт сувларининг ҳақиқий тезлигини аниқлаш асосан дала шароитида калориметрик, кимё ва электрокимё усувлари ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун, энг аввало, грунт сувларининг ҳаракат тезлигини ўтча лозим бўлган майдондаги тоғ жинслари қатлам-ларининг ётиш холатлари, калинлиги, литологик тузилиши, сув сатҳи чукурлигини аниқлаш максадида бир неча бурғу кудуклари ёки шурфлар қазилади. Олинган маълумотларни таҳдил килиши асосида сувнинг ҳаракат йўналиши аниқланади. Ана шу йўналиш бўйича жойлашган бурғу кудуклари, шурфлар ажратиб олинади. Улардан бири, яъни сув сатҳи чукурлиги ер юзасига якини асосий деб олинниб, индикатор юбориш учун, колганлари кузатиш мақсадлари учун танланади.

#### **15.4.1. Калориметрик усул ёрдамида ер ости сувлари оқими тезлигини аниқлаш**

Бу усул маълум микдордаги рангли бўёқ моддасини (индикаторни) асосий кудукдаги сув оқими оркали оқизиб, муайян вақт ўтгандан кейин кузатиш кудукларидаги сув рангининг ўзгарганлик даражаси билан қиёслашга асосланган (А.Д.Бабушкин, 1962, М.В.Седенко, 1979). Ишкорий сувлар учун флюоресцен, эозин, эритрозин, қизил конго, флюоротрен, нордон сувлар учун – метилен синькаси, хаворанг анилин, қизил конго ва инейтрал сувлар учун юқорида кўрсатилган хамма бўёклар ишлатилади (15.2-жадвал). Ранги индикаторлар бўёкларни ишкорий (нашатир спирти) ёки кучсиз кислоталар (сирка) ёрдамида эритиши ўйли билан тайёрланади. Тажриба қўйидаги тартибда олиб борилади:

1. Асосий ва кузатиш кудукларидан сув намуналарини индикаторлар таъсир этгунга қадар олиш.

2. Олинган намунани флюроскоп асбобидаги мавжуд стандартлардаги сув намунаси билан солиштириб, ўрганилаётган сувнинг табиии ҳолатдаги ранги тўғрисида маълумотга эга бўлиш.



15.6-расм. Ер ости сувлари оқимишингшакилари (В.П.Ананев, К.И.Коробкин бўйича, Й.Эргашевдан).

1-текис; 2-радиал ёйилувчи; 3-радиал тўпланувчан; 4-эгри чизикли оқимлар келган вақтга ( $t_{\text{II}}^{\text{I}}$ ) бўлинади ва ер ости сувининг ўртача ҳақиқий тезлиги (U) аниқланади:

$$U = \frac{l}{t_{\text{II}}^{\text{I}}}$$

## 15.2-жадвал

**Ҳар хил тог жинсларининг ҳақиқий фильтрация тезлигини аниқлаш учун керак бўлган бўёкларининг ҳар 10 м масофа учун тахминий микдори (В.Д.Бабушкиндан)**

Бўёклар ҳар 10 м масофага 10 г (куруқ холатда)	Тог жинслари			
	Гил	Қум	Ёриқли қоя топшлар	Карстли
Фиброзцепин	5-20	2-10	2-20	2-10
Эозин	5-20	2-10	2-20	2-10
Эритрозин	10-40	10-30	10-40	10-40
Қизил конго	20-80	20-60	20-80	20-80
Метелдин синъкаси	20-80	20-60	20-80	20-80
Хаворанг апелин	20-80	20-70	20-80	20-80
Қизил ионсо	10-40	10-30	10-40	10-40

Ер ости сувининг ҳакиқий тезлиги ( $U$ ) ва асосий қудук билан, кузатиш қудуги орасидаги гидравлик қияликни ( $J$ ) инобатга олган ҳолда, фильтрация тезлигини ( $V$ ) хамда  $V=UJ$  бўлганингини хисобга олиб, фильтрация коэффициенти ( $K_f$ ) топилади:


$$K_f = \frac{V}{J} = \frac{UJ}{L}$$

7. Олинган ҳамма натижалар асосида якуний ҳулосалар чиқарилади.

#### 15.4.2. Ер ости сувлари оқими тезлигини кимёвий усулда аниклаш

Мутахассислар чукур бўлмаган сувли катламларда ҳаракат килувчи ер ости сувлари учун кимёвий усулни қўллашни афзal, деб билишиади (Седенко, 1979). Бу усулни қўллашда натрий хлор, аммоний хлор, литий хлор эритмаларидан фойдаланилади. Уни ишлатиш механизми клорометрик услубга ўхшаб кетади. Энг аввало кимёвий таҳтил асосида сув таркибидаги табиий ҳолатдаги хлор ионларниң миқдорини ҳар 2-3 соатда намуна олиш йўли билан сутка давомида ўзгариш қонуниятлари тўғрисида маълумотга эга бўлинади. Бунинг учун асосий қудук учун мўлжалланган индикаторлардан биронтаси олиниб (натрий хлор тузи ишлатилгани маъкул), талабга мувофиқ ҳолда, эритма тайёрланади (15.3-жадвал). Ушбу эритма асосий қудукка оқизилади. Сўнгра кузатиш қудуклари орқали аввалигидек 2-5, кейин ҳар 15-30 дакикада сув намунаси олиниб, таркиби шу захотиёк дала кимёвий лабораторияси ёрдамида аникланади (15.7-расм).

Олинган натижалар ёрдамида чизма чизилиб, ер ости сувининг ҳаракат тезлиги ва фильтрация коэффициенти мавжуд формулалар асосида аникланади.




15.7-расм. Ер ости сувлари оқими ҳаракати жараёнида хлор иони концентрациясининг ўзгариши (М.В.Седенкован, 1979).  $t_1$ -асосий қудукка туз эритмаси ёки туз солиниши вакти;  $t_2$ -кузатув қудукларида ер ости суви таркибида хлор иони концентрацияси ўзгариши бошланганлиги ҳолатига тўғри келган вакт;  $t_3$ -суvdаги хлор иони концентрацияси максимал ҳолатига тўғри келган вакт.

### 15.3-жадвал

**Ер ости сувлари оқимининг ҳаракат тезлигини аниқлаш мақсадида ишлатиладиган кимёвий индикаторларининг керакли миқдори (В.Д.Бабушкиндан)**

Индикаторлар	Миқдори, кг	Асосий (марказий) ва кузатиш бурғу күдуқлари оралигидаги масофа, м
Натрий хлор	10-15	5-7
Натрий хлор	5-10	3-5
Аммоний хлор	3-5	2-5
Литий хлор	0,010-0,015	2-5

#### 15.4.3. Ер ости сувлари оқими тезлигини электрокимёвий усулда аниқлаш




15.8-расм. Ер ости сувлари оқими ҳаракати тезлигини электрокимёвий усул ёрдамида аниқлаш қурилмасининг чизмаси (В.Д.Бабушкин ва М.В.Седенколардан): 1-реостат; 2-ток манбаи; 3-миллиамперметр; 4-кузатиш күдуғи; 5-түз эритмасини қўйиш учун ишлатилган асосий күдуқ

кўрсатади. Бу усул асосан кам минераллашган сувлар учун қўлланилади. Натижаларни қайта ишлаш ўқоридағи усуллар каби олиб борилади. Чизмада электр токи кучининг ўзгариши ордината, вакт абсцисса ўқида кўрсатиласди.

Шунингдек, ҳозирги вактда ер ости сувлари оқими тезлигини аниқлашнинг геофизик, радиоизотоп усуллари ҳам мавжуд. Радиоизотоп усули амалиётда кам ҳолатларда ишлатилсада, геофизик усул ўзининг нихоятда кенг қўлланилиши билан ажралиб туради.


## 15.5. Сув чиқариш иншоотларига ер ости сувларининг оқиб келиши қонуниятлари

Ер бетига ерости сувларини чиқаришга мўлжалланган барча иншоотлар сув чиқариш иншоотлари, деб аталади. Сув чиқариш иншоотлари ер ости сувларининг турлари, оқиш чуқурлигини, ҳаракат тезлигини, оқиб келиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, вертикал (бурғу қудуклари, шурфлар) ва горизонтал (зовур, ариқча, булоқлар оқиб чиқиш жойларига қуриладиган ҳовузлар ва бошқаларга) қурилмаларга бўлинади.



15.9-расм. Сув чиқариш иншоотлари грунт қудуклари ва шурфларнинг умумий кўрининиши. А-мукаммал қудуклар ва шурфлар; Б-тубидан ва ён томонларидан сувни ўтказиши мумкин бўлган номукаммал қудук ва шурфлар; Д-фақат туб томонидан сувни ўтказиши мумкин бўлган қудук ва шурфлар


Бурғу қудуклари ва шурфлар орқали сув чиқариш ҳамда чиқарилаётган сувнинг миқдори бу иншоотларнинг сувли тоғ жинс қатламини бутунлай кесиб ўтиб, сув ўтказмайдиган қатламга етганлиги ёки етмаганлигига боғлиқ. Унинг бу ҳолатларига қараб, улар мукаммал ва номукаммал қудук, шурфларга бўлинади. Мукаммал қудуклар ва шурфлар сувли қатламини бутунлай кесиб ўтган, сув ўтказмайдиган қатламгача етганлиги билан, номукаммал қудуклар ва шурфлар эса сувли қатламни бутунлай кесиб ўтмаган, унинг фақат бир қисмини эгаллаганлиги билан бир-бирларидан фарқланади (15.9-расм).



15.10-расм. Фильтрлар ва уларнинг кўрининиши ҳолатлари. А-тепиқли фильтр; Б-ёриқли фильтр

учун қудук ичига қувур ва маҳсус фильтрлар ўрнатилади. Фильтрлар қудукнинг диа-метрига сувли қатламни ташкил этувчи тоғ жинсларининг литологик тузилишига, заррачалар ўлчамишининг йириклигига, сувни босимли ёки босимсизлигига қараб ҳар хил бўлиб, тешиклар юмалоқ, ёриқ-паралеллопипед шаклларида бўлади (15.10-расм). Уларнинг каркаси ёгоч, керамика, пластмасса, металл ва бошқа материаллардан ясалади.


Насослар ёрдамида мукаммал қудуқлардан ср ости сувларини сўриб чиқариш жараённида ср ости сувининг табиий сатҳи ( $H$ ) пасая боради. Бу пасайиш қудук жойлашган жойдан бошлаб  $R$  радиус қенглигидаги сскин аста қонуний равишда  $h$ ,  $h_1$ ,  $h_2$  қатламлари даражасида юз беради ва охирги пасайиш ер ости сувининг дастлабки табиий сатҳигача бориб етади.



15.11-расм. Мукаммал (а) ва номукаммал (б) қудуқлардаги депрессия воронкасининг ҳосил бўлиш ҳолатлари (Г.В.Богомоловдан баъзи бир ўзгартиришлар билан). 1-сувли қатлам; 2-сув ўтказмайдиган қатлам; 3-фильтр ва уларни жойлашиш холати;  $H$ -сувли қатламлардаги грунт сувининг табиий қалинлиги ва сатҳи;  $h$ -қудуқдаги сувни насослар ёрдамида сўриб олиш вақтидаги баландлиги;  $r$ -қудук радиуси;  $R$ -сувни қудуқдан сўриб олиш жараёнидаги таъсир қилиш радиуси;  $Y$ ,  $Y_1$ ,  $Y_2$ -депрессия воронкаси ҳосил бўлиши жараённида сувли қатлам сатҳи камайишини кўрсатувчи кесмалар;  $t$ -номукаммал қудуқдаги сув сатҳи баландлиги;  $S$ -сув сатҳининг камайиши

Ер ости сувлари сатҳларининг ана шу  $h$ ,  $h_1$ ,  $h_2$  қийматлари даражасида пасайиши натижасида вужудга келган эгри юза депрессия воронкаси, деб аталади (15.11-расм).

Ер ости сувини қудуқдан насослар орқали чиқарилгунча бўлган сатҳи, статик, сувни қудуқдан чиқаргандан кейинги пайдо бўлган сатҳни динамик ёки қудукнинг иш сатҳи деб, қудуқдан маълум вақт бирлигидаги сўриб чиқарилаётган сув микдорини эса қудукнинг сув сарфи ёки дебити, деб юритилади. Амалиётда ер ости сув сарфини билиш хўжалик объектларини сув билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун вертикал ва



15.12-расм. Грунтқудукларидан сувни сўриб олиш жараёнида сув сарфини (дебитини) аниқлаш схемаси (М.В. Седенкодан)

кесим юзи кудук томонга йўналган ва кудук ўқидан х масофадаги грунт сувлари оқимининг кесим юзи эса

$$F=2\pi h R$$

Бу кесим юзи орқали қудукка оқиб келаётган сув сарф босим градиенти  $J = \frac{dy}{dx}$  бўлсда,  $Q = 2\pi \cdot h \cdot R \cdot K_f \frac{dy}{dx}$  бўлади.

Ўзгарувчан катталикларни бўлиб, I кесимдан II кесимгача бўлган оралиғида интегралланса (15.11-расм),

$$\frac{Q}{2nK} \int_{x_1}^{x_2} \frac{dx}{x} = \int_{y_1}^{y_2} y dy$$

$$R = \frac{S_0(2H - S_0)}{3HJ} \text{ топилади.}$$

Ушбу тенглама мукаммал кудуклардан сувни сўриб олиш жараёнидаги эгрилик депрессияси тенгламаси бўлиб, 1968 йилда Дюпюи томонидан амалиётга киритилган (Седенко, 1979).

Тенгламадаги  $x_1=r$  (кудукка ўрнатилган фильтр радиуси),  $x_2=R$  (депрессия воронкасининг радиуси),  $y_1=h$  (сув ўтказмас қатламдан юкоридаги сув устунининг баландлиги),  $y_2=H$  (сув ўтмас қатламдан бошлаб ҳисобланган сувнинг баландлиги), деб олинадиган бўлсак, мукаммал кудукларга оқиб келаётган ер ости сувни сарфини аниқлаш формуласи ҳосил бўлади:

горизонтал сув чиқариши иншоотларига оқиб келадиган сув оқими сарфини аниқлаш лозим.

Маълумки, мукаммал бўлган кудукларга келаётган сув оқимининг сарфи тўғри чизиқли фильтрация қонунига биноан:

$$Q=F \cdot K_f \cdot J$$

Агар десперсия воронканинг  $y$ ,  $x$  нуқталари ўринини (15.12-расм) тўғри бурчакли координаталарда олиб, у нуқтасидан ордината ўки бўйлаб цилиндр чизсак, бу цилиндрнинг

$$Q = \pi K_{\phi} \frac{H^2 - h^2}{\ln R - \ln r}$$

Кудукдаги сув сатхининг S қимматига камайишини ва  $H^2 - h^2 = (2H - S) S$  S эканлиги хисобга олинса, унда

$$Q = \pi K_{\phi} \frac{(2H - S) S}{\ln R - \ln r} \quad \text{бўлади.}$$

Юқоридаги формулани амалиётда ишлатилишни янада қуайлаштириш мақсадида, ундаги натурал логарифм ўнли логарифмга келтирилиб, π ўрнига унинг қийматини кўшса, мұккаммал қудукларга оқиб келаётган босимсиз сувлар учун формула кўйидаги кўринишга келади:

$$Q = 1,366 \frac{(2H - S) S}{\lg R - \lg r}$$

Формулада: Q - сув сарфи, м<sup>3</sup>-сут; H - сувли қатлам қалинлиги, м; h - динамик сатҳ, м; тахминан 0,5-0,7Н га тенг (Й.Э.Эргашев, 1990); r - қудук радиуси, м; R-тавсир радиуси, м; K<sub>φ</sub> - фильтрация коэффициенти, м-сут.

Деворларидан сув ўтказадиган, томонидан сув ўтказмайдиган жинс қатламларидан тузилган, яъни тубидан сув оқиб кетмайдиган номукаммал иншоотлар учун ер ости суви сарфини аниқлашда кўйидаги формула кўлланилади:

$$q = \frac{K_{\phi} \pi (H^2 - h^2)}{\ln R - \ln r} \cdot \sqrt{\frac{t}{h}} \cdot 4 \sqrt{\frac{2h - t}{h}}$$

Бу ерда: h - қудукдаги сувнинг фаол ҳудуди чегарасининг пастки қисмидан, яъни қудукнинг сув билан таъминлайдиган сувли баландликнинг пастки қисмидан бошлаб хисобланган динамик сатҳ баландлиги, м; t - қудукдаги сув устуннинг баландлиги, м; q - қудукнинг сув сарфи, м<sup>3</sup>-сутка; K<sub>φ</sub> - фильтрация коэффициенти.

Амалиётда қудукларнинг солиштирма ёки қиёсий сув сарфи, деган ибора ишлатилади.

Қудукларнинг солиштирма сув сарфи деганда қудукдаги сув сатхининг сувни насос орқали сўриб олиш жараёнида ҳар бир метрига пасайишидаги сарфи (q) тушинилади ва қўйидаги, Дюпюи формуласи ёрдамида аниқланади:

1. Босимсиз сувлар учун

$$q = \frac{\pi K_{\phi} (2H - S)}{\ln R - \ln r} \quad \text{м}^3\text{-сутка}$$

2. Босимли сувлар учун

$$q = \frac{2 \pi K_\phi \cdot m}{\ln R - \ln r} \text{ м}^3\text{-сутка}$$

Юқоридаги формулаларда көлтирилган депрессия воронкасининг таъсир радиуси ( $R$ ) И.П.Кускиннинг қўйидаги формуласи:

$$R = 1.95K \sqrt{HK}$$

ёрдамида, ёки В.С.Ильин (1935) формуласи билан аниқланади:

$$R = \frac{S_0 (2H - S_0)}{3IJ} \text{ м}^3\text{-сутка}$$

Ушбу формулаларда:  $S$ ,  $S_0$  - қудуқларидаги сув сатҳларининг пасайиши, ( $S=H-h$ ),  $m$ ;  $H$  - ер ости суви устинининг баландлиги,  $m$ ;  $K$  - фильтрация коэффициенти,  $m$ -сутка;  $J$  - гидравлик нишоблик.

Кудукнинг солиштирма сув сарфи миқдорини ( $q$ ) ўзгаришига қараб, таъсир радиуси ( $R$ ) қийматини тахминан аниқласа ҳам бўлади (22.4-жадвал).

#### 15.5.4-жадвал

**Солиштирма сув сарфи билан таъсир радиуси орасидаги боғлиқлик  
(С.А.Кольнинг маълумотларига кўра, Й.Э.Эргашевдан)**

Солиштирма сув сарфи, л-с	Таъсир радиуси, м
2.0 дан кўп	300-500
2,0-1,0	100-300
1,0-0,5	50-100
0,5-0,33	25-50
0,33-0,2	10-25
0.2 дан кам	10 дан кам

Насослар ёрдамида бир ёки бир неча қудуқлардан сув чиқариш жараённада қудуқлардан чиқаётган сув сарфини аниқлашда сувли қатламнинг фильтрация коэффициентини билиш ҳам лозим бўлади. Босимсиз сув қатламида қазилган битта мукаммал бурғу қудуқи натижаларига асосан фильтрация коэффициенти ( $K$ ) қўйидаги формула орқали аниқланади (М.В.Седеню, 1979):

$$K = 0,732Q \frac{\lg R - \lg r}{(2H - S) S}$$

Босимсиз бир қанча мукаммал бурғу қудуқлари учун

$$K = 0,732Q \frac{\lg x_2 - \lg x_1}{(2H - S_1 - S_2) \cdot (S_1 - S_2)}$$

Босимли якка мұккамал бурғу қудуклары учун

$$K = 0,366Q \frac{(\lg R - \lg r) + 0,217}{M \cdot S}$$

Босимли бир қанча мұккамал бурғу қудукларини бир вактда ишлаш жараёни учун

$$K = 0,366 \frac{(\lg x_2 - \lg x_1) + 0,217(\xi_1 - \xi_2)}{M(S_1 - S_2)}$$

Формулада: Q - қудукдан суриб чиқарилаёттан сув сарфи (дебити), м<sup>3</sup>-сутка; R - сувни суриб олиши жараёнидаги таъсир радиуси, м; г - марказий қудукқа ўрнатылған фильтрнинг сувни қабул қилиш қисмінинг радиуси, м; Н-босимсиз сув баландлыгининг қалинлиги, м; ўрганилаёттан S-марказий қудукдаги сув сатхининг пасайши, (S<sub>1</sub>H-h), м; x<sub>1</sub> ва x<sub>2</sub>-марказий қудукдан кузатиш қудуғигача масофа, м; S<sub>1</sub> ва S<sub>2</sub>-кузатиш қудукларидаги сув сатхининг пасайиши; M-босимли қатламнинг қалинлиги, м; - номуккамал бурғу қудуғи учун тузатиш (15.6-жадвалдан олинади).

Маълумки, сувни таъсир қилиш радиуси (R) логарифм белгиси билан қатор формулаларда қатнашади. Жумладан, якка қудуклардан сувни чиқарыш жараёнида фильтрация коэффициенти ҳисоблаш ҳар хил тоғ жинсларига түгри келадиган таъсир қилиш радиуси қийматини ишлатиш билан амалга оширилади (15.7-жадвал).

Юқорида ерости сув ҳаракатининг баъзи бир томонларит түгристедегина тұхталиб үтилди. Бурғу қудукларининг сувли қатламларга ўрнатылыш ҳолатларига, ер усти сув манбаларига (дарё, көл, сув омборлари, каналлар ва бошқалар) нисбатан ҳамда бир-бирларига узоқ ё яқын жойлаштирилишига, фильтр турларига, сувли қатлам тоғ жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятларига қараб, ер ости сувлари фильтрация коэффициентини (K), сарфини (Q), таъсир радиусини (R), сув сатхининг пасайишини (S) ва бошка күрсатгыштарни ҳисоблайдын қатор формулалар, услугбий күлланмалар мавжуд (В.Д.Бабушкин, 1969; Ф.М.Бочевер, 1969; П.П.Климентов, В.М.Кононов, 1973; В.Д.Шестаков, Д.Н.Башкатова, 1974; В.М.Максимов, 1967; М.В.Седенко, 1979 ва бошқалар). Талабалар ана шу адабиётларни мutoала қылсалар, фойдалан холи бўлмайди.

### 15.6-жадвал

#### Номуккамал қудуклар учун тузатиш (М.В.Седенкодан, 1979)

J	M(x <sub>1</sub> , x <sub>2</sub> , x <sub>3</sub> )									
	0,5	1	3	10	30	100	200	500	1000	2000
0,05	0,00423	0,135	2,3	12,6	35,5	71,9	94	125	149	169

0,1	0,00391	0,122	2,04	10,4	24,3	42,8	53,8	69,5	79,6	90,9
0,3	0,00297	0,0908	1,29	4,79	9,2	14,5	17,7	21,8	24,9	28,2
0,5	0,00165	0,0494	0,656	2,26	4,21	6,5	7,86	9,64	11,0	12,4
0,7	0,00546	0,0167	0,232	0,879	1,69	2,67	3,24	4,01	4,58	5,19
0,9	0,0000048	0,0015	0,0251	0,128	0,3	0,528	0,664	0,846	0,983	1,12

### 15.7-жадвал

#### Ҳар хил жинс қатламларида вужудга келиган таъсир қилиш радиусининг қийматлари (М.В.Седенкодан, 1979)

№	Тоғ жинслари	Таъсир қилиш радиусининг қиймати, м
1	Супессимон жинслар (таркибида қум заррачалари кўп бўлган соғ тупрок)	10-20
2	Майда заррачали ва чангли қумлар	20-50
3	Гилли майда ва ҳар хил заррачали қумлар	50-75
4	Таркибида ҳар хил майда, ўрта, йирик заррачали қумлар	80-150
5	Таркибида майда доналар кўп бўлган шагал, майда шагаллар, ўрта заррачали бир хил таркибли қумлар	100-120
6	Таркибида майда доналари деярли кам бўлган шагал, майда шагаллар, йирик заррачали бир хил таркибли қумлар	200-300
7	Кам ёрикли қоятош жинслари	50-200
8	Кўп ёрикли қоятош жинслари	300 ва ундан ошик

#### Такрорлаш ва текшириш учун саволлар

- Ер ости сувлари динамикаси деганда сиз нимани тушунасиз?
- Ер ости сувларининг ҳаракат қилиш турлари тўғрисида гапириб беринг.
- Дарси қонунига оид тенгламани ёзинг ва изоҳлаб беринг.
- «Фильтрация коэффициент» ва «фильтрация тезлиги» иборалари мъяносини тушунтириб беринг.
- Ер ости сувлари ҳаракат йўналиши ва тезлигини аниқлашда қандай усуслар кўлланилади?
- Сув чиқариш иншоотлари тўғрисида гапириб беринг ва чизиб кўрсатинг.
- Мукаммал ва номукаммал қудуқларнинг бир-биларидан қандай фарқлари бор.

8. Ер ости сувлари сарфларини аниқлаш йўллари тўғрисида гапириб беринг. Сув сарфларини аниқлаш формулаларини ёзib кўрсатинг.

### **16-боб. Ер ости сувларининг кимёвий, органик таркиби, хосса ва хусусиятлари**

Ер ости сувларининг кимёвий таркиби, унинг дастлабки томчилари пайдо бўлишидан бошлаб, кейинги тоғ жинслари ғоваклари, қатламлари, ёриқлари бўйлаб ҳаракат қилиши жараёни билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ер ости сувлари мураккаб табиий қоришма бўлиб, таркиби оддий ва мураккаб ионлар, турли бирикмалар. Эриган ёки газ ҳолатидаги молекулалардан ташкил топгандир.

Ер куррасидаги доимий мавжуд 87 кимёвий элементилардан 70 дан ортиғи ер ости сувларига учрайди. Ер ости сувларига мураккаб органик бирикмалар, тирик ва ўлик микроорганизмлар (бактериялар), таркиби турлича коллоид ва механик моддалар ҳам маужад.

#### **16.1. Ер ости сувларининг кимёвий таркиби**

Ер ости сувларига эриган минерал элементларнинг тўйинганлик даражасига қараб, улар макро-микро, ультра компонентларга бўлинади.


**Макрокомпонентлар.** Ер куррасида учрайдиган моддаларнинг 99,3 фоизини 8 та элементи ( $H_2O$ , Si, Al, Ca, Na, Cl, Mg) ташкил қиласи. Мавжуд моддаларнинг ҳаммаси ҳам сувда эримайди. Бу ҳол ер ости сувлари таркибини анчагина ихчамлаштиради. Уларга  $Cl^-$ ,  $SO_4^{2-}$ ,  $HCO_3^-$ ,  $Na^+$ ,  $Mg^{2+}$ ,  $Ca^{2+}$  ва  $K^+$  кириб, бу ионлар сувда эрийдиган тузларнинг 90-95 фоизини ташкил қиласи. Макрокомпонентларга қараб ер ости сувлари турларга ва тоифаларга ажратилади.

**Хлор иони.**  $Cl^-$  - хлор ионини жуда катта қоришиш хусусиятига эга. Натрий, кальций ва магнийларни сувда эриши жуда юқори ва осон ҳисобланади. Ер куррасида  $Cl^-$  ионини миқдори 0,017 фоизни ташкил қиласи.  $Cl^-$  иони магматик тор жинсларининг уқаланиши натижасида оқар сувлар, ёнгарчиликлар орқали сувга кўшилади. Унча чуқур жойлашмаган грунт сувларига корхоналарнинг оқова сувлари билан ҳам аралашади.

**Сульфат иони.**  $SO_4^{2-}$  - сульфат иони ер ости сувларига тарқалиши ва аралашиб кетиши жиҳатидан хлор ионидан кейин турди. Сульфат иони табиатдаги сувлар таркибидаги  $Ca^{2+}$  ионини билан бирлашиб, сувда кам эрийдиган  $CaSO_4$  ни ҳосил қиласи. Сульфат ионининг ер ости сувларига пайдо бўлишининг асосий манбаи бўлиб, таркибига гипс ва ангидридлар мавжуд турли турдаги чўкинди жинслардир. Сульфат ионининг ер ости

сувларида ҳосил бўлишида сульфидларнинг оксидланиш жараёни муҳим роль ўйнайди. Сулфидларнинг ва айниқса водород сулфидининг жуда кўп миқдори вулқонларнинг отилиб чиқиши натижасида вужудга келиб, уларнинг оксидланиши натижасида  $\text{SO}_4^{2-}$  ҳосил бўлади.

**Гидрокарбонат ( $\text{HCO}_3^-$ ) ва карбонат ( $\text{CO}_3^{2-}$ ) ионлари табиий сувларнинг асосий кимёвий таркибини ташкил этувчи омиллар ҳисобланади. Уларнинг иккалasi биргалиқда кўмир кислотасини ҳосил қилиб, қоришмада бир-бирига ва кўмир кислотасига нисбатан маълум бир миқдорда бўлади:**



Гидрокорбонат иони нордон сувларда умуман учрамайди, инейтраль ва ишқорли сувлар таркибининг асосий қисмини ташкил қиласи.  $\text{CO}_3^{2-}$ , иони табиий сувларда нисбатан кам учрайди.

Гидрокорбанат ва карбонат ионларининг асосий манбаи: карбонатли жинслар – оҳактош, доломит, мергеллар ва ҳоказолар.

**Натрий иони ( $\text{Na}^+$ ).** Натрий ионлари юқорида ражада эрвчан бўлганлиги сабабли, катионлар ичидаги бирини ўринни эгаллайди. Чучук сувларда учраши даражаси бўйича учинчи ўринда, шур сувлар эса кўп ҳолларда биринчи ўринда туради. Сувларда  $\text{Na}^{1+}$  иони туз ўюмлари (тош тузи, микроболит ва ҳоказо), отилиб чиқсан жинслар – олюмасиликатларнинг (альбит, гиоклаз, нефелин ва бошқалар) нураши натижасида ҳосил бўлади.

**Калий иони ( $\text{K}^+$ ).** Кимёвий ҳуссиятлари ва миқдори жиҳатидан натритга ўхшаш бўлади. Калий иони туюнган ва кам минераллашган сувларда учрайди.

**Кальций иони ( $\text{Ca}^{2+}$ ).** Кам минераллашган ер ости сувларида кўп тарқалган. Кальций ионининг сувлардаги асосий манбаи оҳактошлар, доломитлар ҳисобланади.

**Магний иони ( $\text{Mg}^{2+}$ ).** Ўзининг ҳуссиятлари билан кальцийга яқин ҳисобланади, лекин биологик фаоллик даражаси паст ҳисобланади. Магний иони табиий сувларнинг ҳаммасида мавжуд. Сувларга доломит ва мергел ёки асосий ва ультра асосий жинсларнинг нураши орқали кўшилади.

**Микрокомпонентлар.** А.П. Виноградовнинг фикрича, микрокомпонентлар деганда, сувлар таркибида компонентларнинг 10 мг/л дан кам бўлган миқдори тушунлади.

Микрокомпонентларга бром, ѹод, фтор, бўр, литий, рубидий, стронций, борий, мишяк, молибден, мис, кобалт, никель ва ҳоказолар киради.

Микрокомпонентларнинг кам ёки кўп бўлиши сувларнинг сифатига таъсири қиласи. Мисол учун, фтор элементини сувда камайиб ёки кўпайиб кетиши инсон ва ҳайвонлар тишларига салбий таъсири кўрсатади. Бромнинг кўпайиб кетиши эса, ошқозон касаллигига олиб келади.

**Бром.** Табиатда нисбатан кам миқдорда учрайди. Ичимлик сувларида бром миқдори 0,001 дан 0,2 мг-л, минерал сувларда 10-15 мг-л, баъзи шўр кўлларда 900 мг-л гача етади.

Сувнинг минераллашиши ошиши билан С1 иони миқдори ҳам кўпаяди, шунга ўхшаб бром ҳам ошиб боради. Шўр сувли кўлларда седментация жараёни натижасида хлор иони чўкиб, кристал ҳолатига ўтади ва тузлар ҳосил бўлади. Бром эса суюқ фаза сифатида қолаверади. Бром асосан сувларга тоғ жинсларининг эриши орқали ўтади.

**Йод.** Табиий сувларда йоднинг миқдори бромга нисбатан камроқдир. Чучук сувларда йод миқдори – 0,05 мг-л. Нефть конлари атрофидаги сувларда кўп миқдорда учрайди. Мисол учун, Боку шахри атрофидаги ер ости сувларида 30-50 мг-л дан 100-120 мг-л гача йод борлиги аниqlанган. Йоднинг тарқалиши асосан табиатда органик моддалар билан боғлиқ. Ер ости сувларида йодни камайиб кетиши турли касалликларга, чунончи буқоқ хасталигига олиб келади.

**Фтор.** Гидрогеокимёда фтор энг кўп ўрганилган элементлар сафига киради. Бу элементнинг ер ости сувларида бўлиши катта аҳамиятга эга. Фторни ер ости сувларида 0,01 мг-л дан камлиги ёки 1,5 мг-л дан ортиклиги одамлар тишларининг касалланишига олиб келади. Фтор иони миқдори дарё, кўллар ва артезиан сувларида 0,04 мг-л дан 0,3 мг-л гача ўзгаради. Ер ости сувларига фтор иони асосан таркибида фтор элементи бор минераллар орқали ўтади. Буларга фосфорит, флюорит, тоғ жинсларидан апатит, турмалин ва слюдалар киради. Ер ости сувларида фторнинг кўп учраши нефть конлари билан боғлиқ.

**Бор.** Сочма элементларга кирувчи бор ҳар доим сувларда учраб, жуда кам миқдорда бўлади. Чучук сувларда унинг миқдори 0,001 ва 0,0001 мг-л, дengiz сувларида 1,5-4,4 мг-л, шўр кўлларда 100-150 мг-л га етади. Нефть конлари атрофидаги сувларда ва ишқорли сувларда баъзан 100 мг-л ни ташкил этади. Бор сувда яхши эрувчан ҳисобланади, шу сабабли барот минералининг сувда эриши орқали ҳосил бўлади. Борнинг сувда учраши, уларнинг шифобахшлигидан дарак беради.

**Мис.** Миснинг ерости сувларида миграцияси жуда мураккаб бўлганлиги учун, у кам ўрганилган. Мисни сувда кам эрийдиган ( $Cu^+$  ва  $Cu^{2+}$ ) ва кўп эрийдиган ( $CuSO_4$ ) валентлари мавжуд. Табиатда мис халькопирит, ковелин, борнит ва сульфит минераллари таркибида мавжуд. Сувлар, улар таркибида миснинг pH кўрсатгичига қараб, чегараланади. pH=5,3 бўлгандан бошлаб, у қоришмадан ажрала бошлайди. Шунинг учуннейтрал ва нейтралга яқин реакцияларда мис жуда кам миқдорда: 1-100 мг-л бўлади. Мис конлари яқинидаги табиий сувларда мис кўп миқдорда учрайди.

**Қўргошин.** Табиий сувларда қўргошин ионининг икки валентлиги

мавжуд бўлиб, унинг миқдори 1-2 мг-л га тенг. Уларни миқдори pH билан боғлиқ ҳолда ўзгаради. бўлганда, яъни кам ишқорли қоришмаларда унинг миқдори кам. Нордон сувларда бўлса, қўрғошин миқдори энг кўп бўлади. Кўрғошинни сувда тарқалишининг асосий манбай галенит ( $PbS$ ), ангдезит ( $PbSO_4$ ) ва иеруссит ( $PbSO_3$ ) элементлари ҳисобланади.

**Рух (Zn).** Рухнинг, фтор руҳидан ташқари, ҳамма бирикмалари сувда яхши эрийди. Шу сабабли рух мисста ва қўрғошинга нисбатан кенг тарқалган. Рух катта миқдорда pH 5,5 дан 6,5 гача бўлган нордон сувларда учрайди. pH юқорилашган сари унинг миқдори камая боради. Рухнинг сувдаги миқдори рух рудалари жойлашаган ҳудудларда 0 дан 500 мкг-л ни ташкил қиласди.

**Фосфор.** Фосфор асосан сувларда  $H_2PO_4^-$  ва  $HPO_4^{2-}$  кўринишида бўлиб, биринчиси нордон сувларда, иккинчиси эса нейтрал ва ишқорли сувларда учрайди. Фосфорни асосий манбай бўлиб, фосфат калцийнинг ҳар хил кўриниши ( $Ca_5(PO_4)_3Cl$  ва  $Ca_5(PO_4)_3F$ ) ҳисобланади. Улар ер юзасига чиқкан ва чўкинди жинсларида кўп тарқалган. Фосфорнинг ҳар хил бирикмалари (0,01 ва 0,1 мг-л) бўлиб, фақат минерал сувлардагина 10 мг-л га етади.

**Ультрамикрокомпонентлар** сувларда жуда оз миқдорда (10-2 мг-л) учрайди. Уларга Au, Bi, Te, Cd, Se ва бошқалар киради.

## 16.2. Ер ости сувлари таркибидаги органик моддалар ва микрофлоралар

**Органик моддалар.** Ер ости сувлари таркибига кирувчи бундай моддаларнинг асосий манбалари ёғинлар, ер юзасидаги сувлар, тупроқ ва тупроқ қоришмалари, ил, илли сувлар, тоғ жинслари ва уларда тўпланган органик моддалар ҳамда нефть ва торф ўйимлари ҳисобланади.

Ер ости сувларидаги органик моддалар органик углерод (С орг) ёки кислород (O) миқдори билан ифодаланади. Бундай сувларнинг органик моддалар билан тўйиниши айниқса нефть ва газ конлари майдонларида юз беради.

Турли ер ости сувлари таркибидаги С орг мг/л нинг ўргача миқдори куйидагича (С.Р.Крайнов ва В.М.Швец бўйича 1980 й):

Грунт сувларида-25;

Артезиан ҳавзаларидаги қатламли сувларда -50;

Нефть ва газ конларидаги қатламли сувларда (газли)-35;

Ишлаб чиқариш аҳамиятига бўлмаган нефть конларида-60;

Нефть конлари контурлари ташқарисидаги сувларда-110;

Нефть конлари контурлари ичкарисидаги сувларда-370;

Газ конденсалтлари конлари контурлари ичкарисидаги сувларда-800.

Ер ости сувларидаги органик моддалар таркиби жуда мураккабdir. Уларнинг таркибига органик бирикмаларнинг ҳамма турдаги гуруҳ ва

тоифалари киради. Жумладан, таркибидаги азот бор моддалар, фосфор бор моддалар, нефтил ва ёғли кислоталар, фенол, бензол, толуол ва битумлар мавжуд.

**Микрофлора гидросферанинг асосий ва фаол қисмини ташкил этади.** В.И.Вернадский уларни «тирик моддалар» деб номлаган. Микрофлора деганда жуда майдо ўсимлик организмларини, яъни водоросл, бактерия ва плесенлар тушунилади. Уларнинг 150 000 га яқин турлари маълум.

Ер ости сувларидаги бактериялар  $\frac{1}{10}$  микрондан бир исчамикронларгача каталикка эга. Бактериялар ўз ҳаёти давомида катта ҳажмдаги геологик ишларни бажаради. Бактериялар оғирлигининг 75-85 фоизини сув, қолган 15-25 фоизини оқсил, углеводлар, липидлар (ёғлар) ва нуклеин кислоталари ташкил этади. Бундан ташқари бактериялар хужайраларида катта микдорда органик бирикмалар, қанд, органик кислоталар, аминакислоталар, нуклосотидлар, фосфорли эфирлар, витаминалар ва бошқалар бор.

Ер ости сувларидаги бактериялар ҳали яхши ўрганилмаган. Микроорганизмлар 3-4 км, баъзи ҳолларда ундан чуқурроқда ҳам учрайди. Бир (1) мг сувда 10 000-500 000 гача, ҳатто 1000 000 тагача бактерия бўлиши мумкин. Уларнинг 90-95 фоизи тирик хужайралар. Бактериялар ривожланиши сувнинг ҳароратига боғлиқ. Улар 90-98°C гача иссиқлиқда яшайди, пастки чегараси -3 (-5)°C ни ташкил қиласди. Бактерияларнинг яхши ривожланиш ҳарорати 40-75°C оралиғида.

Ер ости сувлари ва умуман сувлар таркибидаги тузлар микдори 250-300 г-л бўлганда бактериялар яхши ривожланади.

Ер ости сувларидаги бактерия ва микрофлоралар таркиби бир биридан катта фарқ қиласди ва ҳар хил кўринишларда бўлади. Сувни бактериологик жиҳатдан текширишдан мақсад:

- 1.Ичимлик сувларининг санитар ҳолатини баҳолаш.
- 2.Бактериялар воситасида ёнувчи газ ва нефтни кидириш.

3.Ер ости сувларидаги биокимёвий ҳолатлар тезлиги ва моҳиятини аниқлашдан иборат.

1.Ичимлик сувларининг санитар ҳолати улар таркибидаги ичак таёқчаларининг микдорига боғлиқ. Сув сифати 1 дона ичак таёқчасининг қанча микдордаги сувда учраши билан баҳоланади. Жумладан:

- 1.Ичак таёқчаси 100 мл сувда 1 дона бўлса, сув тоза;
- 2.Ичак таёқчаси 10 мл сувда 1 бўлса, сув кераклигича тоза;
- 3.Ичак таёқчаси 1 мл сувда 1 дона бўлса, сув гумонли;
4. Ичак таёқчаси 0,1 мл сувда 1 дона бўлса, сув тоза эмас;
- 5.Ичак таёқчаси 0,01 мл сувда 1 дона бўлса, сув умуман тоза эмас, деб хисобланади.

**II.Нефть ва ёнувчи газни қидиришда бурғу қудуклари ва булоклардан олинган намуналарнинг бактериологик таҳлили. Сувлар микробиологик жиҳатдан тадқик қилингандা**

1.Метанни ачитувчи бактериялар;

2.Пропанни ачитувчи бактериялар индикатор бўлиб ҳисобланади.

**III.Ер ости сувларида содир бўладиган биокимёвий жараёнлар уларнинг кимёвий таркибига катта таъсир кўрсатади.**

### **16.3.Ер ости сувларидағи газлар таркиби**

Ер ости сувларида газлар эркин ва эриган ҳолатда учрайди. Эриган газлар миқдори уларнинг сувда эриш коэффициенти, ҳарорати, босими ва минераллашиш даражасига боғлиқ. Ер ости сувлари таркибидаги асосий газлар кислород ( $O_2$ ), азот ( $N_2$ ), углерод оксида ( $CO_2$ ), олтингугурт водороди ( $H_2S$ ), водород ( $H_2$ ), метан ( $CH_4$ ) ҳамда инерт газлар He, Ne, Ar ва ҳоказолардан иборат.

Газлар келиб чиқиши бўйича қўйидаги гурухларга бўлинади:

1.Тоғ жинслари таркибига атмосферадан ўтувчи газлар –  $N_2$ ,  $O_2$ ,  $CO_2$ , He, Ar.

2.Биокимёвий йўллар билан микроорганизмлар ҳосил қилувчи газлар –  $CH_4$ ,  $CO_2$ ,  $N_2$ ,  $H_2S$ ,  $O_2$ .

3.Юқори босим ва ҳарорат остида сувлар билан тоғ жинсларининг бир-бирига кимёвий таъсиридан ҳосил бўладиган газлар –  $CO_2$ ,  $H_2S$ ,  $H_2$ ,  $CH_4$ , CO,  $N_2$ , HCl, HF,  $SO_2$ , Cl,  $NH_3$ .

4.Радиоактив ва ядро реакцияси жараёнида вужудга келувчи газлар – He, Rn ва бошқалар.

Геокимёвий нұктаи назардан кислород, углерод, углерод икки оксида ва олтингугурт водороди газларнинг асосийси ҳисобланади. Ер ости сувларида кислород 15-20 мг-л ни ташкил қиласи. Ер юзасидан пастга томон чуқурлашган сари унинг миқдори ҳар хил жараёнларда сарфланиши натижасида камайиб боради.

Углерод икки оксида кимёвий фаол ҳисобланади. Ер ости сувларида углерод икки оксидининг эриган миқдори 1 литр сувда бир неча 10 миллиграммдан бир неча 10 граммларгача боради ва ер ости сувлари кимёвий таркибининг шаклланишида катта аҳамият қасб этади.


Олтингугурт водороди – олтингугуртнинг ер ости сувларида учраш шакллардан бири. Олтингугурт водороди нефть, газ провинцияларида учрайдиган сувларда энг кўп тарқалган. Чуқур қатламлардаги ер ости сувларида олтингугурт водороди 3500 мг-л миқдорида учраши мумкин.

#### **16.4. Ер ости сувларининг кимёвий таркибини таҳлил қилиш**


Ер ости сувлари кимёвий таркибининг минераллашиш даражаси дала ва стационар лаборатория шароитларида аниқланади. Бунинг учун маҳсус усуллар ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган (А.А.Резников, Е.П.Муликова, 1962 ва б.).

Дала шароитида ер ости сувлари таркибида нитрит ( $\text{NO}_2^-$ ), нитрат ( $\text{NO}_3^-$ ), аммоний ( $\text{NH}_4^+$ ), гидрокарбонат ( $\text{HCO}_3^-$ ), карбонат ( $\text{CO}_3^{2-}$ ), хлор ( $\text{Cl}^-$ ), сульфат ( $\text{SO}_4^{2-}$ ), кальций ( $\text{Ca}^{2+}$ ), магний ( $\text{Mg}^{2+}$ ), натрий ( $\text{Na}^+$ ), калий ( $\text{K}^+$ ) ионлари, темир оксидлари ( $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{3+}$ ), водород сульфиди ( $\text{H}_2\text{S}$ ) борлиги, водород ионларининг туунганилиги (рН), эркин карбонат кислотаси, қаттиқ колдик ва бошқалар түғридан түғри ўрганилади.

Қаттиқ қолдик деганда, маълум миқдордаги ср ости сувлари намунасини чинни косачада қайнатиб буғлатилгандан кейин қолган минерал моддаларнинг умумий миқдори тушинилиб. мг/л ёки г/л да ифодаланади. Қолган қаттиқ қолдиқни  $+105-110^{\circ}\text{C}$  да яна қиздирилса, унинг таркибидаги баъзигир органик бирикмалар бутунлай куйиб. йўқ бўлиб кетади ва қаттиқ қолдик қандайдир миллиграмм ёки кичик фоизгача камаяди. Ана шундан кейинги қаттиқ қолдиқнинг қолган қисми қуруқ қолдик, деб аталади. Ифлосланмаган ва кам ифлосланган сувларда қаттиқ қолдик билан қуруқ қолдик миқдори орасидаги фарқ 3-5 фоиздан ошмайди. Бу фарқ ер ости сувлари таҳлили натижалари рўйхатида «Қиздириш натижасидаги йўқотиш» деб кўрсатилади.



**16.1-расм.** Булоқ ва бурғу қудукларидаги мавжуд ер ости сувларидан гидрокимёвий тадқиқотлар учун намуналар олиш жараёнида ишлатыладиган асбоб ва жиҳозлар. А-Е.В.Семеновни бурғу қудукларидан сув намунасини олиши асбоби: 1-кранли юқ; 2-цилиндрнинг пастки муҳофаза дастаси; 3-пүлут ёки чўян цилиндр; 4-цилиндрнинг юқориги воронка қисми; 6-кран; 7-кранга кўйилган резина найча. Б-булоқ сувларидан шиша идишга сув олиш жараёни



## A E

Тахлил учун олинадиган сув намуналари булоқлардан, чуқур бўлмаган шурфлардан тўғридан-тўғри, чуқур бурғу қудукларидан сув намуналарини

олиши маҳсус асбоблари ёрдамида (16.1-расм) олинниб, яхшилаб ювиб тозаланган шиша ёки пластмасса идишларга солиниб, сурғуч ё парофиллаб, беркитилади. Намуна олинган идишга ер ости суви таркибини ўрганувчи ташкилот номи, олинган сув манбаи (булоқ, шурф, бургү қудуги), олинган жойи, чукурлиги, вакти, таҳлил қилиш тури, намуна оловччи мутахасиснинг исму фамилияси маҳсус тайёрланган ёлиққа ёзилиб, ёпиштириб қўйилади. Намуна миқдори таҳлил турларига қараб, турлича бўлиши мумкин (16.1-жадвал).

Тўлиқ қисқартирилган ва таҳлил қилиш жараёнида ер ости сувларини физик ҳусусиятлари,  $\text{pH}$ ,  $\text{Cl}^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{CO}_3^{2-}$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{Au}^{3+}$ ,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{NO}_2^-$  эркин  $\text{CO}_2$ ,  $\text{SiO}_3$  оксидданиши, қуруқ қолдиқ миқдори, умумий қаттиклиги ва бошқа ҳусусиятлари стационар лабораторияларда аниқланади. Тўлиқ таҳлилнинг қисқартирилган таҳлилдан фарқи шундан иборатки, биринчидан, тўлиқ таҳлил жараёнида энг юқори аниқликдаги усуllар қўлланилади, иккинчидан, айрим намуналаргина ўрганилади, учинчидан, дала шароитида олинган таҳлил натижалари текшириб кўрилади ва тўлдирилади.

Дала шароитида сувларни таҳлил қилиш маҳсус дала лабораторияларида содда усуllarda амалга оширилади. Бунда таҳлил катта миқдордаги намуналар устида олиб борилгани учун, стационар лаборатория натижаларидан аниқлик даражаси билан фарқ қилиши ҳам мумкин. Шунингдек,  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$ -дан бири,  $\text{Na}^+$ -Книнг умумий миқдори ҳам аниқланishi мумкин.

### 16.1-жадвал

#### Гидрокимёвий таҳлил учун олинадиган сув намунасининг миқдори

Таҳлил турлари	Намунасининг миқдори, л	
	Юқори минераллашган сувлардан (куруқ қолдиқ 1000-1500 мг-л)	Чучук сувлардан (куруқ қолдиқ 500 дан 1500 мг-л)
Тўлиқ	1,0	1,5-2,00
Қисқартирилган	0,5	1,0-1,5
Дала шароитига	0,5	0,5

#### 16.5. Ер ости сувининг кимёвий таснифи. Сувининг кимёвий таҳлилларини тизимлаш

Сувларнинг кимёвий таҳлили натижаларига оид бир қанча таснифлар мавжуд. Уларнинг энг мақули О.А.Алекин таснифи ҳисобланади (16.2-расм).

Унда табиий сувлар ўз таркибидаги асосий ионларнинг кам ё кўплигига қараб, уч тоифага бўлинади: гидрокорбонатли (карбонат), сульфатли ва

хлоридли сувлар. Хар бир тоифа, ўз навбатида.  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{Na}^{+}$  ионларининг кам ё кўплигига караб, тўртта турга ажратилиди. Жумладан:


1 – тур:  $\text{HCO}_3^- \rightarrow \text{Ca}^{2+} + \text{Mg}^{2+}$  кам минераллашган;

2 – тур:  $\text{HCO}_3^- < \text{Ca}^{2+} + \text{Mg}^{2+} < \text{HCO}_3^- + \text{SO}_4^{2-}$  ўртача минераллашган;

3 – тур:  $\text{HCO}_3^- + \text{SO}_4^{2-} < \text{Ca}^{2+} + \text{Mg}^{2+} > \text{Na}^+$  одатда юкори минераллашган;

4 – тур:  $\text{HCO}_3^-$  сувлар; сульфат ва хлоридли нордон сувлар тоифалари  $\text{Ca}$  ва  $\text{Mg}$  грухларига мос.

Биринчи турдаги сувлар таркибида  $\text{Na}$  ва  $\text{K}$  бўлган асосли откинди жинсларнинг нураши хосиллари бўйлаб сувнинг ҳаракати, иккинчи турдаги сувлар унинг чўкинди жинс катламлари бўйлаб ҳаракат килиши натижасида вужудга келади. Учинчи турдаги сувлар тоғ жинсларининг айланиш жараёни билан, тўртинчи турга кирувчи сувлар у ёки бу кон шароити билан боғлиқ ҳолда хосил бўлади.



16.2-расм. Табиятдаги сувларнин кимёвий таркиби бўйича таснифи (О.А.Алекин бўйича, 1970)

### 16.6. Ер ости сувлари таҳлили натижаларини ифодалаш шакллари

Ер ости сувлари кимёвий таҳлили натижалари асосан қўйидаги шаклларда ифодаланади:

1. Сув таркибидаги ионлар (катион ва анионлар) миқдорини мг/л, г/л ва мг.экв/л ларда ифодалаш. Дала ва стационар лаборатория таҳлили асосида аникланган бир литр сув таркибини ташкил этувчи ионларнинг миқдори энг аввало мг/л ёки г/л да ифодаланади. Сўнгра ана шу аникланган элементни (катион ва анионларни) мг/л, г/л ҳолатидаги миқдори мг.экв/л га ўтказилади. Яъни бир литр джамдаги сувда эриган моддаларнинг эквиваленти миқдорида ифодаланади. Бунинг учун бир элементнинг сувда аникланган мг/л, г/л

даги оғирлик миқдорини шу элементтинг эквивалент оғирлигига бўлинади. Уларнинг эквивалент оғирликлари қиймати 16.3-жадвалдан олинади.

Мисол учун,  $\text{Na}^+$  нинг сувдаги миқдори 460 мг/л бўлса, уни мг.экв-л қиймати  $460 \cdot 22,99 + 20$  мг.экв-л бўлади. Агар  $\text{SO}_4^{2-}$  ионнинг сувдаги миқдори 220 мг/л дан бўлса, мг.экв-л га ўтказиш коэффициентлари ишлатилади (16.4-жадвал). Бунинг учун аниқланган элементтинг мг-л даги миқдорини 16.4-жадвалда келтирилган коэффициентларга кўпайтириш лозим, яъни:

$$\text{Na}^+ = 460 \cdot 0,0435 = 20 \text{ мг.экв/л} \text{ ва}$$

$$\text{SO}_4^{2-} = 240 \cdot 0,0208 \text{ мг.экв/л} \text{ бўлади.}$$

### 16.3-жадвал

#### Кимёвий элементларнинг (ионларнинг) эквивалент оғирликлари

Ионлар	Ионларнинг эквивалент оғирлиги	Ионлар	Ионларнинг эквивалент оғирлиги
$\text{Na}^K$	22,99	$\text{Cl}^-$	35,46
$\text{K}^K$	39,10	$\text{Br}^-$	79,92
$\text{Ca}^{2K}$	20,04	$\text{J}^-$	126,91
$\text{Mg}^{2K}$	12,16	$\text{F}^-$	19,00
$\text{Fe}^{3K}$	18,62	$\text{SO}_4^{2-}$	48,03
$\text{Fe}^{2K}$	27,92	$\text{HCO}_3^-$	61,02
$\text{Al}^{3K}$	8,99	$\text{CO}_3^{2-}$	30,01
$\text{Mn}^{2K}$	27,47	$\text{NO}_3^-$	62,01
$\text{Zn}^{2K}$	32,69	$\text{NO}_2^-$	46,01
$\text{Cu}^{2K}$	31,77	$\text{HS}^-$	33,07
$\text{Pb}^{2K}$	103,60	$\text{HsiO}_3^-$	77,10
$\text{Ba}^{2K}$	66,68	$\text{H}_2\text{PO}_4^-$	96,99
$\text{Sr}^{2K}$	43,81	$\text{HPO}_4^{2K}$	47,99
$\text{Li}$	6,94		
$\text{NH}^{4K}$	18,04		

### 16.4-жадвал

#### Ер ости сувлари таркибицаги аниқланган миқдорни мг-л дан мг.экв-л ўтказиш коэффициентлари

Ионлар	Коэффициент	Ионлар	Коэффициент
$\text{Na}^K$	0,0435	$\text{NH}_4^K$	0,0554
$\text{K}^K$	0,0250	$\text{Cl}^-$	0,0282
$\text{Ca}^{2K}$	0,0499	$\text{Br}^-$	0,0125

Mg <sup>2K</sup>	0,0822	J <sup>-</sup>	0,0079
Fe <sup>3K</sup>	0,0358	F <sup>-</sup>	0,0526
Fe <sup>3K</sup>	0,0537	SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	0,0208
Al <sup>3K</sup>	0,111	HCO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	0,0164
Mn <sup>2K</sup>	0,0364	CO <sub>3</sub> <sup>2-</sup>	0,0333
Zn <sup>2K</sup>	0,0306	NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	0,0161
Cu <sup>2K</sup>	0,0315	NO <sub>2</sub> <sup>-</sup>	0,0217
Pb <sup>2K</sup>	0,0096	HS <sup>-</sup>	0,0302
Ba <sup>2K</sup>	0,0146	HsiO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	0,0130
Sr <sup>2K</sup>	0,0228	H <sub>2</sub> PO <sub>4</sub> <sup>-</sup>	0,0103
Li	0,144	HPO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	0,0208

2. Ер ости сувлари таҳлили натижаларини фоиз - эквивалент шаклида ифодалаш. Бир литр ер ости суви таркибидаги катион ёки анионлар миқдорини айрим-айрим фоиз - эквивалентта (фоиз экв.) ифодалаш учун ҳамма натижалар ёки анионлар миқдори 100 фоиз деб олинади. Ҳар бир катион, анионларнинг бир литр сувдаги мг.экв. миқдори 100 фоизга нисбатан олинниб, оддий муносаблик усулида аниқланади. Мисол учун, ер ости суви таркибидаги анионларнинг умумий миқдори 100 фоиз, мг.экв.-л да эса уларнинг (Cl<sup>-</sup>, SO<sub>4</sub><sup>2-</sup>, NO<sub>3</sub><sup>-</sup>, HCO<sub>3</sub><sup>-</sup>, CO<sub>3</sub><sup>2-</sup>) умумий миқдори – 9,86 (16.5-жадвал) бўлгани учун Cl<sup>-</sup> – 36, SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> – 17, NO<sub>3</sub><sup>-</sup> – 1, HCO<sub>3</sub><sup>-</sup> – 46 мг.экв. фоизни ташкил этади. Шунингдек, катионларни ҳам мг.экв. фоиздаги кийматлари аниқланади.

### 16.5-жадвал

**Ер ости сувлари таҳлили натижаларини жадвал ҳолатида  
кўрсатили ва мг-л, мг.экв-л, экв-фоизларда ифодалани  
(Ф.Ф.Лаптев ва И.Ю.Соколовлардан)**

Катионлар	Таркиби			Анионлар	Таркиби		
	Mg-л	Mg: экв-л	Экв.%		Mg-л	Mg: экв-л	Экв.%
Na <sup>K</sup>	78	3,39	34	Cl <sup>-</sup>	125	3,53	36
K <sup>K</sup>	9	0,23	2	SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	83	1,7	17
Ca <sup>2K</sup>	89	4,44	44	NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	5	0,08	1
Mg <sup>2K</sup>	24	1,97	20	HCO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	276	4,52	46
Fe <sup>2K</sup>	0,2	0,01	-	CO <sub>3</sub> <sup>2-</sup>	-	-	-
Жами		10,04	100	Жами		9,86	100

3. Ер ости сувлари таҳлили натижаларини формула ёрдамида ифодалаш.  
М.Г.Курлов ер ости сувлари таҳлили натижаларини күйидаги формула ёрдамида ифодалашни таклиф этган:

*Г.М. Катионлар – Т.Д. Анионлар*

Бу ерда: Г - ер ости сувларида учравчи баъзи бир ўзига хос хусусиятли элементлар, газлар, г-л; М - ер ости сувларида учравчи минерал маддаларининг миқдори, г-л; формууланинг суратига сувлаги катионлар ва уларни миқдори, экв.фоиз; маҳражида анионлар миқдори, экв.фоиз; Т - ер ости сувларининг ҳарорати Т°С; Д - сувнинг дебити, л-с. Ушбу формула, у ёки бу худуд ер ости сувлари таҳлили натижалари асосида ёзилса, у күйидаги кўринишни олади:

$$CO_{1,5}^2 M_{0,6} \frac{HCO_{60}^3 SO_{40}^4 Cl_{15} NO_2^3}{Ca_{52} Na_{25} Mg_{20} K_5} T_{20^\circ C} D_{2,1}$$

Формула каср чизигининг чап томонида сувнинг газ таркиби ( $CO_2$  ва бошқалар), умумий минераллашиш миқдори ( $M_{0,6}$ ), каср чизигининг устки қисмида эса анионларниң чапдан ўнга қараб камайиб бориши, яъни  $HCO_{60}^3$ ,  $SO_{40}^4$ ,  $Cl_{15}$ ,  $NO_2^3$  ва каср чизигининг остки қисмида катионларниң чапдан ўнга қараб камайиб бориш тартиби –  $Ca_{52}$ ,  $Na_{25}$ ,  $Mg_{20}$ ,  $K_5$  ёзилган. Амалиётда ер ости сувларининг формула сурати ва маҳражидаги биринчи ва иккинчи анион ва катионларниң миқдорига қараб номланиши қабул қилинган. Агар ўрганилаётган сувга ном берсак, у гидрокорбонат-сульфит-кальций-натрийли сув, деб аталади. Ер ости сувларини номлашда анионлар ва катионлар миқдори 10 фоиздан кам бўлса, сувга ном беришда улар ҳисобга олинмайди.

Хозиреспубликамизнинг деярлихамма ҳудудларида ероғистисувларини, айниқса минерал сувларининг кимёвий таркиби мукаммал равишда ўрганиб чиқилган. Масалан, Тошкент ва Фарғона водийси ҳудудларидаги мавжуд ер ости минерал сувларининг таркиби қўйидагича:


1. Қибрай тумани, Ядро физикаси институти майдони ер ости суви таркиби

$$SiO_2 \cdot 0,024M/0,95 \frac{HCO_{54}^3 Cl_{26} SO_{20}^4}{Na95(Ca_6)} t^0 64$$

2. Фарғона водийси, Чорток санаторияси майдони ер ости суви таркиби

$$SiO_2 \cdot 0,010M_{0,5} \frac{SO_{45}^4 HCO_{40}^3 (Cl_{15})}{Mg_{39} Ca_{35} Na_{21}} t^0 30$$

Биринчи минерал сув гидрокорбанат-хлор-натрийли, иккинчиси сульфат-гидрокарбонат-магний-кальцийли сув, деб аталади.



16.3-расм. Ер ости сувларининг таҳдуний натижаларини учбурчак жадвал орқали ифодалаш (Г.В.Богомоловдан)

4. Ер ости сувлари кимёвий таркиби таҳлилиниг натижаларини чизма кўринишда ифодалашда «Ферри учбурчаги» усули қўлланилади (16.3-расм). Бунда анионлар ва катионлар учун алоҳида-алоҳида учбурчаклар чизилиб, биринчи учбурчакни уч қисмларига анионлар ( $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{Cl}^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ), иккинчисининг уч қисмларига катионлар ( $\text{Na}^+$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ) жойлаштирилади. Учбурчакларни ҳар бир томони 10 га бўлиниб, ҳар бир бўлак 10 фоиз мг-экв. га тенг деб, ёки 10 бўлакни ичида 100 фоиз мг-экв ионлар бор, деб олинади. Учбурчакларнинг учидан, яъни ионлар белгиларидан пастга ва юқорига қараб, уларнинг миқдори камайиб боришини ҳисобга олган ҳолда, таҳлил натижалари тўғри келган нуқталар топилади. Ҳар бир учбурчакдаги ана шу топилган нуқталарнинг ўрнига (фоиз мг-экв. миқдорига) қараб, сувнинг таркибий номи аниқланади.

### 16.7. Ер ости сувларининг физик хосса ва ҳусусиятлари

Ер ости сувларининг тиниқлиги, ранги, таъми, ҳиди, зичлиги, ҳарорати ва сиқилувчанлиги, ёпишқоклиги, электр ўтказувчанлиги, радиоактивлик даражаси уларнинг энг асосий физик хосса ва ҳусусиятлари ҳисобланади.

**Тиниқлиги.** Ер ости сувларининг тиниқлиги уларда органик, коллоид ва механик қўшимчаларнинг бор-йўклиги, кўп-озлигига боғлиқ. Табиий тинқ сувда бундай қўшимчалар йўқ ёки жуда оз миқдорда бўлиши мумкин. Қўшимчалар миқдорини оддий кўз билан, лупа ёки микроскоп ёрдамида баҳолаш мумкин. Ер ости сувлари таркибида юқоридаги қўшимчалар бўлса, улар лойқа, кўйкумли бўлади. Шунинг учун бундай сувлардан фойдаланишда ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чунки, айниқса органик қўшилмаларга бой сувлар серқўйкумли бўлади. Уларни органик моддаларга бой эканлик даражаси органик бирикмаларни оксидалаш учун сарф бўладиган кислород ёки калий марганец оксидининг ( $\text{KMnO}_2$ ) миқдори

билин баҳоланади. 21 мг органик биримлами сувни оксидлаш учун 1 мг  $O_2$ , ёки 4 мг  $KMnO_4$  керак. Ичимлик сувларида  $KMnO_4$  нинг микдори 10 мг-л дан ошмаслиги зарур (Седенко, 1979).

**Ранги.** Тоза ичимлик суви рангсиз бўлади. Ер ости суви рангининг ўзгариши, унинг таркибида у ёки бу қўшимчалар мавжудлигидан далолат беради. Агарда сувнинг ранги сарғиш, кўнғир тусда бўлса, унинг таркибида темир, органик биримлар борилигини, кўкиш, зангори (ҳаворанг) ранг эса, сувда олтингутурт микдорининг кўплигини билдиради. Гумус микдори ва марганец элементининг кўплиги сувга қорамтири тус беради. Сувни ранги амалиётда мавжуд бўлган ранг эталонлари ёрдамида баҳоланади.

**Таъми.** Ер ости сувларининг таъми ҳам уларнинг таркибида мавжуд бўлган минерал моддаларга, газ ва бошқа қўшимчаларга боғлиқ. Сув таркибида  $NaCl$  ни микдори ҳар бир литрда 500 мг дан кам бўлса, чучук, 500-600 мг дан ошиқ бўлса, шўр таъм беради. Шунингдек,  $MgSO_4$  нинг меъеридан ошиқлиги аччик, органик моддаларни бўлиши – чучук.  $Ca(HCO_3)_2$ ,  $Mg(CH_3COO)_2$  каби тузларнинг бўлиши ёқимли таъм беради.

**Хиди.** Тозза ичимлик табиий сувнинг хиди бўлмайди. Фақат баъзи минерал сув маёнбаларида булок сувларининг ёки ўзига хос таркибли тоғ жинслари қатламларида мавжуд бўлган ер ости сувларининг таъми бўллади. Бунга сабаб ер ости сувларида олтингутуртнинг у ёки бу даражада бўлишидир. Ер ости суви маёнбаларига ҳар хил чиқинди маҳсулотлари эритмаларининг сизиб ўтиши ҳам уларга маълум даражада хид бериши мумкин.

## 16.6-жадвал

### Ер ости сувлари таркибидаги туз ва газлар микдори ўзгаришининг улар ҳарорати ўзгаришига таъсири

Сув ҳарорати °C	Сувда эриган тузлар микдори, г-л			Газлар микдори, г-л				
	$NaCl$	$CaSO_4$	$CaCO_3$	$O_2$	N	$CH_4$	$H_2S$	$CO_2$
25	26,44	0,209	0,0014	0,0285	0,0144	0,033	1,304	0,771
50	26,99	0,204	0,0015	0,0209	0,0108	0,0213	1,410	0,423
100	28,15	0,153	0,0015	0,0177	0,0098	0,0177	0,844	-

**Ҳарорати.** Ер ости сувларининг ҳарорати сувли тоғ жинс қатламларининг ўтиш чуқурлигига, сув таркибидаги туз ва газларнинг турларига, уларнинг микдорига, географик ўрнига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, Тошкентолди, Фарғона минерал сувлари ҳавзасидаги неоген, палеоген, юқори бўр, палеозой даври жинс қатламларидан ер сатҳига оқиб чиқувчи сувнинг ҳарорати,  $34-43^{\circ}C$  дан  $65-72^{\circ}C$  оралиғида ўзгариб туради.

Олимларнинг маълумотига қараганда, республикамиз ер ости сувларининг ҳарорати ҳар 100 метр пастга қараб чуқурлашиш билан, 2,05-4,5°C дан 7-8°C гача ошиши аниқланган. Бу ҳолат ҳисобга олинса, ер ости сувларининг ҳарорати 2000-5000 метр чуқурлиқда 50-150°C, 7000-8000 метр чуқурлиқда 200-250°C га бориши мумкин (Б.А.Бедер, А.С.Ҳасанов ва бошқалар, 1971).

Г.Б.Богомоловнинг маълумотларига кўра, ер ости сувлари таркибидаги NaCl тузи миқдорининг кўпайиши билан ҳамда O<sub>2</sub> ва H<sub>2</sub>S газларининг миқдори камайиши билан унинг ҳарорати 25°C дан 100°C гача ошади (24.5-жадвал).

Ер юзасига яқин бўлган қатламлардаги ер ости сувларининг ҳарорати атмосфера ҳароратининг фасллар мобайнида ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Мамлакатимиз худудида бў ўзгаришнинг 8-200°C атрофида бўлиши кузатилган.

Ер куррасининг ҳозирги вақтдаги вулқон ҳаракатлари мавжуд бўлган зоналарида (Камчатка, Корсия, Исландия ва б.) ер ости сувлари ҳароратининг 100°C дан ошиқ бўлиши маълум.

**Зичлиги.** Ер ости сувларининг зичлиги асосан унданаги эриган тузларнинг миқдорига, сувнинг ҳароратига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Тоза ичимлик чучук суви 4°C дан юқори зичликка эга бўлиб, ҳарорат пасайиши билан унинг камайиши кузилади. Яъни сув ҳарорати 4°C бўлганида унинг зичлиги 1 г·см<sup>3</sup>, 3,98°C да - 0,999973, 0°C да эса 0,9981 г·см<sup>3</sup> бўлади. Демак, ер ости сувлари ҳароратининг 4°C дан ошиши билан, унинг зичлиги камайди. Бунга бирдан-бир сабаб сув ҳарорати ошиши билан, унинг ҳажми кенгайиб боришидир. Шунинг учун ҳам сув ҳарорати 20°C бўлганда, унинг зичлиги 0,998203 г·см<sup>3</sup> даражасига стади. Ҳароратнинг ошиб бориши билан сув зичлиги ҳажмининг кенгайиши ер ости жинс қатламларидаги йиғиладиган энергия миқдорига таъсир қилиши ва айрим ҳолатда жинс қатламлари зичлигининг ошишига сабабчи бўлиши мумкин. Бу ҳолат жинс қатламларини қандайдир йўналишда ҳаракатга келишига ва Ер куррасининг маълум қисмида ер қимирлаш ҳодисаси содир бўлишига олиб келиши мумкин. Ер ости сувлари зичлигини аниқлашда пикнометрик усул қўлланилади.

**Сиқилувчанлиги.** Сувларнинг сиқилувчанлиги жуда кичик бўлиб, у сиқилувчанлик коэффициенти билан ифодаланади:

$$\beta = (2,7 - 5) \cdot 10^{-5} \text{ Па}$$

**Ёпишқоқлик.** Сувларнинг ёпишқоқлиги суюқликдаги заарчаларнинг ҳаракат давомидаги ички қаршиликларини ифодалайди. Уларнинг миқдори динамик ва кинематик ёпишқоқлик коэффициенти билан ифодаланади.

**Электр ўтказувчанлиги.** Сувларнинг электр ўтказувчанлиги улар таркибидаги тузларга боғлиқ. Чучук сувлар электр токини оз миқдорда

үтказади. Дистрланган сувлар ўзидан электр токини ўтказмайды. Сувларнинг электр токини ўтказиши электр қаршилиги билан (Ом.м) ифодаланиб, 0,02-1,0 Ом.м оралиғида ўзгариб туради.

Радиоактивлик даражаси радон ва радий эмонацияси миқдорлари билан аниқланади. Ер ости сувлариде радиоактивлик жуда кам ҳолларда учрайди.

Ер ости сувларининг қаттиқлиги. Ер ости сувларининг қаттиқлиги сабаби унда  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  катионлари ва  $\text{HCO}_3^-$  ионлари мавжудлиги бўлиб, улар тузлар ҳолатидаги  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{CaHCO}_3$ ,  $\text{CaCO}_3$  нинг миқдори билан баҳоланади. Табиатда сувлар нокарбонат ва карбонат қаттиқликга эга бўлиши мумкин. Норкарбонат қаттиқлик сувда кальций ва магний сульфитларининг эришидан, карбонат эса сувда кальций ва магний бикарбонат тузларининг эришидан вужудга келади. Амалиётда умумий, вақтингчалик ва доимий қаттиқлик тушунчалари маълум. Умумий қаттиқлик деганда сувда эриган кальций ва магний тузларининг умумий миқдори тушунилади. Вақтингчалик қаттиқлик деганда сувдаги мавжуд бикарбонат тузларини қайнатиш жараёнида чўкмага тушган кам эрувчан тузлар миқдори тушунилади. Умумий қаттиқликдан вақтингча қаттиқлик қийматини айриб ташлагандан кейинги ҳолати ер ости сувларининг доимий қаттиқлиги тушунчасини беради. Сувнинг умумий қаттиқлиги қаттиқлик даражаси билан ўлчаниб, илгарилари немисча усул кўлланилганда, градусда ифодаланаар эди. Бу усул бўйича бир даража қаттиқлик бир литр сувдаги кальций оксидининг 10 мг ёки магнийнинг 7,2 мг миқдорига тўғри келади. Ҳозир қаттиқлик бир литр сувдаги кальций ва магний ионларининг миллиграмм-эквивалентлари (мг-экв.-л) йигиндиси билан ўлчанади.

Марказлашган хўжалик истеъмоли учун ишлатиладиган ер ости сувларининг ўта қаттиқлиги 7 мг-экв-л дан ошмаслиги лозим. Бир мг-экв-л амалда 20,04 мг-л  $\text{Ca}^{2+}$  ёки 12,16 мг-л  $\text{Mg}^{2+}$  миқдорига teng.

О.А.Алекин табиий сувларни, қаттиқлиги бўйича, қуйидагича фарқ қилишни таклиф қиласди:

Жуда юмшоқ-0,0-1,5 экв-л гача;

Юмшоқ-1,5-3 мг экв-л гача;


Ўртача қаттиқ-3-6 мг экв-л гача;

Қаттиқ-6-9 мг экв-л гача;

Жуда қаттиқ-9 мг экв-л дан юқори.

Ер ости сувларининг қаттиқлигини ўрганиш ва билиш халқ хўжалигига катта аҳамиятга эга. Чунки, ер ости сувлари қаттиқлигининг меъёридан юқори бўлиши, буғ қозонлариде чўкма миқдорининг ошишига, нагижада уларнинг тез ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Кальций ва магнийнинг чўқмага тушиш жараёни қўйидаги реакция кўринишида юз беради:



Сувдаги мавжуд кальций ва магний  $CaSiO_3$ ,  $MgSiO_3$ ,  $CaSO_4$  чўқма ҳолатига тушиши ҳам мумкин. Натижада, буғ қозонларининг қизиши қийинлашади. Унинг ҳаддан ташқари қизиб костиши оқибатида, баъзан буғ қозоннинг портлаб кетиши мумкин. Шунингдек, кальций ва натрий ионлари қўйқага тушишидан ташқари кўпикланиш жараёни ҳам содир бўлади. Бу қозон дэворларининг смирилишига, яъни коррозия жараёснини вужудга келишига сабаб бўлади. Бундан ташқари сувнинг ўта қаттиқ бўлиши хўжаликда совун миқдорининг кўп сарф бўлишига, инсонларининг буйракларида тош пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Сувнинг қаттиқлигини камайтириш-юмшатиш учун унга сода, натрий фосфат тузлари кўшишади.

**Ишқориyllиги.** Ер ости сувларининг ишқориyllиги улардаги  $NaOH$ ,  $Na_2CO_3$ ,  $NaHCO_3$ , бирикмаларининг миқдорига боғлиқ. Бу бирикмаларнинг ер ости сувлари таркибида кўп бўлиши саноатда ишлатиладиган асбоб ва ускуналарни сув билан совитиш жараёснини қийинлаштиради. Амалиётда ишқориyllик мг-экв-л билан ифодаланади. Бир мг-экв-л 40 мг-л  $NaOH$ , 53 мг-л  $Na_2CO_3$ , 84,22 мг-л  $NaHCO_3$  миқдорига тўғри келади.

## 16.8. Ер ости сувлари сифатини баҳолаш

### 16.8.1. Ичимлик сувларига талаб

Ер ости сувлари сифати уларнинг физик хусусиятларига ва кимёвий таркибига боғлиқ. Тоза ичимлик суви рангсиз, тиник, ҳарорати 4-15°C, қаттиқлиги 7 мг экв-л дан ошмаслиги, кассаликларни келтириб чиқарувчи бактерияларсиз бўлиши керак. Сувларнинг сифатини баҳолаш давлат томонидан жорий этилган стандартлар (ГОСТ) асосида амалга оширилади. Амалдаги стандартларга биноан ичимлик суви таркибидаги эриган моддаларнинг умумий миқдори 105-110°C ҳароратда 1000 мг-л дан ошмаслиги талаб қилинади. Сув таркибида айрим элементларнинг, жумладан, кўроғшиннинг миқдори ҳар литр сувда 0,1; мишъяк-0,05; фтор-1,5; мис-3; цинк-5; темир-0,3; фенол-0,01 мг дан кўп бўлмаслиги лозим. Ҳозирги вактда жуда кўп ер ости сув манбаларининг органик ифлосланиши кузатилмоқда. Бундай сувларда маълум миқдорда ичак кассаликлари таёқчалари мавжуд бўлиши мумкин. Агарда 100 см<sup>3</sup> сувда ичак касаллиги

таёқчаси 1 та бўлса, у - соф, 10 см<sup>3</sup> да шунча бўлса – қониқарли, 1 см<sup>3</sup> да бўлса - шубҳали, 0,1 см<sup>3</sup> сувда бир таёқча бўлса – тоза эмас, 0,01 см<sup>3</sup> сувда 1 таёқча бўлганда мутлақо яроқсиз, деб баҳоланади. Амалиётда ер ости сувларида ана шундай таёқчаларнинг мавжуд бўлиши даражаси коли-титр<sup>1</sup> билан белгиланади.

Водопровод сувларининг 300 см<sup>3</sup> миқдорига бир коли-титр тўғри келиши ёки ҳар 1000 см<sup>3</sup> сувда таёқчалар сони 2-3 тадан кам бўлиши керак. Агарда 300 см<sup>3</sup> сувда 1 та ичак тайёқчаси учраса, сув хлорланиб, сўнгра истеъмолчига берилиши лозим. Шунингдек, ер ости сувларида азот бирикмаларини: нитрит иони ( $\text{NO}_2^-$ ), нитрат иони ( $\text{NO}_3^-$ ) ва аммоний иони ( $\text{NH}_4^+$ ) кўп миқдорда учраса ҳам сувнинг ифлосланганидан, унда киши учун зарарли бактериялар мавжудлигидан далолат беради.

Ичимлик суви сифатида ишлатиладиган ер ости сувлари таркибида радиоактив элементлар изотопларининг ( $\text{Sr}^{90}$ , С) бўлиши ҳам жуда хафли ҳисобланади. Уларнинг қиймати Давлат бош санитария инспекцияси томонидан белгиланган меъёрдан ошмаслиги лозим.

### **16.8.2. Техник мақсадлар учун ишлатиладиган ер ости сувларига талаб**

Ҳозирги вақтда қоғоз ва консерва ишлаб чиқариш, тўқимачилик ва қўйчилик саноатида, иситиш шахобчаларини сув билан таъминлашда, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида ер ости сувларидан кенг фойдаланилади.

Саноатда ишлатиладиган ер ости сувлари тиниқ, рангсиз, таъмсиз ва юмшоқ бўлиши керак. Буғ қозонларида ишлатиладиган ер ости сувлари таркибидаги қуруқ қолдиқнинг миқдори 300 мг-л дан,  $\text{N}_2\text{O}_5$  нинг миқдори 50 мг-л дан, Cl нинг миқдори 200 мг-л дан ошмаслиги, агрессив (карбонат ангидрид, сероводород) кислоталарнинг бўлмаслиги, қаттиқлик даражаси қийин тозаланадиган қозонлар учун 1,8, енгил тозаланадиган қозонлар учун 3 мг экв-л дан кам бўлиши лозим. Карбонат ангидрид ва сероводородли сувлар юкори емириш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли сув тарқатиш шахобчаларида карбонат ангидрид сувлар учун – чўян, сероводородли сувлар учун - асбестцемент қувурлари ишлатилади.

Карбонат ангидриди ва серводородли ер ости сувлари иморат ва иншоатлар пойдеворидаги бетоннинг емириши ва унинг мустахкамлигига путур етказиши ҳам мумкин. Уларнинг турига ва таъсир этиши даражаларига қараб, сульфат ва карбонат ангидриди агрессивлиги юз беради. Сульфат агрессивлиги ер ости сувлари таркибидаги  $\text{SO}_4^{2-}$  нинг миқдори 250 мг-л дан

<sup>1</sup> Маълум ҳажмдаги (1 л) сувда бўлган ичак таёқчаларининг миқдори: Агар 300 см<sup>3</sup> сувда битта таёқча бўлса, сувни ифлосланиш кўрсаттичи 300 см<sup>3</sup> коли-титр, деб юритилади.

кўп, Cl- ернинг миқдори 1000-6000 мг-л оралиғида бўлганда содир бўлади. Бетон учун ишлатилган цемент таркибида сульфат ионлари бўлганлиги ҳамда ер ости сувининг сульфатлилиги туфайли бетонда кристаллашиш жараёни вужудга келади, яъни алюминийнинг олтингурут-кальцийли тузлари билан янги бирикмалари-тилс ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) ҳосил бўлади. Бирикмалар ҳажмининг 2-3 баробарга ошиши юз беради. Булар бетоннинг мустаҳкамлита гига путр етказади ва парчаланишига сабаб бўлади.

**Карбонат ангиридидли агрессивлик** бетон асосини ташкил қилиб турувчи  $\text{CaCO}_3$  нинг сувда эриши ва ювилиб кетилиши натижасида юз беради. Маълумки, табиий ср ости сувларида эркин карбонат ангиридид кислотаси ва  $\text{HCO}_3^-$  нинг ионлари ( $\text{CO}_3^{2-}$ ) бўлади. Эркин ҳолатда бўлган карбонат ангиридид кислотасининг бир кисми цемент массасини ташкил этувчи  $\text{CaCO}_3$  ни эритишга ва бошқа бир кисми сувдаги бикарбонат кальцийнинг сакланиб қолишини таъминлайди. Сув таркибида эркин карбонат ангиридид кислотасининг миқдори қанча кўп бўлса, цемент таркибидаги  $\text{CaCO}_3$  нинг шунчалик кўп эришига ва бетоннинг бузилишига сабабчи бўлади.

#### **16.8.3. Суғориш мақсадлари учун ишлатиладиган ер ости сувларига талаб**

Суғориш мақсадлари учун ишлатиладиган ер ости сувлари таркибидаги тузларнинг умумий миқдори 5-7 г-л дан ошмаслиги керак. Ўсимликларнинг ўсишига нафақат тузларнинг умумий миқдори, балки сув таркибидаги айрим тузларининг ошиқлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳар литр суғориладиган сув таркибида  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  миқдори бир г,  $\text{NaCl}$ -2г,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ -5г. дан ошмаслиги талаб этилади. Шу билан бирга, ер ости сувларидан суғориш мақсадларида фойдаланишда, суғорилаётган майдонларни ташкил этувчи тоғ жинслари қалинлигига, гранулометрик, кимёвий таркиби ер ости сувларининг чуқурлигига, оқиши йўналишига эътибор берилмоғи керак. Акс ҳолда сув таркибидаги юқорида кўрсатилган тузлар миқдорининг ортиб кетиши, иккиласмачи шўрланиш жараёни вужудга келиши натижасида ўсимликларнинг ҳосилдорлиги пасайиши ёки бутунлай нобуд бўлиши мумкин.

Ичимлик, саноат ва бошқа хўжалик соҳаларида ишлатиладиган ер ости сувлари сифатини яхшилашда, ана шу мақсадлар учун ишлаб чиқилган маҳсус услубий қўлланмалардан ва маълумотлардан<sup>1</sup> фойдаланилади.

<sup>1</sup> Справочник проектировщика водоснабжения населенных мест и промышленных предприятий. М., Стройиздат. 1967.

## **Такрорлаш ва текшириш учун саволлар**

1. Ер ости сувларининг кимёвий таркиби қандай вужудга келади? Ер ости сувлари таркибини ташкил этувчи кимёвий элементларни ёзib кўрсатинг.

2. Макро-микро ва ультрамикрокомпонентлар тўғрисида тушунча беринг.

3. Ер ости сувларида органик моддалар қандай вужудга келади? Микрофлоралар хақида гапириб беринг.

4. О.А.Алекин таснифидаги сувлар, гурухлар ва турлар қайси омилларга асосан ажратилган?

5. Қаттиқ қолдиқ деганда нима тушунилади? Қуруқ қолдиқ дегандачи?

6. Таҳлил учун ер ости сувларидан қандай ва қанчча миқдорда намуна олинади?

7. Ер ости сувлари таҳлили натижаларини ифодалаш шаклларини санаб беринг.

8. Сув таркибини ташкил этувчи ионлар миқдори қандай ифодаланади?

9. М.Г.Курлов томонидан таклиф этилган ер ости сувлари кимёвий таҳлили натижаларини ифодалаш формуласини ёзинг ва изоҳлаб беринг.

10. Ер ости сувлари кимёвий таҳлили натижалари чизма кўринишида қандай ифодаланади?

11. Ер ости сувлари физик хосса ва хусусиятларини санананг ва улар тўғрисида тушунча беринг.

12. Ер ости сувларининг сифати нималарга боғлик?

13. Ичимлик, техник ва қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ишлатиладиган ер ости сувларини баҳолашда қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

14. Суғориш мақсадлари учун ишлатиладиган сувлардаги тузларнинг умумий миқдори ва ўсимликларнинг ўсиши учун салбий таъсир кўрсатувчи тузларни ёзib кўрсатинг ва улар тўғрисида гапириб беринг.

## **17-боб. Ер ости сувларининг баланси, режими ва захираси**

### **17.1. Ер ости сувларининг баланси**

Ер ости сувларининг баланси деганда, муайян вақт давомида у ёки бу ҳудуддаги ер ости сув қатламларига табиий ва техноген омиллар таъсири остида маълум миқдордаги сувнинг оқиб кириши ва сарфланиши қонуниятлари тушунилади.

Ер ости сув балансининг кириш қисмини вужудга келтирадиган энг асосий омиллар қўйидагилардан иборат:

1. Ер ости сув баланси ўрганилаётган майдонга тушадиган атмосфера ёғинларининг сувли қатламларга сингиши-А.

2. Сув буғларининг конденсацияланиши, яъни қуюқлашиши натижасида ҳосил бўладиган сувларнинг сувли қатламларга қўшилиши-К.

3. Ер ости сув оқими ( $\Pi$ ) қуйидагилардан ташкил топади:  $\Pi_1$ -ён томондан оқиб кираётган сув оқими;  $\Pi_2$ -ср усти сув ҳавзаларидан (дарё, кўл, сув омборлари, каналлар ва б.) сизиб ўтаётган сув оқими;  $\Pi_3$ -пастки сув қатламларидан кўтарилаётган сув оқими.

Ер ости сувлари балансининг сарфланиш қисмини ташкил қилувчи омиллар:

1. Ер ости сувларининг ер сатҳи томон кўтарилиши жараёнида ҳамда ўсимликлар барглари орқали содир бўладиган буғланиш оқибатидаги сарф- $U$ .

2. Ер ости сув оқимини маълум йўналишда ҳаракат қилиши ( $C$ ) жараёнида ер юзасига оқиб чиқиши, ер усти сув манбаларига қўшилаётган сув сарфи- $C_1$ .

3. Пастки чукур ва қатламларга сизиб кириши, оқиб ўтиши жараёнида содир бўладиган сув сарфи- $C_2$ .

Юкоридагиларни хисобга олиб, маълум майдонда т муддатга тўғри келадиган ер ости сувлари балансининг тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин (Й.Э.Эргашев, 1990):

$$\Delta W = A + K + \Pi + \Pi_1 + \Pi_2 + \Pi_3 - U - C_1 - C_2$$

Амалиётда ер ости сувлари оқим балансини ўрганиш муайян баланс майдонларида олиб борилади. Баъзан юкориги формуладаги ҳамма ҳоллар баланс майдонини тўлиқ ифода этмаслиги ҳам мумкин. Яъни, баланс тенгламасида чукур қатламлардаги ер ости сувларининг буғланишига бўладиган сарф ( $U$ ), сув ўтказмайдиган қатламлардан юкорига сувни сизиб ўтиш жараёнида вужудга келадиган  $C_2$  ва  $\Pi_3$  сарфлари юз бермаслиги тенгламада катнашмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда тенглама қуйидагича ифодаланади:

$$\mu \Delta h = A + K + \Pi - U - C$$

Тенгламаларда  $\Delta W$  - вақт (кун, ой, йиллар) мобайнида ер ости сувлари захирасининг ўзгариб бориши;  $\Delta h$  - т - вақт давомида сув сатҳининг ўртача ўзгариши;  $\mu$  - тоз жинсларининг сув чиқариш коэффициенти ( $\Delta h$  манфий қийматга эга бўлганда) ва сувга тўйиниш танқислиги ( $\Delta h$  мусбат қийматга эга бўлганда);  $\mu \Delta h$  - қиймат фасл ва кўп йиллар давомида ўзгариб туради.

Ер ости сувларининг сатҳи кўтарилганда  $\mu \Delta h$  нинг қиймати мусбат, пасайганда манфий бўлади.

Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, агар грунт сувлари режими сунъий равишда бузилган бўлса, баланс тенгламасида сув билан

таъминлаш учун унинг сарфи - В, зовурга оқиб келаётган сув сарфи - Д, сугориш каналларидан ва сугориш ерларидан сув сарфи (микдори) -  $\Phi_x$  ни хисобга олмок лозим. Оқиб келаётган ер ости суви микдори, оқиб чиқиб кетаётган сув микдоридан (сарфидан) ошиб кетса, майдонни сув босади, яъни захлаш жараёни содир бўлади. Бундай ҳолатларда катта майдонларда сув балансини ўрганиш ер ости сувлари режимини тартибга солища катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган майдонларидаги ер ости сувларини хар томонлама ўргангандан М.М.Крилов (1947) қуийдаги баланс тенгламасини таклиф этди:

$$\mu \Delta H = xf + \frac{f_n + f_k + f_b}{W} \cdot \frac{Q_1 - Q_2}{W} + K - U$$


Бу сарда:  $\mu$  - грунтларнинг сув бериш қобилияти;  $\Delta H$  - ер ости грунт сувлари сатҳининг ўзгариши, м;  $x_f$  - хаво ёғини бир қисмининг грунт сувлари сатҳига бориб қўшилиши, м<sup>3</sup>;  $f_n$  - экин майдонларини сугориш жараёнида сув бир қисмининг ер ости сув сатҳига сизиб ўтиши, м<sup>3</sup>;  $f_k$  - ер усти сув манбаларидан бир қисм сувнинг ер ости грунт сувларига сизиб ўтиши, м<sup>3</sup>;  $f_b$  - ер ости сувларининг булоқлар тарзида сарфланиши, м<sup>3</sup>; W - сугорилаётган массив майдони, м<sup>2</sup>;  $Q_1$  - майдонга оқиб келаётган грунт суви оқими, м<sup>3</sup>;  $Q_2$  - майдондан оқиб келаётган грунт суви оқими, м<sup>3</sup>; K - грунт сувларини конденсация йўли билан тўлдирилиши, м<sup>3</sup>; U - сувларнинг буғланиши (расипирация ва бошқалар), м.

Тенгламалардаги ер ости сувлари балансининг «кириш» ва «сарфланиш» қисмлари ойлар, фасллар, йиллар мобайнида, баъзан тўсатдан вужудга келувчи табиий (атмосфера ёғинининг ёки кўп оз бўлиши, кучли ер қимирлашлар жараёнида ернинг остики ва устки қисмларида ёриқлар пайдо бўлиши ва б.) ва табиий бўлмаган (инсонларнинг инжеснер ва хўжалик фаолиятлари) омиллар таъсирида доимо ўзгариб туради. Агарда баланснинг «кириш» қисми ошиб кетгудек бўлса, захлаш, шўрланиш, сурилиш жараёнларининг ривожланишига олиб келади. Аксинча, «сарфланиш» қисмининг ошиб кетиши ер ости сув сатҳларининг пасайиб кетишига, сув усти қатламларининг деффамацияланишига, натижада, қатор иккиламчи жараён ва ҳодисаларнинг вужудга келишига олиб келиши мумкин.

## 17.2. Ер ости сувларининг режими

Ер ости сувларининг режими деганда, уларнинг сатҳ чукурликларини (17.1-расм), ҳароратини, кимёвий ва газ таркибини, сарфини маълум вакт мобайнида табиий ва табиий бўлмаган омиллар таъсирида микдорий ва сифат жиҳатдан ўзгариши қонуниятлари тушунилади.

Ер ости сувларининг режимига таъсир этувчи табиий омиллардан қуийдагиларни кўрсатиш мумкин:



17.1-расм. Ер ости сувларининг сатҳ баландиқларини кўп йиллар мобайнида ўзгариб туришини кўрсатувчи чизма (F.O. Мавлонов, С.З. Зоҳидов, М.М. Криловлардан)

1.Худуднинг геологик шароити (сувли қатламларнинг ётиш ҳолатлари, литологик таркиби, қалинлиги ва бошқалар).

2.Ер сатҳининг геоморфологик тузилиши (баланд-пастлиги, қиялиги ва бошқалар).

3.Тектоник шароити (ёриқларнинг, узилма, сурйлмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ўлчамлари ва ҳоказолар).

4.Иқлим шароити (атмосфера ёғинлари, ҳаво босими, ҳаво ҳарорати, намлиги ва бошқалар).

5.Ер усти сув ҳавзаларининг (дарёлар, кўллар ва бошқаларнинг) мавжудлиги ва оралиқ масофаси.

Ер ости сувлари режимига таъсир кўрсатувчи нотабий омилларга инсонларнинг инженерлик ва хўжалик фаoliyatlari билан боғлиқ бўлган ҳамма омиллар киради. Булар:

1.Сув омборларининг қурилиши, дарёларнинг тўсилиши;

2.Каналларнинг қазилиши ва уларга сув юборилиши.

3.Экин майдонларини суғориш, суғориш режимининг бузилиши.

4.Ер ости табиий тузилишининг ўзgartiriлиши.

5.Ер ости сувлари ҳаракати йўналишини ҳисобга олмасдан курилган ҳар қандай иморат ва иншоотлар.

6.Ер ости сувлари балансини, режимини ҳисобга олмаган ҳолда улардан режасиз равишда фойдаланиш ва бошқалар.

Табиий омилларнинг ер ости сувлари оқимига узоқ геологик вақтлар давомида таъсир этиши оқибатида уларнинг сатҳи, кимёвий, газ таркиби ва сарфининг ўртача кўп йиллик қийматлари қандайдир даражада доимий ҳолатга келиб қолиши мумкин. Масалан, 1955-1960 йилларда республикамизнинг кўп ҳудудларида, жумладан, Мирзачўл, Чирчиқ-

Охангарон дарёлари оралиғи ва унга яқын майдонларда, Қарши чүлларида ва күргина бошқа худудларда ер ости сувларининг табиий сатҳи чуқурлиги 20-25 м дан пастда, минераллашиб даражаси 0,5-1 г·л дан кам ва муайян табиий йўналишдаги доимий оқимга эга бўлган. Лекин 60-йилларда бошланган янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қатор каналлар (Шимолий Тошкент, Жанубий Мирзачўл ва б.)нинг қурилиши, суғориш ишларининг режасиз равишда олиб борилиши оқибатида кейинги 40-45 йиллар мобайнинда ер ости сувлари табиий сатҳининг кўтарилиши юз берди. Кимёвий таркибида миқдорий ва сифат ўзгаришлар содир бўлди. Ер ости сувининг сатҳи табиий ҳолатга нисбатан 5-10 метрга кўтарилиди, ҳатто баъзи жойларда ер юзасига сизиб чиқди. Кимёвий таркибдаги тузларнинг миқдори 1,5-2 г·л дан ошиб кетди. Натижада, Мирзачўл ерларнинг жуда катта майдонларида юз берган захлаш, иккимачи шўрланиш, ботқоқланиш жараёнлари республикамиз шахарлари худудларида ҳам содир бўлди. Жумладан, Тошкент шахри худудида, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейинги олиб борилган кенг миқёсидаги қурилиш ишлари жараённида шаҳарнинг ер сатҳи тузилишида катта ўзгаришлар содир бўлди, мавжуд бўлган суғориш тармоқларининг йўналиши ўзгарди. Табиий сув шаҳобчаларидан анчагина қисми (Жангоб, Чорсу, Зах, Кайкауз, Чуқир, Чўлононота ва б.) кўмби юборилди, баъзан ер ости сувлари оқимининг табиий йўналиши қандайдир даражада бузилди. Булар, ўз навбатда, шаҳар майдонидаги мавжуд грунт сувлари кимёвий таркибини ўзгаришига, сув сатҳининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлди (17.1-расм). Шаҳарнинг жуда катта қисмида ер ости сувлари сатҳининг йилига 0,45 мм тезлик билан кўтарилиб бораётганилиги аниқланган (Н.Ф.Мавлонов, И.А.Петрухина, 2000). Шунинг учун шаҳарда бунёд этилаётган ҳар қандай иморат ва иншоотларнинг (йирик бинолар, метро йўналишлари, кўприклар) қурилишини режалаштиришда ва қуришда ер ости сувлари режимига эътибор бериш кераклигини доимо назарда тутмоқ лозим.

### 17.3. Ер ости сувларининг захираси

Ер ости сувларининг ниҳоятда зарурлигини ҳисобга олиб, у ёки бу худудлардаги мавжуд бўлган ер ости сув конлари ва уларнинг захиралари ҳисоблаб чиқилади. Бу шаҳарларни, саноат марказларини ичимлик ва техник сувлари билан қай даражада таминлаш мумкинлигини, экин майдонлари учун зарур бўлган ер ости сувлари миқдорини олдиндан билиш ва режалаштиришда катта амалий аҳамиятга эга.

Н.А.Ахмедов ва А.А.Мавлоновлар маълумотларига кўра (2003 й.), ҳозирги кунда республикамида 99 та ер ости сув конлари очилган бўлиб, улардан 77 таси тоза ичимлик суви манбалари ҳисобланади. Бу конларда сув захираси 66 млн. м<sup>3</sup>-сут. деб, башорат қилинади. Ундан 41,6 млн.м<sup>3</sup>-сут.

сувнинг минераллашиши 1-5 г·л.га, 24,4 млн.м<sup>3</sup>-сут. сувнинг минераллиги эса 1 г/л га тенг. Умумий башорат қилинган сув захиралари вилоятлар бўйича қўйидаги: Фарғона водийсида-34,5 фоиз; Тошкент вилоятида-25,7 фоиз; Самарқанд вилоятида-18 фоиз; Сурхондарё вилоятида-9 фоиз, Қашқадарё вилоятида-5,5 фоиз. Қолган вилоятларга 7 фоиз ер ости суви захираси тўғри келади, холос.

Амалиётда ср ости сувларининг захиралари уч грухга бўлинади:  
1.Табиий. 2.Фойдаланиладигани. 3.Сунъий сув захиралари.

Ер ости сувларининг табиий захираси, деганда тоғ жинс қатламлари ғовак ва ёриклидаги, маълум табиий шароитда ҳаракат қилувчи, нотаббий омиллар таъсирида ўзгармайдиган сув захираси тушунилади.

Ер ости сувларининг фойдаланиш захираси, деганда техник. иқтисодий жиҳатдан оқилона ҳисобланган усуллар ёрдамида сув чиқариш иншоотлари орқали истеъмолчилари талабларини бутун истеъмол қилиш жараённида сифат ва миқдор жиҳатдан қондирадиган сув миқдори тушунилади.

Ер ости сувларининг сунъий захираси, маҳсус иншоотларга (маълум миқдордаги ср ости сувлари мавжуд бўлмаган ва яна катта миқдордаги сувни йигиш мумкин бўлган шағалтош, қумлардан иборат бўлган қатламларга) бурғу қудуклари орқали ва бошқа йўллар билан ер ости сувларининг оқимини тўсиб, сингдириш ва шу тарзда уларнинг захирасини сунъий равишда кўпайтириш орқали вужудга келтирилади.

Ер ости сувларининг табиий захираси статик ва динамик захираларга бўлинади. Статик захира дегангда сувли қатламлардаги мавжуд бўлган гравитацион сув ҳажми тушунилиб. қўйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$Q_{cn} = \mu \cdot V$$

Бу ерда:  $\mu$ -сувли қатламнинг сув чиқариши (сув берувчанлиги);  $V$ -сувли қатламнинг ҳажми.

Динамик захира деганда эса, маълум вақт мобайнида сувли қатламнинг кўндаланг кесим юзасидан оқиб ўтган сув сарфи, ёки сувли қатламга ҳар йили у ёки бу йўллар билан келиб қўшиладиган сув миқдори тушенилади. Амалиётда ср ости сувларининг динамик захирасини вужудга келтирувчи омилларни ҳисобга олувчи қатор аниқлаш усуллари жорий этилган. Қўйида улардан баъзилари келтирилади (М.Е.Альтовский, А.П.Коротеев, 1962):

1. Атмосфера ёғинларини инфильтрация қилинишини ҳисобга олиш йўли:

$$Q_d = 10aNF$$

Бу ерда:  $Q_d$ -ҳар йили атмосфера ёғинларининг инфильтрация қилиниши ҳисобига тўлдирилаётган ер ости сув захираси, м<sup>3</sup>-йил;  $a$ -инфильтрация коэффициенти (атмосфера ёғинларини шимилишига сарф

бўлган қисми, фоиз);  $N$ -атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори, мм;  $F$ -ер ости сувларининг тўйиниш зонаси,  $\text{km}^2$ .

2. Ер ости сув оқими модулини ҳисобга олиш йўли:

$$Q_d = VF$$


Бу ерда:  $Q_d$ -ер ости сувларининг динамик захираси, л-с;  $V$ -ер ости сув оқими модули,  $\frac{\text{л}}{\text{сек.км}^2}$ ;  $F$ -ер ости сув оқими йигиладиган майдон,  $\text{km}^2$ .

3. Учта қудукдаги ер ости сув сатхлари ўзгаришини кузатиш натижалари бўйича:

$$q_d = Wl$$

Бу ерда:  $q_d$ -маълум эн бирлигига тўғри келувчи ер ости сув оқимининг динамик захираси,  $\frac{\text{л}}{\text{сек.км}^2}$ ;  $W$ -инфилтратия йўли билан грунт сувининг тўйиниши миқдори бўлиб, у грунт суви ҳаракат йўналиши бўйича ўрнатилган учта қудукда олиб борилган кузатиш натижалари асосида Г.Н.Каменскийнинг куйидаги формуласи билан аниқланади (17.2-расм):

$$W = \frac{K_\phi}{l_2} \left( \frac{h^2 - h_1^2}{l_1} + \frac{h_1^2 - h_2^2}{l_1 + l_2} \right)$$



17.2-расм. Грунт сувларини миқдорини инфильтрация йўли билан озиклашишини аниқлаш чизмаси

Бу ерда:  $K_\phi$ -суви қатламиининг фильтрация коэффициенти;  $h$ -ўрта қудукдаги грунт сувининг сатх чуқурлиги, м;  $h_2-h_1$ -грунт суви оқимининг юқори ва қути қисмida жойлашган қудуклардаги сув сатхларининг чуқурлиги, м;  $l_1-l_2$ -ўрта ва қўшни қудукларнинг оралиқ масофалари, м.

Юқоридагилардан келиб

чикиб, ер ости сувларининг табиий захираси ( $Q_T$ ).  $Q_T = Q_{CT} + Q_d$  бўлади.

Фойдаланилаётган сувлар захирасини ( $Q_3$ ) эса ер ости сувларининг сунъий ( $Q_C$ ) захирасини ҳисобга олган ҳолда, куйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$Q_3 = K_1 Q_T + K_2 Q_C$$

Бу ерда:  $K_1$  ва  $K_2$ -сув йигувчи иншоотларни ишлатишда сув захирадиридан фойдаланиш даражасини кўрсатадиган коэффициентлар (Эргашев, 1990).

Шуниндек, Н.А.Плотников томонидан ер ости сувлари захираларини бошқариб туриш формуласи ҳам таклиф этилган бўлиб, у қуийдагидан иборат:

$$Q_b = \mu \cdot W_p$$

Бу ерда:  $Q_b$ -ер ости сувларини бошқариб туриладиган захира;  $\mu$ -сувли қатламнинг сув берувчанлиги;  $W_p$ -ер ости сувлари сатҳларининг юқори ва пастки ҳолатлари орасидаги фарқини кўрсатувчи сувли қатлам ҳажми.

### **Такрорлани ва текшириши учун саволлар**

- 1.Ер ости сувларининг баланси деганда нимани тшунасиз? Ер ости сувлари балансининг асосий омиллари қайсилар?
- 2.Ер ости сувлари режими тўғрисида сизнинг тушунчангиз? Ер ости сувлари режимига таъсир этувчи омиллар тўғрисида гапириб беринг.
- 3.Ер ости сувларининг захираси қандай вужудга келади? Улар қандай гурухларга бўлинади? Ҳар бир гурух тўғрисида гапириб беринг.
- 4.Ер ости сувларининг табиий ва фойдаланиладиган захираларини аниклаш ва бошқариб туриш формулаларини ёзинг. Уларни изоҳлаб беринг.

## **ЕТТИНЧИ ҚИСМ**

### **ГИДРОГЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

**18-боб. Гидрогеологик тадқиқотларнинг асосий турлари ва тузилмаси, уларни олиб бориши принциплари ва босқиңлари**

#### **18.1. Ер ости сув конлари тушунчаси ва уларни ўрганиши принциплари**

Ер ости сув конлари деб, хўжалик объектларини сув билан таъминлашга мўлжалланган, маълум муддат оралиғида, керакли миқдорда, қоникарли сифатли, бир жойда тўпланган ер ости сувларига айтилади.

Бундан кўриниб турибдики, ер ости сув конлари учта талабга: сифат, миқдор ва улардан фойдаланиш қулийликларига жавоб берниши керак. Конларнинг захираларини ҳисоблашда асосан 25-30 йил олиниб, шу муддат ичида хўжаликнинг у ёки бу тармоқларини керакли миқдорда ва сифатли сув билан таминалаш лозимлиги эътиборга олинади.

Ер ости сув конларини ишлатиш, мақсадларга кўра 6 турга ажратилади:

1. Ичимлик ва хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ер ости сув конлари.

Йил сайин ер ости сувларига талаб ортиб бормоқда. Ер юзида инсонларни ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари сонининг тобора ортиб бориши, ер усти сувларининг ичиш учун яроқсиз бўлиб қолиши ер ости сувларидан фойдаланишини тақозо этади.

2. Техник мақсадларда ишлатиладиган ер ости сув конлари. Ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган ер ости сув конлари турлича бўлиб, кўйидаги талабларга жавоб берниши керак: буғ қозонларида ишлатиладиган юмшоқ сув таркибида минерал тузларнинг камлиги, асбобларни совутиш учун ишлатиладиган сувларни ҳаракати бир маромда бўлиши, ёғоч маҳсулотларини қайта ишлашда натрий хлоридли шўр сувларнинг ишлатилиши.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлатиладиган ер ости сув конлари. Арид худудларида чорва молларини сув билан таъминлаш ва экин ерларини суворишда ер ости сувлари асосий манба ҳисобланади. Бунда уларнинг сифатига, яъни таркибига бўлган талаб бир мунича ўзига хос. Минераллашиб даражаси кўп ҳолларда икки, уч, айрим ҳолларда 8-10 гр-л гача бориши мумкин.

4. Даволаш мақсадида ишлатиладиган ер ости сув конлари. Эрамиздан олдинги VI асрда Юнонистонда Эпидавр курорти таркибida темир

элементи билан бойитилган ер ости минерал сувдан, даволаниш мақсадида фойдаланилган. Ҳозир Ўзбекистонда минерал сувлардан фойдаланиладиган бир исчта санаторий мавжуд.

5. Саноат аҳамиятига эга ерости сув конлари. Ҳозирги вактда дунёдаги бром ва йод захираларини асосий кисмини ер ости сув конлари ташкил этади. Улардан ташқари ср ости сувларидан тош тузи, мирабилит, сода, бор, литий цезий, рубидий, стронций, радий ва бошқа элементларни ажратиб олиш мумкин.

6. Термал сув конлари. Вулқонлар ривожланган ҳудудларда ҳарорати 80-100°C ни ташкил қилувчи булоқлар мавжуд бўлиб, уларни гейзерлар, деб ҳам айтишади. 1914 йили Италияда биринчи бўлиб термал сув билан ишлайдиган элекстростанция қурилган. Ҳозирги кунда бундай элекстр станциялар Янги Зелинъдия, Япония ва Россияда муваффақият билан ишлаб келмоқда.

Термал сувларни факат иссиқлик манбаи сифатида эмас, шифобаҳш сув сифатида ҳам ишлатса бўлади. Бундан ташқари, улардан бор кислотаси ва тош тузлари ажратиб олинади.

Ер ости сув конларини қайси соҳада, қандай мақсадларда ишлатишдан қатъий назар, уларни қидирув ишларининг асосий мақсади қўйидагилардан иборат: улар ҳосил бўлиш шароити, тарқалиши, гидродинамик, гидрокимё ва бошқа конуниятларини аниқлаш.

Конларни табиий шароитини ўрганишдаги амалий масалаларини ҳал этишда геология қидирув ишларининг умумий талабларига асосланади.

Бу талабларга қўйидагилар киради:

1. **Тўлиқлик тамойили.** Бунда ер ости сувларининг вертикал ва горизонтал ҳолатлари бўйича фильтрация чегаралари захираси ҳосил бўлиши, асосий гидродинамик параметрлари, табиий ва сунъий йўллар орқали таъсир этувчи омилларга ҳамда уларнинг сифатини аниқловчи кўрсатгичларга катта эътибор берилади. Тадқиқотларни тўлиқлик даражасини ошириш мақсадида, бошқа турдаги қазилма бойликларни ҳам кўшиб ўрганилади.

2. **Кетма-кетлик ғамойили.** Бу кон тўғрисидаги билимларнинг сескин-аста бойитиб бориш орқали амалга оширилади. Қидирув ишлари ҳар бир конни ўрганишнинг кетма-кетлигига асосланган ҳолда босқичма-босқич олиб борилади.

3. **Конлар ўрганишларининг тенг ўтчамли принципи.** Унинг асосида конларнинг мураккаб қисмларини, яъни сув ўтказувчанлиги турлича бўлган жойлардаги сувлар сифатининг ўзгариши ва уларни ҳосил бўлиш шароитларини чуқур тадқиқ қилинади, оддий жойлар қисман оддийроқ ўрганилади.

Ер ости сувларини ўрганишишининг тенг ўлчамли талаблари кўйидагиларга асосланади: 1.Бутун кон ёки унинг алоҳида кисмларини бир текис бурғу қудуклари оркали қамраб олиш. 2.Бутун кон майдони бўйича тўлик маълумот берувчи ўрганиш нукталарини тенг жойлаштириш. 3.Коннинг ҳар хил қисмларини ўлчай оладиган (тадқик қила оладиган) техника воситаларини кўллаш. 4.Бутун кон майдони бўйича ер ости сувларини баҳоловчи сифат ва миқдор кийматлари бир хил бўлган кисмларда бир хил турдаги тадқикот услубларини кўллаш.

**4.Кам меҳнат сарфлаш ва тежамкорлик принципи.** Бу принципнинг асосий талаби сувларини ўрганишда кам меҳнат сарф этиб, харажатларни қисқартириш оркали кўйилган мақсадга эришишдан иборат. Бу қидирув-разведка ишларида юкори даражада иктиносий самара беради.

**5.Табиий ресурслардан оқилона ва тўла фойдаланиши принципи.** Ер ости сувларидан илм-фанга асосланиб, оқилона фойдаланишининг самараси юкори. Ер ости сув ресурсларидан тўла фойдаланиш, деганда сувининг ҳамма хусусиятларидан (ҳарорати, сифати, таркиби) турди элементлардан фойдаланиш) кўзда тутилади.

## **18.2.Гидрогеологик тадқикот ишларининг турлари ва уларни олиб бориш тартиби**

Гидрогеологик тадқикот ишларининг асосий турлари ва уларни олиб бориш тартиби, ер ости сувларини ўрганиш ишларини олиб бориш миқёсига кўйилган мақсаднинг ўзига хослилигига, долзарблигига, ҳудудни ўрганилганлик даражасига, табиий шароитига, техник-иктисодий кўрсатгичларига асосланган ҳолда, танлаб олинади. П.В.Тардеевнинг фикри бўйича, гидрогеологик тадқикот ишлари куйидаги турларга ажратилиди:

- 1.Худуд бўйича оддин олиб борилган тадқикотлар натижалари билан танишиш.
- 2.Гидрогеологик рекогносцировка (асосий тадқикотлардан илгари ўтказиладиган ишлар).
- 3.Гидрогеологик съёмка.
- 4.Қидирув ишлари.
- 5.Дала тажриба фильтрация ишлари.
- 6.Ер ости сувлари режимини кузатниш.
- 7.Намуналар олиш ва лаборатория ишлари.

Ўрганилаётган ҳудуд бўйича бажарилган тадқикот натижалари билан танишиш учун жижатхоналарда мавжуд ҳисоботлар ҳамда чоп этилган монография, маколалар кўриб чикилади. Эътибор мавжуд сув омборлари ва айрим якка тартибдаги бурғу қудукларига, ҳудуднинг инженерлик - геологик ва гидрогеологик шароитларига қаратилиди.

Гидрогеологик рекогносцировка тадқиқот ишларини олиб боришда ҳудуднинг геологик ва гидрогеологик шароитига ҳамда ўтказиладиган тадқиқотларни кам сарфлиги асосида юқори даражадаги маълумотлар олишга қартилади.

Гидрогеологик съёмка ишларига ҳудудни гидрогеологик шароитини, ҳариталари, турли гинистик турдаги ер ости сув қатламларининг тарқалиши ва сифатини ўрганиш қонуниятларини аниқлаш ишлари киради.

**Қидирув ишлари.** Бургу қудуғи ва айрим ҳолларда шурфлар ва канваларни қазиш орқали амалга оширилади. Бургу қудуғи гидрогеологик тадқиқот ишларининг асосий қисми бўлиб, у орқали ер ости сув қатламларини юқори ва кўйи чегараларининг қалинлигини, ер ости сувини пъезометрик сатхининг босим баландлиги аниқланади.

**Дала тажриба фильтрация ишлари.** Тажриба фильтрация ишларини ўтказишдан мақсад сувли қатламларни ва аэрация зонаси жинсларининг гидрогеологик параметрларини аниқлашдан иборатdir. Бу ишлар бургу қудуғи, қудуғлар ва шурфлардан сувни тортиб (сўриб) олиш ва қўйиш ҳамда бургу қудуқларига маълум муддатга дам бериб, сувни қўйиш орқали амалга оширилади.

**Ер ости сувлари режимини кузатни.** Ер ости сувларини режимини башоратлаш ишлари, захирасини баҳолаш, сувларни ифлосланиши ва миқдори камайиб кетишининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишини ўз ичига олади. Режим кузатувлари бургу қудуқларини, булоқларни, қудуқларни ва ер усти сув оқими миқдорини ўлчаш маҳсус курилмалар асосида олиб борилади.

**Намуналар олиш ва лаборатория ишларининг асосий мақсади** грунтларни сувли физик хусусиятларини, ер ости сувларининг кимёвий ва газлилик таркибини ўрганишдан иборат. Бу ишларни бажаришда грунт ва сувлардан намуналар олиниб, лабораторияларда ўрганилади.

### **18.3. Гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бориш босқичлари**

Ер ости сув ресурсларини мўлжалланган даражада ўрганишда қўшимча харажатларга йўл қўясмаслик, яъни режада кўрсатилмаган тадқиқот ишларини олиб бормаслик учун, ер ости сувларини (Е.О.С) қидирув ишлари босқичма-босқич олиб борилади. Улар қўйидагилардан иборат:

I босқич. 1:200 000 масштабдаги гидрогеологик съёмка,

II босқич. Қидирув ишлари.

III босқич. Дастлабки қидирув ишлари.

IV босқич. Муқаммал қидирув ишлари.

V босқич. Ишлатиш даври қидирув ишлари.

Босқичлар кетма-кетлигига қаттиқ риоя қилиниши шарт. Факат

айрим ҳолларда сув конларининг гидрогеологик шароитини мукаммал ёки оддий холатига, ўрганилганлик даражасига караб, айрим босқичлар бажарилмаслиги ёки бир-бирига қўшиб олиб борилиши мумкин.

Биринчى босқичда 1:200 000 масштабли гидрогеологик съёмка ишлари бутун республика худудини ўрганиш мақсадида олиб борилади. Бу босқичда ер ости сувларининг тарқалиши ва хосил бўлиши конуниятлари ўрганилади ҳамда улардан фойдаланиш мумкинлиги, ер ости суви баландлиги ва мажмуналари аникланади.

Иккинчи босқичдаги қидирув давомида сувли баландлик ва худудларни ажратиш ишлари олиб борилади. Кейинги қидирув ишлари фойдаланиш кувватини тахминан баҳолашдан иборат бўлиб, улар куйидаги кетма-кетлиқда олиб борилади:

1. Умумий қидирув. Бунда асосий мақсад – катта гидрогеологик зоналардаги сувли горизонтлар ҳамда уларни тарқалиш чегаралари аникланади.

2. Мукаммал қидирув ишлари. Улардан асосий мақсад. истиқболли майдонлардаги сувликатламлар ва худудлардан авбатдаги қидирув ишларини режалаштириш ва фойдаланиш чегарасини излаб топишни асослаш ҳамда ер ости сув конларининг аниқ майдонларда бор ёки йўклиги ва хўжалик манфаати учун ишлатилиши мумкин бўлган конларни аниклашдан иборат. Бу босқичдаги вазифаларни бажаришда 1:50 000 масштабли гидрогеологик суратга олиш ишлари билан биргаликда геофизик, гидрогеокимё, масофали аэрокосмик, бурғулаш, тажриба, фильтрация ишлари қўшиб олиб борилади.

3. Учинчи босқичдаги қидирув ишлари. Дастрлабки қидирув ишлари босқичида конларнинг геолог-гидрогеологик шароитлари-нинг ўзиги хослигини ва мукаммал чукурлаштирилган қидирув ишла-рини олиб боришнинг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат.

Дастрлабки қидирув ишларининг асосий мақсадларига куйдагилар киради:

-қидирув ишлари олиб борилаётган жойларда истиқболли аҳамиятга эга сувли мажмуя ёки катламларни танлаш;

-ер ости сувларининг фойдаланиш учун зарур захираларини хосил қилувчи асосий манбаларни излаб топиш ва уларнинг умумий миқдорларини баҳолаш;

-бўлажак сув омбори майдонида бурғу кудукларини жойлаштириш нукталарини аниклаш ва асослаш;

-ер ости сувлари сифатини аниқлаш.

Саноат аҳамиятига эга бўлган ва термал конлари учун қўшимча куйидаги ишлар олиб борилади:

-сувдан фойдалы элементларни ажратиб олиш ёки унинг хароратидан иситиш мақсадлари учун фойдаланиш технологияси регламентларини ишлаб чикиш;

-ишлаб чиқаришдан чикаётган оқова сувлар миқдори ҳамда сифатини аниқлаш ва керакли чора-тадбирларни белгилаш.

Дастлабки қидирув ишлари доирасида ўрганиләстган майдонни хар тамонлама, ўрганиш жумладан, бурғу кудугини казиш, фильтрация ва геофизик тадқиқотларни олиб бориш, сувдан ва сувли жинслардан намуналар олиш, лаборатория ишларини ўтказиш, ер ости ва ер ости сувлари режимини кузатиш каби ишлар амалга оширилади.

4. Тўртингчи боскичдаги мукаммал қидирув ишлари. Чуқурлаштирилган қидирув ишлари асосан янги сув омборларини қуриш ёки мавжуд сув омборлари майдонида ўтказилади. Унинг давомида қўшимча қидирув ишлари лозим бўлган сув омборлари майдонида уларни ўтказини лойиҳасини асослаш учун зарур маълумотлар тўпланаади. Сув омбори учун мўйжалланган майдонда зарур бўлган керакли миқдордаги ер ости суви захирасини излаб топиб, унинг корхоналар фаолияти учун етарлилиги инобатга олинади.

5. Бешинчи, фойдаланиш даври босқичи. Унга хўжалик объектлари фаолияти даврида бажариладиган қидирув ишлари киради. Ундан кўзланган мақсад захиралари тасдиқланган сув омборларини қуриш ва фойдаланишда, уларнинг режимини башоратлаш ва тўпланган сувни оқилона ишлатишнинг миқдорий кўрсатгичларини асослашдан иборат.

## 19-боб. Гидрогеологик съёмка<sup>1</sup>

### 19.1. Гидрогеологик съёмка ишларининг асосий мақсади ва талаблари

Гидрогеологик съёмкадан асосий мақсад ўрганилайтган худуднинг гидрогеологик шароитини, яъни ер ости сувлари тарқалишини, жойлашишини, сув ўтказмайдиган ва сув ўтказадиган қатлам жинслари асосий параметрларининг литологик таркибини, сувлилик хусусиятларини ҳамда ер ости сувларининг кимёвий таркибини ўрганишдан иборат.

Гидрогеологик съёмка жараёнида ер ости сувларини таъминланиши ва сарфланишини, сувли қатламлар билан боғлиқлиги ўрганилади, турли

<sup>1</sup> Съёмка сўзининг ўзбек тилидаги маъноси тўғрисида қатор фикрлар мавжуд. Баъзи манбаларда «тасвир», «тасвирилаш» (Геология атамаларининг русча-ўзбекча киската лугати О.А.Ахмеджонов ва б.к. 1994) ёки «съёмка» сўзи ўзиз коддирилган холатда (Нефть ва газ геологияси русча-ўзбекча лутгати А.Абидов, Й.Эргатев, М.Қодиров, 2000), баъзан «суратга олин» маъносида берилган. Муаллифларнинг фикрича ҳам «съёмка» сўзини ўзиз қоддирилгани мақул. Шундай бўлса ҳамма учун тушупарли бўлади, деган фикрдамиз.

омиллар, жумладан, геологик, геоморфологик, гидрологик, биологик, одамлар фаолиятининг ер ости сувлари таркибига ва ресурсларининг хосил бўлишига тасири баҳоланади.

Гидрогеологик съёмка натижасида гидрогеологик хариталар тузилади, ичиш, хўжалик мақсадлари учун яроқли сувларни излаш, уларнинг тарқалиши ва хосил бўлиши қонуниятларини ўрганиш, ифлосланиши олдини олиш, режимини башоратлаш, оқилона ва ҳар томонлама фойдаланиш йўллари аниқланади.

Гидрогеологик съёмканинг қандай мақсадлар учун ўтказилаётганлиги қидирув ишлари босқичларига ва масштабига қараб турлича бўлади. Майда (1:500 000-1:1000 000), ўрта (1:200 000-1: 100 000), ката, йирик (1:50 000; 1:10 000-1:5000) масштабли съёмка турлари мавжуд. У қўйилган мақсадга қараб, умум давлат ва маҳсус гидрогеологик съёмкаларга ажратилади.

Умум давлат миқёсидаги съёмка Ўзбекистон Республикаси худудларини режа асосида комплекс ўрганиши мақсадида ўтказилади.

Маҳсус гидрогеологик съёмка эса аниқ бир соҳаларини сув билан таъминлаш, яъни суғориш, срларни сувини қочириш, кончиллик, гидротехник иншоотларни куриш жойларини асослаш ва бошқа мақсадларда ўтказилади.

Умум давлат съёмкалари қаторига асосан майда ва ўрта масштабли тадқиқот ишлари киради.

**Майда масштабли съёмка** ишлари гидрогеологик жихатдан ўрганилган худудларда ҳам ўтказилади. Унинг асосий мақсади чуқурлиги 100 метргача бўлган ер ости сувларнинг сифатини, тоғ жинсларининг сувлилик даражасини ва уларнинг асосий хусусиятлари, таъминланиши ва сарфларини аниқлашдан иборат.

**Ўрта масштабли съёмка** ишлари ҳам худуднинг гидрогеологик шароитини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бу масштабдаги суратга олиш ишларини олиб боришда геологик харита бўлиши шарт. Агарда харита бўлмаса, унда геолог-гидрогеологик суратга олиш ишлари ўтказилади. Ўрта масштабли суратга олишда турли мақсадлар учун ер ости сувларни излаш, алоҳида аҳамиятга эга бўлган сувли худудларни ажратиш муҳим. Шунингдек, ер ости сувларнини хосил бўлишдаги турли омилларнинг ва геологик жараёнининг вужудга келишида сувнинг ўрни, жинсларнинг сувлилик даражаси, ер ости сувлари режими ва сифати ўрганилади. Ўрганилаётган чуқурлик 100-200 метрдан ошмайди. Шу оралиқдаги сувли қатламлар ва улар жойлашган жинслар мукаммал ўрганилади. Ундан ҳам чуқурроқдаги сувли қатламларни ўрганиш учун алоҳида бургу қудуқлари қазилади.

**Йирик масштабли съёмка** ишлари маҳсус масалаларни ҳал этиш, сув омбори худудини танлаш, ер ости сувлари таркибини ва захирасини, қишлоқ

хўжалигига таълукли ерларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Йирик масштабли съёмка ишлари кўриладиган масалаларни ўрганиш даражалари ва услублари билан ажralиб туради. Унда асосий эътибор гидрогеологик жараёнларнинг вужудга келиши ва ривожланишини жадаллаштирувчи элементларни хар томондама ўрганишга, айrim ҳолларда амалий масалаларни ечишга қаратилади.

**Муқаммал маҳсус съёмка**, одатда, фойдали қазилма конларини, ер ости сув омборларини ва шаҳар ҳудудларини лойиҳалаштириш, микросейсмик районлаштириш даврида олиб борилади. Бундай съёмка ишлари аниқ масалаларни ҳал этишга қаратилади.

### **19.2.Гидрогеологик съёмка таркибига кирувчи текшириш ишлари**

Гидрогеологик съёмка таркибига кирувчи тадқикот ишлари уларнинг тури, ҳажми, олиб бориш кетма-кетлиги, услуби, ўрганилаётган ҳудуднинг геолог-гидрогеологик шаронтини хисобга олган ҳолда олдига қўйилган асосий ва қўшимча вазифаларни муваффакиятли ҳал этишга қаратилади.

Тадқикот ишларининг турини танлашда уларнинг иктисодий кўрсатгичларини хисобга олиш мақсадга мувофиқадир. Тадқикот ишлари турларига: аэрофото ва аэрокосмик суратга олиш, аэровизуал ва ер устида ўтказиладиган визуал кузатиш амаллари, геологик, геоморфологик, гидрогеологик, геоботаник, бургулаш ва қазиш ишлари, дала тажрибасида фильтрация, ер ости сувлари режимини ўрганиш, геофизик тадқиқотлар, намуналаш, лаборатория таҳтили ва бошқа ишлар киради.

### **19.3.Аэрофото ва аэрокосмик текшириш ишлари**

Аэро ва аэрокосмик текшириш амаллари гидрогеологик съёмка ишларининг дастлабки бўғинларидан хисобланади.

Гидрогеологик съёмка давридаги аэрофотосуратга олиш аэровизуал кузатувлар орқали гидрогеологик обьектларни ўрганиш тўғри ёки нисбий кўрсатгичлар бўйича олиб борилади. Аэрофотосуратлар ва аэровизуал кузатувларни биргаликда олиб бориш мақсадга мувофик. Уларни кўйидаги нисбатларда ўтказиш тавсия этилади:

#### **Гидрогеологик съёмка**

- 1:1000 000
- 1:500 000
- 1:200 000
- 1:100 000
- 1:50 000
- 1:25 000
- 1:10 000

#### **Аэрофото съёмка**

- 1:50 000-1:60 000
- 1:40 000
- 1:25000-1:30 000
- 1:17000-1:25 000
- 1:10 000-1:17 000
- 1:10 000
- 1:5000

Космик станция, сұъний йўлдошлар ва кемалар орқали суратга олиш катта регионларда 1:3500 000 – 1:1000 000 оралигига ўтказилади.

Аэровизуал рекогнисцировкали кузатув ишлари срда ўтказилган кузатув ишлари натижалари билан тўлдирилади ва тузатишлар киритилади. Жумладан, рельф, ўсимликлар дунёси, геологик жараёнлар; карст, ботқоқланиш ҳамда тектоник тузилмалар ва ер ости сувлари чиқкан жойлар аниқланади.

Бу ишлар аэро ва аэрокосмик суратларни ўкиш, ландшафтни ташкил қилувчи компонентларнинг суратлардаги ўзига хос белгилари ҳамда иккинчи даражали белгиларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ландшафт – ўзининг пайдо бўлишига кўра, бир хил геоморфологик, геологик тузилишига, иқлимига, ср ости ва усти сувларига ҳамда шуларга монанд тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонат дунёсига эга бўлган табиий манзара мажмуасидир.

Бевосита, тўғридан-тўғри ўкиш усули аэро ва аэрокосмик суратларда ўз аксини топган ландшафтнинг компонентларига (ер сатхининг тузилиши, шакли, ўсимликлар дунёси, тоғ жинслари қатламлари, улардаги мавжуд бурилмалар, ёрниклар, геологик жараёнлар ва ҳокозо) ҳамда инсонларнинг инженерлик ва хўжалик фаолиятлари натижасида вужудга келган объектларга (сугориш шахобчалари, сув омборлари ва ҳокозо) хосдир. Ер қобигининг ички қисмида табиий техник мажмууда юз берадиган ҳодисалар, ср ости сувлари, уларнинг ҳаракати, шур-чучуклиги, тоғ жинсларининг генетик турлари, уларнинг ётиш ҳолатлари, хосса ва хусусиятлари аэро ва аэрокосмик суратларда тўғридан-тўғри кўриш даражасида ўз аксини топмайди. Бундай ҳолатларда суратларни бевосита ўкиш усули, яъни срни ички қисмини ташкил қилиб турувчи ТТМ (табиий техник мажмууда) компонентларининг таъсирида пайдо бўладиган баъзи- бир шаклларнинг белгилари ёрдамида, уларнинг ҳолатлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритишимиз, зарур холосалар чиқаришимиз мумкин бўлади.

Аэро ва аэрокосмик суратларда кўринадиган бундай белгиларга: расм тасвирининг тузилма ва текстураси, соялар, ҳолатдаги кўринишлар, ранглар ҳамда туслар киради.

Сурат тасвирининг тузилмаси деганда, баъзи-бир тасвир элементларининг тузилиши ва белгилари, уларнинг акси, сояси, ранги, катта-кичиклиги, ўлчами, геометрик шакли, умуман олганда, ана шу белгиларнинг биргаликдаги кўриниши тушунилади.

Тасвирдаги мавжуд соялар ёрдамида аэросуратларни ўқишдан кўра, аэрокосмик суратларни ўкиш аҳамиятлидир. Бу, ўз навбатида, катта худудлар тасвиirlарининг изохи билан боғлиқдир. Гидрогеологик ва инженерлик - геологик нуқтai назаридан аэро ва аэрокосмик суратларни ўкишда тасвирдаги соялар рангининг ҳар хил қуюқликдаги кўринишига

ҳам эътибор берилади. Чунки, аэро ва аэрокосмик расмлардаги тасвир ниҳоятда ўзгарувчан бўлади. Бу ўзгарувчанлик айрим ўсимликларнинг турига, уларнинг таркиби ва тузилишига, ҳатто баъзи кўп тарқалган ўсимликларнинг фенологик ҳолатига қараб ҳам аниқланиши мумкин. Шунинг учун ҳам АР ва АКР тасвирни улардаги мавжуд ранг ва тусга қараб баҳолашда 7 балли жадвал қўлланилади (19.1-жадвал). Расмларни ўкиш жараёни тасвирдаги мавжуд белгиларни бир-бирлари билан қиёслаш, боғлаш, фарқлаш, топиш ва изоҳлаш усувлари билан амалга оширилади.

### 19.1-жадвал

#### Аэро ва аэрокосмик тасвиirlарнинг рангига қараб, визуал баҳолани жадвали

Ранглар даражаларини кўрсатувчи баллар	Рангларнинг номлари	Ажратиш тамойили	Оптик зичликтининг юқори ва пастки чегаралари
1	Жудатиник	Рангнинг кўз билан ажратиб бўлмас ва кўз илғамас даражада эканлиги	0,1 ва ундан кичик
2	Жуда оч кулранг	Сурат (тасвир) рангининг кўз билан кўрадиган даражада зич эканлиги	0,2-0,3
3	Оч кулранг	Кўлчилик сурат тасвиirlарининг кам зичлиги	0,4-0,6
4	Кулранг	Кўлчилик сурат тасвиirlарининг ўртача зичлиги	0,7-1,1
5	Тўқ кулранг	Кўлчилик сурат тасвиirlарининг катта зичлиги	1,2-1,6
6	Қорамтирик кулранг	Рангни кўлчилик сурат тасвиirlарини катта зичлигидан ҳам ортикроқ эканлиги	1,7-2,1
7	Қорагаяқин	Рангни кўз билан ажратиб бўлмас даражада эканлиги	2,2 ва ундан катта

Аэро ва аэрокосмик усувлардан фойдаланишининг уч босқичи мавжуд:

- Дала ишларини бошлишдан олдин тайёргарлик кўриш даври.
- Дала ишларини олиб бориш, кузатиш-аэровизуал даври.
- Кузатиш натижаларини тадқиқ қилиш даври.

Фенологик ҳолат – бу ўсимлик ва ҳайвонларда юз берадиган мавсумий ўзгаришлар (ранглар ва тусларнинг ўзгариши, ўсимликларнинг гуллаши ва ривожланиш даври билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар).

Дала ишлари бошланишдан олдинги даврда бажариладиган вазифаларга асосан уларни пухта режалаштириш ва ташкил қилиш киради. Аэрокосмик съёмка материалларига ва керакли буюмларга бюртмалар берилади, мавжуд фонд ва адабиётлар синчилаб ўрганилади. Бунда асосий эътибор аэрокосмик суратларни, уларнинг намуналарини кўздан кечиришга, ўрганиб чишишга қаратилади. Аввалги ўтказилган геологик текшириш ишлари натижалари асосида тузилган хариталар билан мукаммал танишилади. Ўрганилиши лозим бўлган худудларнинг табиий шароити, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, ер сатҳининг тузилиши, ер ости ва усти сувлари тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилинади. Керакли фоточизмалар, фоторежалар, фотохариталар, чизмалар ва жадваллар тузилади.

**Фоточизма** – ер сатҳи (рельефи) текис бўлган худудлар учун тузилиб, чизмаси (умумий кўриниши) аэрорасмларнинг марказига яқин бўлган керакли жойларни кесиб, бир-бирига ёпишириш йўли билан тузилади. У, асосан, сурати олинган жойнинг чизмасига тўғри келади.

**Фотоплан** бир хил масштабга келтирилган аэрофотоларни бир-бирига ёпишириш натижасида тузилиб, у ўша жойнинг топографик харитасига мосдир.

**Фотохарита**, асосан, тоғли районлар учун ишлатилиб, масштаб ва проекцияси бир хил кўрсатгичга келтирилган космик суратларни, мавжуд топохариталар ёрдамида (космик расмларни хариталар устига қўйиш) бир-бирига жисплаштириб, ёпиширилиши йўли билан тузилади.

Фоточизма тузишда, топографик хариталардаги обьектлар, йўллар, аҳоли яшайдиган жойлар, шаҳарлар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, боткоқликлар, кўллар, қоятошлар, чўллар, қумликлар энг асосий қиёслаш белгилари қилиб олинади. Далага боришдан олдин бажариладиган харита – жадвал ишларини амалга оширишда, юкоридаги табиий обьектларни аниқ билиб олишда аэросуратларнинг қисқача мазмуни (аннотацияси) ни ўзида мужассамлаштирувчи этalon типидаги аэрокосмик расмлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Дастлабки босқичда бажариладиган аэро-аэрокосмик съёмка асосида текширилаётган худудларни у ёки бу даражада изохловчи (унча мукаммал бўлмаган) қатор хариталар тузилади. Буларга: ландшафт, геоморфологик, тўртламчи давр тоғ жинслари, геодинамик жараёнлар, инженер-геологик зоналаштириш, ер ости сувларининг чўқурлигини кўрсатувчи хариталар киради. Бу хариталарга режалаштирилаётган дала ҳамда аэровизуал кузатиш ишларининг аниқ йўналиши, ўрганилиши лозим бўлган тажриба участкаларининг жойлари туширилади. Қилинадиган ишларнинг энг асосий турлари белгиланади.

Аэро ва аэрокосмик текшириш дала ишларини ўтказишнинг иккинчи босқичида бажариладиган вазифаларнинг энг кераклиси ҳисобланади,

чунки ҳамма зарур ишлар ва маълумотлар унинг мобайнида бажарилади ва йиғилади. Бор геологик, геоморфологик, гидрогеологик, инженерлик-геологик материаллар дала шароитида текшириб кўрилади. Янги маълумотлар йиғилади. Улар асосида ўхшаш худудлар ажратилади. Ҳар бир ҳудуд мукаммал ўрганилиб, таянч майдонлари, маҳсус кесмалар (профиллар) бўйлаб тоғ жинслари литологияси, петрографик турлари, ётиш ҳолатлари, қалинлиги, емирилиш даражаси ва улардаги мавжуд жараёнларнинг пайдо бўлиш сабаблари ўрганилади, расмлари олинади ва кузатиш дафтарига ёзib борилади. Кузатиш ишларини олиб бориш жараёнида она тоғ жинслари қалинлигига ҳам катта эътибор берилади. Чунки, она тоғ жинслари устида тўртламчи давр тоғ жинсларининг мавжудлиги шу майдонни тектоник жиҳатдан баҳолашга имкон беради.

Радиометрия, магниторазведка, гравиразведка каби геофизик усууллар вертолёт ва маҳсус самалётларда олиб борилса, иш тез бажарилади. Аэроусул ёрдамида геологик муҳитни техноген ва табиий редиоактив элементлар билан ифлосланишини аниқлаш айниқса аҳамиятлидир. Радиоактив элементлар, асосан, гамма нурланишга эга. Бундан фойдаланиб, геофизик усуулларда гамма хариталаш ўtkазилади. Хариталаш ишлари олдин вертолётда ўtkазилиб, нурланиш ошиб кетган ҳудудларда муайян сатҳлар бўйлаб пиёда юриб гамма хариталаш ўtkазилса, иш янада унумли бўлади.

Геологик муҳитнинг техноген радиоактив элементлар билан ифлосланиши ядро куроли ва энергияси билан гина боғлиқ бўлмай, табиий радиоактив тоғ жинсларини қазиш, ишлатиш, чиқиндилиарини кўмиш билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун текшириш вақтида кон, чиқиндиҳона, ҳарбий саноат ва тажриба майдонлари каби радиоактив заррачалар эҳтимоли бўлган ҳудудларга алоҳида эътибор берилади. Режалаштирилган дала ишлари тугагандан кейин аэро ва аэрокосмик тадқиқот ўtkazuvchi экспедиция далада йиғилган маълумотларни ҳар томонлама (хона шароитида) ўрганади. Текшириш ишларининг сўнгига лаборатория тажриба ишлари ўtkazилади, далада олинган маълумотлар қайта таҳлил қилинади, чизмалар, жадваллар, кесмалар, хариталар тузилади. Мавжуд материаллар асосида аввалроқ, тузилган харита янгилари билан тўлдирилади. Кузатиш дафтарида ёзib борилган барча кузатилган обьектлар (очик сатҳлар, қудуклар, булоқлар, шахталар, каналлар, қазилмалар ва намуна олинган жойлар), уларни денгиз ва дарё сатҳига нисбатан жойлашиш баландликлари топографик харита ёрдамида аниқланади ва янги тузилган хариталарга (зарурлик даражасига қараб) туширилади.

Аэро ва аэрокосмик суратлар билан кундалик ишлашда мураккаб қурилмалар ва асбоблар зарур эмас. Мураккаб қурилмалар билан жиҳозланган кўптармоқли лабораториялар, асосан, маҳсус режадаги муаммоларни ҳал қилишда ишлатилади. Аэросуратларни ўқишида тузилиши

жихатидан мураккаб бўлмаган, содда, ишлаш учун қулай ойна-линзали стереоскоп энг яхши асбоблардан бўлиб ҳисобланади. Бу асбоб асосан Германияда ишлаб чиқарилади. Унда икки жуфт ойна бўлиб, улар орасидаги линза кузатилаётган расмни 2,5 марта катталаштириб кўрсатади, ойнали стероскоп эса уни 3,5 марта катталаштиради.

Гидрогеологик ва инженер-геологик текширув ишлари аэро ва аэрокосмик суратларнинг масштаблари йирик (1:10 000 ва ундан катта), ўрта (1:10 000 дан 1:30 000 гача) ва майдада (1:30 000 дан кичик) бўлиши мумкин. Бу масштабларнинг қийматлари сурати олинаётган ҳудуднинг геоморфологик тузилишига, йилнинг фаслларига қараб ўзгариши мумкин. Бунга учиш баландлигининг доимо бир хил бўлмаслиги ҳам асбаб бўлади. Шунга кўра, ишлатиш учун керакди масштаб қуиддаги формула ёрдамида топилади:

$$\frac{1}{m} = \frac{f}{H}$$

Бу ерда: Н-сурат олинган вақтдаги учиш баландлиги; f-аэрофотоаппаратларнинг фокус оралиғи; m-масштабнинг умумий маҳражга келтирилган қиймати.

М.Н.Петрусеевич томонидан, геоэкологик ва гидрогеологик тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда, аэросуратларнинг оптималь масштаблари ишлаб чиқилган.

Геоэкологик тадқиқотларнинг масштаблари:

- 1:50 000 ва ундан ортиқ
- 1:50 000 дан 1:100 000 гача
- 1:200 000 дан 1:500 000 гача.

Сурилиш ва сел ҳодисаларини ўрганиш жараёнидаги аэрокосмик суратларнинг оптималь масштаблари:

- 1:17 000 дан 1:20 000 гача
- 1:25 000
- 1:40 000 дан 1:60 000 гача
- 1:10 000 дан 1:5000 гача.

Бу масштаблар ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг моҳиятига, текширилаётган ҳудуднинг геологик, тектоник, геоморфологик тузилишининг мураккаблигига қараб у ёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Бажарилган ҳамма тадқиқот натижалари ҳақида ҳисобот ёзилади. Керакли илмий, амалий, услубий хуносалар чиқарилади, таклиф ва мулоҳазалар билдирилади. Ҳисоботга қўшимчча чизмалар, хариталар, жадваллар, расмлар, қўшимчча маълумотлар ва натижалар илова қилинади. Мутахассисларнинг маҳсус синовидан кейин, ҳисобот илмий ёки илмий-техник кенгашда химоя қилинади. Сўнгра фондга, керакли жойларга (ташкилот ва лабораторияларга) амалий қўлланма сифатида топширилади.

#### **19.4. Ер юзасидаги визуал күзатув ишлари**

Бу күзатув ишлари гидрогеологик съёмканинг ажралмас қисми ҳисобланиб, у ҳар доим олиб борилади ва геологик, геоморфологик, гидрологик, геоботаник, гидрогеологик, инженер-геологик күзатувлар орқали тўлдирилади ва баҳоланади. Бу борада маршрутли, яъни ер устида пиёда юриб ўтказиладиган ишлар катта аҳамиятига эга бўлиб, күзатув натижалари биринчи сувли қатламларни ўрганиш ва гидрогеологик хариталар тузишда ишлатилади.

Маршрутли күзатувни бошлишдан аввал ҳудуднинг умумий геологик кесмаси, геологик ва гидрогеологик стратификация чизмаси тузилиши ҳамда рекогносцировка - тадқиқотлар маршрутлар йўналиши аниқлаб чиқилади.

Маршрут күзатувларининг асосий турларига геоморфологик, геологик, гидрогеологик, гидрологик, геоботаник, геокриологик ва инженер-геологик күзатув ишлари киради. Маршрутли күзатувлар жараённида ер ости сувларининг сатҳини ва таркибини аниқлаш учун намуналар олинади.

#### **19.5. Геоморфологик текширув ишлари**

Гидрогеологик съёмка жараённида геоморфологик күзатув ишларининг асосий вазифалари:

1. Ҳар хил турдаги рельфнинг тарқалиши ва уларнинг ер ости сувлари билан боғлиқлигини аниқлаш.

2. Ҳар хил геологик тузилишга эга бўлган геологик тузилмаларни хариталашда кўшимча маълумотларни тўплаш.

3. Рельефнинг физик-геологик ҳодисаларни вужудга келишига, йўналиши ва тезкорлигининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш.


4. Турли объектларни жойлаштириш ва қуришда геоморфологик шароитни баҳолаш.

Геоморфологик тадқиқотларнинг асосий услубларича рельеф шаклларини, ҳолатини, геологик тузилишини аниқлаш ва күзатиш ҳамда уларни ёзиш ва харитага туширишдан иборат.

Рельефни ўрганишда кўйидагилар аниқланади:

1. Рельефнинг морфологияси, яъни ташқи кўринишини, рельеф элементлари (сув айиргичлар, дарё водийлари, терассалар) (19.1-расм) ўрганиб чиқиши.

2. Морфометрик кўрсатгичлар узунлиги, эни, баландлиги ёки рельеф шаклининг чуқурлиги, юзасининг қиялиги, ўрганилаётган нуқталарнинг мутлақ ва нисбий баландликларини ўрганиши.



**19.1-расм.** Дарё водийларида кўндаланг ва бўйлама кесмалар (профиллар) тузиш босқичлари: а) дарё ўрта оқимининг топокартаси, масштаб 1:25000 (1см да 250 метр), б) координат системасига тусирилган дарё водийсининг АА<sub>1</sub> чизик бўйича ўтказилган кўндаланг кесмаси, в) бурғу қудук ва геологик очиқлар (обножения) ёрдамида олинган маълумотлари тусирилгандан кейинги АА кесманинг кўрининиши, г) бир неча кўндаланг (АА<sub>1</sub> ва ББ<sub>1</sub> га ўхшаш) кесмалар ва террасалар баландлиги (К<sub>1</sub>К<sub>2</sub>...К<sub>n</sub>; С<sub>1</sub>С<sub>2</sub>...С<sub>n</sub>; И<sub>1</sub>И<sub>2</sub>...И<sub>n</sub> ва С<sub>1</sub>С<sub>2</sub>...С<sub>n</sub> нуқталарда) топокартадан ҳисоблаб чиқариш асосида тузилган

3.Рельеф элементларининг вужудга келиши ва уларнинг ер ости сувлари ҳосил бўлишдаги ўринини аниқлаш.

Геоморфологик кузатувлар натижаси бўйича ҳудуд рельефининг асосий турлари ажратилади: тектоник, вулканлик, қатлам тузилмалари, эрозиявий, акумулятив, денудацион ва бошқалар. Олинган натижалар таҳлили асосида геоморфологик хариталар, кесмалар тузилади.

### 19.6.Геологик текширув ишлари

Гидрогеологик съёмкани олиб боришда геологик текшириш ишларининг асосий мақсади:

1.Тоғ жинс қатламларида ер ости сувларининг тарқалиши қонуниятларини аниқлаш, жинсларни жойлашиши, физик хоссалари, литологик таркибини аниқлаш.

2.Ўрганилаётган ҳудуд стратиграфик қирқимини оддин тузилган геологик асосга солиштириш.

3.Ажратилган сувли мажмua ва қатларни аниқ литологик стратиграфик қатламларга боғлаш.

4.Физик-геологик ҳодиса, жараёнларни ўрганиш ва мукаммал равишда такомиллаштириш, тоғ жинс қатламлари юзага чиқган жойларнинг табиий

ва техноген омилларини, инсонлар томонидан очилган жинс кесмаларини ўрганишдан иборат.

### 19.7.Гидрогеологик текширув ишлари



19.2а-расм. Сурхондарё вилоятидаги Шаршара булогининг умумий кўрининиши (П.Мавлонов олган расм)

Марширутли гидрогеологик кузатувларнинг асосий мақсади:

гидрогеологик обьектларни вужудга келиш сабабларини, улардаги тоғ жинс қатламлари сувлилик даражасини, жойлашиш ва тарқалиш шароитини, срости сувларини тўйинниши, сарфланиши, режимини ва сроусти сувлари билан боғликлиги даражасини, сроости сувлари сифати, кимёвий таркиби ва физик хусусиятлари ҳамда уларга физик-геологик жараёнларининг таъсирини аниqlашдан иборат.



19.2б-расм. Ер ости сувларини ер устига булоқлар ҳолатида чиқиши. Қашқадарё вилоятидаги секундига 1000 л сув берадиган «Корабулоқ» булогининг кўрининиши (П.Мавлонов олган расм)

Визуал гидрогеологик кузатувлар обьекти бўлиб, булоклар (19.2 а,б-расм), ер усти сувлари ва ҳавзалари, сув билан тўйинган, сувсиз ва сув ўtkazmайдиган жинслар, уларнинг сувлилиги, физик ва фильтрацияниш хусусиятлари, гидрогеологик шароитининг нисбий кўрсатгичлари (рельеф, тупрок ва ўсимлик дунёси, геологик, техноген жараёнлар ва х.) хисобланади.

Аэрация зонасининг гидрогеологик аҳамияти, гидрогеологик тузилиши ва қалинлиги, уни ташкил этувчи жинс таркиби ва гидрогеологик хусусиятлари ҳамда сувда эриган минерал элементларнинг миқдори билан аниқланади.

Сувли масканларни текшириш, яъни намуналар ва суратга олиш жараённида гидрогеологик ўрганилганлик асосий босқич ҳисобланади. Бундай жойларининг (булоклар) мавжудлиги, ер ости суви тўғрисида аник маълумотларни беради. Табиий сув чиқиши жойлари ўрганилаётганда, уларни геолог-геоморфологик тури, шакли, сувнинг физик хоссаларига эътибор бериш, улардан оқиб чиқаётган сув миқдорини аниқлаш ишлари бажарилади.

### **19.8.Гидрологик кузатув ишлари**

Гидрологик кузатув ишларига гидрогеологик суратга олиш даврида ер ости ва ср усти сувларининг бир-бири билан боғликлигини аниқлаш ва ср усти сувларининг гидрологик кўрсатгичларини ўрганиш киради.

### **19.9.Табиий ва техноген жараёнларни кузатиш ишлари**

Табиий ва техноген жараёнларнинг ривожланиш динамикасини ҳамда ер ости сувларининг сатҳини, таркибини, харакати йўналишининг вактга қараб ўзгаришини аниқлаш учун кузатиш ишлари олиб борилади.

Катта ҳудудларда кузатувларни ҳар хил жараёнларнинг ривожланаётгани, сўнаётгани ёки янгиларининг пайдо бўлаётганини охирги йилдаги аэроказмик суратларни олдинги йиллардагиси билан таққослаш йўли билан олиб бориш мумкин. Бу ишларнинг аниқлиги нисбатан кам бўлса-да, қисқа вактда кўп маълумот олиш имконини беради. Олинган маълумотлар жараёнларнинг тарқалиш қонуниятини, уларнинг сатҳ тузилиши, тоғ жинси, ер ости сувлари ва инсон фаолияти, иқлим билан боғлиқ даражасини аниқлашга ёрдамлашади. Бир хил геоморфологик ва геологик тузилишга эга ҳудудларда иқлимининг фаслга қараб ўзгариши билан жараёнларнинг ривожланиши ўзгариб туради. Марказий Осиё тоғ ва тоғоди ҳудудларида айниқса баҳорги намгарчилик суримла, сел, емирилиш каби жараёнларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун аэроказатиш ва тасвирлаш ишлари йил фаслларига қараб, йилига 2-3 марта ўтказилса, ниҳоятда кўп маълумот олиш мумкин. Шунингдек, зона миқёсида жараёнларнинг ривожланиш динамикасини кузатиб туриш имконияти пайдо бўлади. Жараёнлар кучаяётган ерларда маҳсус кузатиш майдонлари ташкил этилади. Бундай ерларни танлаётганда ундан олинган маълумотларни қўшни ҳудудга тарқатиш мумкинлигини инобатга олиш зарур. Бунинг учун уларнинг тузилиши, табиий шароитлари ўхаш бўлиши керак. Агар бир хил жараёнлар ҳар хил қиялиқдаги сатҳлар, ёки чукурликдаги ер ости сувлар каби омиллар билан боғликлигини аниқлаш

зарур бўлса, шунга қараб бир неча кузатиш майдонлари танланади. Бундай майдонлар маҳсус жиҳозланиб, камида бир ёки кўпинчада бир неча йиллар давомида кузатиш ишлари олиб борилади. Кузатиш давомида ўлчов ишлари ҳамма майдонларда бир кунда олиб борилса, натижаларни умумлаштириб чизмалар чизиш, таққослаш ишлари енгиллашади. Ўлчов бир ойда камида бир марта бажарилади, жараёнларнинг фаоллиги ошганда эса, уларнинг оралигини камаётириш зарур. Ўлчов ишлари автоматлаштирилганда кузатувларни узлуксиз ёзиб бориш белгиланган вақтда ҳамма майдонлардан кабель симлар орқали бошқарув марказига маълумот берилиши мумкин. Ҳозирги вақтда кузатув ишларининг ниҳоятда ихтисослаштирилганлиги сабабли, уларни бажаришда бир неча соҳа мутахассислари қатнашади, жумладан, ҳаво, сrustки сувларининг ифлосланишини гидрометсорологлар, ер ости сувларининг ресжимини гидрогеологлар, суримла, сел каби хавфли жараёнларни инженер-геологлар ва ер қимирлашини сейсмологлар, тупроқ шўрланишини тупроқшунослар ва мелиораторлар кузатиб боришади.

Кузатув даврида техноген ва табиий жараёнлар таъсирида тоғ жинсларининг ер остки ва ер устки сувларининг таркиби ва ҳолати ўзгариб боришини аниқлаш мақсадида, вақти-вақти билан, лаборатория текширувлари учун намуна олиб турилади. У айниқса техноген ифлосланиш оптиб кетган ерларда зарурдир. Канализация тармоқлари ривожланмаган, саёз жойлашган сизот сувлари истемолга ишлатиладиган ҳудудларда, унинг кимёвий ва микробиологик таркибига ҳам катта эътибор бериш лозим.


### **19.10. Геоботаник кузатув ишлари**

Геоботаник кузатувлар гидрогеологик съёмка жараёнида қўшимча ўтказиладиган муҳим усуллар жумласига киради. Бу усулда гидрогеологик ҳолат кузатув ўтказилаётган ҳудудда ўсаётган ўсимлик турларига қараб ўрганилади. Олинган натижалар мазкур майдонда ер ости суви мавжудлиги ва унинг милиорация даражасидан хабар беради. Жумладан, янтоқ ўсан майдонларда ер ости сувларининг чукурда ётиши, қамиш ўсан жойларда ер сатҳига нисбатан яқин ётиши кузатилган.

### **19.11. Инженер-геологик текширув ишлари**

Инженер-геологик қидирув ишлари гидрогеологик съёмка ишлари билан биргаликда олиб борилади. Бу тадқиқотларнинг асосий вазифаси гидрогеологик съёмка ишлари ўтказилаётган ҳудуднинг инженер-геологик шароити тўғрисида керакли маълумотлар йиғишдан иборат. Инженер-геологик шароит деганда, ўрганилаётган ҳудуднинг геологик тузилиши, тоғ жинслари ва уларнинг таркиби (гранулометрик, кимёвий ва бошқалар), хосса ва хусусиятлари (зичлиги, намлиги, сув ўтказувчанлиги, кўпчувчанлиги

ва ҳоказолар), геоморфологик ҳолати (ер ости тузилиши, қиялиги, мутлақ ва нисбий баландиги) кўзда тутилади. Шунингдек, гидрогеологик шароит (ер ости сувлари, уларни ётиш чуқурлиги, қалинлиги, таркиби ва бошқалар), геологик ва инженер-геологик жараён ва ҳодисалар (сурилиш, чўкиш, ботқоқланиш, захлаш ва бошқалар), тектоник ҳолати (геологик тузилмалар, уларнинг йўналиши, ётиши; тектоник ёриклар, уларнинг йўналиши, чуқурлиги, узунлиги, қайси давр тоғ жинс қатламларини қирқиб ўтганинги). об-ҳавоси (ёғиннинг ва ҳаво ҳаракатининг кўп ийллик ўртача миқдори, шамолнинг тезлиги, йўналиши ва ҳоказолар) муштаракликда тушунилади. Инженер-геологик кузатув ишларини олиб боришда ана шу компонентлар алоҳида-алоҳида ўрганилади. Тадқиқот ишлари маҳус с услубий қўлланмалар асосида бажарилади. Улар асосида инженер-геологик хариталар, жадваллар, кесмалар тузилади (19.3-расм).



сифатини ва гидрокимё зоналарга (вертикал тик ва горизонтал йўналишдаги) ажратишда кўлланилади.

Хариталашдаги бурғулаш ишларининг асосий мақсади худудда учрайдиган ҳамма турдаги рельеф ва тектоник қатламларнинг гидрогеологик кесимини, сувли қатламларнинг сувлилик даражаси бир-бири билан боғлиқлиги, жойлашиш чуқурлиги, босими ва сифатини ўрганишдан изборат.

Кидирув ва ҳаракатланишда олиб бориладиган бурғулаш ишлари самарадорлиги уларнинг чуқурлигигагина боғлиқ бўлмай балки, қандай бурғуланишига, намуналарни қай тартибда олиш сифатига ҳам вобаситадир. Бурғу қудуклари ёрдамида куйидагилар аниқланади:

1.Бурғуланаётган қатламларнинг жойлашиш чуқурлиги ва кетмакетлиги, уларнинг литологик таркиби, қалинлиги ва сувлилик даражалари.

2.Очилик қатламларни ташкил этувчи тоғ жинсларининг зичлиги, намлиги, ғоваклиги, ёриқ карст бўшликлари ва уларнинг тик йўналиш бўйича тақсимланиши.

3.Очилик сувли горизонтларнинг фациал-литологик ўзига хослилиги, уларни қалинлиги ва жойлашиш чуқурлиги. сув сатҳининг ўзгариши ва турғулиги.

4.Турли сувли горизонтлардаги мавжуд сув сатҳининг фильтрация в хусусиятларини ва сув сифатини аниқлаш.

Шурфлар, ётиқ ва тик тозаламалар аэрация зонасини ўрганиш, фильтрацияни аниқлаш учун дала тажриба ишларини олиб бориш жараёнида манолитлар ва намуналар олиш мақсадларида қазилади.

### **19.13.Дала тажриба ишлари**


Гидрогеологик инженер-геологик съёмка жараёнида тоғ жинслари хоссаларини, табиий ҳолатини ўзгартирган ҳолда, аниқлаш учун маҳсус дала тажриба ишлари ўтказилади. Уларнинг турлари кўп, ўтказиш тартиблари стандартлаштирилган бўлиб, гидрогеологик ва инженерлик-геологиясига оид адабиётларда яхши ёритилган. Айрим турлари ҳақида алоҳида китоблар нашр этилган. Шунинг учун биз уларнинг баъзи муҳим турлари, вазифалари ва кўлланиш шароити ҳақидагина қисқача тўхталиб ўтмиз.

Сувга тўйинган тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлигини ва бошқа гидрогеологик кўрсатгичларини аниқлаш учун бурғу қудукларидан сувни узлуксиз сўриб олиш орқали гидрогеологик тажриба ишлари ўтказилади.

Гидрогеологик тажриба ишлари жараёнида олинадиган гидрогеологик маълумотларга: грунтсувларининг капилляркўтарилиштезлиги, баландлиги, депрессия эрги чизиги турлари, уларни грунт ва юқори босим билан кўтарилиб чиқувчи артезиан сувларининг пъзометрик юзалари орсидаги

ўзаро боғлиқлиги, минераллашиши, критик чуқурлиги, сувли қатламлари фильтрация хусусиятлари, ер ости сувлари сатхларининг чуқурлиги, сизиб ўтиш тезлиги, ҳарорати, ифлосланиш даражаларини аниқлаш натижалари киради. Олинган натижаларни таҳлил қилиш, бир бирлари билан қиёслаш, математик, статистик ҳисоб-китоблар қилиш, ўрганилаётган ҳудуднинг гидрогеологик шароити тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритишга, керакли гидромелиоратив чора-тадбирларни белгилашга, юз беражак геоэкологик жараёнларни башорат қилишга имкон беради.

Гидрогеологик ва дала тажриба ишлари, асосан, тоғ жинслари қатламларига қазиб ўтказилган бурғу қудуклари, шурфлар орқали мавжуд ер ости сувларини сўриб олиш, ёки юқори босим (10-100 м) остида ва маълум вакт (10.20.30 дақиқа) давомида тоғ жинс қатламларига сувни юбориш усуслари ёрдамида олиб борилади. Ер ости сувларининг сўриб чиқариш усули ҳамма ўрганилаётган бурғу қудукларida олиб борилиб, унинг натижасида сувли қатламлардаги сувларнинг сифати ва миқдори тўғрисида маълумот йигилади. Бу усул, асосан, сувнинг ер сатҳидан биринчи қатламларга фильтрация этилиши хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бунда сувли қатламдан сувни сўриш бир нечта ёнмаён, муайян масофаларда жойлашган бурғу қудукларда бир вактда амалга оширилади. Улардан бири марказий, қолганлари кузатиш қудуклари бўлиб хизмат қиласди.



19.4-расм. Дала тажриба фильтрацион ишларини олиб боришида қўлланиладиган Н.С.Нестерев асбобини ишлаш жараёнидаги кўриниши. 1-ўлчаш линейкаси; 2-бутиллар, 3-шурфни тоғ қисмига солинадиган майдо шагал қатлами; 4-ички метал халқа; 5-ташқи метал халқа

Агар сувли қатламнинг тузилиши бир хил бўлмай, балки анизотропик бўлса, унинг сув ўтказувчанлик коэффициенти (фильтрация коэффициенти) горизонтал ва вертикаль ҳолатлари учун аниқланади.

Кузатиш бурғу қудуклари миқдори ўрганилаётган ҳудуднинг геолог-гидрогеологик шароити, қўйилган вазифалар долзарблигига, олиб борилаётган гидрогеологик ишларнинг босқичларига боғлиқ. Агар гидрогеологик ҳолат оғир бўлса, уларнинг миқдори оширилади. Бу, ўз навбатида, тоғ жинси қатламларининг фильтрация хусусиятини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Сувсиз қуруқ грунтларнинг сув ўтказувчанлиги маҳсус асбоблар ёрдамида, уларга қўйилган сувнинг шимилиб кетиши тезлигига қараб аниқланади. Бундай

тажрибалар 2-3 метр чуқурликда бўлган тупроқ ва грунтларнинг сув ўткаzuвчанинг аниқлашда кўп қўлланилади. Тоғ жинси қатламлари чуқурлашган сари тажрибанинг киймати ҳам ошиб боради, шу сабабли бундай ишлар камроқ ўтказилади. Тажриба бир вақтда, 2-3 хил чуқурликда ўтказилиши ҳам мумкин. Бунинг учун тажриба ўтказилиши зарур бўлган чуқурликларнинг ҳар бирiga мос равишда 2-3 та шурф қазилади (масалан: 0,5; 1,5; 2,5 метрли). Шурф тагига ўрнатилган металл ҳалқалар ичига доимий баландикда сув қуийб турилади ва сувнинг муайян вақт мобайнида бир хил тезликда шимилиши кузатилади. Тажрибалар кум жинсларида А.К.Бодиров, гиллик тоғ жинсларида Н.С.Нестеров усулларида олиб борилади(19.4-расм). Олинган натижалар асосида жинсларнинг фильтрация коэффициенти қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K\phi = \frac{Q}{F}$$

Бу сарда:  $K\phi$  - фильтрация коэффициенти; Q - барқарорлашган сув сарфи, л-и; F - ички ҳалқа см.

Кузатиш натижаларини ҳисоблашда Н.К.Гринский, Н.Н.Биндеман ва Н.Н.Веригин кўрсатмаларидан ҳам фойдаланилади. Ўн-юз мстрдаги тажрибаларни ўтказишда В.М.Насберг усули қўлланилади.

Лёсс ва гилли тоғ жинсларининг сув таъсирида юк кўтариш қобилияти кам бўлганлиги сабабли, баъзан гидрогеологик шароит ўзгариши билан, улар устида курилган иншоотлар оғирлиги остида чўкиб, ҳар хил даражадаги шикастланиши содир бўлиши мумкин. Шунинг учун муҳим иншоотлар куриш мўл-жалланган ҳудудларда тажриба штамлари билан текширув ишлари олиб борилади. Тажри-ба аксарият пойдевор чуқур-лигига тенг чуқурликдаги шурф ёки бурғу қудуғи тубида ўтка-зилади. Бунда, аввало, табиий намлиқда грунтнинг керакли хоссалари аниқланниб бўлгандан сўнг, муайян юзага ва оғирликга эга бўлган тажриба штампи ўрнатилади ва унинг тагидаги грунт қатлами намлатилиб, унинг таъсирида чўкиш киймати аниқланади.

Намлиқ таъсирида чўкиш асосан лёсссаларга хосдир. Лёсслар Марказий Осиё тоғолди ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, улар баъзан гидрогеологик шароитнинг ўзгариши, намлиқнинг ошиши таъсирида ўз оғирлигини кўтараолмай, чўка бошлиайди. Уларнинг табиий босим таъсирида, гидрогеологик шароитнинг ўзгариши билан, чўкиш миқдорини аниқлаш учун ҳам маҳсус дала тажриба ишлари олиб борилади. Бунинг учун лёсс қатламлари устида маълум сатҳдаги тажриба котлованлари қазилади ва маҳсус курилмалар (реперлар) билан жиҳозланади. Уларга сув қуийлиб маълум вақт мобайнида лёсс қатламлари бўйлаб пастга, ён

томонга сувнинг сизиб ўтиши жараёнида юз берадиган ўзгариштарни (ёрикларни пайдо бўлиши, чўкиш ва хокозо) кузатиш, ўрганиш ишлари олиб борилади. Котловантар усули калинлиги катта (30 метрдан ошик) ва ўртacha (15 м) бўлган, лекин 5-7 метрдан кам бўлмаган чўкувчан лёсс массивларида ўтказилади. Уларнинг сатҳи  $8 \times 6$  м, чуқурлиги 1 метр қилиб, девор ёнбағирларининг калинлиги ҳар хил бўлади. Жумладан, биринчиси 1:0,5 м, иккинчиси 1:1, учинчиси ва тўртинчиси вертикал ҳолатда бўлса, намлик таъсирида киялик мустахкамлигини ҳам аниклаш мумкин. Котлованларга сув қуйилгандан кейин, улардаги сувнинг сатҳи доимо бир хил 0,8 м. баландликда ушлаб турилиши лозим. Тажриба олиб бориш муддати лёсс жинсларининг калинлигига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Агар лёсс жинсларининг калинлиги 30 м дан ошик бўлса, тажриба 3 ой, камида 2 ой, 10 м бўлса - 1 ой давом этирилиши максадга мувофиқдир. Ҳамма ҳолатларда ҳам, иложи борича, тажриба котлованларидан лёсс жинслари катламлари бўйлаб сизиб ўтувчи сувнинг ер ости сувлари сатҳига етиб боришига ва уларга қўшилишига эришишмок керак.

Лёсс катламида содир бўлаётган чўкиш жараёни, тажриба майдончасига ўрнатилган реперлардан нивелир ёрдамида доимий равишда олиб бориладиган кузатиш натижалари асосида баҳоланиб борилади.

Реперлар тўрт йўналишда ўрнатилади. Улардан 20 кун мобайнида суткасига 2 маротабадан, колган вақтларда 3-5 кунда бир мартадан маълумот олинади.

Тажриба котловани марказидан 30-35 м масофада маҳсус шурф қазилади. Шурфнинг чуқурлиги грунт сувлари сатҳигача, ёки лёсс жинслари тагида ётган тоғ жинслари қатламигача ковланади. Шурф қазиш вактида лёсс катламининг ҳар бир метридан монолит ҳамда табиий намлиги, зичлиги, таркиби ва бошка хусусиятларини аниклаш максадида намуналар олинади. Табиий намлик ва зичлик маҳсус қуритгичлар ва асбоблар ёрдамида шурфни қазиш жараёнида аникланганлиги маъкул.

Баъзи тажрибалар грунтнинг сикилувчанилигини ва чўкишини бевосита кўрсатмасдан, айрим белгилари оркали улар ҳакида таҳмин қилиш имкониятини беради. Бундай аниклашлар маҳсус ускуналарда тез бажарилганилиги сабабли, киска вақт мобайнида кўп маълумот олиб, грунтларнинг петрографик таркиби, зичлиги, консистенцияси каби белгиларга қараб, уларни айрим грухларга ажратиш имкониятини беради. Бундай тажрибалардан энг кўп таркалгани пенетрациядир.

Пенетрация конуссимон металл зонд бўлиб, грунтга маълум куч билан ботирилади. Грунтларнинг зичлиги ошиб, намлиги камайган сари уларда зондни ботиришга бўлган қаршилик ошиб, кўпроқ куч сарфланади. Зондга берилаётган куч ўзгарувчан, динамик зондлаш доимий бўлса, статик зондлаш дейилади. Амалиётда динамик зондлаш кўпроқ ишлатилади.

Динамик зондлашда маълум баландликдан тушаётган тўқмоқ (n)-ни (аксарият n=) 5 марта урганда, зонднинг қанчя чуқурга ботиши (S) аниқланади. Зондни 10 см чуқурликка ботириш учун кетган тўқмоқлаш сони (-N) грунтни зондлашга қаршилик кўрсатгичи, деб олинади, яъни Олинган маълумотлар асосида чуқурга қараб N нинг ўзгариб боришини кўрсатувчи чизма чизилади. Маълумотлар кўп йигилган худудларда грунтни зондлашга қаршилик кўрсатгичига қараб, уларнинг зичлиги, консистенциясидан ташқари айrim меканик хоссалари бўйича ҳам тахминий таснифлар берилади.

Россиянинг Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ходимлари тавсия этган пенстрация каратаж усулида гамма нурланиш орқали зичликни, нейтрон усули билан намликини, зонднинг ботишига қаршиликка қараб грунтнинг мустаҳкамлагини аниқлаш мумкин. Текшириш натижалари автоматик равишда узлуксиз чизма шаклида ёзиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, текшириш ишларини тезлаштириб, сифатини яхшилашга ёрдам беради. Шунингдек, съёмка жараёнида бажарилаётган ишларга ер ости сувлари (сатҳи, ҳарорати, дебити, кимёвий таркиби ва бошқалар) ўзгаришининг умумий қонуниятларини аниқлаш, турли табиий омиллар (икклиний, гидрогеологик, гидрологик, геоморфологик, геологик) ҳамда инсонларнинг инженерлик ва хўжалик фаолиятлари билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўрганиш ишлари ҳам киради.

Ер ости сувларини кузатиши ишларининг таркиби, унинг режимини ўрганиш гидрогеологик съёмканинг мақсад ва вазифаларига қараб амалга оширилади.

#### 19.14. Геофизик қидирув ишлари

Гидрогеологик тадқиқотларни олиб борища геофизик қидирув ишларини ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу усулини қўллаш, биринчидан, олинаётган маълумотлар сифатини, миқдорини оширади, иккинчидан, дала ишларини ўтказиш вақтини қисқартиради. Жумладан, қазиш ва бурғулаш ишлари ҳажми бир исча баробарга камайиши мумкин, учинчидан, ўтказилаётган текшириш ишлари самараадорлигини оширади.

Геофизик қидирув ишларидан энг кўп қўлланиладиган усуллар: электроразведка, магниторазведка, сейморазведка, гравиразведка, радиометрия ва каротаж.

Электроразведка усули табиий равишда вужудга келган ҳамда инсон томонидан вужудга келтирилган электр майдонининг тоғ жинси қатламлари бўйлаб тарқалиши хусусиятларига, тоғ жинсларининг таркиби зичлигига, намлигига қараб уларнинг солиштирма электр қаршилиги ўзгаришига асосланган.

**Магниторазведка** усули төг жинсларининг магнит хусусиятларига ҳамда Ернинг магнит майдони геологик шароитининг хар хиллигига қараб ўзгариши конуниятларига асосланган.

**Сейсморазведка** усули ер сатхидан бошлаб маълум чукурликда (100 метргача) бургулаш кудуклари ичига портловчи моддаларни жойлаштириш ва порглатиш ёрдамида бўйлама йўналишдаги сейсмик тўлкинларни вужудга келтириш, Ер қобиги қатламларини ташкил килувчи төг жинслари хосса ва хусусиятларига боғлиқ ҳолда, уларнинг қатламлар бўйлаб турли тезлиқда тарқалиш конуниятларига асосланади.

**Гравиразведка** усули Ер тортиш кучининг Ер сатхи бўйлаб, ўзгариб бориши конуниятига асосланган.

**Радиометрия** усули Ер қобиги қатламларини ташкил килувчи төг жинсларининг, уларда мавжуд бўлган уран-торий категорига мансуб элементлар билан боғлиқ радиоактивликнинг ўзгариб бориши конуниятларига асосланган. Бу усул ҳудуднинг радиоактив моддалар билан зарарланганлигини аниқлашда энг самарали хисобланади.

**Каротаж** усулида, асосан, хар хил диаметрдаги қувурчалар билан жихозланган бурғу кудуклари ёрдамида очилган төг жинси қатламларининг кесмаси, хосса ва хусусиятлари ўрганилади. Бу тадқикот, асосан, электр – магнит ва радиоактив усулларни тўғридан-тўғри кўллаш ёрдамида ўтказилади.

Электроразведка усули, сейсморазведка ва каротаж усуллари билан биргаликда олиб борилганда, қуйидаги масалаларни ҳал этиш мумкин:

1. 250 метр чукурликка бурғулган кудукларнинг геологик кесмасини, уларни ташкил қилувчи төг жинслари петрографик ва литологик таркибига қараб, қатламларга ажратиш.

2. Ажратилган төг жинсларининг петрографик, инженер- геологик хосса ва хусусиятларини, жумладан, намлигини, зичлигини, говаклигини, ер ости сувларининг оқиши йўналишини ҳамда ўзидан сув ўтказмайдиган зонавий ва айрим төг жинси қатламларининг тарқалишини, ўрганилаётган ҳудудларнинг тузилмавий геологик ҳолатини аниқлаш.

3. Төг жинсларининг нураши натижасида вужудга келган дарзлар кўп тарқалган жойларни белгилаш.

4. Тектоник ёриқлар тарқалган майдонларни, уларнинг чукурлиги, тарқалиш хусусиятлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдириш.

5. Қияликтаги мавжуд гиллик жинсларининг суримишга чидамлилиги даражасини баҳолаш.

6. Ер ости сувлари минераллашиш даражасининг муайян кесмалар ва майдонлар бўйлаб ўзгариш конуниятларини аниқлаш.

7. Төг жинсларининг сув ўтказувчанлик кийматини ҳамда уларнинг

ғовакларини сув билан қанчалик түйинганлик даражасини муайян майдонлар ва чуқурликлар бўйлаб қиёслаш.

8. Тектоник ёриқлардаги ва инсонларнинг инженерлик фаолиятлари натижасида ифлосланган худудлардаги мавжуд ер ости сувлари кимёвий таркиби белгиланган меъёрларга нисбатан ошиб кетган жойларни аниқлаш ва ҳоказолар.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари геоэкологик ишларни ўтказиш жараёнида геофизик, жисмларни зарядлаш, чақирилган потенциаллар, радиотўлқинли зондлаш ҳамда микросейсмик усуllibардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Жисмларни зарядлаш** усули, асосан, тоғ жинслари ғовакларидан ср ости сувининг оқиб ўтиши тезлигини аниқлашга мўлжалланган бўлиб, муайян жойдан маълум масофага концентратлаштирилган элекгролитларни сувга таъсир эттириш йўли билан амалга оширилади. Бу усул ер сатҳидан 90-100 метргача чуқурлиқдаги ер ости сувлари учун яхши натижа беради.

**Чақирилган потенциаллар** усули ўзида ер ости суви бўлган ва бўлмаган тоғ жинсларидағи мавжуд тектоник ёриқлар, дарзларнинг ётиши, йўналишини аниқлашда, шўр сувлар тарқалган худудларда уларнинг оралиғида учрайдиган чучук сув қатламларини, уларнинг чуқурлигини билишда кўлланилади.

**Радиотўлқинли зондлаш** усули Ер қатламларида ва уларнинг устки қисми бўйлаб радиотўлқинларнинг тарқалиш қонуниятларига асосланган бўлиб, ер ости сувларининг тарқалиш чуқурлигини, улар устида ётувчи тоғ жинсларини ва минераллашиб даражаларини ўрганишда кўлланилади.

**Микросейсмик текшириш** ишлари, асосан, шаҳарлар, гидротехник иншоотлар ҳамда бошқа иншоотлар ва иморатлар қурилиши лозим бўлган майдонларда ўтказилади. Текшириш ишлари бир каналли (ОСУ-1) ҳамда 24 каналли (СС-24-II) сейсмик қурилмалар ёрдамида, муайян майдонларда, маълум кесмаларда олиб борилади. Бу усуllibар воситасида тоғ жинси қатламларига 8 килограмм оғирлиқдаги болға билан уриш ёки 50 кг оғирлиқдаги чўян тошни 6 метр баландликдан ташлаш ёрдамида ҳар хил қалинликга эга бўлган тоғ жинслари қатламларида табиий бўлмаган эластик тебранма харакатни (тўлқин)ни вужудга келтиради. Бу тўлқинлар тезлиги тоғ жинси қатламларига ўрнатилган сейсмоприёмник ёрдамида маҳсус ленталарга ёзиб олинади. Тоғ жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятларининг ҳар хил бўлганлигига ҳамда улардаги ер ости сувларининг ҳолатларига қараб, тебранма тўлқинлар тезлиги ҳам уларда турлича бўлади. Шунинг учун бу усул 25-40 м қалинликдаги тоғ жинси қатламларини бир-бираидан фарқлаш, ажратишда ер ости сувлари ётиш чуқурлигини аниқлашда, тоғ жинсларининг зилзила бардошлигини, яъни

сувли тоғ жинс қатламларида ер кимирлаш кучини қанчалик ошиши ёки камайишини балларда баҳолашда қўлланилади. У ёки бу тоғ жинсларида ер кимирлаш кучининг баллардаги қиймати С.В.Медведов томонидан жорий этилган қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta I = 1,67 \lg \frac{p_s \cdot V_s}{p_i \cdot V_i} + e^{-0,04h^2}$$

Бу ерда:  $\Delta I$ -ер кимирлаш кучининг ошиши ёки камайишининг балларда аниқланган қиймати;  $p_s$ ,  $V_s$ -ўрганилаётган ҳудуд тоғ жинсининг зичлиги ( $\text{г}\cdot\text{см}^3$ ) ва эластик бўйлама тўлқин тезлиги ( $\text{км}\cdot\text{сек}$ );  $p_i$ ,  $V_i$ -ўрганилаётган ҳудуд қатламларини ташкил қилиб турган тоғ жинсларининг айrim ҳолатдаги зичлиги ( $\text{г}\cdot\text{см}^3$ ) ва бўйлама тўлқин тезлиги;  $e$ -доимийлик қиймати, 271;  $h$ -ер ости суви сатҳининг чуқурлиги, м.

### 19.15. Намуналаш ишлари

Гидрогеологик, инженер-геологик ва гидрогеоэкологик текшириш ишларини ўтказиши жараёнида тоғ жинслари ҳамда сувларнинг таркиб ва хоссаларини маконда ўзгарувчанлик қонуниятларини аниқлаш мақсадида, улардан лаборатория текширувларини ўтказиш учун улардан намуналар олиш тартибини билишнинг аҳамияти каттадир. Намуналар қазилма ва бурғу қудуқларидан олинади. Тоғ жинсларидан олинадиган намуналар икки хил бўлади. Биринчиси - уларнинг зичлигини, физик, механик хоссаларини, сув ўтказувчанлигини аниқлаш учун табиий тузилиши яхлитлиги ва намлиги ўзгармаган ҳолатда олинадиган намуналар. Бу намуналар катталиги  $10 \times 10 \times 10$  см ёки  $25 \times 25 \times 25$  см га teng тоғ жинси бўлаклари (монолитлар)дан иборат бўлиб, улар тоғ қатламларидан қирқиб олинади. Монолитларни олиш, асосан шурфлар ва қисман тозаламаларда амалга оширилади. Олинган монолитларнинг усти ва ости (тоғ жинсларининг ҳолатларига нисбатан) белгиланиб, усти текисланади.

Қазилманинг номи, у жойлашган ҳудуднинг тартиб сони, чуқурлиги, грунт номи, олинган вақти ва олувчининг исму шарифи ёзилган қоғоз қўйилиб, монолитнинг усти парафинланади, сўнгра белги қоғозлари ёпиширилади. Улар салқин ерларда эҳтиёт қилиб сақланади. уринтирмай лабораторияга ташилиб, мумкин қадар тезроқ (табиий намлиги ўзгармасидан) хоссаларини аниқлашга киришилади.

Монолитлар, асосан, ҳар бир метр чуқурликдан олинади. Бунда албатта тоғ жинслари қатламларининг табақаланиши инобатга олинади: қалинлиги 20 см дан ортиқ бўлган ҳар бир табақадан монолит олиниши зарур. Агар табақанинг петрографик таркибининг тузилиши зичлигидан ташқари, ёши ва ҳосил бўлиш услуби бир хил бўлса (қалинлиги 5-7 метр атрофида бўлса),

унда қатламнинг устидан, остидан ва ўртасидан монолит олиш тавсия этилади. Бу аксарият лёсс жинсларига хос бўлиб, бунда кўмилиб кетган тупроқлардан ўtkазиб юбормаслик керак. Уларнинг петрографик таркиби тагидаги лёssларга ўхшаш бўлса-да, тузилиши, зичлиги, сув ўтазучанлиги ва чўкувчанлиги билан фарқланади. Бундай айрим чуқурликлардан намуна олишни нуқтавий намуналаш, деб аталади. Бу усул билан табиий тузилиши ўзгарган намуналар ҳам олинади. Нуқтавий намуналардан грунтларни гранулометрик таркиблари, қайишқоқлик даражалари, минерал заррачалар зичлиги каби кўrsatgichlari аниқланади. Нуқтавий намуналаш гидрогеологик ва инженер-геологик текшириши ишларида энг кўп кўлланиладиган усуллардандир. Тупроқнинг шўрланиши, ундаги заرارли кимёвий моддаларни аниқлаш мақсадида ер сатҳидан бошлаб пастга қараб узлуксиз, тоғ жинси қатламини маълум масофалардан (ҳар 10, 20 ёки 50 см дан) ҳам намуналар олинади. Ариқча шаклидаги шурф тозаламанинг бирор деворидан намуна кесиб олинади. Текшириш ишларига етарли даражадаги (1 кг атрофида) олинган намуналар ёрлиқ билан бирга айрим халтачаларга солинади. Сўнгра марказий лабораторияларга жўнатилади. Бундай усул билан тупроқ қабати, техноген ётқизиклар ва сизот сувлари саёз жойлашган (3 метр атрофида) ерлардаги аэрация жойларидаги грунтлар ўрганилади. Тупроқларнинг шўрланиши ва заرارли моддалар билан ифлосланганилиги тўғрисида олинган маълумотлар кимёвий хариталашда асосий манба ҳисобланади. Техноген ифлосланган ҳудудларда намуналаш масофаси қисқариб, намуналар олиниши ҳар 2 ёки 5 см га тушерилиши ҳам мумкин. Баъзан ҳудуднинг техноген ифлосланишини мукаммал аниқлаш мақсадида, шурф қазиш ёки бурғу қудуғи ёрдамида олинган ҳамма тоғ жинсларидан намуна олиниши ва тажриба учун ишлатилиши мумкин. Бундай намуналашни ёппасига намуналаш дейилади.

Тоғ жинслари таркиби ва хоссаларининг кўrsatgichlari турли даражада ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар баъзи кўrsatgichlарда (минерал заррачалар зичлигида) кам, баъзиларда (грунт зичлиги, намлиги, таркиби ва ҳоказо) кўпроқ бўлади.

Тоғ жинсларининг ҳосилбўлиш йўллари, йиғилиш шароити, биогенетик жараёнларнинг таъсири каби кўп омиллар натижасида улар бир хил кўrsatgichlарининг маконда ўзгариши ҳар хил бўлади. Бу ўзгаришларнинг миқдори чукурга (ер сатҳидан пастга) ёки сатҳда бирор йўналиш шакли арасимон ҳолда (чизмада) кўrsatiladi. Проф.Н.В.Коломенскийнинг фикрича, бундай ўзгаришлар қонунияти бўйича, муйян масофада уларнинг ўртacha миқдори маълум даражада ошиб ёки камайиб боради. Қонуният ўзгаришида эса, миқдор ўзгаришини масофага боғлаб бўлмайди. Тоғ жинслари хосса ва хусусиятларининг сатҳ бўйлаб бундай ўзгаришларини

олим зонавий ўзгариш деб, ер юзасидан пастга (чукурға) қараб ўзгаришини уларнинг пайдо бўлиш вақтига, яъни тоғ жинси ёшига боғлади.

Агар ўзгариш қонуният доирасида бўлмаса, башоартлаш қийинлашади ва қидирив ишлари сатҳда баробар тақсимланади. Аниқлаш сони ошган сари, ўрга миқдор кўрсатгичлари яқинлаша боради. Шунинг учун ҳар бир инженер-геологик турдаги грунтнинг кўрсатгичларини ҳақиқатга яқинлаштириш учун 30 га яқин намуна олиб, текшириш зарур. Ўзгариш қонуниятли бўлса, 2-3 нуктадан олинган маълумотлар асосида кўшни ҳудуд грунтлари кўрсатгичларини башоратлаш мумкин. Бундай ишлар бошлангич текшириш ва катта ҳудудларни хариталашда айниқса фойдалидир. Бирор кўрсатгични умумлаштириш ёки ҳисоблаш учун ишлатса бўладиган соннинг етарли даражада бўлиши учун уни камида қанчча намунадан аниқлаш зарурлигини статистик ҳисоблаб чиқариш мумкин. Юқорида гидрогеологик ва инженер-геоэкологик текшириш ишлари жараёнидаги намуналашнинг асосий принциплари баён этилди, холос. Бир хил дехқончилик қилинадиган ерларда тузиладиган хаританинг ҳар 4 км<sup>2</sup> юзасида бир намуналаш ўтказилиши мақсадга мвофиқ. Ҳар бир намунанинг оғирлиги 0,5 кг га яқин бўлиб, уларни ёз ва куз фаслларида олгани маъқул. Бунда дехқончилик қилинадиган ерларда пестицид ва гербицидларнинг кўпроқ ёйилиши заҳкашларга яқин майдонларда бўлишини инобатга олиш зарур.

Биокимёвий текширишлар маҳсус лабораторияларда ўсимликлар таркибидаги микроэлементларни аниқлаш орқали олиб борилади. Бунинг учун, аввало, ўсимликлар ривожланиши ҳар хил даражада ёмонлашган шўрланган ерлар аниқланади. Катта ҳудудларда текширишларни тезлаштириш учун маҳсус ҳароратли аэrogramма хариталаш услубидан ва бир неча тақорија аэросуратлардаги тупроқ ва ўсимликларни ўрганиш ҳамда солиштириш натижасида олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Текширувга ютувчанлиги кўпроқ, шикастланган дарахтларнинг ёш шохлари, хазони, ўт ва бир йиллик ўсимликлар олинади. Намуна оғирлиги –100 грамм.

Ҳавони заҳарли кукун ва кимёвий моддалар билан заҳарлаётган саноат корхоналарининг таъсир доирасини аниқлашда кузатиш ва бургулаш ишлари шамол йўналишлари бўйлаб ўтказилади. Йўналиш кесимиининг узунлиги 50 км гача бориши мумкин. Унинг биринчи 10 км да намуналаш ҳар 0,5-1 км да, 10 дан 30 км гача – ҳар 2-5 км да, кейинги масофаларда 5-7 км оралаб ўтказилиши мумкин. Бу ишларнинг ҳажми лойихалаш вақтида асосланади.

Чиқиндиларнинг ташланиши, ёғилиш ва кўмилиши каби техноген ифлосланиш юқори даражада бўлган ҳудудларда геокимёвий намуналаш

ишлари сизот сувлари сатхигача ва ундан ҳам чүкүрроқда олиб борилиши мүмкин.

Чиқиндилар ташланадиган оқова сувлари тагидаги лойқадан ҳам намуна олинниб, текширилади. Намунанинг оғирлиги 1 кг бўлиб, у оқим бўйлаб ҳар 250-100 метрда олинади. Намуна куз ва қиши фаслларида, яъни дарё сувлари камайтганида олингани маъкул.

Ер ости сувви намуналари қудуклардан, булоқлардан, сизот сувларидан маҳсус тозаланган шиша идишларга олинниб, кимёвий таркибини аниқлаш учун марказий лабораторияларга юборилади.

#### 19.16.Лаборатория ишлари

Тоғ жинсларини, ер ости ва ср устки сувларининг таркиби ва хоссаларини аниқлаш гидрогеологик, инженер-геологик ва геоэкологик текшириш ишларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу ишлар маҳсус тармоқ ёки марказий лабораторияга келтирилган намуналардан фойдаланиб бажарилади. Тармоқ лабораториялар экспедициялар жойлашган ерда, марказий лабораториялар эса бошқарма қошида, яъни катта шаҳарларда жойлашган бўлиши мүмкин. Уларнинг қайси бирида қандай текширишлар ўтказилишини инобатга олиб, намуналар юборилади. Баъзи бир мураккаб текшириш натижаларини тўғрилигига амин бўлиш мақсадида бошқа лабораторияга қайта текшириш учун юбориш мүмкин. Қазиши ва бургулаш жараённида грунт ва сувларининг дала шароитида кўп маълумот берувчи кўрсатгичларни аниқлаб бориш, иш сифатини ошириш имконини беради.

Грунт ва сувларда бажариладиган теширивлар услуби ва турларини белгилашда, уларнинг табиий мухитдаги ҳолати, уларга таъсир этувчи техноген жараёнларни инобатга олиш зарур.

Сув ҳамда грунтларнинг таркиби, хоссаларини аниқловчи лаборатория усуллари мавжуд. Бу усулларнинг кўп йиллардан бери қўлланилаётгани, стандартлаштирилгани, адабиётларда кенг ёритилганлигини ҳисобга олиб, биз фақат геологик мухитни заҳарловчи кимёвий элементларни ҳамда микроорганизмларни аниқлаш усуллари ҳакида умумий тушунча берамиз. Бундай текширувларни аксарият маҳсус лабораторияларда кимё, физика ва микробиология соҳалари мутахассислари бажаришиди.

Баъзи кимёвий элементлар инсон саломатлиги учун зарур бўлса, айримлари тупроқ тузилмасини яхшилашга, унинг ҳосилдорлигини оширишга хизмат қиласи. Агар уларнинг миқдори меъридан ошиб кетса, улар салбий таъсир эта бошлайди. Баъзи бир элементларнинг миқдори кўп ошса-да, камроқ зарар келтиради, баъзилари эса оз бўлса ҳам, катта зиён келтиради. Шунинг учун уларни заҳарли, яъни токсик хусусиятга эга бўлган элементлар дейилади. Булардан маргимуш, кадмий, кўргошин, симоб,

молибден, силен, рух, мис, фтор, айниқса хлорнинг органик бирикмалари, пестицидлар ўта заҳарли ҳусусиятга эга. Заҳарли моддалар грунтда, сувда, айримлари (фтор, диоксин, ис гази ва ҳоказо) ҳавода ҳам бўлиши мумкин. Сув ва грунтларнинг, шу жумладан, яхши, ўрта, ёмон зрийдиган тузларни ташкил этувчи анион ва катионларнинг кимёвий таркиби хронометрик, спектрал, кимёвий усуллар ёрдамида аниқланади.

Микробиологик текширишлар нефть ва газ маҳсулотлари сақланадиган шахобчаларда, катта молхона, паррандахона, шаҳар ва қишлоқларнинг маиший чиқиндилари билан заарланган таянч нуқталаридаги мавжуд сув ва грунтларда ўтказилади. Улардан намуна олишни мутахассислар бажаргани маъқул. Текшируда юкумли касалликларни тарқатувчи микроорганизмларга алоҳида зътибор бериш зарур. Микрорганизмларни ифлосланган грунтда яшами ва кўпайиши шароитига қараб, грунтларнинг ҳосил бўлиш омиллари (ҳавосиз, ҳаволи, кислотали, ишқорли каби) ҳақида фикр юритиш мумкин. Ҳосил бўлиш шароити, ўз навбатида, тоғ жинсларининг таркиби ва хоссаларининг қай даражада ўзгаришини башорат этишга ёрдамлашади. Табиий (уран, радий, радон, торий, калий-40, рубидий-87) ва техноген (стронций-90, цезий-134, кобальт-60, тритий, углерод-14 ва ҳоказо) радиоактив элементларни аниқлашда гамма спектрометр, бета спектрометр, радиокимёвий ва бошқа усуллар қўлланилади.

Инсон фаолиятининг қайси бир соҳаси таъсирида геологик мұхитнинг қай даражада ўзгариши, қандай заҳарли моддалар билан ифлослантириши, у моддаларнинг қайси бири тез парчаланиб, йўқолиб кетиши ёки парчаланмай йиғилиб боришини ва уларнинг тарқалиши қонуниятларини билиш, намуналаш ҳамда лаборатория текширув ишларини ўтказишга геокимё, геофизика ва тупроқ микробиологияси соҳаларининг мутахассислари жалб этилиши зарур.

### 19.17.Хонаки ишлар

Гидрогеологик текшириш ишлари далада. лаборатория шароитида, сўнгра ишхоналарда бажарилади. Ишхоналарда амалга ошириладиган иш хилларининг умумий номи хонаки (камерал) ишлар. Уларни, бажариш вақтига қараб, қуйидаги уч босқичга ажратиш мумкин:

- 1.Бошланғич хонаки ишлар.
- 2.Узлуксиз хонаки ишлар.
- 3.Якуний хонаки ишлар.

Бошланғич хонаки ишларнинг асосий вазифаси гидрогеологик текшириш ишлари ўтказиладиган худуд ҳақида тўлиқ маълумот йиғиш, уларни чуқур таҳдил этиб, қилинадиган ишлар лойиҳасини ёки иш режасини тузишдан иборат. Гидрогеологик шароитни ойдинлаштирувчи

маълумотлар турли соҳа ташкилотларида мавжуд. Шунинг учун геология, табиатни муҳофазалаш, гидрометеорология, сув хўжалиги қурилиши, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш вазирликлари, қўмита, бирлашмаларга қарашли ташкилотлардан текшириладиган ҳудуднинг геологияси, иклими, суви, тупроғи, қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари, ичимлик суви билан тъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар йигилади.

Гидрогеологик текширувларнинг асосий мақсади, геологик муҳитнинг техноген жараёнлар таъсирида қанчалик ўзгарганлигини аниқлаш, келажакда юз берадиган ўзгаришларнинг олдини олиш, ҳудуднинг айрим қисмларида мавжуд ер ости сув конларидан омилкорлик билан фойдаланиш режаларини геолог-гидрогеологик асослашдир. Шунинг учун асосий эътибор ҳудуднинг табиий, географик, гидрогеологик, инженер-геологик шароитини ўрганишдан ташқари инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган геоэкологик ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни йиғишга ва таҳдил этишга қаратилади.

**Узлуксиз хонаки ишлар** даврида бошланғич хонаки ишлар давомида тўпландиган барча ахборотларни, янги дала ва лаборатория шароитида олинган маълумотлар билан таққослаш, керакли чизма, ҳарита ва жадваллар тузиш амалга оширилади.

**Яқуний хонаки ишлар** жараёнида гидрогеологик съёмка натижасида олинган ва мажуд ҳамма маълумотлар ҳар томонлама таҳдил қилинади, яқуний ҳариталар тузиш ишлари тутагилади, илмий-назарий, амалий, услубий ҳulosалар чиқарилади. Ҳисобот тузилиб, мавжуд услубий қўлланмалар, Гостларда кўрсатилган талаблар, қоидаларга мувофиқ тегишли ташкилотларга топширилади.

### **19.18. Гидрогеологик ҳариталаш ишлари**

Гидрогеологик ҳариталаш бажарилган ишлар натижаларини чизма ҳолатда тасвирлашнинг асосий шакли ҳисобланади. Уларда ер ости суви қатламларининг тарқалиш ва жойлашиш ҳолати, ётиш чукурлиги, сифат ва миқдор кўрсатгичлари ифодаланади.

Гидрогеологик ҳариталар дала шароитида йигилган маълумотлар асосида ҳамда геоморфологик, геологик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Гидрогеологик ҳариталар масштабларга қараб: обзорли (1:1000 000 ва ундан майда), майдага масштабли (1:500 000-1:1000 000), ўрта масштабли (1:200 000-1:100 000), йирик масштабли (1:50 000 ва ундан катта), кўйилган вазифа ва мақсадга қараб умумий, маҳсус тўпландиган маълумотларни асослагандигига ёки старлигига қараб, кондициявий ва нокондициявий ҳарита турларига бўлинади.

Гидрогеологик хариталарни тузища геолог-түзилмавий, стратиграфик-гидрогеологик принцип қўлланилади. Бу хариталарда асосий сувли горизонтлар қатлами, мажмуалар, сув ўтказмайдиган қатламлар маҳсус шартли белгилар – чанглар, штрихлар, геологик индекслар билан кўрсатилади.

Гидрогеологик хариталар мавжуд услубий қўлланмалар асосида қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиш керак:

1. Майдон бўйича сувли горизонтлар, мажмуалар ва сув ўтказмайдиган жинсларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда, рангларда ва рангли горизонтал штрихларда: ер юзида биринчи жойлашган сувли қатламлар (мажмуалар) минераллашиш даражаси ёки зоналар кўрсатилади. Жумладан, улар 0,1 гача, 0,1-0,5; 0,5-1,0; 1-3; 3-5; 5-7; 7-10; 10-15; 15-35 ва 35 дан юқори.

2. Ўрганилаётган нуқталар – бурғу қудуклар, сув олувчи жойлар тартиб рақами билан (N1, N2, N3 ва ҳоказолар сарфи – л-с да, сув сатхининг пасайиш қиймати эса – м да, бурғу қудуғи, қудуқлардаги сувгача бўлган масофа – м да, минераллашиш даражаси – г-л, сув жойлашган жинслар, қатламлар геологик индекслар (Q1, Q2, Q3, Q4, N, Р ва х.к.) орқали, сувларнинг кимёвий таркиби рангларда ифодаланади.

3. Ер юзида биринчи жойлашган сувли горизонтлар қатламларни тарқалиш чегаралари ва грунт сувларининг бир хил чуқурликдаги сатхлари гидрогезогипс чизиқларда, ер ости сувлари харакатининг йўналишлари стрелкалар билан кўрсатилади.


Харита гидрогеологик кесим билан тўлдирилади. Кесимларда ҳудуднинг геологик тузилиши, литологик-фациал ўзгаришлар, тарқалиш, тўйиниш, сарфланиш шароитлари, ҳудудлари, сувли горизонт ва мажмуалар билан ўзаро алоқалари маҳсус шартли белгилар билан ажратилади.

Кўшимча маълумотлар сифатида пъезогипс, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги, сув ҳажми, сув ўтказувчанлик кўрсаткичлари, ер ости суви захиралари, гидрогеологик районлаштириш, ҳудуднинг мелиоратив ўзлаштирилиши, аэрация зонаси тузилиши, геоморфологик, гидрокимё ва бошқа маҳсус хариталар, чизмалар берилади.

Гидрогеологик хариталарни тузиш қўйилган мақсад ва вазифаларга қараб, мавжуд услубий қўлланмалар асосида тадқиқот босқичларида амалга оширилади.

Айрим майда ва ўрта масштабли хариталарни тузища гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бориш, жумладан, республика миқёсида ва айрим зоналардаги мавжуд сув ресурсларидан тўла фойдаланиш ва уларни муҳофазалаш, алоҳида ҳудудларни ўзлаштириш масалаларини инобатга олиш зарур.

Гидрогеологик ва мелиоратив-гидрогеологик районлаштириш, ер ости сув ресурсларидан фойдаланиш хариталарини тузиш мақсадида олиб борилади (19.5-расм).




**19.5-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини гидрогеологик районлаштириш чизмаси (Ф.О.Мавлонов муҳаррирлиги остида чоп этилган китобидан).**

1-гидрогеологик ҳудудлар чегараси; 2-биринчи тартибли гидрогеологик районлар чегараси. Харитадаги ҳарф ва рақамлар: А-Тянь-Шан бурмали төг гидрогеологик провинияси (1-9); 1-Чотқол-Қурама гурухидаги ёриқ сувлар ҳавзаси; 2-Нурота-Түркистон гурухидаги ёриқ сувлар ҳавзаси; 3-Хисор-Зарафшон гурухидаги ёриқ ва артезиан сувлар ҳавзаси; 5-Хисор төг бурмали тогларининг жануби-гарбий кисмидаги артезиан ҳавзаси; 6-Фарғона артезиан ҳавзаси; 7-Тошкентолди артезиан ҳавзаси; 8-Зарафшон артезиан ҳавзаси; 9-Сурхондарё артезиан ҳавзаси; Б-Турон платформаси гидрогеологик провинцияси (10-12); 10-Амударё артезиан ҳавзаси; 11-Сирдарё артезиан ҳавзаси; 12-Устюрт гурухидаги артезиан ҳавзалари

Ўрта ва йирик масштабли гидрогеологик хариталар тузиш ишлари эса сув хўжалиги тадбирлари ва инженерлик-қурилиш ишларини амалга оширишда, ер ости сувларини табиий ва фойдаланиш захираларини баҳолаш, айrim зоналардаги мавжуд сувли қатламлар кимёвий таркибини, сув ўтказувчанлик хусусиятларини аниқлаш мақсадларида бажарилади (19.6-расм).


Майда масштабдаги (1:500 000-1:1000 000) гидрогеологик хариталарни тузиш асосан мавжуд геологик, геоморфологик, гидрогеологик, инженергеологик маълумотларни, бошқа фонд ва адабиётларни таҳлил қилиш ва қўллаш ўйли билан тузилади.

Ўрта (1:100 000-1:200 000) ҳамда йирик (1:50 000-1:5000) масштабдаги хариталар (19.7-19.8-расмлар) тузиш маҳсус ўтказилган мукаммал геологик,




19.6-расм. Фарғона артезиан ҳавзаси түртламчи давр юқориги 100 метрлик қатлами жинсларининг сув ўтказувчаник хусусияти ўзгаришини кўрсатувчи чизма (В.А.Гейнц, А.Н.Султонхўжаевлар бўйича).

Сув ўтказувчаник (км<sup>3</sup>/сутка): 1-100 гача; 2-100 м дан 500; 3-500 м дан 1000 м; 4-1000 дан юқори; 5-ўрганилмаган (адир ва тог ҳудудлари); 6-Норин-Қашқадарё-Сирдарё аллювиал ётқизиклардаги ер ости сувлари оқими; 7-ҳар хил сув ўтказувчаникдаги майдонлар чегараси



19.7-расм. Айрим ҳудудларни ер ости сувлари заҳирасини кўрсатув-чи гидрогеологик харитаси (Н.Я.Денисовдан). 1-Эни 1 м бўлган ер ости сув оқимининг миқдори, суткасига 0,2 м<sup>3</sup> гача; 2-0,2 дан 0,4 гача; 3-0,4 дан 0,6 гача; 4-0,6 дан 0,8 гача; 5-0,8 м<sup>3</sup>/суткадан юқори; 6-бургү қудуги: суратида тартиб номери, маҳражида оқиб чиқаётган сув миқдори, л/сек; 7-ҳар бир метрдан ўтказилган гидроизогипслар

гидрогеологик, геоморфологик, инженер-геологик, дала тажриба ва лаборатория экспериментал тадқиқот ишлари натижалари асосида тузилади. Бу ерда шуни эсдан чиқармаслик керакки, гидрогеологик хариталарни дастлабки вариантлари, энг аввало, дала шароитида, маълум йўналишлар бўйича ўтказиладиган маршрут тадқиқотлари (пиёда юриб) жараёнда тузилади. Бунда бирламчи асос бўлиб, топографик, геологик, геоморфологик хариталар ҳисобланади. Геологик, геоморфологик шароитни ҳисобга олган ҳолда, топохаритага ўрганилаётган майдонда мавжуд бўлган бургү ва кўл билан қазилган қудуклар, булоқлар, кўллар, геологик ва инженер-геологик (ботқоқланиш, турланиш, захланиш ва бошқалар) жараён ва ҳодисалар, геологик очилмалар маълум шартли белгилар билан, уларнинг ҳозирги ҳолати (шакли, ўлчами ва бошқа) тартиб рақамлари берилади. Расмлар, чизмалар чизилади, сув ва тог жинс намуналари олинади. Бу маълумотларни топохаритага тушириш билан бирга, маҳсус дала дафтарига ёзиб ҳам борилади. Сув намуналари ҳамма сув манбаларидан (булоқ, кўл, дарё, қудуклар ва б.) олинниб, дала шароитида қисқача кимёвий таҳлил ўтказилади. Тўлиқ кимёвий таҳлил учун намуналар марказий стационар лабораторияларга юборилади.



**19.8-расм.** Амударё артезиан қавзаси ер ости сувларининг минераллашиш даражасини чүкүрлик бүйича ўзгариши чизмаси (Р.Я.Бойко, Г.Г.Старостиналар бүйичча). Сувли мажмua юқори қисмийнинг минераллашиш даражаси (г/л): 1-0 дан 1.5 гача; 2-1.5 дан 3 гача; 3-3 г/литрдан юқори. Сув мажмuaаси пастки қисмийнинг минераллашиш даражаси (г/л): 4-0 дан 1.5 гача; 5-1.5 дан 3 гача; 6-3 дан юқори; 7-сув мажмuaаси юқори қисмийн чегараси; 8-сув мажмuaасининг пастки қисмийн чегараси; 9-палеоген ва мел даври жинслари ер сатхига чиқиб қолган жойлар

7. Дала тажриба, намуналаш, лаборатория текшириш ишлари қандай максадлар учун олиб борилади?

8. Хонаки ишларни олиб бориш босқичлари ва ҳар бир босқичда бажариладиган ишлар түғрисида гапириб беринг.

9. Гидрогеологик хариталаш ишлари түғрисида сизнинг тушунчангиз. Майда, ўрта ва йирик масштаблы гидрогеологик хариталар қандай маълумотлар асосида тузилади? Уларнинг ракамли қийматларини айтиб беринг.

### Такрорлаш ва текшириш учун саволлар

1. Ер ости сув конларига таъриф беринг. Ер ости сув конлари ишлатилиш максадларига кўра қандай турларга ажратилади?

2. Гидрогеологик тадқиқот ишларининг турлари түғрисида гапириб беринг.

3. Гидрогеологик тадқиқот ишлари неча босқичда олиб борилади? Ҳар бир босқичда бажариладиган ишлар ҳақида сизнинг тушунчангиз.

4. Гидрогеологик съёмка ишларининг максади ва вазифалари нималардан иборат? Гидрогеологик съёмканинг масштаблари түғрисида гапириб беринг.

5. Гидрогеологик съёмка таркибиغا қандай қидирув ва кузатув ишлари киради?

6. Аэро ва аэрокосмик кузатиши ишларининг босқичлари түғрисида гапириб беринг. Геоморфологик, геологик, инженер-геологик, геофизик, геоботаник, гидрогеологик текшириш, кузатиши ишлари түғрисида сизнинг тушунчангиз.

## **20-боб. Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва бошқа мақсадлар учун бажарладиган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишлари**


Харқандай объект (қышлоқ хұжалиғи, фуқаровий ва саноат, гидротехник иншоотлари, темир ва автомобиль йүллар, күприкелар, метрополитен, электр токи узатиши шахобчалари, аэродром ва космодромлар ва ҳоказолар) учун жой танлаш, уни жойлаштириш, қуриш фақат гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишлари ўтказилиб, керакли маълумотлар олингандан кейиннингина амалга оширилади.

Гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишлари мажмусаига қуйидаги иш турлари киради:

1. Гидрогеологик ва инженер-геологик съёмка, дала-қидирув ишлари.
2. Тажриба тадқиқот ишлари.
3. Лаборатория ишлари.
4. Дала-қидирув, тажриба-тадқиқот, лаборатория-экспериментал ишлар натижаларини таҳдил этиши ва ҳисобот ёзиш.

### **20.1-жадвал**

**Объектларни лойиҳалаштириш босқичлари ва ҳар бир босқичда бажариладиган гидрогеологик ва инженер-геологик қидирув ишлари  
(мавжуд адабиётлардан олинган маълумотлар асосида тузилди)**



## 20.2-жадвал

### **Объектларини лойихалаштириш ва қуриш жараёнида үтказиладиган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишларининг мақсади ва вазифаси**

Лойихалаштириши босқичларида бажариладиган тадқиқотлар турлари	Мақсади ва энг асосий вазифалари
1.Рекогноцировка қидирув ишлари	Худудда объектларни жойлаштириш ва қуриш учун лойиқлигини асосланган мақсадидаги олиб борилади. Тадқиқот үтказилиш (қурилиш) майдонини гидрогеологик ва инженер-геологик шароитига оид архив материаллари ва адабиётлар, маълумотларни йигиши, ўрганиши ва таҳдил қилиши, мавжуд ва кўшимча қидирув ишлари натижаларига асосан муайян районларга ажратиши, иморат ва иншоотларни жойлаштиришининг иқтисодий мувофиқлиги баҳоланади.
2.Олдиндан тахминий хуносалар чиқариш мақсадидаги бажариладиган қидирув ишлари	Ажратилган қурилиши (тадқиқот үтказилиш) майдон вариянтларини бир-бири билан таққослаш, улардан техник иқтисодий жиҳатдан энг яхшисини ажратиши мақсадидаги олиб борилади. Иморат ва иншоотларни лойихалаш, уларнинг қисмларини оқилона жойлаштириш учун зарур, ишончли маълумотларга эга бўлишдан, қурилиш (тадқиқот үтказилиш) учун ажратилган майдон шароитини тахминий баҳоланишдан иборат.
3.Мукаммал гидрогеологик ва инженер-геологик қидирув ишлари	Иморат ва иншоотларни лойихалаштиришининг техник жиҳатдан асосланган мақсадидаги, майдонда айнан қурилиш учун ажратилган тадқиқот ишлари олиб борилади. Олинган маълумотлар майдонининг гидрогеологик ва инженер-геологик шароитини тўлиқ ифодаласи, иморат ва иншоотларни, уларни ташкил этувчи қисмларини тўғри жойлаштириш имкониятини бериши керак. Бу босқичда қурилиш материаллари, уларни турлари, заҳиралари ҳам ўрганилади. Қурилган иморат ва иншоотлардан фойдаланиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар, уларни бартараф этиши йўллари кўрсатилади.
4.Кўшимча гидрогеологик ва инженер-геологик қидирув ишлари	Лойихалаштиришининг иш чизмаларини асослаш. Олдинги босқичларда ҳал этилмаган бальзи масалаларни ҳал этиши, лойиҳани техник экспертизадан үтказилиш жараёнида вужудга келган масалаларни ечиш ва кузатишдан ўрганилади. Иморат ва иншоотларни қуриш жараёнида маҳсус инженер-геологик, гидрогеологик тажриба-тадқиқот, стационар ишлар олиб борилади.

## **20.1.Объектларни лойиҳалаштириш босқичлари ва гидрогеологик, инженер-геологик тадқиқотларни ўтказиш**

Гидрогеологик, хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ишлари уч босқичда олиб борилади. Ҳар бир босқичда эса муайян турдаги ва ҳажмдати гидрогеологик ва инженер-геологик ишлари бажарилади (20.2-жадвал).

**Лойиҳани техник-иктисодий жиҳатдан асослаш босқичи,** аслида лойиҳаолди босқич ҳисобланиб, ундан мақсад хўжалик объектлари учун энг қулай жойни танлаш, уларни жойлаштириш ва куришнинг техник-иктисодий нуқтаи назардан мумкинлигини асослаб бериш ва техник лойиҳа учун зарур бўлган дастлабки маълумотларга эга бўлишдан иборат. Бу босқичда рекогносцировка, гидрогеологик ва инженер-геологик текширув ишлари ўтказилиб, энг аввало, у ёки бу объектни куриш ёки тадқиқот ишларини олиб бориш мўлжалланаётган ҳудуднинг табиий гидрогеологик ва инженер-геологик шароити тўғрисидаги мавжуд адабиётлар ва архивлардаги маълумотлар йигилади ва янги ўтказилган тадқиқот ишлари натижалари билан тўлдирилади. Ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти баҳоланади. Мавжуд ва ўтказилган тадқиқот натижаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш асосида гидротехник иншоотлар мажмуасига кирувчи объектларни куриш навбати аниқланади. Дарё водийларининг энергетик таъминоти йўллари, куриладиган автомобиль ва темир йўллар трассаларининг йўналиши, шаҳарлар тараққиётида уларни ривожлантиришининг бош режаси, фуқаролик ва саноат қурилиши режалари ишлаб чиқилади.

**Объектларни техник лойиҳалаштириш босқичи,** уларни бунёд этишнинг энг асосий босқичи бўлиб, танланган ёки тадқиқот ишлари олиб бориши керак бўлган майдонларда иншоотларни жойлаштириш ва куриш, шу босқичда ўтказилган қидирув-тадқиқот ишлари натижаларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Лойиҳани тузишда объектлар жойлаштирилиши лозим бўлган майдонлар чегарасига баъзи бир ўзгаришлар, аниқликлар киритилади, иморат ва иншоотлар турларини, конструкцияси ва параметрларини ҳисобга олиб, уларни мустаҳкамлик даражалари баҳоланади, куриш муддати, фойдаланиш шароити аниқланади. Умуман олганда, лойиҳалаштиришнинг бу босқичида объектларни куриш ва ишлатиш жараённида, уларнинг мустаҳкамлиги, боқийлигини таъминлаш учун лозим бўлган ҳамма маълумотлар ва кўриладиган чора-тадбирлар ҳар томонлама асосланган ҳолда тақдим этилади.

**Лойиҳанинг иш чизмалари босқичи.** Гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқотлар бевосита иншоотлар қуриладиган майдонларда олиб борилади. Бунда маҳсус қидирув, тажриба, лаборатория ишларига асосий эътибор қаратилади. Қурилаётган ҳар бир иморат ва иншоотнинг пойdevор ости қисмини ташкил этувчи тоғ жинсларининг таркиби, физик-механик

хосса ва хусусиятлари мұккамал равишида ўрганилади. Олинган натижалар иморат ва иншоотлардан пойдевор ва пойдевор ости жинс қатламларига тушадиган оғирликни аниқлашга ва ана шу оғирликнинг ошиши оқибатида юзага келадиган ўзгаришларни олдиндан билишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, лойиханынг техник босқичида олинган маълумотларнинг қанчалик түғрилигини баҳолаш, керак бўлган ҳолатларда лойихага баъзи бир кўшимча, ўзгаришлар киритиш имкониятини беради.

Лозим бўлган ҳолларда кўшимча тадқикот ишлари ўтказилиши ҳам мумкин.

## **20.2. Ерларни сугориш билан бөлглиқ бўлган гидрогеологик тадқиқотлар**

Қишлоқ хўжалиги тасаруғидаги ерлардан қупроқ ҳосил олиш мақсадида тупроқ намлигини зарур даражада сунъий йўллар билан ошириш сугориш, деб аталади.

Атмосфера ёғинлари, ер ости сувларининг нотекис тақсимланиши ва сугориш ишлари олиб бориладиган ҳудудларда грунт сувларининг сатҳи ийлига 0,2-0,5 м дан 2-3 м гача кўтарилади. Бунинг оқибатида сувларнинг буғланиши тезлашиб, тупроқ қатламларининг шўрланиши натижасида ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Ерларни сугорища келиб чиқадиган салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилади.

Гидрогеологик тадқиқотлар олиб бориши жараённада қуйидаги масалалар ҳал этилади:


- сугориш тизимларини режалаштириш учун ҳудуднинг гидрогеология-мелиоратив ҳолатини баҳолаш;

- қишлоқ хўжалиги ерларининг биринчи навбатда ўзлаштириш лозим бўлган объектини танлаш;

- сугориладиган майдонларда сув ресжимининг энг маъқул тизимини ишлаб чиқиши мақсадида ер ости суви режимини ўрганиш ва унинг ўзгаришини башоратлаш ҳамда зовурларни лойихалаштириш ишларини асослаш;

- қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш мақсадида ер ости сув манбаларини излаб топиш ва уларни баҳолаш.

Гидрогеологик тадқиқотларнинг мақсади зоналар ҳудудларини баҳолаш ва сугориш ишларини лойихалаштириш ҳамда мелиоратив ўзлаштириш лойихасини асослашдан иборат. Бу ишларни амалга оширишида сугориладиган ерларнинг гидрогеологик шароитини ҳисобга олган ҳолда, ана шу ҳудудларни маълум турларга ажратиш катта аҳамиятга эга.



**20.1-расм. Суғориладиган худудлар гидрогоеологик шароитининг (I-XVII) турлари (Д.М.Кац бўйича).** 1-лёссимон соз тупроқлар, кум тупроқлар, 2-майдга шагал, шағал ётқизиклар, 3-сув ўтказмайдиган жинс қатламлари, 4-турли таркибга эга тўргламчи давргача мансуб бўлган жинслар, 5-пастта ҳаракатланувчи сувлар, 6-соз тупроқ, гил тупроқ, кум тупроқлар, 7-кумлар, 8-сувларни яхши ўтказувчи тўргламчи давргача бўлган ётқизиклар, 9-грунт сувларини сатҳи, 10-юқорига қараб ҳаракатланувчи сувлар

Гидрогоеологик шароит, деганда ер ости сувларининг табиий ҳосил бўлиш қонуниятларини ифодаловчи, мелорация ишларини таъсири

оқибатида гидрогеологик мұхитни вужудға келтиришдеги күрсатгычлар мажмуди (худудни геологик түзилиши, гидрогеологик, геоморфологик, тектоник ҳолати, иқлими, гидрологик шароити, төг жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятлари ва бошқалар) тушунилади (Д.М.Кац, В.М.Шестаков, 1981).

Д.М.Кац сүғориладиган худудларни гидрогеологик шароитига қараб, 17 турға ажратади (20.1-расм) ва гидрогеологик мұхитнинг мураккаблик даражасига қараб, түрттә худудға бўлади: 1. Нисбатан оддий шароитли худудлар. 2. Ўртача мураккабликка эга худудлар. 3. Мураккаб худудлар. 4. Ўта мураккаб худудлар.

Улар ороген ва платформа худудларига мансуб бўлиб, мураккаблик даражаси бўйича ороген худудларида оддийдан ўта мураккаб, платформа худудларида эса, ўргадан ўта мураккаб худудларга ўтади.

Нисбатан оддий шароитли худудлар кўп ҳолларда чуқур жойлашган чучук грунт сувлари билан ифодаланади (I-IV турлар). Улар табиий дренажларнинг яхши ишлаши билан фарқланади. Ер ости сувининг сизиб чиқаётган кисми бошқа горизонтлардан оқиб келаётган сув билан тўлиб туради. Сунъий дренаж талаб этилмайди. Бу худуд ерларни сүғоришга қулай (V-VIII турлар). Сувларни оқиб чиқиши ҳисобига, чуқур жойлашмаган грунт сувлари чучук бўлади. Сувларни оқиб чиқиб кетишини ва ўрнига сувлар келиб қўшилиши натижасида аэрация майдони жинслари ювилади ва бу ерда енгил эрувчи тузларнинг камайишига олиб келади. Коллектор тизимлари орқали тупроқлар ботқоқланишининг олди осонгина олинади.

Ўртача мураккабликка эга ҳудудлар кучсиз табиий дреналашган ерларда ташкил топган. Чучук грунт сувлари билан таъминланиши. Уларнинг босими (VI ва VII турлар) ёки кучсиз табиий дренаж (IX, XVIII г.д турлар) орқали ҳосил бўлади. Биринчи ҳолатда ботқоқланиш эктимолига, иккинчи ҳолатда ботқоқланиш сувлари ҳисобига тупроқнинг шўрланиши кузатилади. Бундай ҳудудларда дренажлар зарур.

Мураккаб гидрогеологик шароитга эга ҳудудлар чучук сувлар билан тўйиниши кам, ўртача ёки тўйинмайдиган (XIII, XIV а,б турлар) кучсиз дренажли майдонларга бўлинади. Конус чиқармаси тагида (X, XII турлар) ер ости сувларини кириб кетиши зонаси бўлиб, унда грунт сувларининг тўйиниши кучсиз ёки умуман сув оқмайди (XIV в.а, XV а,б,в,г, XVIII а,б турлар). Грунт сувлари юқори даражада минераллашганлиги учун, уларнинг режимини бошқариш дренажлар ишлашини яхшилаш ёрдамида амалга оширилади.

Ўта мураккаб гидрогеологик шароитга эга ҳудудлар. Бу худудларни ўзлаштириш ва ҳар йили дренажлардан фойдаланиш катта маблағни талаб киласи. Бундай ҳудудларга босимли чучук сувлардан озиқланувчи жуда

кам дренажланган ерлар, грунт сувлари тарқалган, тузилиши икки ва ундан ортиқ қатламлардан иборат майдонлар киради (XI тур). Сув ўтказмайдиган массивлар (XVI тур) ва жуда кам дренланувчи майдонлар турли литологик таркибли мураккаб гидрогеологик шароитга эга (XVII а,б турлари) бўлади.

### **20.2.1. Ерларни сугоришнинг турли босқичларида бажариладиган гидрогеологик тадқиқотни олиб бориши учун усуллари**

Гидрогеологик тадқиқотлар қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: зонавий тадқиқотлар; сугориш тизимлари лойиҳаларини асословчи тадқиқотлар; сугориш тизимларини куриш ва фойдаланиш вақтидаги тадқиқотлар.

**Регионал тадқиқотлар лойиҳалаштириши** давридан олдин ўтказила-ди. Бу босқичдаги тадқиқотлар лойиҳани техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш (ТИА) мақсадида ўтказилади. Бунинг учун 1:200 000 масштабдаги гидрогеологик ва инженер-геологик съёмка амалга оширилади. Суратга олиш даврида бурғу қудукларидан сувларни чиқариш, шурф ва бурғу қудукларига сув қўйиш ўйли билан тажрибалар ўтказилади. Жинсларнинг физик-механик хусусиятлари лаборатория шароитида ўрганилади, бурғу қудуклари орқали режим ўзгаришлари кузатилади.

**Сугориши тизимлари лойиҳасини асословчи тадқиқотлар.** Мелиоратив қурилишларни лойиҳалаштириш икки босқичда ёки битта босқичда (иш чизмалари) олиб борилади. Битта босқичда тузиладиган лойиҳанинг оддий шароитга эга майдонининг катталиги 50 га, мураккаб шароитга эга бўлган майдонининг катталиги 300 га ни ташкил қиласди.

Лойиҳани асослашда тадқиқотлар жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, бу босқичда лойиҳа кийматини аниқлаш учун асосий тадқиқотлар мажмуаси ўтказилади. Аниқ мелиоратив тизимни лойиҳалаштиришини асослашда 1:50 000 масштабда гидрогеологик ва инженер-геологик суратга олиш ишлари амалга оширилади. Съёмка ва унинг таркибида қилинадиган ишлар 3-босқичда ўтказилади.

**Биринччи босқичда** марширутли съёмка тажриба ва рекогносцировка, ландшафтлар кузатуви, таянч бурғу қудукларини қазиш ва улардан намуналар олиш ишлари амалга оширилади.

**Иккинччи босқичда** майдонни суратга олишда тўпланган маълумотлар асосида гидрогеологик харита ва қирқмалар тузилади. Камерал ишларни ўтказиш жараёнида учинчи босқичдаги иш ҳажми белгиланади.

**Учинччи босқичда** дала ишларининг асосий мақсади иккинччи босқичда чиқкан муаммоларни ҳал этишдан иборат. Бурғу қудуклари каротаж қилинади, оралиқ профиллари ўтказилади, геологик ва гидрогеологик чегараларини ўтказишида геофизик ишлар амалга оширилади. Сугориладиган майдонлардаги ҳамма сувли қатламларнинг фильтрация хусусиятлари

ўрганилади. Аэрация майдонлари намуналарни олишда қуйдагича бўлади: соз тупроқ ва тупроқлардан ташкил топган кесмаларда ҳар бир литологик фациал мажмуасидан 5-7 марта, қумли қирқмаларда – 3-4 марта тани ташкил қиласди. Ўрганилаётган бурғу қудуги ва шурфларга сув қуиши орқали аэрация майдонини ўрганиш умумий қазилган бургу қудуклари ва шурфлари 40-70 фоизда ўтказилади. Бузилган структуралардан олинадиган монолитлар сони 20-30 тани ташкил қиласди.

Икки босқичли лойиҳалаштиришнинг биринчи босқичида зонавий тадқиқотлар даврида ўрганилган режимни кузатиш нұкталари кенгайтирилади. Режим кузатувларида ер ости сувини сатҳи, ҳарорати, кимёвий таркиби ўрганилади.

**Ингичи ҳужжатлантириши.** Бу босқичда лойиҳалаштириш ва қуиши жараёнларидан чиқган аниқ масалалар ҳал этилади. Кўшимча равишда жинсларни физик-механик ва фильтрация хусусиятлари ўрганилади. асосий канал ўзанларида ва инженерлик қурилмаларида тадқиқотлар олиб борилади. Аниқ маълумотлар тўплаш мақсадида бурғу қудукларига сув қуиши, сув тортиб чиқариш, босим остида сув шимдириш тажрибаларининг сони учтадан кам бўлмаслиги керак.

**Сугориш тизимларини қуиши ва улардан фойдаланиши давридаги тадқиқотлар.** Мелиоратив тизимни қуиши ва ундан фойдаланиши давридаги тадқиқотлар, сугориш тизимини қуиши ва ундан фойдаланишини юқори савиядга ўтказиш, айрим обьектлар лойиҳасини бошқатдан кўриб чиқиш мақсадида ўтказилади.

Бу оралиқда қўидаги ишлар амалга оширилади: обьектлар қуиши жараёнида хужжатлаштириш, ер ости сувини режимини ўрганиши ва амалдаги тизимнинг самарали ишларини баҳолаш, ҳисобланган ва башоратланган параметрларни аниқлаш. Бу ишларнинг асосий мақсади сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сугориш тизими ишларини кузатишдан иборат.

### **20.3. Ерларнинг сувини қочириш билан боғлиқ гидрогеологик тадқиқотлар**

Кишлоқ ҳўжалигида экинлардан юқори ҳосил олишда тупроқ намлигининг меъерида бўлиши катта аҳамиятга эга.

Ерлар намлигининг меъери юқори деганда, ўсимликларнинг яхши ривожланиши учун зарур нам миқдорининг ортиқча бўлиши тушинилади. Ботқоқланган ҳудудлар деб, намлиги ортиқча ва намгарчиликни яхши кўрадиган ўсимликлар ўсадиган майдонларга айтилади.

Ерларни қуритиш ишлари ботқоқланган ва намгарчилик даражаси юқори ҳудудларда ўтказилади.

### **20.3.1.Суви қочирилдиган ерлардаги гидрогеологик шароит турлари ва тадқиқотлар мақсади**

Ерларни қуритиш мақсадида ўтказилдиган гидрогеологик тадқиқотлар жараёнида қуйидаги масалалар ҳал этилади:

- ерларнинг намлигини камайтириш лойиҳаси учун маълумотлар тўплаш;

- дастлабки мелиоратив ўзлаштириш объектларини танлаш;

- войхалаштирилган сувларни қочириш тизимини гидрогеологик жиҳатдан асослаш;

- ер ости сувлари режимини яхшилаш учун зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- куритиш тизимининг ишлаш шароитини башоратлаш;


- куритиш тизимининг мақсадга мувофиқ равишда ишлаши лойиҳасини асослаб бериш.

### **Жадвал-20.3.**

#### **Қуритиладиган ҳудудлрнинг гидрогеологик шароити мураккаблик даражасига қараб, гуруҳларга ажратилиши**

Мураккаблик шароити	Геоморфологик шароити	Геологик тузилишининг асосий чизмаси	Ер ости суви хусусияти
Оддий	Сув айиргиларида ва кўулларни атрофи қияликларидаги ботқоқликлар ва ботқоқланётган ерлар	Бир жинсли жинслар	Юзаки сувлар
Ўртacha мураккаб	Бўлак материалларни учки ланшафти, конус чиқармаси, музликлар ҳаракати орқали чуқурликлар, бўлакли жинслар текислиги	Икки қатламли жинслар	Грунт сувлари
Мураккаб	Дарё дельтаси ва кайри. Бўлак линжиниларни учини ланшафтлари. Денгиз текисликлари чукур, депресияядаги ботқоқликлар. қадимти оқим соаликлари	Кўп қатламли жинслар	Грунт ва босимли сувлар

Ерларни қуритиш мақсадида ўрганилаётган ҳудуднинг намлик дарожаси юқори ва ботқоқланган ерларнинг гидрогеологик шароити ҳамда геологитологик ва геоморфологик ҳолати, сув билан тўйиниш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ. Б.С.Маслов (1972 й). Қуритилган ҳудудларнинг



**20.2-расм.** Суви қочирилгётган ерларни гидрогеологик шароитларининг турлари (1-16). 1-торф; 2-гил тупроқ; 3-кум (кум тупроқ, майда шагал), ёриқли (коя жинслар), 4-ер ости ва ер ости сувлари харакати

шароитли ҳудудлар: 6-11 ва мураккаб шароитли ҳудудлар: 12-16 гурухлари билан ифодаланади.

### 20.3.2. Ерларнинг сувини қочириши турли босқичларида олиб ориладиган гидрогеологик тадқиқотлар услуби ва таркиби

Ерларни сувини қочиришда олиб бориладиган гидрогеологик тадқиқотлар сугориш ишларини ўтказишдаги тадқиқотларга мос келади. Уларга зонавий тадқиқотлар, сув қочириш ишлари лойиҳасини асословчи тадқиқотлар, сувларни қочириш тизимини куриш ва ундан фойдаланиш даврида олиб бориладиган тадқиқотлар киради.

Регионал тадқиқотлар 1:200 000 масштабли гидрогеологик ва инженер-геологик суратга олиш ишларини ўтказишида ТИА босқичини ўз

гидрогеологик шароити мураккаблигига қараб. улар учта табақага бўлинади: оддий, ўртача мураккаб ва мураккаб (жадвал 20.3). Куритилган ерларнинг гидрогеологик шароитини, геологик тузилиши, литологияси ва уларни тўйинишида ер ости сувларининг ўрни бўйича, 16 та гурухга ажратилади (20.2-расм).

Гидрогеологик тадқиқотлар биринчи тўртта (1-4) гурухда - намлиги юқори ерларда ўтказилади, 5-гурух ҳудудида боткокликлар атрофидаги катламлар ўрганилади, тажриба ишлари торф ва унинг тагидаги ўтказувчан жинсларда олиб борилади. 6-7 гурухларда режими ўрганиладиган кузатув қудукларининг фильтрлари қаватмават жойлаштирилади. 8-16 гурухлар орқали торф уомлари ва уларнинг сув ўтказувчанлиги ўрганилади.

Оддий гидрогеологик шароити 1-5, ўртача мураккаб

ичига олади. Съёмка вақтида юқори намланган ва ботқоқланган ерларнинг гидрогеологик ва инженер-геологик шароитлари, тўйинаётган сувлар турлари ва уларнинг ўзига хослиги, сувни қочириш иншоотлари, каналлар, дренаж ва сувни қабул қилувчи қурилмалар ўрганилади.

**Қуритиш лойиҳаларини асослашдаги тадқиқотлар** иккита (войиҳа, ишчи режалаштириш) ёки бир (ишчи лойиҳа) босқичда ўтказилади. Лойиҳа босқичи тадқиқотлари, биринчи навбатдаги мелиоратив ўзлаштириш ерларида ўтказилади. Тадқиқотлар 1:50 000 масштабли гидрогеологик ва инженерлик-геологик суратга олиш ишларини ўз ичига олади. Суратга олиш ишлари қидирув, тажриба фильтрациявий, геофизик, топографик, режим лаборатория ишлари билан бирга олиб борилади.

**Ишчи ҳужжатлаштириш босқичидаги тадқиқотлар** сув қочириш тизимининг алоҳида қурилмаларини бунёд этиш ва уларни жойлаштириш масалаларини ҳал этиш билан бирга алоҳида лойиҳалар бўйича қарорлар ва инженерлик лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда уларни қўшимча асослаш, шунингдек, гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқотларини ўз ичига олади.

**Суғориш тизимини қуриш ва ундан фойдаланиш давридаги тадқиқотлар.** Суғориш тизимларини қуриш ва улардан фойдаланиш давридаги олиб бориладиган тадқиқотларга тажриба-эксперементал ишлар, ер ости сувларининг режими ва балансини мунтазам кузатиш, дренаж қурилмалари ва суви қочирилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини доимий назорат қилиш киради.

Ерларни қуритиш режими кузатувларининг асосий мақсади ер ости сувлари билан тупроқ қатлами сувларининг ҳосил бўлишидаги боғлиқликни аниқлаш. Кузатувчи режим учта турга бўлинади: инженер-геологик, маҳсус гидромелиоратив ва маҳсус гидрогеологик.

**Инженер-геологик** тур катта мелиоратив майдонлардати ер ости сувларининг табиий режимини ўрганади.

**Маҳсус гидромелиоратив** турлар ер ости сувлари режимининг бузилиш ҳолатларини, улар юз берган ҳудудларда ўрганади. Бу турлар орқали суғориш даврида ва сувларни қочириш давридаги тадбирларни ўтказиш ва қуритилаётган майдонларнинг кузатуви амалга оширилади.

**Маҳсус гидрогеологик** турлар ер ости сувлари режимининг маълумотлари орқали гидрогеологик параметрлар аниқланади. Бу турлар инженер-геологик ва маҳсус гидромелиоратив турларга қўшимча ва, одатда, вақтинчалик ҳисобланади. Режим кузатувлари кўп сувли, кам сувли ва ўртача миқдордаги сувли йилларни ўз ичига олиши керак.

## **20.4. Минерал, термал ва саноат аҳамиятига эга сувлар билан боғлиқ гидрогеологик тадқиқотлар**

Минерал, термал ва саноат аҳамиятига эга сувлар билан боғлиқ гидрогеологик тадқиқотларни ўтказишдан мақсад улардан фойдаланиш захираларини аниқлашдан иборат. Минерал сувлардан фойдаланиш захираси, деганда биз ер остидан оқилона, техник-иқтисодий жиҳатдан қуладай, мўлжалланган режим ва сифатга эга, фойдаланиш даврининг маълум муддатига етарли бўлган ер остидан чиқариладиган сув миқдорини тушунашимиз.

Олиб бориладиган тадқиқотлардан мақсад минерал, термал ва саноат аҳамиятига эга сувларнинг геолог-гидрогеологик, гидрогеокимёвий, геотермал шароитини ўрганиш, сувлар сифати ва миқдорини аниқлаш ва захираларидан оқилона фойдаланиш талабларига жавоб берувчи конларни излаб толишдан иборат.

**Қидибув ишлари тадқиқот** олиб бориластган ҳудуд бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга асосланган. Зарурият бўлса, 1:200 000 масштабли суратга олиш ишлари олиб борилади. Яна қўшимча равишда геофизик, гидрогеокимёвий ва гидротермик тадқиқотлар амалга оширилади. Минерал сувлар фойдаланиш захираларини С<sub>1</sub> ва С<sub>2</sub> тоифалари бўйича ҳисобланади.

**Дастлабки қидибув ишлари босқичида** ер ости сувлари мўл ҳудудларнинг геолого-гидрогеологик шароити ўрганилади. Мураккаб геолог-гидрогеологик ва ер ости сувлари чукур жойлашган шароитда 1:10000-1:5000 масштабли съёмка, геофизик, бурғулаш, тажриба фильтрация, ресжим, сувли қатламларнинг гидрогеологик параметларини аниқлаш, сувли жинсларни физик хоссаларини, кимёвий, газли ва ер ости сувларнинг микрозлементли таркиби, геотермик ҳолати ва майдоннинг бошқа хусусиятлари, В+C, тоифаси бўйича фойдаланишга яроқли захирасини баҳолаш ҳамда батафсил қидибув майдонини танлашни асослаш ишлари олиб борилади.

Чукур жойлашган ер ости сувларини қидиришда бурғулаш ишлари ва улар билан боғлиқ тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Дастлабки қидибув ишларининг маълумотлари ТИА босқичида танланган майдонда мукаммал қидибув ишларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлайди.

**Мукаммал қидибув ишлари** фойдаланиш бурғу қудуклари оқилона чизма бўйича жойлашган майдонларда ўтказилади. Геолого-гидрогеологик, гидрогеокимёвий, геотермал ва бошқа шароитлар, А+B+C тоифалар бўйича ишлаш жараённида фойдаланиш захираларини аниқлаш мақсадида, батафсил ўрганилади. Бу босқичда қидибув фойдаланиш бурғу қудуклари қазилади. Улардан кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкин. Жойлашиш чукурлиги 500 м гача бўлган сувли қатламларда бурғу қудуклар тўпламидан сувларни

тортиб чикариш бўйича тажриба ўтказиш, мураккаб табиий шароитда эса, тажриба-фойдаланиш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланиш даври қидирав ишлари гидрогеологик шароити мураккаб майдонларда, ер ости суви захираларини юқори тоифага ўтказиш мақсадида ўтказилади.

## **20.5. Қаттиқ турдаги фойдали қазилма конларини излаб топиш ва уларни қазиб олишдаги гидрогеологик тадқиқотлар**

Иқтисодиёт ривожланишида қаттиқ турдаги фойдали қазилма конларига (олтин, мис, кўрошин, молибден, вольфрам, кўумир, қурилиш материаллари ва ҳоказо) эҳтиёж ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз хомашё захираларини ҳозирги кун талаблари даражасида ривожлантириш, янги-янги конларни очиш ва бор конларни қайта таъмирлаш ишларини олиб бориши ҳамда уларни қазиб олишда замонавий технологиялардан фойдаланишини тақозо этади.

Қаттиқ турдаги фойдали қазилма конларини излаш, қидириш ва уларни қазиб олишда геология, минералогия, геофизик, геокимёвий усуллар билан биргаликда гидрогеологик ва мухандис-геологик тадқиқотлар ҳам олиб борилади.

### **20.5.1. Конларда ўтказиладиган гидрогеологик тадқиқотдардан асосий мақсад**

Қаттиқ турдаги фойдали қазилма конларини топиш ва уларни қазиб олишдаги гидрогеологик тадқиқотлар, баҳарилиши лозим бўлган ишларнинг хусусияти ва қўйилган мақсаднинг долзарблигидан келиб чиқиб, учта йўналишда олиб борилади.

Биринчи йўналишдаги гидрогеологик тадқиқотларда конларнинг табиий гидрогеологик шароитини ҳар тамонлама баҳолаш, ўзлаштириш ҳамда улардан фойдаланишининг иқтисодий жиҳатдан мувофиқлиги ўрганилади.

Фойдали қазилма конларини излаш ва уларни қазиб олиш жараёнида ер ости сувларини кон майданида учраши мақсадга мувофиқ бўлмаган, уларга зарар келтирувчи омил сифатида қаралади.

Иккинччи йўналиш гидрогеологик тадқиқотлар фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришда маҳсус қўшимча услугуб сифатида қўлланилади. Улар орқали ҳудуддаги мавжуд фойдали қазилма конларини баҳолаш, геология қидирав ишлари иқтисодий самарадолигини ошириш, ишлаб чиқариш аҳамиятига эга конларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш жараёнида қўлланиладиган тадқиқотлар қаторида олиб борилади.

**Учинчи йўналишдаги ишлардан мақсад қаттиқ турдаги фойдалари** казилма конлари таркалган ҳудудда гидрогеологик тадқиқотларни ўтказиб, хўжалик, ичимлик ва техник сувлар билан ишлаб чиқариш объектларини таъминлаш учун ер ости сувларини излаш ва баҳолашдан иборат. Шу билан бирга, ер ости сувлари манбаларига муҳим фойдалари казилма кони спифатида қаралиб, уларни кидирув ишлари алоҳида кўрсатма асосида олиб борилади.

Қаттиқ турдаги фойдалари казилма конларида олиб бориладиган гидрогеологик тадқиқотлар орқали қуйидаги масалалар ҳал этилади:

1. Кон жойлашган ҳудудни гидрогеологик ва инженер-геологик шароити ўрганилади.

2. Конларни сув босишига олиб келувчи сувли горизонтлар, мажмуалар (уларнинг таркалиши, тўйиниши ва бўшаниши, ер ости сувларини кимёвий ва бактериологик таркиби. сатхини ўзгариши. гидрогеологик параметрлар ва хоказолар) ўрганилади, аниқланади.

3. Тоғ иншоотлар (шахта, штольня ва хоказолар)нинг сув босиши эҳтимолини аниқлаш ва уларни ер ости сувларидан муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

4. Мавжуд ер ости иншоотлари, инженерлик курилмаларини ташкил этиувчи конструктив материаллар (бетон, метал ва хоказолар)га сувлар таъсирини ўрганиш.

5. Кон жойлашган ҳудуддаги чиқариб ташланётган сувларни ер ости сувларига ва ташки мұхитга таъсирини ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган физик-геологик жараёнлар харакатини башоратлаш.

6. Фойдалари қазилмаларни казиб олиш ва минерал ҳом ашёни қайта ишлашда сарф этиладиган техник, ишлаб чиқариш ва ичимлик, хўжалик сувлар манбаларини излаб топиш.

7. Махсус гидрогеологик ва бошка турдаги тадқиқотларни ўтказиш тўғрисидаги тактифни асослаш.

Қайд этилган ҳамма масалалар гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқотларнинг турли босқичларида ҳал этилади.

### **20.5.2. Конларни ўрганишдаги олиб бориладиган гидрогеологик тадқиқот босқичлари**

Бошка турдаги геологик кидирув ишларини олиб бориш каби, каттиқ турдаги фойдалари казилма конларини ўрганиш ҳам қуйидаги босқичларда олиб борилади:

- 1.Худуднинг зонавий шароитини геологик жиҳатдан ўрганиш.
- 2.Дастлабки кидирув ишлари.
- 3.Муқаммал кидирув ишлари.
- 4.Фойдаланиш даври кидирув ишлари.

## **Худудни регионал геологик ўрганим.**

Худуд, унинг гидрогеологик ва инженер-геологик шароитини мураккаблик даражасига қараб, оддий, мураккаб ва ўта мураккаб шароитли конларга бўлинади.

**Оддий шароитли конлар деб,** сувиз ёки кам сувли конларга айтилади. Уларни ўзлаштириш давомида хеч қандай муаммоларга дуч келинмайди. Бу гурухга карслар учрамайдиган жинслардаги конлар киради.

**Мураккаб шароитли конлар.** Уларни қазиб олиш ишлари доирасига ср ости сувларини ўрганиш ёки тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини оширишга қаратилган дастлабки тадбирларни ишлаб чиқиш киради.

**Ўта мураккаб шароитли конлар.** Қазиб олиш жараёнида ва тоғ иншоотларини ўтишда маҳсус усуллар қўлланиладиган, тоғ жинсларини инженер-геологик хусусиятлари кулагай бўлмаган ёки сувлантганлик даражаси турлича бўлган конларда катта ҳажмдаги сувларни қочириш ёки сув сатҳини тушириш тадбирларини ўтказиш ишлари амалга оширилади.

Қаттиқ турдаги фойдали қазилма конларида гидрогеологик тадқиқотлар орқали қўйидагилар аниқланади:

1. Кон худуди, унда олдин олиб борилган тадқиқотлар тўғрисидаги фонд маълумотлари (табиий мураккаб бўлмаган ва ксракли даражада ўрганилган) асосида ўрганилади; кам ўрганилган мураккаб геолого-гидрогеологик шароитга эга бўлган кон майдонларида эса 1:200 000-1:50 000 масштабли съёмка ишлари ўтказилади.

2. Қидибув-бурғу қудукларида асосий сувли қатламларнинг сув сатҳи ва миқдори ўзгаришини кузатиш:

3. Бурғу қудуклари, шурфлар қазиш орқали жинсларининг хосса ва хусусиятлари ўрганилади.

4. Ер ости ва ер усти сувларининг кимёвий таркиби таҳлил қилинади.

Дастлабки тадқиқотлар босқичи қаттиқ турдаги фойдали қазилма конларида ўтказиладиган гидрогеологик тадқиқот ишларининг асосий босқичи ҳисобланади. Бу босқичда сувли қатламлар ҳакидаги асосий маълумотлар олинади. Платформа худудларида 1:50 000-1:25 000 масштабли, тоғли худудларда 1:25 000-1:10 000 масштабли гидрогеологик съёмка ишлари бажарилади. Съёмка ишлари даға геофизик усуллар билан биргаликда амалга оширилади.

Бу босқичда, шунингдек, тадқиқот ишларининг таркиби, ҳажми ва уларни амалга ошириш услубларини танлаш, кон худудини мураккаблиги, табиий тузилиши, гидрогеологик шароити ва бошқа омиллар орқали аниқланади.

Оддий табиий шароитга эга кон худудларида съёмка ишлари ўрнига сувли горизонт ва мажмуналарнинг гидрогеологик параметрларини аниқлаш,

тажриба фильтрация ишларини (синаш ва тажриба учун сув чикариш) амалга ошириш билан чегараланса бўлади.

Ер ости ва ер усти сувлари ресжимини ўрганиш гидрогеологик тадқикотларнинг асосий турларидан бири ҳисобланди.

**Муқаммал қицирув ишлари** босқичида конларнинг инженер-геологик шароитини, асосий сувли қатламларнинг сифати ва миқдорлари тўлиқ ўрганилади.  $A+B+C_1+C_2$  тоифалари бўйича захиралари аниқланади.

Бу босқичда олиб бориладиган ишлар мажмуаси қўйдагилардан иборат:

1.1:10 000-1:5000 масштабли топографик асосда минерал майдонининг геолог-гидрогеологик текширувлар мажмуаси.

2. Маъдан майдонининг 1:10 000-1:2000 масштабда гидрогеологик, инженер-геологик суратга олиш ишлари мажмуаси.

3. Гидрогеологик ва инженер-геологик ўрганиш максадлар (таж-риба кузатув ва ҳоказолар) учун маҳсус бурғу кудукларини қазиш.

4. Геология қицирув ишларини олиб борища, гидрогеологик кузатуввлар ва ҳужжатлаштириш.

5. Тажриба фильтрация ишлари (алоҳида бурғу кудуклари ва бурғу кудуклар мажмуаси) ва шу йўналишдаги кузатуввлар (сувларни чикариб ташлаш йўлларини қицириш).

6. Ер ости ва ер усти сувлари режимини кузатиш.

7. Тоғ жинсларининг сувлилик, физик, физик-механик хосса ва хусусиятларини лаборатория шароитида ўрганиш.

8. Ер ости ва ер усти сувларининг бактериологик ва кимёвий тарқибини ҳамда уларни металлар ва бетонга тажовускорона таъсирини лабораторияда ўрганиш.

9. Бурғу кудукларида ва мадан таркалган майдонларда геофизик ишларни олиб бориш.

10. Тажриба фойдаланиш сув сатхини тушириш (гидрогеологик шароити мураккаб конлар учун) ёки сув чикариб ташлаш йўлларини қицириш (кулай бўлмаган гидрологик шароитда, қицирув шахтаси ва иншоотларни ўтишда).

Қайд этилган тадқикотлар мажмуаси жараённада конларнинг геолог-гидрогеологик ва инженер-геологик шароитлари аниқланади.

Дастлабки ва муфассал қицирув босқичларида ҳал этиладиган асосий масала тоғ иншоотларига сувларнинг оқиб келишини башоратлашдан иборат.

**Фойдаланиш даври қицирув босқичи тоғ-фойдаланиш ишлари** билан бирга бошланиб, конлардан фойдаланиш жараённада амалга оширилади. У конларнинг умумгеологик ҳизматлари таркибига киради.

Фойдаланиш даври қидирув ишлари фойдалы қазилма конидаги жинсларнинг таркиби ва тузилиши ҳақида батағсил маълумотлар тўплашга хизмат қиласди. Мазкур ишлар конларни ўзлаштиришда фойдалы қазилмани ишлаб чиқариш даражасида лойиҳалаштириш, уларнинг мажмуйи ва оқилона ўзлаштиришга ҳамда ташки мухит компонентларига риоя қилишга қаратилган бўлиши керак. Бу босқичда барча ишланишлар гидрогеологик ва инженер-геологик шароитларнинг хусусиятларига қараб, бўлакларга ажратиб баҳолаш, қабул қилинаётган лойиҳадан олдин қилинган башоратларни аниқлаш ва ўзгаришлар киритиш ҳамда улар асосида лойиҳа қарорларини қабул қилиш; сув сатҳини тушурувчи ва қуритиш тизимининг ишлаш шароитини мослаштириш; конларни қазиша қурай шароитни таъминлашучун сувларнинг фильтрациясига қарши тадбирларни белгилаш; конларни гидрогеологик ва инженер-геологик шароитига ва ташки мухит таркибий қисмларига тоғ қазиш ишларининг таъсир даражасини баҳолаш; конлар сувидан фойдаланиш ва, зарур бўлганда, улардан қутилиш чораларини излаб топиши; конлар атрофидаги майдонларнинг гидрогеологик ва инженер-геологик шароитини ўрганиш.

Юкоридаги масалаларни ҳал этиш мақсадида фойдаланиш қидирув босқичида қўйидаги ишлар олиб борилади:

1. Тоғларни қазиш ва фойдаланиш ишларини доимий равища гидрогеологик ва инженер-геологик хўжатлаштириш.

2. Лойиҳа қарорларини бажариши устидан муаллифлик кузатувини ташкил этиш.

3. Ер ости ва ср усти сувларини ва тоғ иншоотлари режимини доимий равища кузатиш.

4. Тажриба фильтрация ишлари жараёнида сувларнинг сатҳини тушириш ва чиқариб ташлаш устидан кузатиш ишларини олиб бориш.

5. Лаборатория шароитида кон сувларининг кимёвий ва бактериологик таркибини ўрганиш;

6. Вакти-вақти билан кон майдони ва конларни қазиша таъсир этишини вужудга келтирувчи техноген жараёнларни ва ташки мухит муҳофазаси ҳолатини кузатиш.

7. Конларни қазиб олиш жараёнида келиб чиқувчи муаммолар ва маҳсус масалаларни счиш мақсадида, маҳсус гидрогеологик ва инженер-геологик ва бошқа текшириш ишларини олиб бориш.

Фойдаланиш даври босқичида гидрогеологик текшириш ишларининг асосий мақсади ср ости ва ср усти сувларининг бузилган ва табиий режимини кузатиш ҳисобланади.

## **20.6.Нефть ва газ конларини излаш ва улардан фойдаланиши жараёнида гидрогеологик тадқиқотлар**

Табиатда ер ости сувлари нефть ва газ уюмлари билан ёнма-ён учраб, улар билан бирга яхлит бир босимли тизим элементларини ташкил қиласи. Нефть ва газ уюмларининг ҳосил бўлиш жараёни ва жойлашиш жойлари ер ости сувлари каби говакли ва ёриқли жисмлар, уларнинг ётиш ҳолатлари билан боғлик. Шунинг учун нефть ва газни қазиб олишда гидрогеологик тадқиқотлар олиб бориш муҳим рол ўйнаиди.

### **20.6.1.Нефть ва газ конлари ҳамда нефть, газ, сувли ҳавзалар гидрогеологик ҳусусиятларининг асосий турлари**

Табиатда барча нефть ва газ конлари ер ости сувлари билан биргаликда учраб, нефть, газ, сувли ҳавзаларини ҳосил қиласи. Нефть, газ, сувли ҳавзалар, одатда, босимли катлам сувларидан иборат. Нефть ва газ, сувли ҳавзаларни ўрганишда, уларнинг мавжуд геологик тузилмалар ва гидрогеологик ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, учта гурухга ажратилиди.

**Нефть, газли ҳавзаларнинг 1-гурухи**, асосан, палеозой ва қисман кайназой ётқизиқларининг ётиш ва тарқалиш шароитлари билан боғлик. Ер ости сувлари кимёвий ва газли таркибларининг бир хиллиги билан ажралиб туради, сувлар газ билан тўйинган, намокобли бўлиб, хлор-калцийли гурухга мансуб.

**Нефть, газли ҳавзаларнинг 2-гурухи** мезозой даври ётқизиқлари билан боғлиқдир. Ер ости сувлари таркиби намокобли сувлар ва кам минераллашган газлар билан юқори даражада тўйинган. Майдон ва кирким бўйича кимёвий ва газли таркиби жиҳдий равишда ўзгариб туради. Мисол килиб Амударё ва Фарғона ер ости сувларини келтириш мумкин.

**Нефть, газли ҳавзаларнинг 3-гурухи** кайназой даври ётқизиқлари билан боғлик. Улар юқори даражада газлар билан тўйинган, уларга сувнинг тури таркиб ҳамда чуқур сувли мажмуналарда босим даражаси юқорилиги хосдир.

### **20.6.2.Нефть ва газ конларини излашдаги гидрогеологик тадқиқотлар**

Гидрогеологик, геологик-қидирув ишларининг ҳамма босқичларида геолог-гидрогеологик маълумотларни таҳлил қилиш ва турли гидрогеологик кўрсатгичлардан (гидрогеокимё, гидродинамик, умумий гидрогеологик, палеогидрогеологик, геотермик ва ҳоказолар) фойдаланилади.

Нефть ва газ конларини излаш ва қидирув ишларининг мақсад ва ҳусусиятларидан келиб чиқган ҳолда, конлар, гидрогеологик кўрсатгичларига қараб, қуйидаги гурухларга бўлинади:

- 1.Нефть ва газнинг мавжудлиги.
- 2.Нефть ва газ уюмларининг мавжудлиги.
- 3.Нефть ва газ уюмларининг хосил бўлиш ҳолати.
- 4.Нефть ва газ конларини табиий ҳолатини саклаб қолиш ва бузилиши ҳолатлари.

5.Нефть ва газ тўпланиши жойининг мавжудлиги.

Нефть ва газ уюмлари мавжудлигининг асосий кўрсатгичлари бўлиб, ер ости сувлари таркибида эриган газлар - углеводород газлари (бензол) ва уларнинг босими ошиши хисобланади.

Атмосфера босими ўзгариши натижасида бурғу қудукларида сув сатҳи тебраниш амплитудасининг сезиларли даражада ўзгариши нефть ва газ уюмлари мавжудлигидан далолат беради.

Нефть ва газ конлари мавжудлигидан дарак берувчи гидрогеологик кўрсатгичлар қўйдагилардан иборат:

1.Сувларда эриган углеводород газлари (метан, этан, пропан, бутан ва хоказолар) ҳамда олтингугурт водородининг мавжудлиги.

2.Сувлар таркибида суюқ углеводородлар (бензол, толуол ва ҳоказолар) ва фенолларнинг кўп микдорда учраши.

3.Бром, йод, аммоний ва бошқа элементларнинг ер ости сувида кўп микдорда учраши.

Қидибув ишларининг барча боскичларида гидрогерологик тадқиқотларни ўтказишдан мақсад алоҳида хавзалар, ҳудудлар, майдонлар ва қатламларда нефть ва газларнинг мавжудлигини солишириш учун керакли маълумотларни тўплашдан иборат.

#### **20.6.3.Нефть ва газ конлариниң қидиқотлари ва қазиб олиниңдаги гидрогеологик тадқиқотлар**

Ер ости сувлари нефть ва газ уюмлари билан гидравлик жиҳатдан боғлиқдирлар. Уларнинг конлар режими ва қазиб олиш шароитига таъсирини ўрганиш ҳамда кўпгина амалий масалаларни хал килища гидрогеологик маълумотларнинг ахамияти катта. Шунинг учун нефть ва газ конларини излаш ва уларни қазиб олиш жараёнида гидрогеологик тадқиқотларни ўтказиш алоҳида ўрин тутади. Гидрогеологик тадқиқотлар жараёнида қўйдагилар аниқланади:

1.Ер ости сувлари, нефть ва газ уюмларини ҳамда уларни бир-бири билан боғлиқлиги.

2.Ер ости сувларининг кимёвий таркиби.

3.Сувли катлам ва мажмуаларнинг нефть, газлар билан боғлиқ жойлардаги статик сатҳи ва катлам босими.

4.Сувлар таркибидаги эриган газларнинг таркиби ва микдори.

5.Ўрганилаётган конларнинг геотермик ҳолати.

6.Нефть ва газ мүл қатламлар режими ва уларнинг гидродинамик шароити.

Нефть ва газ конлари майдонларида учрайдиган ср ости сувлари, вужудга келиши ва жойлашишига қараб, қуидаги гурухларга бўлиниади:

1.Қатламлардаги (гравитациявий). 2.Тектоник ёрқилардаги. 3.Капилляр ва бошқа ҳолатдаги сувлар. 4.Конденсациявий (газлардаги сув буғларининг сувга айланиси). 5.Техник (бургуга қудуғини қазишда ва қатламлар босимини ушлаб туриши мақсадида юборилган сувлар).

Уларни ўрганиш орқали тўпландиган маълумотлар нефть ва газ конларини қидириш ва қазиб олишда муҳим рол йўнайди.

Нефть ва газ уюмларида бурғулаш ишларини олиб бориш жараёнида гидрогеологик маълумотлар ср ости суви ҳамда нефть ва газларни қидириш учун қазилган бурғу қудуғидан олинадиган усулда олинаади.

Нефть ва газ уюмларидан фойдаланишда қуидагилар содир бўлади: босим ўзгариши ва уни майдон бўйича тарқалиши; қатламлардаги нефть ва газ сувлари микдорининг ўзгариши; сув - нефть, газ - нефть ва сув - газ контурларининг араласиши; қазиб олинаётган нефть, газ уюмлари ва сувлар физик ва кимёвий таркибининг ўзгариши.

Кузатув натижалари бўйича ҳар бир бургуга қудуклари учун турли вактларда сатҳни ўзгариши жадвали чизилади.

Сувларнинг кимёвий таркибини ўрганишда ҳамма ишлатиш ва кузатув бурғу қудукларидан фойдаланилади.

## **20.7.Фуқаролик ва саноат объектларини лойиҳалаштириш ва куриш мақсадида ўтказиладиган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқотлар**

Фуқаролик ва саноат объектларини лойиҳалаштириш ва куриш мақсадида ўтказиладиган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишларининг асосий мақсади қуидагилардан иборат:

1.Курилиш объекти майдонини танлаш.

2.Танланган майдонда курилиш объекти бош режасини ишлаб чиқиш.

3.Айрим иморат ва иншоотларни жойлаштиришни аниқлаш.

**Қурилиш майдонини танлаш.** Бу босқичда гидрогеологик ва инженер-геологик қидириув ишлари бир қанча майдонда бир вактда олиб борилади ва ана шу майдонлардан энг мақбулини танлаб олишга қаратилади. Бунинг учун, энг аввало, майдонларнинг гидрогеологик ва инженер-геологик шароитига оид ҳамма маълумотлар (адабиётлар ва архив) йиғилиб, ўрганилиб, таҳлил этиллади. Майлум йўналишлар бўйича топографик харита ёрдамида маҳсус маршрутлар бўйича юришлар ўтказилади. Майдоннинг ер сатҳи тузилиши, ундаги геологик ва техноген жараёнлар тўғрисида кузатиш ишлари олиб борилади. Адабиётлар ва архив

маълумотларининг етарли ёки етарли эмаслигига эътибор берилган хотда, хамда гидрогеологик ва инженер-геологик шароитнинг мураккаблигига қараб, қўшимча равища казилиши керак бўлган шурф, бурғу кудуклари, уларнинг чуқурлиги, каерларда жойлаштирилиши, текшириш учун олинадиган манолит ва намуналар миқдори, лаборатория тадқиқот ишларининг турлари, ҳажми аниқтанилади ва бажарилади. Бажариладиган ишларнинг ҳажми иложи борича кам, лекин қурилиш (тадқиқот) майдонини баҳолаш учу старли бўлмоғи лозим. Амалётда тадқиқот ишларининг бу босқичида бажариладиган ишларни, гидрогеологик ва инженер-геологик рекогносцировка ишлари, деб юритилади. Мавжуд адабиёт ва архив маълумотлари, қўшимча ўтказилган текшириш ишлари натижалари асосида ҳисобот тузилади. Ҳисоботда танланган қурилиш майдонининг ижобий ва салбий томонлари, жумладан, ер сатхининг тузилиши, физик-географик, геологик, гидрогеологик шароити, геодинамик, техноген жараёнларнинг мавжудлиги, уларнинг тарқалиш қонуниятлари, сейсмиклик даражаси, қурилиш материалларининг бор-йўклиги, автомобиль ва темир йўлларининг йўналиши, ишчи кучи тўғрисида, имконият борича, батафсил маълумотлар келтирилади. Умуман олганда, танланган майдоннинг қурилиш учун яроқлилиги, техник-иктисодий талабларга жавоб бериши асослаб берилади. Кейинги бажариладиган гидрогеологик, инженер-геологик тадқиқотларининг йўналиши, фукаро ва саноат объектларини кай йўсинда жойлаштирилиши тўғрисида кўрсатмалар берилади. Бу босқичда бажариладиган ҳамма ишлар 1:25 000-1:50 000 миқёсида олиб борилади.

**Танланган қурилиш майдонида ўтказиладиган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқотлари.** Тадқиқот ишларининг бу босқичида бажариладиган ишлар саноат объектларининг бош режасини тузишга, иморат ва иншоотларни қуриш ва уларни қуриб бўлганидан кейинги давр мобайнида инженер-геологик шароитнинг кайдаражада ўзгариши тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш учун лозим бўлган чора-тадбирларни белгилашга қаратилади. Умуман олганда, бажарилган ҳамма ишлар иморат ва иншоотларни қуриш жараёнида, улар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Бу босқичда бутун қурилиш майдони ва майдонда қуриладиган ҳар бир иморат ва иншоот жойлаштириладиган майдончалар алоҳида-алоҳида мукаммал текширилади. Текшириш ишларини олиб бориш учун инженер-геолог қўлида қурилиш майдонининг 1:1000-1:10 000 масштабдаги топорежаси, иморат ва иншоотларни қуриш режаси ва уларнинг тавсифлари бўлади.

Қурилиш майдонида ва айрим майдончаларда бажариладиган текшириш ишларининг тури (қидиув-разведка, тажриба-тадқиқот, лаборатория ва хоказо) ва ҳажми (шурфлар, бурғу кудукларининг сони,

чукурлиги, тадқиқот учун олинадиган монолит, намуналарнинг миқдори ва хоказо) курилиши режалаштирилаётган иморат ва иншоотларнинг ўрни, кўп этажлилиги, курилиш майдонининг оддий ёки мураккаблиги, текшириш ишларининг миқёсига қараб, турлича бўлиши мумкин (20.4-жадвал).

#### 20.4-жадвал

#### **Гидрогеологик ва инженер-геологик шароитини мураккаблигига караб текшириш нуқталарини соний қийматларини ўзгариши (А.Ф.Фролов, И.В.Короткихлардан, 1990)**

Инженер- геологик шароитининг мураккаблик даражалари	Тадқиқот ишлари масштабларига қараб, 1 км <sup>2</sup> масофага тўғри келган текпирини нуқталарининг сони				
	1:25 000	1:10 000	1:5000	1:2000	1:1000
I (оддий)	6(2)* 700	25(9) 350	50(25) 200	200(100) 100	600(300) 60
II (ўргача)	9(3) 600	30(11) 300	70(35) 170	350(175) 75	1150(575) 40
III (мураккаб)	12(4) 500	40(16) 250	100(50) 140	500(250) 75	1500(750) 35

\*Қавс ичидаги тоз қазилмаларининг (шурф, бургу қудуги) сони, суратидаги миқдори, маҳражида улар орасидаги масофа. (м) берилган.

Саноат обьектларини гидрогеологик ва инженер-геологик шароити мураккаб бўлган майдонларга жойлаштириш лозим бўлган тақдирда текшириш ишлари 1:5000 дан йирик масштабларда олиб борилади. Шурф, бургу қудукларининг чукурлиги 50 м дан ошиқ бўлиши мумкин. Бундай холатларда геофизик усуслар, айниқса электроразведка усули кенг қўлланилади. Бу усул тоз жинс қатламлари, уларни тузилиши, коррозия хусусиятлари, намлиги, зичлиги, срости сувларининг чукурлиги тўғрисида тезкор маълумотлар олиннишига ва натижада қазилиши лозим бўлган шурф ва бурғ қудукларини оқилона жойлаштиришга, дала тажриба-тадқиқот ишлари ўтказилиши лозим бўлган жойларни белгилашга, лаборатория тадқиқот ишлари учун олинадиган монолит ва намуналарнинг керакли миқдорини аниқлашга ёрдам беради.

Курилиш майдонида мукаммал равишда ўтказилган дала қидирув, дала тажриба, лаборатория текширув ишлари натижалари ҳар тамонлама ўрганиллади, инженер-геологик шароит таркибий қисмининг ҳар бири (ср

сатҳ тузилиши, тоғ жинслари, уларни таркиби, хосса ва хусусиятлари, ер ости сувлари, уларни таркиби, режими, мавжуд физик, геологик ва техноген жараёнлар) олинган ва архив маълумотларни таҳлил қилиш, киёслашасосида баҳоланади, керакли илмий ва амалий хуласалар чиқарилади. Шунингдек, қурилиш ишларини олиб бориш ва қурилиш тутагандан кейинги даврда, яъни иморат ва иншоотлардан фойдаланиш даврида вужудга келиши мумкин бўлган техноген жараёнлар, уларнинг оқибатлари тўғрисида микдорий прогноз берилади (башорат қилинади), уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади.

Бажарилган тадқиқотлар натижалари хона шароитида жамланиб, қурилиш майдонининг гидрогеологик ва инженер-геологик шароити тўғрисида мукаммал хисобот тузилади. Хисоботга асосий натижавий маълумот ҳолатида қурилиш майдонининг «Инженер-геологик шароит», «Ер ости сувларининг ётиш чукурлиги» ва «Инженер-геологик районлаштириш» хариталари, чизмалар, лаборатория ва дала-тадқиқот ишлари натижалари жадваллар ҳолатида келтирилади. Шунингдек, хисоботда кўйилган масалаларнинг бажарилиши даражаси, бажариш усуллари ва бажарилган ишларнинг хажми тўғрисида маълумотлар берилади. Шу билан гидрогеологик ва инженер-геологик лойиҳалашнинг иккичи босқичи техник лойиҳа кисмида лозим бўлган ҳамма ишлар бажарилади.

**Айрим иморатлар ва иншоотларни жойлантириш учун бажариладиган тадқиқотлар.** Лойиҳалашнинг бу босқичида ўтказиладиган текшириш ишлари айнан иморат ва иншоотларнинг бўлгуси заминининг пойдевор - таг қисмини инженер-геологик шароитини ўрганишга картилади. Уларни табиий заминини танлаш, юқорида кўрсатилгандек, лойиҳалашнинг техник-топширик босқичида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида амалга оширилади. Маълумки, иморат ва иншоотларнинг оғирлиги, энг аввало уларнинг пойдеворига, сўнгра пойдевор орқали тоғ жинс катламларига тушади. Шунинг учун бу босқичда бўлажак пойдевор ости жинсларини физик-механик хусусиятларини янада мукаммалроқ ўрганишга асосий эътибор қаратилади.

#### Олинган натижалар:

- 1.Иморат ва иншоотларнинг конструкциясига керакли ўзгартиришлар киритишига.
- 2.Пойдеворнинг турини, ўлчамини ва ётқизилиш чукурлигини аниқлашга.
- 3.Тоғ жинс катламларига тушадиган оғирликни аниқлашга.
- 4.Иморат ва иншоотларнинг оғирлиги натижасида пойдевор ости тоғ жинсларининг бузилиши даражаларини башорат қилишга.

**5.Иморат ва иншоотларни қуриш жараёнида антисейсмик чора ва тадбирларни кўришга имкон беради.**

Пойдевор ости жинсларини ўрганиш мақсадида қазиладиган шурф ва бурғу кудуқларининг сони, уларни бир-бирларига нисбатан оралиқ масофалари гидрогеологик ва инженер-геологик мухитнинг мураккаблик даражасига қараб белгиланади. Агар шароит оддий бўлса, улар оралиғидаги масофа 50-100 м, ўртача бўлса 30-50 м, мураккаб бўлса – 20-30 м этиб белгиланади. Керак бўлган тақдирда тажкира-тадқиқот ишлари бажарилади. Пойдевор ости жинслар бузилиши модулнинг қиймати 50 кг·см<sup>2</sup> дан кам бўлган тақдирда, бундай қатламларни пойдевор остидан олиб ташлаш тавсия этилади.

Лойихалашнинг бу босқичида олиб бориладиган қидирув ишлари натижалари асосан ҳар хил ҳисоблашар, чизмалар, жадваллар кўрининишида берилади. Иморат ва иншоотларнинг конструкцияси, пойдевори ва жойлаштириш ҳолатларига тузатишлар киритилиши амалиётда бўлганлиги учун бу босқич лойихалаш иш чизмалари босқичининг асосини ташкил этади.

#### **20.8.Гидротехник иншоотларни лойихалаштириш ва қуриш мақсадида ўтказиладиган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқотлар**

Гидротехник иншоотлар (тўғонлар, сув омборлари, каналлар, ГЭС бинолари уларни ташкил этувчи қисмлари) ниҳоятда мураккаб инженерлик объектлари ҳисобланади. Шунинг учун уларни лойихалаш ва қурилиш мақсадларида ўтказиладиган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишлари жуда юкори савия ва талаб даражасида ўтказилади. Чунки, бу иншоотлар қад кўтарган худуд майдонининг физик-географик, гидрогеологик ва инженер-геологик шароити ўзгаришига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Ер ости сувларининг сатҳи кўтарилади, сурилиш, чўкиш, қулаш, карст бўшликларини қайта ривожланиши, тоғ жинслари қатламларини бузилиши баъзан техноген сейсмиклик ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Гидротехник иншоотлар учун тузиладиган лойихалар ҳам маълум босқичларда олиб борилади (20.1-жадвал). Булар лойихаолди ва лойихалаш босқичларидан иборат. Лойихаолди босқичида, энг аввало, адабиётлар архив ва қўшимча бажарилган инженер-геологик текшириш натижалари асосида гидротехник иншоотлар учун қанчалик лойиқ эканлигини асословчи чизмани тузишда ҳамда танланган майдонда биринчи навбатдаги иншоотни қуриш учун лойиқлигини, техник-иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини исботлашдан иборат.

Лойиҳалашнинг навбатдаги босқичларида бажарилиши лозим бўлган қидирув ишлари ҳам бошқа объектларни лойиҳалаш босқичларида бажариладиган қидирув ишлари каби бажарилади (20.1-жадвал). Бунда юкорида кўрсатиб ўтилгандек, асосий бажариладиган иш турларига, дала шароитида олиб бориладиган гидрогеологик ва инженер-геологик съёмка, тажриба-тадқиқот ишлари, лаборатория шароитида амалга ошириладиган ишлар ва олинган борикий натижаларни таҳдил этиш, керакли илмий ва амалий хуносалар чиқариш, чизмалар, чизмалар чизиш, жадваллар тузиш ишлари ёки хонада бажариладиган ишлар киради.

Гидрогеологик ва инженер-геологик съёмка ишлари жараёнида гидротехник иншоотлар қуриладиган ва уларни тармоқлари ўрин оладиган майдонларда тарқалган тоғ жинслари, уларни ташкил этувчи қатламларнинг ётиш ҳолатлари, қалинлиги, тарқалиши бургу қудуклари, шурфлар, штолнялар қазиш ёрдамида синчиклаб ўрганилади, тажриба-тадқиқот ишлари ўтказилади, керак бўлган ҳолатларда стационар кузатиш ишлари (мониторинг) ташкил этилади. Жинс қатламларидан лаборатория шароитида ўрганиш учун намуна-лар ва монолитлар олинади. Шунингдек, асосий эътибор ер ости сув-ларига, уларни пайдо бўлиш шароитига, табиий ва техноген- геоди-намик жараёнларнинг мавжудлигига, тарқалиш, жойлашиш, вужудга келиш, ўзгариш конуниятларига қаратилади. Кўрган ҳамма ҳолатлар чизмалар, расмлар, чизмалар, кесмаларда акс эттирилиб борилади.

Курилиши лойиҳалаштирилаётган гидротехник иншоотнинг аҳамиятига, муҳимлилик даражасига ҳамда иншоот курилиши лозим бўлган ҳудуднинг инженер-геологик шароитнинг оддий ёки мураккаблигига қараб, гидрогеологик ва инженер-геологик съёмка ишларининг масштаби (20.3-жадвал), съёмка жараёнида ҳар бир км<sup>2</sup> майдонда жойлаштирилиши ва қазилиши лозим бўлган тоғ қазилмаларининг (шурф, бургу қудуклари ва хокзана) сони, улар оралиғидаги масофалари ҳам турлича бўлади.

Юқоридаги тартибда лойиҳалаш босқичлари ва ҳар бир босқичда бажарилиши лозим бўлган гидрогеологик ва инженер- геологик қидирув ишлари бошқа объектларни, жумладан, шахарлар, йўллар, метрополитеналар ва бошқа қурилишлар ҳамда янги ерларни ўзлаштиришда ҳам қўлланилиши мумкин. Факат ҳар бир объектни қандай ҳудудга, қандай гидрогеологик ва инженер-геологик шароитга эга бўлган майдонга жойлаштирилишига, объектнинг мавқеига қараб, гидрогеологик ва инженер-геологик текширув ишлари бир, икки, уч босқичда олиб борилиши, баъзан босқичлар бирлаштирилиб, олиб борилиши ҳам мумкин.

Ҳар бир лойиҳалашнинг босқичида олиб борилган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишларининг натижалари маълум ҳажмдаги

хисобот кўринишида ёзилиб, керакли буюртмачи ташкилотларга топширилади.

### **Такрорлаш ва текшириш учун саволлар**

1. Объектларни лойиҳалаш, қуриш, ерларни сугориш билан боғлиқ бўлган тадқиқот ишлари мажмусига кирувчи тадқиқот турлари тўғрисида гапириб беринг.

2. Объектларни лойиҳалаш боскичлари ва ҳар бир боскичда бажариладиган тадқиқотларнинг мақсади нималардан иборат?

3. Ерларни сугориш, куритиш (намлигини қочириш) мақсадида олиб бориладиган тадқиқот ишларини санаб ўтинг.

4. Минерал, термал ва саноат аҳамиятига эга бўлган сувлар билан боғлиқ гидрогеологик тадқиқотлар тўғрисида гапириб беринг.

5. Қаттиқ қазилма конларини излаш ва қазиб олиш жараёнида бажариладиган гидрогеологик тадқиқотлар, уларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Нефть ва газ конларичи?

6. Нефть ва газ конлари, нефть, газ сувли ҳавзаларнинг гидрогеологик хусусиятлари, олиб бориладиган тадқиқот ишлари тўғрисида батафсил гапириб беринг.

7. Фуқаролик ва саноат лойиҳалаш ва қуриш билан боғлиқ бўлган гидрогеологик ва инженер-геологик шароити мураккаблигига қараб, текшириш нуқталарини сони қандай ўзгарили?

8. Гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш мақсадида ўтказиладиган тадқиқот ишлари тўғрисида гапириб беринг. Тадқиқот ишлари қандай боскичларда олиб борилади?

### **21-боб. Қаттиқ қазилма конларининг сув босиши сабаблари ва уларни сув босищдан сақланиш<sup>1</sup>**

Маълумки, қазилма конларини қидириб топиш, кон иншоотларини (шахталар, очиқ конлар, бургу кудуклари ва бошқаларни) барпо этиш, ишлатиш жараёнида ер ости сувлари қатор қийинчилликларни келтириб чиқаради. Баъзан қурилаётган ва қазилаётган шахталарни, очиқ конларни тўсатдан пайдо бўлган ер ости сув оқими босади, жинс бўллаклари билан қопланишига сабабчи бўлади. Натижада кон иншоотларида ишлабётган инженер-техник ходимларни ишлаш шароити қийинлашади, иш

<sup>1</sup> Ушбу боб, аввалиг 20-бобда кўриб чиқилган хўжалик объектларининг турли соҳалари бўйича ер ости сувлари билан боғлиқ бўлган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишларининг баъзи бир амалий масалаларини «қаттиқ қазилма конлари» мисолида кўриб чиқишига бағишиланган.

унумдорлиги пасаяди, режага киритилмаган катта миқдордаги маблағнинг сарфланишига олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай қазилма конларини лойиҳалашда ва қуришда, энг аввало, қўйидагиларга эътибор берилади:

1. Кон майдонининг гидрогеологик шароитини мукаммал ўрганиш, ер ости сув қатламларини, чуқурлигини аниқлаш.

2. Кон иншоотларини қуриш мумкинлигини гидрогеологик нуқтai назардан асослаш.

3. Ер ости сув оқимидан сақланиш йўлларини ишлаб чиқиш.

4. Керак бўлган горизонтал ва вертикал сув чиқариш дренаж иншоотларининг тури ва ҳажмини аниқлаш.

5. Ер ости сувларининг кимёвий таркиби, бетонга нисбатан кемирувчаник, одамларнинг саломатлигига кўрсатадиган таъсир даржаларини аниқлаш.

6. Ер ости сувлари оқимини, режимини вужудга келишида ер усти сув манбаларининг (дарё, кўл, сув омборлари ва бошқалар) таъсир этиш ёки таъсир этмаслик даражаларини ўрганиш.

7. Олиб борилган тадқикот ишлари асосида ер ости сувлари оқимидан қурилишни сақлашнинг оқилона усусларини ишлаб чиқиш ва хоказо.

Юқоридаги санаб ўтилган ишлар гидрогеология фанининг тармоқларидан бири бўлган «Рудали конлар гидрогеологияси» нинг энг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Қазилма кон қурилишлари очиқ ва ёпиқ кўринишида бўлади. Очик конлар асосан каръерлар, ёпиқ конлар шахталар ҳолатида қурилади. Шунингдек, ер ости сув, нефть ва газ конларини ишлатиш бурғу қудуклари ва улар маъжмуасига киравчи бошқа кўшимча қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

### **21.1. Қазилма конларининг сув босишига таъсир этувчи омиллар**

Қазилма конларида сув босиши жараёни табиий ва техноген омиллар таъсирида вужудга келади ва ривожланади (21.1-жадвал).

#### **21.1-жадвал**

#### **Конларни сув босишига таъсир этувчи энг асосий омиллар**

Табиий омиллар	Табиий бўлмаган техноген омиллар
1. Атмосфера ёгинлари	1. Кон майдонига яқин бўлган сув омборлари, каналлар
2. Кон майдонининг рельеф тузилиши	2. Кон майдонида мавжуд бўлган ташландик қудуклар, шахталар ва х.к.
3. Кон майдонининг геологик, тектоник шароити	3. Кон майдонида ишловчи мехонизмлар

4. Кон майдонидаги мавжуд ер ости сувлари, уларни тарқалипп ётиш ҳолатлари	4. Кон майдони ер ости тузилишинг бузилиши
5. Кон майдонидаги мавжуд табиий ер усти сув манбалари (дарёлар, кўллар ва б.к.)	5. Эксплуатация жараёнида ер ости суви оқими йўналишига таъсир
6. Кон майдонидаги мавжуд геологик жараёплар (карст бўлиги, ёриклиар, уларнинг сувлилиги)	

Конларни қуриш ва ишлатиш жараёнида юқорида кўрсатилган омилларни ниҳоятда синчилкаб ўрганиш, уларни айрим ҳолатда ва биргаликдаги таъсир даражаларини аниқлаш, конларни сув босищдан сақлашда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, кон майдонида мавжуд бўлган ер ости сувлари ҳаракат йўналишини, сув ўтказмас қатламларнинг ётиш холатини, қалинлигини билмаслик, шахталар очиқ конларни қазиш жараёнида сувли қатламларга тўғри келиб қолиш, уларни кесиб ўтиш шахтага, кон қирғоқларга тўсатдан жуда катта миқдордаги сувнинг оқиб киришига сабабчи бўлиш мумкин. Масалан, Блиново-Коминск ва Кургазак конларини ишлатиш жараёнида кон қурилиш иншоотлари мажмуаларига соатига 7000 м<sup>3</sup>, Черемухов боксит конини ўзлаштириш вақтида 12000-13000 м<sup>3</sup>, Миргалим руда конини ишлатиш жараёнида хатто соатига 50000 м<sup>3</sup> миқдоридаги сув оқиб кирганлиги маълум (И.И.Плотников, 1988).

Шунингдек, кон майдонидаги мавжуд ташландиқ қудуқларни, улар кесиб ўтган ер ости суви қатламларини ҳисобга олмаслик ва шахталар қазиш жараёнида ана шу қудуқларга дуч келиниши оқибатида шахтага бирданига ер ости суви қатламларидан сувнинг оқиб кириши ҳам мумкин.

## 21.2-жадвал

### Дунёning баъзи ҳудудларидағи мавжуд кон майдонларининг сувлилик коэффициенти (Г.В.Ботомолов маълумотлари бўйича)

Кон жойлашган ҳудудлар	Сувлилик коэффициенти	
	Ўртча	Энг юқори
Донецк кўмир ҳавзаси (Россия)	3	6
Шимолий Ўрал конлари (Россия)	100	300
Ҳиндистон Марказий қисмидаги кўмир конлари	2	3,5
Рур кўмир конлари (Германия)	3	5,5
Уэльс кўмир конлари (Англия)	2,5	4,5
Венгрияниг кўмирли ҳудудлари	2,0	4,0

Конлар ўз майдонининг сувлилигига, ёки ер ости сувига сероблиги билан бир-бирларидан ажралиб туради. Шунинг учун амалиётда конларни сувлилигини баҳолашда «Конларнинг сувлилик коэффициенти» кўлланилади. У қўйидаги формула билан ифодаланади (21.2-жадвал):

$$K_c = -\frac{Q_c}{F_{cb}}$$

Бу срда:  $K_c$ -конларнинг сувлилик коэффициенти;  $Q_c$ -кон майдонида насослар орқали ер сатхига сўриб чиқариб туриладиган сув миқдри,  $m^3$ ;  $F_{cb}$ -кон майдонидан маълум вақт мобайнида (бир йилда) қазиб чиқарилаётган қазилма бойлик миқдори, тонна.

Демак, конларнинг сувлилик коэффициенти деганда, бир хил вақт давомида (йил) кон майдонидан насослар орқали ер юзасига сўриб чиқарилган сув миқдорини, шу вақт мобайнида конлардан қазиб олинган қазилма бойликлар миқдорига бўлган нисбати тушунилади. Бу нисбат қанча катта бўлса, унинг қазиб олинаётган қиймати ҳам шунча катта бўлади.

## 21.2. Қазилма конларининг гидрогеологик таснифлари

Қазилма конларининг гидрогеологик таснифлари асосини конлардаги мавжуд тоғ жинс қатламлари, уларнинг таркиби, ётиш ҳолатлари, сувлилик ёки сувга сероблик даражалари ташкил этади.

Энг дастлабки умумий тасниф 1940 йилда Д.И.Шеглов томонидан килинган бўлиб, унда сувлилик даражаларига қараб ҳамма конлар уч грухга ажратилади: 1.Бўш қум, гилли жинслардаги конлар. 2.Серёрик тоғ жинсларидағи конлар. 3.Карст бўшликларига бой бўлган жинслардаги конлар.

Кейинчалик (1969) В.Д.Бабушкин, С.П.Прохоров ва бошжалар томонидан қазилма бойлик конларининг янги гидрогеологик таснифи ишлаб чиқилган. Бу таснифда улар, асосан, қазилма конларининг ташкил этувчи тоғ жинс қатламларини ётиш ҳолатларини ҳисобга олишган ва қўйидаги тоифаларга бўлишган: I тоифа-горизонтал ҳолатда ётган тоғ жинс қатламларидағи конлар; II тоифа-қия, моноклинал ҳолатда ётган тоғ жинс қатламларидағи конлар; III тоифа-мульда ҳолатидаги тоғ жинслари қатламларидағи конлар. Ҳар бир тоифа, ўз навбатида, кон геологик кесмасида учрайдиган ер ости сувлари қатламларини, уларни бир-бирига кўрсатадиган таъсир даражаларига қараб, янада майдароқ (гурух ва х.к.) таксаномик бирликларга ажратилади. Шунингдек, улар тоғ иншоотларига (шахталар, бурғу куудклари, шурфлар ва хоказо) окиб кириши мумкин бўлган сув миқдорини аниқлаш усувларини ҳам келтиришиади.

Конларни гидрогеологик тузища асосий эътибор тоғ жинсларининг ҳолатларига берилгандигининг боиси шуки, конларга окиб келувчи ер ости сувларининг миқдори, унинг йиллик режими, энг аввало, сувли

қатламнинг ҳамда сувни тўсувчи, яъни сув ўтказмас қатламларнинг ётиш ҳолатларига боғлиқ. Жумладан, қатламларнинг горизонтал ҳолатда ётиши, ер ости сувлари режимини фасллар мобайнида ўзгариши қийматига ҳамда оқиб келаётган сув миқдорининг юқори даражада ошишига таъсир этади. Бунда оқиб келаётган сув миқдори фақат 20-25 фоизга ошиши мумкин. Қатламларнинг қиялигини ошиши билан ер ости сув режимига фасллар бўйлаб ниҳоятда тез ўзгаришига, оқиб келаётган сув миқдорининг 50-100 фоиздан ҳам ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Кон майдонида серёриқ, карст бўшликлари бўлган жинсларни бўлиши ҳам ер ости сувлари режимини ўзгаришига, шахтага оқиб келаётган сув миқдорининг баъзан 300-400 фоизга ошиб кетишига сабабчи бўлиши ҳам мумкин (А.И.Кравцов, А.А.Трофимов, 1977).

Демак, қазилма конларининг гидрогеологик таснифи деганда, кон майдонининг гидрогеологик ва инжинер-геологик шароитини ташкил қиливчи компонентларнинг (тоғ жинс қатламларнинг сувлилиги, ётиш ҳолати, литологик таркиби, ёриқларнинг кўп-озлиги, хосса ва хусусиятлари ва х.к.) бир-бирига яқинлигига, ўхшашлигига караб, маълум гурухларга бирлаштириш ва ажратиш тушунилади.

### **21.3. Кон иншоотларига ер ости сувларининг оқиб келишини аниқланиш усулилари**

Кон майдонларига ер ости сувларини оқиб келиши манбаларини аниқламасдан, мавжуд ер ости сувлари ҳаракати рёжимини фасллар, йиллар мобайнида ўзгариш сабабларини, оқиб кириши мумкин бўлган сув миқдорини, уларни статик ва динамик захиралари тўғрисида маълумотга эга бўлмай туриб, кон иншоотларини куриш, қазилма бойликларини қазиб олиш ишларини бошлаш, керак бўлган чора-тадбирларни белгилаш асло мумкин эмас. Акс холда кутимаган талафотлар вудга келиши мумкин. Шунинг учун, юқорида кўрсатилган масалаларни счиш мақсадида кон майдонида кенг кўламдаги гидрогеологик ва инженер-геологик тадқикот ишлари олиб борилади.

Улар куйидагилардан иборат:

1. Кон майдони геологик шароитини ўрганиш. Бунда асосий эътибор жинсларни генетик турларига, литолого-петрографик тузилишига, қалинлигига ётиш ҳолатига қаратиласди.

2. Тоғ жинслари қатламларидаги мавжуд зонавий, зонавий-чукур ёриклар, флексура-майдонлари, уларнинг йўналиши. Ёриқларни жинс бўлаклари билан тўлганлик даражалари синчилаб ўрганилади.


3. Тоғ жинсларининг нураш жараённига қанчалик учраганлик, литогенетик ёриклари мавжудлигига эътибор берилиб, харитада белгиланиб чиқиласди.

4. Кон майдонидан оқиб ўтувчи ёки унга якін бўлган дарёлар ва бошқа ср ости сув манбалари, уларнинг кон майдонига таъсири, ойлик, йиллик сарфи аникланаб чикилади.

5. Кон майдонининг гидрогеологик шароити ниҳоятда синчиклаб ўрганилади. Ер ости сувлари мавжуд бўлган сувли катламлар, уларнинг сув билан таъминланиши, ер ости сувларининг турлари: грунт, ёрик, карст сувларига эътибор қаратилиб, ойлик, йиллик режимини аниклаш мақсадида, маҳсус кузатиш посталари ташкил этилади.

6. Сувни кон майдонидан чикариб ташлаш иншоотларини (горизонтал ва вертикал дренажларининг, сувни насос орқали ер сатхига чикариш учун йиғиши жойлари ва х.) куриш ва уларни ишлаши устидан назорат ўрнатилади.

7. Ўтказилган тадқиқот, стационар кузатиш ишлари (мониторинг) натижаларини тахлил килиш асосида кон майдони учун энг оқилона бўлган чора-тадбирлар, энг мақбул бўлган майдонларни танлаб олиш амалга оширилади ва бундан кейинги бажариладиган ҳамма ишлар ана шулар асосида олиб борилади.



21.1-расм. Кон майдони шахта қудукларига ер ости сувларининг оқиб қелини чизмаси (Й.Э.Эргашевдан. 1990). а-тубидан; б-ён деворларидан; в-туби ва ён деворларидан

Кон майдонидаги шахта қудукларига ср ости сувлари сувли катламларнинг ётиш ҳолатларига қараб тубидан, ён деворларидан ёки ҳам туби ва ҳам ён деворлари орқали бир вактда оқиб келиши мумкин (21.1-расм, а,б,в). Сув қудукнинг таг қисмидан оқиб кирган ҳолати учун (21.2-расм, а) сув сарфининг миқдори қуидаги формула орқали аникланади (Эргашев, 1990):

$$Q = \frac{2\pi K_f \cdot S \cdot r}{\frac{\pi}{2} + \frac{r}{T} (1 + 1.118 \lg \frac{R}{4H})}$$


Бу ерда: Q-сув сарфи,  $\text{m}^3/\text{сут}$ ;  $K_f$ -сувли катламнинг фильтрация коэффициенти,  $\text{м}/\text{сут}$ ; S-сув сатхининг пасайиши,  $\text{м}$ ; r-кудук радиуси,  $\text{м}$ ; H-

босимсиз сувли қатлам қалинлиги: R-таъсир радиуси, м: Т-кудук тубидан сув ўтказмайдиган қатламгача бўлган масофа, м.

$$\frac{R}{H} < 10 \text{ ҳолатида шахта кудуғининг босимли сув сарфи}$$

$$Q = 4K_{\phi}rs$$

формуласи билан аниқланади.



21.2-расм. Дарё водайси бўйлаб, бир йўналинида жойлаштирилган сув чиқарип қудуқларининг ўзаро таъсир этиши чизмаси

Шахта кудуғига бир вақтнинг ўзида икки томондан сув кирса (21.1-расм, в), сув оқими сарфи икки оқим йиғиндинини ҳисобга олиш орқали аниқланади:

$$Q = \frac{\pi \cdot K_{\phi} (2H-S)^s}{\ln R - \ln r} + \frac{2\pi \cdot K_{\phi} S \cdot r}{\frac{\pi}{S} + \frac{r}{T} (1+1.118 \ln \frac{R}{4H})} = \pi K_{\phi} S \left[ \frac{2H-S}{\ln R - \ln r} + \frac{2r}{\frac{\pi}{2} + \frac{r}{T} (1+1.118 \ln \frac{R}{4H})} \right]$$

Кон майдонининг гидрогеологик шароитини мураккаблигига қараб, бир вақтнинг ўзида бир нечта қудуқлар ишлатилиши ёки бир нечта қудуқлардан сув чиқарилиб турилиши лозим бўлади. Бу ҳолатда сув сарфининг миқдори Форхгеймернинг қуйидаги формуласи ёрдамида ҳисобланади

$$Q = \frac{\pi \cdot K_{\phi} (H^2 - y^2)}{\ln R - \ln r^n \cdot x_1 \cdot x_2 \cdots x_n} \quad (21.2-\text{расм}).$$

Бу сарди: Q-бир неча қудуқлардан бир вақтда чиқариб олинган сув сарфининг умумий йиғиндиси,  $\text{m}^3/\text{сут}$ ; H-сувли қатлам қалинлиги, м; Y-сув ўтказмайдиган қатламдан сувни чиқариб олиш вақтидаги пасайган

сув сатҳигача баландлик, м; R-бир неча күдуклар орасидаги таъсир этувчи радиус, м;  $x_1, x_2 \dots x_n$ -сув сатхи пасайиши аникланыётган нүктадан (A) күдукларгача бўлган масофа, м; n-күдуклар сони.

Кон майдонларида окиб келаётган сув оқимининг сарфи кўп холатларда горизонтал кон иншоотлари-зовурлар ёрдамида ўрганилади ва аникланади (21.3-расм). Зовурлар сувли катламнинг бир қисмини (мукаммал бўлмаган зовурлар) ёки сувли катламни бутунлай кесиб ўтган (мукаммал зовурлар) бўлиши мумкин. Шунга караб, зовурларга окиб келаётган сув харакати хам бир томондан ёки хар томондан вужудга келиши, босимли ва босимсиз бўлиши мумкин. Мукаммал зовурларга окиб келувчи босимсиз сув сарфини аниклаш Дарси-Дюпоннинг қўйидаги формуласи орқали амалга оширилади:

$$q = K_\phi \frac{H^2 - h^2}{2R}; \quad Q = qL; \quad Q = LK_\phi \frac{H^2 - h^2}{2R}$$

Агар окиб келаётган ер ости сув оқими босимли бўлса, юкоридаги формула қўйидаги кўринишида фойдаланилади:

$$q = K_\phi m \frac{H - h}{R}; \quad Q = qL; \quad Q = LK_\phi m \frac{H - h}{R}$$

Формулада: Q-зовурга бир томондан окиб келаётган сув,  $m^3$ -сут; q-зовурга окиб келаётган айрим оқимлар,  $m^3$ -сут;  $K_\phi$ -суви катламнинг фильтрация коэффициенти, м-сут; L-зовурнинг узунлиги.

Юкоридаги формулалар бошқа горизонтал сув чикариш иншоотлари учун хам кўлланилиши мумкин.

Горизонтал сув чикариш иншоотлари таъсирида ер ости сувлари табиият сатҳининг ўзгариши, яъни депрессив эгри чиғникнинг ўргача нишоблиги ( $J_0$ )  $J_0 = H - h/R$  эканлиги хисобга олинса, кон иншоотларида окиб келаётган сув сарфи (Q) қуйидагича бўлади:


$$Q = L \cdot K_\phi (H + h) J_0$$

$J_0$  нинг қиймати бўшоқ жинслари учун турлича, жумладан: қумда 0,006 дан 0,02 гача; қумлок тупроқда 0,02-0,05; қумок тупроқда 0,04-0,1; қумли гилда 0,10-0,15 оралигида ўзгариши мумкин (Эргашев, 1990).

Кон майдонларида мукаммал бўлмаган күдуклар ёрдамида чикарилаётган сув сарфини аниклашда сув таъминоти учун ўтказиладиган гидрогеологик кидибув ишлари жараёнида кўлтаниладиган фильтрлардан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда ишлатиш учун кўлтаниладиган фильтрларни узунлиги сувли катлам калинлигига нисбатан

$$\frac{l}{H, \text{м}} < 0,1 \quad \text{қилиб олинади.}$$

Бу ерда: l-фильтрнинг узунлиги, м; H ёки т-сувли қатлам қалинлиги, м (21.4-расм).



21.4-расм. Мукаммал бўймаган бурғу қудуклари: а-босимсиз ер ости сувлари учун; б-босимли сувлар учун

Кудукларнинг босимсиз суви сарфини аниқлашда В.Д.Бабушкининг ушбу формуласидан

$$Q = 1.366 K_{\phi} \cdot S \left( \frac{1 + S_0}{\lg \frac{R}{r}} + \frac{l}{\lg \frac{0.66l}{r}} \right), \text{ босимли сувлар учун Н.К.Грин-}$$

скийнинг қуйидаги формуласидан фойдаланиш мумкин:

$$Q = 2,73 \frac{K_{\phi} \cdot l \cdot S_0}{\lg \frac{1 \cdot 6 \cdot l}{r}}$$

Формулаларда: l-фильтрнинг узунлиги, м; K-сувли қатлам жинснинг фильтрация коэффициенти, м-сут; S=H-h-сўриб олиш жараёнида қудукдаги сув сатхининг пасайини, м; r-қудук радиуси, м; R-тъясир радиуси, м.

#### 21.4. Шахта ва очиқ конларни сув босишдан сақташ учун кўриладиган чора-тадбирлар

Қаттик қазилма бойликларни қазиб олиш, уларни турларига, ётиш ҳолатига, тарқалиш чукурлигига, захираларнинг кўп-озлигига ҳамда қазилма бойликлар тарқалган майдоннинг геологик, геолог-тектоник, гидрогеологик, геоморфологик ҳолатига, тоб жинсларининг физик, физик-механик, сувли хосса ва хусусиятларига караб, юкорида кўрсатиб ўтилгандек, очиқ конлар ёки ёпиқ-шахталар куриш усулида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда очиқ конларни ер юзасига нисбатан бўлган чукурлиги 400-500 м дан ҳам ошиб кетганлиги маълум. Конларнинг ер


юзасига нисбатан чуқурлғы ошиб бориши билан уларни сув босиши асосан иккى сабабга күра юз бериши мүмкін. Биринчى сабаб – очик конга ернинг устки қисмидан атмосфера ёғин сувларини ҳамда ер усти сув манбаларидан (дарё, сув омбори, каналлар) сувнинг оқиб кириши. Иккинчи сабаб – очик конни қазиши жараёнида ер ости суви қатламларининг бирин-кетин очилиши ва маълум сарфга эга бўлган сув оқимини кон майдонига оқиб киришидир. Очик кон майдонини атмосфера ёғинлари ва ер усти суви манбаларидан вужудга келиши мүмкін бўлган сув оқимидан саклаш учун қўриладиган чора-тадбирлар куйидагилардан иборат:

1. Очик кондан ташқарида 25-30 метр масофада маълум йўналишидаги ариқлар қазилиб, атмосфера ёғини натижасида хосил бўлган сув оқимини кондан ташкарига оқизиб юбориш.


2. Очик кон майдони якинидан оқиб ўтадиган дарё суви режими устидан доимий назорат ўрнатиш. Дарё сувининг тошиб конга кирмаслиги чораларини кўриш. Керак бўлса, дарё суви оқими йўналишини ўзгартириш.

3. Дарё билан очик кон оралиғидаги тог жинсларининг фильтрация коэффициентини аниклаш. Тог жинс қатламларида карст бўшликлари, тектоник ёриқларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини ўрганиш. Агарда мавжуд бўлса, кон билан дарё суви оқими оралиғида маълум йўналишидаги ва микдордаги бурғу кудукларини қазиш ва ана шу кудуклар орқали маҳсус кимёвий аралашмаларнинг муайян босим остида конга сизиб ўтишига барҳам бериш.


Иккинчидан, ер ости сувлари таъсирида очик кон майдонини сув босищдан саклаш ва қазишини жадаллаштириш учун бажариладиган ишлар:



21.5-расм. Қозиксизмон фильтрларни кўрининиши



21.6-расм. Ер ости сувларини чиқариб ташлани қурилмасининг кўрининиши. 1-сув оқизип зовурлари; 2-сувни суриб чиқариш учун ўрнатилган фильтр кудуклар



**21.7-расм.** Шахталарни сувсизлантириши максадида уларга фильтр ва бурғу күдүктарини ўрнатиш чизмаси. а-фильтрлар; 1,3-қозиксімон; 2-хаво босими ёрдамида жипсі катламидаги сувни қозиксімон фильтрга ўтишін тезластириш учун ўрнатылған бурғу күдүгі; 4-шашник; 5-фильтр атрофига солинган шағал топтар сепмаси; 6-бурғу күдүгиге хаво беруучи нағча. б-ер сатхидан пахтагача бўлған оралиқдаги сувли катламлардан сувни ўтишпен ва ер сатхига насослар орқали чиқариш учун казиған бурғу күдүгі ва фильтр; 1-5-сувли катламлар; 6-сувни фильтрга тозаланиб ўтишпили татмилаш учун солинган шағал сепмаси; 7-шахтага оқиб келаётган сувни йиңиувич курилма; 8-йигилған сувни ер юзасига насослар орқали чиқариб тапточчи бекитуичан кувур

1. Ер ости сув катламлари, уларнинг қалинлиги, сони, ҳаракат ўйуналишини аниклаш. Ойлик, кўп йиллик режимини ўрганиш:

2. Агарда очиқ конга оқиб келаётган сув оқимининг миқдори соатига 200-300 м<sup>3</sup> дан кўп бўлса, кондан ташкарида, ер ости суви катламлари қалинлигига тўғри келувчи бурғу күдүклари қазиш ва соатига 50-170 м<sup>3</sup> сувни чиқарадиган маҳсус насослар ўрнатиб, сизот сувларини ер сатхига чиқариш, хосил бўлған сув оқимини кондан ташкарига, кувурлар ёки ариқлар орқали оқизиб юбориш.

3. Конда у ёки бу сабабларга кўра, йигилған сувни насослар ёрдамида ташкарига чиқазиб туриш ишларини ташкил этиш.

Қазилма бойликларни ёпиқ ёки ер ости усулда, яъни шахталар ёрдамида қазиб олиш очиқ конлар орқали қазиб олишга нисбатан ниҳоятда оғир ва кийин жараён ҳисобланади. Шахталарни сув босиш ҳолати хам асосан, юкорида кўрсатилған икки сабабга кўра юз бериши мумкин. Шунинг учун

бажариладиган ишлар ва кўриладиган чора-тадбирлар ҳам бир-бирига жуда ўхшаш. Шахталарни сув босищдан сақлаш, қазиш ишларини жадаллаштириш учун, кон майдонининг гидрогеологик, геологик шароитини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1. Қазилаётган шахталарга паралел, маълум қиялиқдаги қўшимча сув чиқариш, штольниларини қуриш ва ер ости сув оқимини шахта майдонидан ер юзасига чиқариб юбориш;

2. Шахта деворига яқин бўлган ер ости сув горизонтларига диаметри 1,5-2 дюймли, кўзларининг катталиги 2-5 мм бўлган қозоқсимон тэмир фильтрлар ўрнатиш (21.5-расм). Фильтрларни бир-бирларидан оралиғи масофаси 10-25 м дан 50-70 м бориш мумкин. Сув, фильтр қудуқлардан насослар орқали сурилиб олиниб, шахта майдонидан сув чиқариб ташлаш қурилмалари орқали ер бетига чиқариб ташланади (21.6, 21.7-расмлар).

3. Баъзи ҳолларда қазилаётган шахта деворларига бурғ қурилмалари орқали ҳарорати 35°C бўлган хлорли кальций эритмаси юборилиб сизиб ўтаётган сув оқимини яхлатиш йўли билан ҳам шахталарни қазиб ўтиш жараёни амалга оширилади. Шунингдек, шахталарга, каръерларга тоғ жинслари ғоваклари, ёріклари орқали сувни сизиб киришидан сақлаш мақсадидауларни кимёвий йўллар билан сув ўтказувчанинг камайтириш, цементлаш, битумлаш ва бошқа усуllар ҳам қўлланилади.

### **21.5. Кон сувларидан фойдаланиши**

Конларни очиқ ва ёпик усулда қазиш ва ишлатиш жараёнида, уларнинг майдонидан катта миқдордаги ер ости суви оқиб чиқади. Дунё амалиётида бундай сувлардан жуда кўп мақсадларда ишлатилади. Жумладан: 1. Ичимлик суви сифатида. 2. Техник мақсадлар учун. 3. Тиббиётда. 4. Майдонларни ажратиб олишда. 5. Кон атрофидаги экин майдонларини сугоришида. 6. Нодир кимёвий элементлар (руҳ, молибден, ванадий, хром, кобальт, олтин, мис ва б.) мавжуд бўлган майдонларни излаб топашда. 7. Зилзилани башорат килишда.

Кон сувларидан юқоридаги мақсадлар учун фойдаланиш уларни кимёвий, газ таркибини, хосса ва хусусиятларини доимий равишда аниқлаб бориш, натижаларини таҳлил қилиш ва керакли илмий, амалий хulosалар чиқариш, кайси мақсадлар учун ишлатиш мумкин эканлиги тўғрисида керакли кўрсатмалар бериш орқали амалга оширилади. Агарда сувнинг минераллашиш даражаси паст бўлиб, таркибида одамлар саломатлиги учун заарли моддалар бўлмаса, ундан ичимлик суви сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилади.

Техник мақсадлар учун ишлатиладиган сув таркибида тэмир ва цементни емирувчи моддалар бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, сувни юмшатиш, заарли моддалардан тозалаш ишлари олиб борилади.

Таркибида йод, бром, олтингугурт бўлган сувлар баъзибир тери, асаб касалликларини даволашда, организмда мода алмашинувини яхшилашда ишлатилади.

Кон сувлари Ер катламларининг турли чукурликларидан, узоқ масофалардан, турли таркибдаги тоғ жинслари ёваклари, ёриклари бўйлаб оқиб келиши сабабли, ана шу оқиб ўтиш майдонларидағи у ёки бу холдаги қазилма бойлиқ конлари тўғрисида, улардаги мавжуд металларнинг миқдори тўғрисида ҳам зарур маълумотлар олиш имконини беради. Бундай холларда кўшимча мукаммал гидрогеологик текшириш ишларини олиб бориш талаб этилади.

Маълумки, охирги йилларда ер ости сувлари, уларнинг таркиби, хосса ва хусусиятларини ўрганиш ер кимирлаш ходисасини башорат қилишда, унинг содир бўлиши мумкин бўлган майдонларини аниқлашга имконият бермоқда. Бу ишларни олиб бориш, ташкил қилиш, ўз навбатида, катта миқдордаги маблағни талаб этади. Шунинг учун кон сувларидан зилзила ўчоклари ва марказини аниқлашда фойдалниш маълум миқдордаги маблағларни тежашгага ёрдам беради. Шунингдек, кон сувлари қишлоқ хўжалиги учун энг арzon сув манбани бўлиб хисобланади.

### **Такрорлаш ва текшириш учун саволлар**

1.Фойдали қазилма конларини сув босищдан саклаш мақсадида бажариладиган лойиҳалаш, курилиш ишларини олиб боришда нималарга эътибор берилмоғи лозим?

2. Конларнинг сув босишига таъсир этувчи табиий ва техноген омиллар тўғрисида гапириб беринг.

3. Конларнинг сувлилигини баҳолашда кўлланиладиган «Конларни сувлилик коэффициенти» формуласини ёзинг ва изоҳлаб беринг.

4. Конларни гидрогеологик таснифини тузишда нималарга эътибор берилади?

5. Кон иншоотларига оқиб келаётган ер ости сув оқимини аниқлаш усуслари тўғрисида нималарни биласиз? Шахталарга оқиб келадиган ва оқиб чикиб кетадиган сув сарғи формуласарини ёзиз кўрсатинг.

6. Зовурларга ер ости сувларини оқиб келиш жараёни қандай содир бўлади?

7. Шахта ва очик конларни сув босищдан саклаш учун кўриладиган чора-тадбирлар нималардан иборат?

8. Шахталарни сув босищдан саклаш учун кўлланиладиган бургу қудуқлари ва фильтрлар тўғрисида гапириб беринг.

9. Кон сувларидан қандай мақсадларда фойдаланилади? Фойдаланиш соҳалари тўғрисида гапириб беринг.

## **22-боб. Гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқотлар тұғрисида ҳисоботлар тузилиш<sup>1</sup>**

Гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисоботда көлтириләдиган маълумотлар, уларнинг мазмуни ва ҳажми бүнёд этилиши лозим бўлган обьектларнинг турига, ана шу обьектларнинг лойихалаш босқичларида, ҳар бир босқичда бажариладиган қидирув, тажриба-тадқиқот, лаборатория ишларининг турига ва миқдорига, қидирув ишлари ўтказиладиган ҳудуд ёки курилиш майдонининг гидрогеологик ва инженер-геологик шароитининг оддий ёки мураккаблигига, бажариластган ишнинг аҳамиятига қараб, турлича бўлиши мумкин. Ҳисоботнинг тузилмаси Давлат стандартлари (ГОСТ) талабларига жавоб берishi лозим.

### **22.1.Гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисоботларда көлтириләдиган асосий маълумотлар**

Гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисоботларда көлтириләдиган маълумотларнинг асосий қисмини далада ўтказиладиган гидрогеологик ва инженер-геологик съёмка, дала- қидирув, тажриба-тадқиқот, стационар текшириш ишлари натижалари ҳамда лаборатория шароитида ўтказиладиган текширишлар тұғрисидаги маълумотлар ташкил этади. Дала қидирув ишлари тұғрисидаги маълумотларга: қидирув ишларини олиб боришда қатнашган мутахассисларнинг кундалик дафтарлари, инженер-геологик тадқиқот ишлари ўтказилган ҳудудда олиб борилган қидирув йўналишлари, қазилган бурғу қудуклари, шурфлар, ўрганиш нукталари, сув намуналари олинган булоқлар. тоғ жинсларининг тарқалиш, ётиш ҳолатлари, кузатилган геодинамика ва техноген жараёнлар туширилган тонохарита. дала шароитида ўтказилган геофизик (гравиметрик, магнитометрик, сейсмометрик, электрометрик ва бошқа) усуллар ёрдамида олинган маълумотлар, чизилган кесмалар, чизмалар, расмлар, намуна ва монолитлар рўйхати ва ҳоказолар; тажриба-тадқиқот натижаларига: тоғ жинслари фильтрацияси, ўзига сувни сингдириш, ўзидан сувни бериш хусусиятлари, ариқларга сув куйиш, маълум шакл, ўлчам ва оғирликдаги штамп усуллари ёрдамида олинган жинсларни чўкувчанлик даражалари, сувли хусусиятлари тұғрисидаги маълумотлар – стационар текшириш натижаларига: мавжуд геодинамик, техноген жараён ва ҳодисаларни (сурилиш, сув босиш, ботқоқланиш, шурланиш, карст, сел, тектоник

<sup>1</sup> Геология фанининг «Гидрогеология» ва «Инженерлик геологияси» соҳаси бўйича тайёрланадиган мутахассислар ўзларининг иш фаолияти жараёнида, ана шу иккى соҳа йўналишида иш олиб бориши мумкин. Шунни ҳисобга олиб, биз «Гидрогеология» ва «Инженерлик геологияси» бўйича бажариладиган тадқиқот ишлари тұғрисида ёзиладиган ҳисоботнинг умумий чизмасини беришни лозим тоцик.

ёриқларни режими ва ҳоказо) вужудга келиши, ривожланиши устидан маълум вакт, баъзан йиллар давомида назорат ишларини олиб бориш йўли билан олинган маълумотлар; лаборатория тадқиқот ишлари натижаларига: тоғ жинсларининг таркиби (гранулометрик, минералогик, кимёвий ва бошқалар), хосса ва ҳусусиятларини (табиий намлиги, зичлиги, патлилиги, кўпчувчанлиги, ививчанлиги, бузилиш, мустахкамлик ҳусуситялари ва б.) лаборатория шароитида ўрганиш йўли билан олинган маълумотлар киради.

Шунингдек, ҳисоботларда обьектлар курилиши керак бўлган худуднинг физик-географик шароити (ёғадиган ёғиннинг тури, миқдори, хаво ҳарорати, шамолнинг ўйналиши, мутлақ ва нисбий баландлиги ва ҳоказолар) ана шу обьектлар кад кўтариши лозим бўлган худудларда курилиш материалларининг мавжудлиги, захираси, иктиносидий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши лозим.

## **22.2.Хона шароитида бажариладиган гидрогеологик ва инженер-геологик ишлар**

Хона шароитида бажариладиган гидрогеологик ва инженер-геологик ишлар обьектларни лойихалашнинг ҳар бир боскичидаги ўтказиладиган (далакидирав, тажриба-тадқиқот, стационар, лаборатория) тадқиқот ишлари тугагандан кейин, ёки ҳар бир тадқиқот ишлари бўйича маълум ҳажмидаги маълумотлар йигитландан сўнг олиб борилади. Шунинг учун бундай ишлар адабиётларда хонаки ишлар номи билан маълум (Э.В.Қодиров, М.Ш.Шерматов ва б., 1999). Хона шароитида олиб бориладиган ҳамма ишлар, асосан, ҳисоблаш машиналари, чизиш асбоблари ва компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Энгаввало, хона шароитида қайта ишлаш учун келтирилган барча маълумотлар бирма-бир кўздан кечирилиб, сараланиб, тартибга солинади. Маълумотларнинг лойихалашда кўйилган масалаларни ечишга қанчалик етарли эканлиги ва ҳисоботни ёзиш жараённида улардан қандай ва қай йўсинда фойдаланиш кераклиги чамалаб кўрилади. Бу ишлар ҳисоботни ёзиш учун маъсул бўлган мутахассис томонидан бажарилади. Кўп ҳолларда юкоридаги ишлар бажарилгандан кейин, ёзилиши керак бўлган гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисоботнинг мундарижасини тузишга ўтилади. Лекин бу сурʼи тозиши анча оддин бошланган бўлиши ҳам мумкин. У ҳисоботни ёзуб тутатилиши жараённида маълум даражада ўзгартирилиши, тўлатиб борилиши мумкин.

Гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисобот бир канча кисмлардан, жумладан, «Матн», «Картографик» ва «Жадваллар»дан ташкил топган бўлиб, бир китобда. баъзан ҳар бир қисм алоҳида-алоҳида китобларда

берилиши ҳам мүмкін. Ҳисоботнинг «Матн» қисми, ўз навбатида, «Умумий» ва «Махсус» бўлимлардан, хар бир бўлим эса, боблардан иборат бўлади.

Ҳисоботнинг «Кириш» қисмидаги гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишларининг мақсади ва вазифалари, зонанинг иктиносидёти, бажарилган ишларнинг турлари, ҳажми кўрсатилади. Текшириш ишларининг бажарилиш йўллари, муддати, ҳамда бажарувчилар тўғрисида қисқа ва аниқ маълумотлар берилади.

**Ҳисоботнинг биринчи бобида** обьектлар курилиши мўлжалланган, ёки иморат ва иншоотлар бунёд этилиши, жойлаштирилиши лозим бўлган ҳудуднинг, физик-географик, геоморфологик, геологик, тектоник, сейсмик, гидрогеологик ва инженер-гегологик нуктаи назардан ўрганганлик даражаси ва тарихи адабиётлар ва архив маълумотлари асосида қисқача баён этилади.

**Иккинчи бобда** ҳудуднинг физик-географик шароити, яъни иклими, рельеф тузилиши, гидрографияси (дарслар, кўллар, каналлар ва ҳоказо), иктиносидёти тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бу омилларнинг булғувси иморат ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги учун кўрсатадиган таъсири тўғрисида фикр-мулоҳазалар айтилиб ўтилади.

**Учинчи бобда** асосий эътибор ҳудуднинг геолог-тектоник ривожланиш тарихига, геологик тузилишига, у ёки бу майдонда тарқалган тоғ жинслари турларига, уларни ёшига, қалинлигига, ётиш ҳолатларига, сейсмик даражасига қаратилади. Уларнинг иморат ва иншоотларнинг мустаҳкамлигига, бокийлигига кўрсатадиган таъсири баҳоланади.

**Тўртинчи бобда** ҳудуднинг геоморфолигик тузилиши батафсил ёритилади. Рельефнинг асосий элементлари (дарё водийлари, уларни ўзан тузилиши. ён бағирлари, терассалари, тиклик даражалари, мутлақ ва нисбий баландлиги ва бошқалар) тўғрисида маълумот берилади. Бунда уларни табиий геодинамик ва техноген (сурилиш, сув босиш, ботқоқланиш ва ҳоказо) жараён ва ҳодисаларни вужудга келиши, ривожланишидаги аҳамиятига эътибор қаратилади.

**Бешинчи бобда** ҳудуднинг гидрогеологик ҳолати баён этилиб, сроғи сувларининг пайдо бўлиш қонуниятлари, ҳаракат йўналиши, оқиши чукурлиги, миқдори, кимёвий таркиби, режими, физик хоссалари, ана шу хосса ва хусусиятларини фасллар, йиллар мобайнида ўзгариб туриши, тоғ жинслари мустаҳкамлигига, ерларни ботқоқланишига, шўрланишга, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигига бўлган таъсири батафсил ёритилади.

**Олтинчи бобда** ҳудуддаги мавжуд табиий геодинамик ва техноген жараён ва ҳодисалар (сурилиш, чўкиш, ер оғзи сувларининг сатҳини

ўзгариши билан боғлиқ бўлган жараёнлар, карст, сел ва бошқалар), уларнинг вужужга келиши, ривожланиш сабаблари, тарқалиш қонуниятлари батафсил ёритилади. Иморат ва иншоотларни қуриш даврида ва ишлатиш давомида янгитдан вужудга келиши мумкин бўлган жараёнларни, айникса уларнинг бузилиш даражаларини оддиндан башоратлаш натижалари келтирилади. Бу салбий холатлардан кутилиш йўллари, бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади.

**Еттинччи бобда** қурилиш ва тадқикотлар ўтказиш майдонларини ташкил этувчи төғ жинслари қатламларида, бурғу кудуклари, шурфлар казиши ёрдамида олинган намуна ва монолитларни лаборатория шароитида текшириш натижалари, дала шароитида ўтказилган тажриба-тадқикот, стационар текшириш (мониторинг) натижаларини ҳозирги замон математик-статистик усуllар ёрдамида ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш йўли билан олинган маълумотлар келтирилади. Ер юзасидан пастга (ер остига) қараб ҳамда мутлақ ва нисбий баландликнинг ўзгариши билан төғ жинсларининг минералогик, кимёвий таркиби, физик-механик хосса ва хусусиятлари ўзгариш сабаблари кўрсатилади. Ана шу маълумотларни таҳлил қилиш асосида иморат ва иншоотларни замини хисобланган төғ жинсларини, уларнинг пойдеворига ва бутун асосига таъсир этиш даражалари белгиланади.

**Саккизинчи бобда** лойихалаштирилаётган ёки қурилиши керак бўлган иморат ва иншоотлар учун зарур бўлган қурилиш материалларининг мавжудлиги, уларнинг турлари, захираси, сифати, иқтисодий жихатдан фойдалилиги ҳамда қурилиш материалларига кўйган талаблар (ГОСТ лар)га жавоб бериш даражалари кўрсатилади.

Ҳисботнинг «Махсус» қисми, бажарилиши лозим бўлган «Гидрогеологик», «Инженер-геологик» тадқикот ишларининг мақсади ва вазифаларига қараб, кишлоқ хўжалик махсулотларини стиштиришининг асосий манбаи бўлган срларнинг табиий холатини сростисувларитаъсиридан саклаш, «Суғориш», «Қуритиш» мақсадларида олиб бориладиган тадқикот ишлари турли соҳаларни «Сув билан таъминлаш», «Кон иншоотларини сув босищдан саклаш», «Нефть ва газ конлари» майдонларида ўтказиладиган тескириш ишлари жараёнида қўлланиладиган «Усул ва услублар» гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисботларнинг «Махсус» боблари асосини ташкил этади.

Шунингдек, иморат ва иншоотларни лойихалаш ва қуриш мақсадида олиб борилган гидрогеологик ва инженер-геологик текширув ишлари, пойдеворости жинсларининг таркиби, физик-механик хосса ва хусусиятлари, чўкиш, сурилиш, карст жараён ва ҳодисаларни ўрганишда уларни тарқалиш, вужудга келиш, ривожланиш даражаларини белгиловчи инженер-геологик

шароити таркибий қисмидан айримларини ўрганиши натижасида олинган маълумотлар ҳам «Махсус» қисм ҳолатида ажратилиши мумкин.

Ҳисобот илмий, услубий, амалий аҳамиятга эга бўлган ҳуросалар билан тутатилади. Олинган энг асосий натижалар бирма-бир кўрсатилади. Курилишучун лойик деб, ажратилган майдонларни курилишга лойиклигини исботловчи маълумотлар келтирилади. Иморат ва иншоатларни куриш ва қуриб бўлгандан кейин ишлатилиши даврида вужудга келиши мумкин бўлган техноген жараён ва ҳодисалар тўғрисида бир қатор фикр ва мулоҳазалар берилиб, уларни бартараф этиш йўллари, кўрилиши лозим бўлган чоратадбирлар кўрсатилади. Шу билан бирга, кейинги ўтказиладиган текшириш ишларининг вазифалари ҳам белтилаб ўтилади.

Ҳисобот ўз ичига тўғридан-тўғри ёки илова ҳолатида қўйидаги маълумотларни олади:

1. Курилиш ёки тадқиқот ўтказиш майдонида тарқалган төғ жинсларини ва срости сувларининг таркиби, хосса ва хусусиятларини кўрсатувчи жадваллар.

2. Инженер-геологик кесмалар, стратиграф-литологик устунчалар, ҳар хил чизмалар, расмлар.

3.Худуднинг обзор ва текшириш ишлари бажарилган масштабдаги архив материаллари, адабиётлар ҳамда дала-текшириш ишларини олиб бориш жараёнида қазилган шурф, бурғу қудуклари туширилган маълумотлар харитаси.

4.Кўйилган мақсад ва вазифалар даражасида инженер-геологик шаронт, инженер-геологик районлаштириш, геоморфологик, (срости сувларини жойлашиш чуқулиги, минералларга тўйиниши даражасини, ҳаракат йўналишининг ҳолатларини кўрсатувчи хариталар) ва бошқа хариталар маъмуаси.

5.Худуднинг физик-географик шароитини кўрсатувчи чизмалар ва бошқалар.

6.Ҳисоботни ёзишда кўлланилган адабиётлар рўйхати.

7.Ҳисоботни ўқиб, таҳлил қилиб чиқсан, унинг мазмуни, унда кўйилган масалаларнинг ечилганлик даражалари, камчиликлари тўғрисида мутахассисларнинг такризлари.

Бу срда шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисоботнинг юқорида кўрсатилган қисм ва бобларининг кетма-кетлиги, мазмуни, ҳажми, ўтказилиши лозим бўлган гидрогеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишларининг тури, мақсади ва вазифаларига караб, у ёки бу даражада ўзgartирилиши ҳам мумкин.

### **Такрорлаш ва текшириш учун саволлар**

- 1.Гидрогеологик ва инженер-геологик хисоботларда келтириладиган маълумотларнинг мазмуни ва ҳажми нималарга боғлиқ?
- 2.Гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисоботларда бериладиган асосий маълумотлар тўғрисида сизнинг тушунчангиз.
- 3.Гидрогеологик ва инженер-геологик ҳисоботларни ташкил этувчи қисм, бобларнинг кетма-кетлиги қандай омилларга қараб ўзгариши мумкин? Хар бир бобнинг кисқача мазмуни тўғрисида гапириб беринг.

## АДАБИЁТЛАР

1. F.O.Мавлонов, А.И.Исломов, М.Ш.Шерматов. Геологик ва инженер геологик ходисалар нима? «Фан», -Т., 1970М.
- 2.М.Ш.Шерматов «Ўзбекистон геологияси» тўғрисида нималарни биласиз? «Фан»-Т., 1972
- 3.Э.В.Қодиров, М.Ш.Шерматов ва б. Табиий мухитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари. «Ўзбекистон» -Т., 1999
- 4.М.Ш.Шерматов. Гидрогеология ва инженерлик геологияси асослари. Т: ЎМКИТМ, «Билим», 2005, 312 бет
- 5.Ф.О.Мавлонов, М.М.Крилов, С.Зоҳидов. Гидрогеология ва инженерлик геологияси асослари. «Ўқитувчи»-Т., 1976
- 6.Г.В.Богомолов. Гидрогеология с основами инженерной геологии. «Высшая школа»-М....., 1962
- 7.О.К.Ланге. Гидрогеология-М., 1969
- 8.О.И.Исломов, Ш.Ш.Шораҳмедов. Умумий геология. «Ўқитувчи»-Т., 1971
- 9.И.И.Бобохўжаев. Геология асосларидан практикум. «Ўқитувчи»-Т., 1978
- 10.О.А.Алекин. Основы гидрохимии. Л., 1970
- 11.Н.Н.Бундаман, Л.С.Язвин. Оценка эксплуатационных запасов подземных вод. М., 1970
- 12.Б.В.Бервский, Б.Г.Самсонов, Л.С.Язвин. Методика определения параметров водоносных горизонтов по данным откачек. -М., 1979.
- 13.И.К.Гавич, А.А.Лучшева, С.М.Семенова-Ерофеева. Сборник задач по общей гидрогеологии. М., 1985
- 14.Гидрогеология. Под ред В.М.Шестакова и М.С.Орлова. М., 1984
- 15.П.В.Гордеев, В.А.Шемелина, О.К.Шулякова. Руководство к практическим занятиям по гидрогеологии. -М., 1981
- 16.И.М.Дворов. Глубинное тепло Земли. -М., 1972
- 17.И.Е.Жернов. Динамика подземных вод. Киев, 1982
- 18.Д.М.Кац, В.М.Шестаков. Мелиоративная гидрогеология. М., 1981
- 19.В.А.Кирюхин В.А., Н.И.Толстыхин. Региональная гидрогеология, М., 1987
- 20.П.П.Климентов, В.М.Кононов. Методика гидрогеологических исследований. М., 1978
- 21.П.П.Климентов, В.М.Кононов. Динамика подземных вод. М., 1985
22. П.П.Климентов. Общая гидрогеология. М., 1980
- 23.В.С. Ковалевский. Исследования режима подземных вод в связи с их эксплуатацией. М., 1986

24. С.Р.Крайнов, Швец В.М. Основы геохимии подземных вод. М., 1981
25. В.А.Малигин, В.П.Кузмин. Геология и гидрогеология. М., 1977
26. М.В.Седенко. Основи геологии и инженерной геологии. «Недра», М., 1979, 200 с.
27. Методическое руководство по разведке и оценке эксплуатационных запасов подземных вод для водоснабжения. М., 1979
28. Методические рекомендации гидрогеологической съёмки масштаба 1:200 000. Сост. Л.Г.Соколовский, Г.В.Куликов, Б.Е.Антико и др. ВСЕГИНГЕО. М., 1983
29. Методические рекомендации по составлению макромасштабных специализированных гидрогеологических карт для обоснования водохозяйственного строительства. М., 1984
30. Мировой водный баланс и водные ресурсы Земли. Л., 1974
31. В.А.Мироненкo. Динамика подземных вод. М., 1983
32. А.Н.Павлов. Геологические круговороты воды на Земле. Л., 1977
33. Н.А.Плотников, К.И.Сичов. Оценка эксплуатационных запасов подземных вод с искусственным их восполнением. М., 1978
34. Н.И.Плотников. Эксплуатационная разведка подземных вод. М., 1973
35. Н.И.Плотников. Поиски и разведка пресных подземных вод. М., 1985
36. Е.В.Посохов. Общая гидрогеохимия. Л., 1975
37. В.М.Шестаков. Динамика подземных вод. М., 1979
38. В.М.Шестаков, И.С.Пашковский, А.М.Сойфер. Гидрогеологические исследования на орошаемых территориях. М., 1982
39. Й.Эргашев. Инженер геологияси ва гидрогеология. «Ўқитувчи», Т., 1990, 200 б
40. Справочное руководство гидрогеолога. Л., 1979, В 2-хт
41. Оптично-фильтрационные работы. Пед. ред. В.М.Шестакова и Д.Н.Башкатова. М., 1974.
42. С.Ш.Мирзаев, Г.М.Мжельская. Подземные воды Узбекистана и их использование. «Узбекистан», Т., 1967
43. Справочник гидрогеолога. Под общей редакцией М.Е.Альтовского. М.: Изд-во литературы по охране недр, 1962, 616 с.
44. А.Э.Эргашев, Т.А.Эргашев. Гидрогеология (сув экологияси). Т., 2002
45. В.А.Всеволжский. Основы гидрогеологии. Изд. МГУ, М., 1991
46. Ф.Х.Хикматов, Д.П.Айтбоев. Кўлшунослик. Т., 2002
47. В.Е.Хасанов, А.Г.Рябухин. История и методология геологических наук. Изд. МГУ. М., 1997

- 48.И.К.Гавич, А.А.Лущева, С.М.Семенова-Ерофеева. Сборник задач по общей геологии. «Недра». М.,1985
- 49.Н.Ф.Реймерс. Природопользование. М., 1990
- 50.Е.В.Пинеккер. Охрана подземной гидросферы. Изд. «Знание», М., 1979
- 51.А.Н.Султанходжаев. Ферганский артезианский бассейн. Ташкент. «Фан», 1972, 243 с.
- 52.А.Н.Султанходжаев. Основы гидрогеосейсмологии. Изд. “Citysite”, Т., 2006, 164 с.
- 53.А.С.Хасанов. Развитие гидрогеологии и инженерной геологии в Узбекистане. Ташкент: ГИДРОИГЕО, 2005, 212 с.

## **МУНДАРИЖА**

<b>СҮЗ БОШИ .....</b>	<b>3</b>
<b>КИРИШ .....</b>	<b>5</b>
<b>БИРИНЧИ ҚИСМ</b>	
<b>ГИДРОГЕОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ МАВЗУ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ, ВАЗИФА ВА ТАРИХИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА</b>	
1-боб. Гидрогеология фанининг мазмуни, йўналиш ва вазифалари.....	11
Амалий гидрогеология бўлимлари .....	14
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар .....	20
2-боб. Гидрогеология фанининг вужудга келиши ва ривожланини тарихи .....	21
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар .....	32
3-боб. Гидрогеология фанининг мамлакат ривожланишидаги ахамияти .....	32
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар .....	37
4-боб. Гидрогеология фанининг бонса фанлар билан алоқаси .....	37
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар .....	39
<b>ИККИНЧИ ҚИСМ</b>	
5-боб. Ер қобиги ва қатламлари ҳамда ҳарорати тўғрисида умумий тушунча .....	40
5.1. Ернинг ички ва ташки кисмларини ташкил этувчи қатлам – гесосфера лар .....	40
5.1.1. Ернинг ички қатламлари .....	40
5.1.2. Сайёрамизнинг ички ҳарорати .....	43
5.1.3. Ернинг ташки кобик – қатламлари .....	44
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар .....	47
<b>УЧИНЧИ ҚИСМ</b>	
<b>ТОҒ ЖИНСЛАРИ</b>	
6-боб. Тоғ жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятлари .....	48
6.1. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби .....	48
6.2. Тоғ жинсларининг кимёвий таркиби .....	62
6.3. Тоғ жинсларининг физик ва сувлилик хусусиятлари .....	64
6.3.1. Тоғ жинсларининг зичлиги .....	64
6.3.2. Тоғ жинсларининг ғоваклилиги .....	72
6.3.3. Тоғ жинсларининг намлиги .....	75

6.3.4. Төг жинсларининг сув ўткаузувчанлик хусусияти . . . . .	78
6.3.5. Төг жинсларининг капиллярлик хусусияти . . . . .	79
6.3.6. Төг жинсларининг сувни шимиш хусусияти . . . . .	80
6.3.7. Төг жинсларининг кўпчиш хусусияти . . . . .	81
6.3.8. Жинсларнинг ивузвчанлиги . . . . .	83
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	83

## **ТЎРТИНЧИ ҚИСМ**

### **СУВЛАР**

<b>7-боб. Табиатда сув, унинг пайдо бўлиши ва айланиси . . . . .</b>	<b>85</b>
7.1. Табиатда сувнинг вужудга келиши . . . . .	85
7.2. Табиатда сувнинг айланиси . . . . .	87
7.3. Ернинг йиллик сув баланси . . . . .	89
7.4. Табиатда сувнинг тарқалиши . . . . .	90
7.5. Об-ҳаво элементлари . . . . .	91
7.5.1. Ҳавонинг ҳарорат режими . . . . .	91
7.5.2. Атмосфера босими . . . . .	92
7.5.3. Ҳаво намлиги . . . . .	92
7.5.4. Нисбий намлик . . . . .	93
7.5.5. Атмофера ёғини . . . . .	93
7.5.6. Буғланиш . . . . .	95
7.6. Ер ости сув оқими . . . . .	97
7.7. Төг жинсларидағи сувнинг ҳолати ва ҳаракати . . . . .	98
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	102

## **БЕШИНЧИ ҚИСМ**

<b>8-боб. Ер ости сувлари . . . . .</b>	<b>103</b>
8.1. Ер ости сувларининг пайдо бўлиши назариялари . . . . .	103
8.2. Ер ости сувларининг таснифи . . . . .	107
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	109
<b>9-боб. Аэрация зонаси ва грунт сувлари . . . . .</b>	<b>109</b>
9.1. Аэрация зонаси сувлари . . . . .	109
9.2. Грунт сувлари . . . . .	110
9.2.1. Грунт сувларини жойлашиш шароити ва асосий хусусиятлари . . . . .	110
9.2.2. Грунт сувларининг асосий турлари . . . . .	113
9.2.3. Грунт сувларини жойлашиш чукурлиги ва юзасининг шакли . . . . .	116
9.2.4. Гидроизогипс ҳаритаси ва уни тузиш . . . . .	116
9.2.5. Грунт сувларининг зоналдийлиги . . . . .	119
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	120
<b>10-боб. Қатламлараро босимсиз ва босимли артезиан ер ости сувлари . . . . .</b>	<b>121</b>

<b>10.1.Қатламларо босимсиз сувлар</b>	121
<b>10.2.Артезиан сувлар ва уларнинг асосий хусусиятлари</b>	121
<b>10.2.1.Артезиан сув ҳавзалари</b>	122
<b>10.2.2.Артезиан сувлари кимёвий таркибининг зоналлийлиги</b>	128
<b>10.2.3.Артезиан сув ҳавзаларининг геотермик хусусиятлари</b>	129
<b>10.2.4.Артезиан сувларининг режими</b>	131
<b>10.2.5.Артезиан сувларининг пъезоизгисп ҳаритаси</b>	132
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	133
<b>11-боб. Ёриқ ва карст сувлари</b>	134
<b>11.1.Ёриқ ср ости сувлари</b>	134
<b>11.1.1.Ёриқ ср ости сувларининг геолог-генетик турлари</b>	134
<b>11.2.Карст ср ости сувлари</b>	135
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	137
<b>12-боб. Абаций муз.ник жинслари қарни ер ости сувлари</b>	138
<b>12.1.Музлаган қатлам усти сувлари</b>	138
<b>12.2.Музлаган қатламлараро сувлар</b>	139
<b>12.3.Музлаган қатлам ости сувлари</b>	140
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	141
<b>13-боб. Булоқлар</b>	141
<b>13.1.Булоқларнинг гидродинамик хусусиятларига қараб бўлиниши</b>	142
<b>13.1.1.Пастга окувчи булоқлар</b>	142
<b>13.1.2.Пастдан юкорига отилиб чикувчи булоқлар</b>	142
<b>13.2.Табиатда булоқларнинг тарқалиши ва зоналаниши</b>	
<b>хусусиятлари</b>	145
<b>13.3.Булоқлар режими</b>	146
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	148
<b>14-боб. Минерал шифобахш, термал ва саноат аҳамиятига эга</b>	
<b>бўлган ер ости сувлари</b>	149
<b>14.1.Минерал шифобахш сувлар</b>	149
<b>14.2.Термал сувлар</b>	154
<b>14.3.Саноат аҳамиятига эга бўлган сувлар</b>	155
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	156
<b>ОЛТИНЧИ ҚИСМ</b>	
<b>15-боб. Ер ости сувларининг динамикаси</b>	157
<b>15.1.Еости сувларининг ҳаракат қилиш турлари ва қонуниятлари</b>	157
<b>15.2.Тоғ жинслари фильтрация коэффициентининг ўзгаришига</b>	
<b>таъсир этувчи омиллар</b>	162
<b>15.3.Ер ости сувлари оқими сарфини аниқлаш</b>	164
<b>15.4.Ер ости сувлари оқимининг ҳаракат йўналиши ва тезлигини</b>	
<b>аниқлаш усууллари</b>	165

<b>15.4.1. Калориметрик усул ёрдамида ер ости сувлари оқим тезлигини аниқлаш</b>	166
<b>15.4.2. Ер ости сувлари оқими тезлигини кимёвий усулда аниқлаш</b>	168
<b>15.4.3. Ер ости сувлари оқими тезлигини электрокимёвий услубда аниқлаш</b>	169
<b>15.5. Сув чиқарыш иншоотларига срости сувларининг оқиб келиши қонуниятлари</b>	170
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	176
<b>16-боб. Ер ости сувларининг кимёвий, органик таркиби, хосса ва хусусиятлари</b>	177
<b>16.1. Ер ости сувларининг кимёвий таркиби</b>	177
<b>16.2. Ер ости сувлари таркибидаги органик моддалар ва микрофлоралар</b>	180
<b>16.3. Ер ости сувларидаги газлар таркиби</b>	182
<b>16.4. Ер ости сувлари кимёвий таркибини таҳдил қилиш</b>	183
<b>16.5. Ер ости сувларини кимёвий таснифси</b>	184
<b>16.6. Ер ости сувлари таҳдили натижаларини ифодалаш шакллари</b>	185
<b>16.7. Ер ости сувларининг физик хосса ва хусусиятлари</b>	189
<b>16.8. Ер ости сувларининг сифатини баҳолаш</b>	193
<b>16.8.1. Ичимлик сувларига бўлган талаб</b>	193
<b>16.8.2. Техник мақсадлар учун ишлатиладиган ер ости сувларига талаб</b>	194
<b>16.8.3. Суғориш мақсадлари учун ишлатиладиган ер ости сувларига талаб</b>	195
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	196
<b>17-боб. Ер ости сувларининг баланси, режими ва захираси</b>	196
<b>17.1. Ер ости сувларининг баланси</b>	196
<b>17.2. Ер ости сувларининг режими</b>	198
<b>17.3. Ер ости сувларининг захираси</b>	200
<b>Такрорлаш ва текшириш учун саволлар</b>	203

## **ЕТТИНЧИ ҚИСМ**

### **ГИДРОГЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

<b>18-боб. Гидрогеологик тадқиқот усуслари, уларнинг асосий турлари, тузилмаси, олиб бориш принциплари ва босқичлари</b>	204
<b>18.1. Ер ости сув конлари тушунчаси ва уларни ўрганиш принциплари</b>	204
<b>18.2. Гидрогеологик тадқиқотлар турлари ва уларни олиб бориш тартиби</b>	206

18.3.Гидрогеологик тәдкиқтларини олиб бориш боскичлари . . . . .	207
<b>19-боб. Гидрогеологик съёмка . . . . .</b>	<b>209</b>
19.1.Гидрогеологик съёмкаларнинг асосий мақсади ва талаблари . . . . .	209
19.2.Гидрогеологик съёмка таркибига киравчи текшириш ишлари . . . . .	210
19.3.Аэрофото ва аэрокосмик текшириш ишлари . . . . .	210
19.4.Ер юзасидаги визуал кузатув ишлари . . . . .	217
19.5.Геоморфологик текширув ишлари . . . . .	217
19.6.Геологик текширув ишлари . . . . .	218
19.7.Гидрогеологик текширув ишлари . . . . .	219
19.8.Гидрологик кузатув ишлари . . . . .	220
19.9.Табиий ва техноген жараёнларни күзатиш ишлари . . . . .	220
19.10.Гсеботаник кузатув ишлари . . . . .	221
19.11.Инженер-геологик текширув ишлари . . . . .	221
19.12.Бурғулаш ва қазиш ишлари . . . . .	222
19.13.Дала-тажриба ишлари . . . . .	223
19.14.Геофизик кидирув ишлари . . . . .	227
19.15.Намуналаш ишлари . . . . .	230
19.16.Лаборатория ишлари . . . . .	233
19.17.Хонаки ишлар . . . . .	234
19.18.Гидрогеологик хариталаш ишлари . . . . .	235
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	239
<b>20-боб. Объектларни лойиха, таш, құрпін ва бошқа мақсадлар</b>	
учун ўтказилишган гидрогеологик тәдкиқтот ишлари . . . . .	240
20.1.Объектларни лойихалаштириш боскичлари ва гидрогеологик, инженер-геологик тәдкиқтлар ўтказиш . . . . .	242
20.2.Ерларни суғориш билан бөглиқ бўлган гидрогеологик тәдкиқтлар . . . . .	243
20.2.1. Ерларни суғоришининг турли боскичларида гидрогеологик тәдкиқтларни олиб бориш усуллари . . . . .	246
20.3.Ерларнинг сувини кочириш билан бөглиқ бўлган гидрогеологик тәдкиқтлар . . . . .	247
20.3.1. Суви кочириладиган ерлардаги гидрогеологик шароит турлари ва тәдкиқтот ишларининг мақсади . . . . .	248
20.3.2. Ерларнинг сувини кочиришни турли боскичларда олиб бориладиган гидрогеологик тәдкиқтот ишлар услуби ва таркиби . . . . .	249
20.4. Минерал, термал ва саноат ахамиятига эга сувлар билан бөглиқ бўлган гидрогеологик тәдкиқтлар . . . . .	251
20.5. Каттиқ турдаги фойдалы казилма конларини излаб тошиш ва уларни қазиб олишдаги гидрогеологик тәдкиқтлар . . . . .	252

20.5.1. Конларда ўтказиладиган гидрогоеологик тадқиқотлардан асосий мақсад . . . . .	252
20.5.2. Конларни ўрганиш жараённида олиб бориладиган гидрогоеологик тадқиқот босқичлари . . . . .	253
20.6. Нефть ва газ конларини излаш ва улардан фойдаланиш жараённида гидрогоеологик тадқиқотлар . . . . .	257
20.6.1. Нефть ва газ конлари ҳамда нефть, газ, сувли ҳавзалар гидрогоеологик хусусиятларининг асосий турлари . . . . .	257
20.6.2. Нефть ва газ конларини излашдаги гидрогоеологик тадқиқотлар . . . . .	257
20.6.3. Нефть ва газ конларини қидириш ва қазиб олишдаги гидрогоеологик тадқиқотлар . . . . .	258
20.7. Фуқаролик ва саноат объектларини лойиҳалаштириш ва куриш мақсадида ўтказиладиган гидрогоеологик ва инженер-геологик тадқиқотлар . . . . .	259
20.8. Гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва куриш мақсадида ўтказиладиган гидрогоеологик ва инженер-геологик тадқиқотлар . . . . .	263
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	265
<b>21-боб. Қаттиқ қазилма конларининг сув босини сабаблари ва уларни сув босишдан сақлаш . . . . .</b>	<b>265</b>
21.1. Қазилма конларининг сув босишига таъсир этувчи омиллар . . . . .	266
21.2. Қазилма конларининг гидрогоеологик таснифлари . . . . .	268
21.3. Кон иншоотларига ер ости сувлари оқиб келишини аниқлаш усуллари . . . . .	269
21.4. Шахта ва очиқ конларни сув босишдан сақлаш учун кўриладиган чора-тадбирлар . . . . .	273
21.5. Кон сувларидан фойдаланиш . . . . .	276
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	277
<b>22-боб. Гидрогоеологик ва инженер-геологик тадқиқот ишлари тўғрисида ҳисботлар тузини . . . . .</b>	<b>278</b>
22.1. Гидрогоеологик ва инженер-геологик ҳисботларда келтирадиган асосий маълумотлар . . . . .	278
22.2. Хона шароитида бажариладиган гидрогоеологик ва инженер-геологик ишлари . . . . .	279
Такрорлаш ва текшириш учун саволлар . . . . .	283
<b>АДАБИЁТЛАР . . . . .</b>	<b>284</b>